

# **ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ**



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2020

УЎК: 94(575.1):355.093 “1939-1945”

КБК: 63.3(5Ў)

Қ-11



## ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

А.А. АҲМЕДОВ, А.А. ЖУРАБОЕВ, М.М. ЮЛДАШЕВ,  
А. ЗИЁ, Х.А. КАРШИЕВ, А.С. КАН

**Ўзбекистонлик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари – Т.:**  
**“Sharq”, 2020. – 412 б.**

Аждодларимизни хотирлаш халқимизга хос азалий фазилатдир. Хотирлаш ва қадрлаш она диёримизни, халқимизнинг озодлиги ва истиқболини, эркин ва фаровон ҳаётини мардлик ва шижаат билан ҳимоя қилган фидойи ватандошларимизни ёдга олмоқ, уларга муносаб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқдир. Мазкур китоб Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат кўрсатган юртдошларимизнинг порлоқ хотирасига бағишланади.

**ISBN 978-9943-5995-5-0**

**УЎК: 94(575.1):355.093 “1939-1945”**

**КБК: 63.3(5Ў)**

**ISBN 978-9943-5995-5-0**

© “Sharq” нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси Бош таҳририяти, 2020.

## ХАЛҚИМИЗНИНГ БҮЮК МАТОНАТИ

Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган бүюк ғалабага етмиш беш йил тўлди. Бу урушда иштирок этган, ҳалок бўлган, меҳнат фронти ортида матонат кўрсатган фахрийлар номини эъзозлаш, улуғлаш ва хотирлаш умуминсоний ўлмас қадриятдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллигини муносиб нишонлаш тўғрисида”ги Қарорида шундай таъкидлаб ўтади: “Эл-юртимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардлик ва қаҳрамонлиги биз учун улкан жасорат мактаби, ғурур-ифтихор манбаи бўлиб, вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда”.

Дарҳақиқат, тарих саҳифалари ўчмас, хотира эса мангудир. Урушдан олдин Ўзбекистонда 6 миллион 551 минг аҳоли яшаган бўлса, шундан 1 миллион 950 минг 700 нафар юртдошимиз жангларда бевосита иштирок этди. Аёвсиз урушдан омон қайтиш насиб этган 1 миллион 54 минг 298 нафар юртдошимизнинг 870 минг 942 нафари яраланган ва ногирон эдилар. Урушдан 896 минг 402 нафар юртдошимиз қайтмади. Улардан 538 минг 366 нафари жанг майдонларида ҳалок бўлганини, 150 минг нафари душманга асир тушганини, 50 минг нафари концентрацион лагерлардан омон чиқмаганини, 158 минг 36 нафари бедарак кетганини, фронт орти ҳисобланган юртимиз далаларида, завод-фабрикаларида асосан аёллар, кексалар, болалар кечани кеча, кундузни кундуз демай фидойилик кўрсатиб меҳнат қилганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, бизнинг халқимиз фашизм балосига қарши курашга қандай улкан хисса қўшганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ўтган оғир кунларни абадий ёд этиш, халқимизнинг фидойи ва инсонпарварлик фазилатларини тўлиқ англаш ва ота-боболаримиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида пойтахтимизда ва республикамизнинг барча вилоятларида жуда катта савобли ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Ўша оловли йилларда Ўзбекистонда етти ёшдан етмиш ёшгача бутун халқимиз “Ҳамма нарса – фронт учун, ҳамма нарса – ғалаба учун!” деб яшади, ором ва ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз оғир меҳнат қилди. Республикамиз фронтнинг мустаҳкам таъминот базасига айланди.



Юртимиздан жанг майдонларига 2 мингдан зиёд самолёт, кўплаб курол-яроғлар, ҳарбий-санитария поездлари, юзлаб дала ошхоналари, палаткалар, улкан микдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилди.

Ўзбекистон аҳолиси уруш худудларидан кўчириб келтирилган 2 миллион инсонга бошпана бериб, ўз нонини улар билан баҳам кўрди. Айниксана, ота-онаси, оиласидан жудо бўлган 250 минг нафар болаларни бағрига олиб, меҳр-муруваттаги кўрсатди.

Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusлари билан пойтахтимиздаги Фалаба боғи Иккинчи жаҳон уруши майдонларида ҳамда машаққатли меҳнат фронтида мардлик ва жасорат кўрсатган барча юртдошларимизга юксак ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг номларини абадийлаштириш, ўзбек ҳалқининг буюк ғалабага қўшган улкан ҳиссасини кенг миқёсда намоён этиш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уруш асоратларини ҳеч қачон унутмасликка чорлов мақсадида ташкил этилди.

Дарҳақиқат, давлатимиз томонидан Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларига эътибор кейинги йилларда сезиларли даражада ошгани эътирофга лойиқдир. Уларнинг шифохоналарда даволанишлари, сиҳатгоҳларда дам олишлари, ҳаж ибодатларига боришлиари учун катта имтиёзлар берилади. Жумладан, мамлакатимизда 9 май умумхалқ байрами – Хотира ва Қадрлаш кунининг тантана билан ўтказилиши, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасини абадийлаштиришга доир тадбирлар амалга оширилаётгани, уруш қатнашчилари ва ногиронларининг моддий рағбатлантирилиб келинаётгани ана шундай юксак ҳурмат ва эътибор намунасиdir. Уларга бўлган эҳтиром абадий бўлғусидир. Чунки улар бунга муносибдирлар.

Мазкур китоб ҳам юқорида қайд этилган хайрли ишлар жумласига киради. Ушбу китобдан номлари жой олган инсонлар – оддий аскардан генералгача – бирлари шу юртда туғилган бўлса, бирлари таълим олган, ҳарбий хизматга чақирилиб, душманга қирон келтирган, яна бирлари жанггоҳлардан омон қайтиб, шу юрт фаровонлиги, ободлиги учун меҳнат қилган, шу тупроқдан мангу ором топган, бир сўз билан айтганда, хаёти Ўзбекистон билан боғлиқ бўлган қаҳрамонлардир.

Уларнинг жасорати бугунги ёшларимизни – мустақил юрт фарзандларини Ватанга муҳаббат, уни кўз қорачигидек асраш, химоялаш, тинчлик деб аталмиш улуғ неъматнинг қадрига этиш руҳида тарбиялашга хизмат қилиши шубҳасизdir.

# ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ГЕНЕРАЛЛАРИ





## СОБИР УМАРОВИЧ РАХИМОВ

Генерал-майор (1943).

1902 йил 25 январда Тошкент шаҳрида туғилган.

Саккиз ёшлигига отаси вафот этгач, Тошкентнинг Тахтапул маҳалласида яшайдиган Раҳим тогасининг уйига онаси билан бирга кўчиб ўтади. Унинг қаромоғида яшаб, ўқиди.

Ҳарбий хизматни 1922 йили бошлаган. 1925 йили Боку Бирлашган ҳарбий мактабини битиргач, Туркистон ҳарбий округига хизматни давом эттирган. 1930 йили ҳарбий бошликлар таркибини такомиллаштириш ўқчи-маҳорат курсларини туттаганидан кейин турли ҳарбий округларда хизмат қилган.

1940 йили Фарбий маҳсус ҳарбий округга юборилган.

1941 йил июнь ойида майор унвони ва мото-ўқчи полк командири ўринбосари лавозимида жангга кирган. Фарбий фронт таркибида Белоруссия ва Смоленскни қилишда қатнашган.

1941 йил июль ойида яраланди. Даволангач, 1941 йил ноябрь ойида урушга қайтди ҳамда 56-армия 353-ўқчи дивизияси 1149-ўқчи полкига қўмондонлик қила бошлади. 1941–1942 йилларнинг қишида Жанубий фронтда Ростов ва Таганрог яқинидаги жангларда иштирок этди. 1942 йил январь ойида иккичи бор яраланди.

1943 йил 19 марта полковник Собир Раҳимовга генерал-майор унвони берилган.

1944 йил июлидан 75-ўқчи дивизия қўмондони ўринбосари, ноябридан 37-ўқчи дивизия қўмондони сифатида Белоруссия, Польшани озод этиш, Шарқий Пруссияни фашистлардан тозалашда жонбозлик кўрсатди.

1945 йил 26 марта юз берган жангларнинг бирида Собир Раҳимов жойлашган кузатув пункти душман кемаси тўпларидан ўқса тутилди. Ўқ парчаси тегиши оқибатида бошидан қаттиқ яралangan Собир Раҳимов саккиз соатдан кейин хушига келмасдан ҳаётдан кўз юмган.

Тошкент шаҳридаги “Кафаново” қабристонида (ҳозирги “Биродарлик қабристони”) дағн этилган.

1965 йил 6 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АЛЕКСЕЙ ИВАНОВИЧ БАКСОВ

Генерал-майор (1944).

1907 йил 18 мартда Россиянинг Саратов вилояти Петровск туманидаги Большая Камишинка қишлоғида туғилган.

Мактабни тўлиқсиз ўрта маълумот билан тутатган.

Ички ишлар вазирлиги Тошкент шаҳар паспорт ҳужжатларини расмийлаштириш бўлимида ишлаган.

1926 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган ва Бирлашган ҳарбий мактабга ўқишга юборилган.

1939 йили М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни битирган.

1941 йил июндан бошлаб Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

67-гвардиячи мото-ўқчи дивизияси (6-гвардия армияси, 1-Болтиқбўйи фронти)га бошчилик қилган. Ўз дивизияси билан Витебскнинг шимоли-ғарбидаги душман мудофаасини ёриб ўтиб, Ғарбий Двина дарёсини кечиб ўтган. 67-гвардиячи мото-ўқчи дивизияси жанглари мобайнинда 253 та ахоли яшаш пунктларини озод этган ва душманнинг кўп сонли тирик кучи ҳамда техникасини йўқ қилган.

1944 йил 22 июлда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Урушдан кейин армияда хизматни давом эттирган.

1948 йили Бош штаб академиясини тамомлаган. Мудофаа вазирлигининг турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилган.

1972 йилда армия сафидан бўшатилган.

1986 йили вафот этган.



## ИВАН ИВАНОВИЧ БАТЛЯЕВ

Генерал-майор (1945).

1903 йилда ҳозирги Сирдарё вилояти Мирзачўл туманидаги Надежденский қишлоғида туғилган.

Армияга 1925 йил Мирзачўл тумани ҳарбий комиссариати томонидан чакирилган. У Ўрта Осиё ҳарбий округида взвод, артиллерия батареяси ва артиллерия дивизиони командири бўлиб хизмат қилган.

1941–1945 йиллари 174-ўқчи дивизиянинг 598-енгил артиллерия полки командири, 2-гвардиячи ўқчи артиллерияси бошлиғи, 3-Украина фронтининг 46-армияси 34-ўқчи корпуси командири бўлган. Украина, Чехословакия, Венгрия ва Австрияни озод қилишда иштирок этган.

1982 йилда Москвада (Россия) вафот этган. “Николо-Архангельск” қабристонида дағн этилган.



## ГРИГОРИЙ АНДРЕЕВИЧ БЕЛОВ

Генерал-лейтенант (1953).

1901 йил 14 октябрда Россиянинг Ульяновск вилояти Сара-Сур туманида туғилган.

Самара Ҳарбий-сиёсий курсларини (1920), Тверь ҳарбий мактабини (1927), Ҳарбий-сиёсий академияни (1930) тамомлаган. Отлик полк, эскадрон, полк командири лавозимларида хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида отлик полк командири, командир ўринбосари (1942–1943) ва командир (1943–1945) бўлган. Украина, Белоруссия, Польшани озод қилиш, Кенигсберг ва Берлинни забт этишда қатнашган.

1944 йил 15 январда “Совет Йитифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Унинг бўлинмасидан энг кўп – 78 қаҳрамон чиққан (шу жумладан, 4 нафар ўзбекистонлик).

Урушдан сўнг Бош штаб академия курсларини тамомлаган (1947). 1949–1954 йилларда Самарқандда Ўрта Осиё ҳарбий округининг 17-ўқчи корпуси командири бўлган. 1954–1958 йилларда Хитой армиясида ҳарбий маслаҳатчи вазифасини бажарган. М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академиянинг кафедра бошлиғи (1958–1960) ва факультет бошлиғи (1960–1962) лавозимларида хизмат қилган. 1951–1955 йилларда Ўзбекистон Олий Совети депутати бўлган. 1962 йили истеъфога чиққан.

1994 йил 23 июнда Москвада вафот этган. “Востряковский” қабристонига дафн этилган.



## ИБРАГИМ ПАСКАЕВИЧ БИКЖАНОВ

Генерал-майор (1940).

1895 йил 17 ноябрь куни Россиянинг Рязань вилояти Болотце қишлоғида туғилган.

1923–1924 йилларда отлиқ билим юртида курсантлар эскадронига қўмондонлик қилди, 1924–1926 йилларда Тошкентдаги Ўрта Осиё Бирлашган ҳарбий мактабида эскадронга командирлик қилди. 1926–1927 йилларда Ново-черкасскдаги кавалерия комтаркиби малакасини ошириш курсларида таҳсил олди.

1927 йил август ойидан 2-Туркман кавалерия полки (Ашхобод ш.)да командир ўринбосари ва полк штаби бошлиғи, полк мактаби бошлиғи лавозимларида хизмат қилган. 1929 йил декабрь ойидан алоҳида Ўзбек кавалерия полки (Самарқанд ш.) штаб бошлиғи бўлган. 1933 йил октябридан 1936 йил ноябрь ойигача, 1936 йил март ойидан 6-Ўзбек кавалерия дивизияси таркибига кирган алоҳида Қозоқ ҳудудий кавалерия полки (Олма-Ота ш.) командири бўлган.

1936 йил май ойидан дивизия 19-тоғ-кавалерия, полк эса 48-кавалерия полкига ўзгартирилади. 1936 йил ноябрь ойидан 1938 йил октябрь ойигача 19-тоғ-кавалерия дивизияси командири ўринбосари бўлган.

Урушнинг дастлабки йилларида Бикжановнинг дивизияси Белоруссиядаги жангларда иштирок этган.

1947 йил март ойида Бикжанов М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академия хузуридаги дивизия командирлари курсини битирди ва шундан сўнг Олма-Ота университети ҳарбий кафедраси бошлиғи лавозимига тайинланди.

1950 йил 4 апрель куни истеъфога чиқкан.

1988 йил 17 декабрь куни Тошкентда вафот этган.



## АЛЕКСАНДР КОНСТАНТИНОВИЧ БОГОРОДЕЦКИЙ

Генерал-лейтенант (1946).

1902 йили Тошкент шаҳрида туғилган.

1922 йили Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Уруш пайтида 19-ҳарбий ҳаво кучлари бўлими бошлиғи, 10-ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони, 214-ҳаво ҳужум бўлими бошлиғи, 1-ҳаво армияси қўмондони ўринбосари бўлган. Киев, Москва, Белоруссия, Болтиқбўйи давлатлари, Польша ва Шарқий Пруссияни озод қилишда иштирок этган.

Львов ва Қозон ҳарбий округларининг Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони (1945–1947), Олисга учувчи авиациянинг бош қўмондони ўринбосари (1947–1957), Олисга учувчи авиация бош инспектори (1957–1958), Ҳарбий ҳаво кучлари Бош штабининг илмий-тадқиқот гурухи аъзоси (1958–1960) бўлган.

1960 йилдан захирага бўшатилган.

1986 йил 22 майда Москвада вафот этган, “Кунцево” қабристонида дафн этилган.



## НИКИТА ГРИГОРЬЕВИЧ БРИЛЕВ

Генерал-лейтенант (1945).

1896 йил 27 майда Белоруссиянинг Гомель вилояти Рогачевский тумани Лучин қишлоғида туғилган.

Тошкент ҳарбий шарқшунослик мактабини (1923), М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган (1933). Инглиз, араб, форс ва ўзбек тилларида сўзлашган. У Ўрта Осиё ҳарбий округи штабида Миллий бошқарма бошлиғи, олий ўқув юртларининг ҳарбий тайёргарлиги бошлиғи, 3-Туркистон ўқчи дивизия бошлиғи, қўмондонлик курс бошлиғи, округ Ҳаво мудофааси бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

1938–1941 йилларда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академиянинг Тошкент филиалида катта ўқитувчи лавозимида хизмат қилган.

1941–1945 йиллардаги уруш даврида – Брянск фронтининг 49-армияси ўқчи дивизияси командири, 60-ўқчи бўлинма командири, 49-армия разведкаси бошлиғи, 4-Украина фронтининг 50- ва 18-армиялар штаби бошлиғи бўлган. Москва, Курск жанглари, Белоруссия, Украина, Чехословакия ва Венгрияни озод килиш жанглари иштироқчиси бўлган.

Урушдан сўнг 1946–1951 йилларда Туркистон ҳарбий округи штабининг тезкор бўлими бошлиғи, 1951–1955 йилларда Ўрта Осиё давлат университети ҳарбий бўлими бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

1955 йил 16 августда Тошкентда вафот этган.



## АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВИЧ ВАШКЕВИЧ

Генерал-майор (1945).

1901 йилнинг 24 августида Беловеж қишлоғида, ҳозирги Польшанинг Беласток туманида туғилган.

Бүг тегирмонида ишлаган.

1919 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган.

1920 йилда пулемёт, 1925 йилда эса ҳарбий пиёдалар мактабини тугатган.

1943 йилдан бошлаб Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

1943 йилнинг 27 сентябрь кунига ўтар кечаси (Степной фронтининг 7-гвардия армияси 213-ўқчи дивизияси) 739-ўқчи полки Украиналинг Днепропетровск вилояти Верхеднепровский тумани Днепровокаменка қишлоғи яқинидаги Днепр дарёсидан кечиб ўтган ҳамда талафотларсиз плацдармни эгалланган, сўнгра муваффақиятли хужумга ўтган.

1943 йилнинг 26 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони билан тақдирланган.

1944 йилнинг 23 июлигача 232-Сумско–Киев ўқчи дивизиясининг 797-ўқчи полкини бошқарган, сўнгра Польша армиясининг 5-пиёда дивизияси командири бўлган.

1945 йилнинг 22 апрелида жангда мардларча ҳалок бўлган. Польша пойтахти Варшава шаҳрига дағн этилган.



## ЮРИЙ ВСЕВОЛОДОВИЧ ВОТИНЦЕВ

Генерал-полковник (1975).

1919 йил 23 октябрда Тошкентда туғилған.

1936 йилдан армияда. Ленинград артиллери мактабини (1938), М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1947), Баш штаб академиясини (1955) тамомлаган.

Кавказ ҳарбий округида взвод ва батарея командири лавозимида хизмат қылған. 1942 йилдан фронтда, Воронеж фронтининг 61-гвардия армияси 71-гвардия ўқчи дивизияси 295-миномёт полки штаби бошлиғи, 1-Болтиқбүйи 90-гвардия ўқчи дивизияси қўмондони бўлған. Белоруссия ва Болтиқбўйини озод қилишда қатнашган.

Урушдан сўнг Приморск ҳарбий округи штаби бошлиғи, 1950–1953 йилларда Шимолий Корея армияси артиллериасининг ҳарбий маслаҳатчиси бўлған. 1955–1959 йилларда Москва ҳарбий округининг ҳаво мудофааси командирининг ўринбосари лавозимида хизмат қылған. 1959–1967 йилларда Туркистон ҳарбий округида алоҳида Туркистон ҳаво мудофааси хизматининг командири, 30-ҳаво мудофааси корпуси ва 12-ҳаво мудофааси армиясида хизмат қылған. 1967–1986 йилларда ҳаво хужумига қарши ракета ва космик мудофаа кучлари қўмондони бўлған. 1986 йилдан нафақага чиққан.

2005 йилнинг 29 ноябрида Москвада вафот этган. “Митинский” қабристонига дағн этилган.



## МАХМУТ АХМЕТОВИЧ ГАРЕЕВ

Армия генерали (1989).

1923 йили туғилған.

1939 йилда Тошкент пиёдалар билим юртига ўқишигә кирди. 1941 йилда тамомлади. 1941–1942 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округида хизмат қилған. 1942 йилда Тошкентда қисқа муддатли “Выстрел” курсларида ўқиган. 1942–1945 йилларда Фарбий, 3-Белоруссия ва Узок Шарқ фронтларида жанг қилған.

Урушдан сўнг М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1950) ва Баш штаб Ҳарбий академиясини (1959) тамомлаб, полкка, бўлинмага командирлик қилған, Армия қўмондони ўринбосари, СССР Қуролли Кучлари Баш штаби бошлигининг ўринбосари, Миср ва Афғонистондаги Баш ҳарбий маслаҳатчи-си бўлиб хизмат қилған. 1992 йилдан истеъфога бўшатилған. Ҳарбий Фанлар академияси президенти лавозимида фаолият юритган.

2019 йил 25 декабрда вафот этган.



## НИКИТА СТЕПАНОВИЧ ДЕМИН

Генерал-лейтенант (1961).

1910 йил 31 октябрда Россиянинг Москва вилояти Орехово-Зуево туманида туғилган.

1932 йилдан армия сафида. 1933 йили ҳарбий сиёсий курсларни, 1938 йили Ҳарбий сиёсий академияни тамомлаган.

Иккинчи жаҳон уруши даврида 7-ҳаво-десант корпуси комиссари, 2-гвардиячи ҳаво-десант дивизиясининг сиёсий бўлими бошлифи, 17-гвардиячи ўқчи корпуси сиёсий бўлими бошлифи лавозимларида хизмат қилган. Москва мудофааси, Курск жанги, Украина, Польша ва Чехословакияни озод қилиш жанглари иштироқчиси бўлган.

Урушдан сўнг Дон ва Шимолий Кавказ ҳарбий округининг сиёсий бўлими бошлифи (1945–1946), 39-армия сиёсий бўлими бошлифи (1946–1951) бўлиб хизмат қилган. Ҳарбий-сиёсий академия курсларини тамомлаган (1952). Ҳарбий Кенгаш аъзоси – Болтиқ ҳарбий округи Сиёсий бўлими бошлифи (1957–1960), Туркистон ҳарбий округи ҳарбий Кенгashi аъзоси (1960–1966) бўлган.

1963–1967 йилларда Ўзбекистон Олий Совети депутати, 1966–1973 йилларда “ДОСААФ” раиси ўринbosари лавозимида меҳнат қилган. 1973 йилдан истеъфога чиққан.

1965 йил 7 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1989 йил 27 майда Москвада вафот этган. “Кунцево” қабристонига дафн этилган.



## ДМИТРИЙ ФЕОКТИСТОВИЧ ДРЁМИН

Генерал-майор (1943).

1896 йил 15 март куни Россиянинг Оренбург вилояти Кретовка (хозирги Курманаев тумани) қишлоғида туғилган.

1920 йил сентябрдан ҳарбий хизматга чақирилган.

1941 йил август ойида Урюпин пиёда аскарлар билим юрти бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланган.

1941 йил 24 ноябрда Донбасс шаҳри мудофаасидаги 11-аплоҳида ўқчи бригадаси командири лавозимига тайинланди. 1942 йил апрелида мазкур бригада асосида Тамбовда 107-ўқчи дивизияси шакллантирилиб, Дрёмин унинг кўмондони этиб тайинланган.

1942 йил декабрида полковник Дрёмин 309-ўқчи дивизияси қўмондони ўринбосари лавозимига тайинланди.

1943 йил 23 октябрда “Совет Иттифоки Қахрамони” унвони берилган.

1944 йил сентябрь ойида Дмитрий Феоктистович Дрёмин 30-ўқчи корпуси командири ўринбосари, 1944 йил ноябрь ойида 17-ўқчи корпус командири ўринбосари, 18–30 ноябрь кунлари вақтинчалик мазкур корпусга қўмондонлик қилган. Шарқий Карпат операцияси жангларида иштирок этган, корпус унинг бошчилигига шаҳарни ва Чоп йирик темир йўл станциясини озод қилган. 1945 йил январь–февраль ойларида Фарбий Карпат операциясида иштирок этган, Чехословакия ва Польшани озод қилиш жангларида, Кошице, Спишка, Нова Вес шаҳарларини озод қилишда иштирок этган.

1945 йил февраль ойида Дрёмин оғир хасталикка чалиниб, ҳарбий касалхонага юборилди. Соғайиб кетиши билан Урал ҳарбий округи Командирлар таркибини такомиллаштириш курслари бошлиғи лавозимига тайинланган.

1951 йил февраль ойида генерал-майор Дмитрий Феоктистович Дрёмин хасталиги туфайли истеъфога бўшатилган.

Тошкентда яшаган ва ишлаган. 1953 йил 12 декабрь куни вафот этган. “Боткин” қабристонига дағн қилинган.



## СЕРГЕЙ ВЛАДИМИРОВИЧ ЗАВАЦКИЙ

Генерал-майор (1943).

1884 йилда Қарақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрида туғилган.

1920 йилларда Темир йўллар халқ комиссарлиги ички сув йўллари бўлимининг шўнғиши мактабида ўқитувчи бўлган.

1935 йилдан Харбий транспорт академиясининг “Кўприкларни тиклаш” бўлими бошлиғи бўлган. Совет-фин (1939–1940) ва Иккинчи жаҳон уруши катнашчиси. Жанговар худудларда кўприклар барпо этишга катта ҳиссасини кўшган. 1956 йилдан истеъфога чиқкан.

1958 йилда Ленинград (хозирги Санкт-Петербург) шаҳрида (Россия) вафот этиб, “Богослов” қабристонида дафн этилган.



## ВЛАДИМИР НИКОЛАЕВИЧ ИВАНОВ

Генерал-лейтенант (1958).

1905 йил 1 июнда Тошкент шаҳрида туғилган.

1919–1921 йилларда чегарачилар дивизияси штаб курьери, Қизил командирлар курси котиби, Троиц тумани милицияси ходими бўлиб фаолият юритган (1921–1922). 1923 йилда Тошкент вилояти ҳарбий комиссариати томонидан Тошкент қўшма ҳарбий мактабига юборилган.

1926 йил мактабни артиллериячилар бўлимини тугаллади ва артиллериячилар взводи командири, полк мактабининг бошлиғи, дивизион командири бўлиб хизмат қилди.

1941–1945 йиллардаги уруши даврида 52-артиллерия полки командири, 101-артиллерия танкка қарши полки командири, 179-пиёдалар дивизияси командири, 16-армия артиллерия командири ўринбосари, 5-артиллерия дивизияси командири лавозимларида хизмат қилган.

Смоленск жангиди, Вязьма операциясида, Москва ҳимоясида, Брянск операциясида, Ленинград қамалининг тугатилишида ва Ясси-Кишинёв хужуми жангларида иштирок этган.

Урушдан кейин у артиллерия бригадаси, бўлинма ва артиллерия ўкув лагерининг командири эди. Артиллерия академияси курсларини тамомлаган (1953). Шимолий ва Урал ҳарбий округлари артиллерияси командири лавозимида хизмат қилган. 1960 йилдан захирага чиқарилган.

1970 йил 27 ноябрда вафот этган. Нижний Новгород (Россия)да “Марина Рошча” қабристонига дафн этилган.



## СТАНИСЛАВ АНТОНОВИЧ ИВАНОВСКИЙ

Генерал-майор (1940).

1893 йил 28 ноябрда Витебск вилояти (Верхнедвинск, Белоруссия Республикаси Витебск вилояти) Дриссенский тумани Сушковская волостида туғилган.

Биринчи жағон уруши қатнашчысы. 1918 йилдан ҳарбий хизматда. Витебск пиёдалар қўмондонлиги курсларини тутатиб, 1920 йилда Туркистонда хизмат қилган. Тошкент захира батальони взвод командири, кейин рота, батальон командири бўлган. “Выстрел” курсларини (1925) тутатган.

Ўрта Осиё Бирлашган ҳарбий мактаби (Тошкент) курсанти бўлган. 1929–1932 йилларда алоҳида ўзбек бригадасининг алоҳида ўзбек батальони командири бўлган. 1932–1936 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округи ўқув маркази раҳбари, 1937–1938 йилларда Тошкент ҳарбий билим юрти батальони командири, 1938–1939 йилларда Ўзбекистон Осоавиахим Марказий Кенгаши спорт ва отиш сектори бошлиғи, 1939–1940 йилларда Тошкент ҳарбий билим юрти бошлиғи ўринбосари бўлган.

1940–1942 йилларда Урюпин ҳарбий пиёдалар мактаби раҳбари бўлган. 1942 йилда Шимолий Кавказ химоясида Кабардин-Балкар АССР мудофаа кўмитаси аъзоси бўлган. 1944–1945 йилларда Винницанинг 241-ўқчи дивизияси командири бўлган. 38-кўшин таркибида дивизия Фарбий Карпат ва Морав-Остравский хужумкор операцияларида иштирок этган. Урушдан сўнг Львов вилояти (1945–1947) коменданти бўлган.

1947–1951 йилларда Ўрта Осиё давлат университети ҳарбий бўлими бошлиғи (Тошкент), 1951–1954 йилларда Тошкент вилояти ҳарбий комиссари бўлган. 1954 йилда захираға чиқарилган. 1950–60-йилларда Тошкент ҳарбий билим юрти фахрийлар Кенгаши раиси вазифасини бажарган.

1975 йил 31 январь куни Тошкентда вафот этган. "Боткин" қабристонида дағн этилган.



## ВИКТОР ПАВЛОВИЧ КАНАРЁВ



Генерал-лейтенант (1951).

1907 йил 23 март куни Кўқонда туғилган. 1925 йили мактабнинг 9-синфи ни битириб, Фаргона вилояти ер бўлимида статист бўлиб ишлаган.

1927 йилнинг апрель ойидан ҳарбий хизматда бўлган. 1941 йил июнь ойидан Иккинчи жаҳон уруши жангларида қатнашган. 1942 йил август ойидан подполковник Виктор Канарёв Черномор флоти Ҳарбий ҳаво кучлари (ХҲК) 1-мина-торпедо авиадивизиясининг 5-мина-торпедо авиаполкига бошчилик қилган.

1944 йилда Канарёв Ҳарбий дengiz академияси хузуридаги ХҲК ва Ҳаво хужумидан мудофаа офицерлар таркибининг академик курсларини тутгатган. Шу йилнинг апрель ойидан Черномор флоти ХҲКнинг 2-мина-торпедо авиадивизиясига бошчилик қилган. 1943 йил август ойида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвонига тавсия этилган бўлса-да, мукофотни 1944 йилнинг апрель-май ойларида Кримдаги хужумкор операциялар тугагандан сўнг олган.

Урушдан сўнг Канарёв хизматни Ҳарбий дengiz флотида давом эттириди. 1945 йилнинг декабрь ойидан 1947 йилнинг февраль ойигача Черномор флоти ХҲК штаб бошлиги лавозимида хизмат қилди. 1949 йилда К.Е.Ворошилов номидаги Олий ҳарбий академияни тамомлади. Шундан сўнг 1949 йил апрель ойида Черномор флоти ХҲК штаб бошлиги лавозимига қайта тайинланди. 1950 йил февраль ойидан 1955 йил май ойигача Тинч океанидаги 5-флот ХҲК қўмондони сифатида фаолият юритди. 1951 йил 27 январь куни унга авиация генерал-лейтенанти ҳарбий унвони берилган. 1956 йилнинг май ойидан К.Е.Ворошилов номидаги Олий ҳарбий академиянинг ХҲК кафедраси бошлиги ўринбосари лавозимида фаолият юритди. 1957 йилнинг март ойидан реактив-артиллериya куроллари секцияси бошлиги ва ҲДФ Денгиз илмий-техника қўмитаси аъзоси, 1959 йил август ойидан СССР ҲДФ Бош қўмондони хузуридаги илмий-тадқиқот гурӯҳи бошлигининг ўринбосари, 1960 йил июнь ойидан яна ҲДФ Денгиз илмий-техника қўмитаси аъзоси лавозимларида ишлаган.

1961 йил апрель ойидан истеъфога бўшатилган.

1965 йил 5 июнь куни Москвада вафот этган. “Севастополь шахри” қабристонида дафн этилган.



## КАРИМ КАРИМОВИЧ КАРИМОВ

Генерал-майор.

1914 йилда Андижон вилоятида туғилган.

1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

Иккинчи жаҳон урушининг бошларида Карим Каримов хизмат қилган 31-ўқчи дивизия Аракс дарёси бўйлаб Арманистон ва Туркия ўртасидаги давлат чегарасини ҳимоя қилиш бўйича жанговар вазифани бажарган.

Дивизия 1941 йил Жанубий фронт таркибида Ростов ва Таганрогни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилиб, мудофаа урушларида иштирок этган. Бу жангда у жароҳат олиб, Озарбайжоннинг Боку шаҳрида госпиталда даволанган.

1943 йилнинг октябридан 1974 йилнинг мартағача туман, шаҳар, вилоят ва республика ҳарбий комиссариатларида турли лавозимларда хизмат қилган. Жумладан, 1946 йилда Андижон шаҳар, 1953 йилда Бухоро, 1955 йилда Самарқанд вилояти, 1959 йилда республика ҳарбий комиссари лавозимларида фаолият юритган.

Армия сафида 34 йилдан зиёд вақт хизмат қилган.

1974 йили Куролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган.

1978 йил 14 августда 64 ёшида Тошкент шаҳрида вафот этган.



## ГЕОРГИЙ СПИРИДОНОВИЧ КАРИОФИЛЛИ



Генерал-полковник (1958).

1901 йилда Самарқандда туғилган.

Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Ўрта Осиё ҳарбий округида курол ва батарея командири бўлиб хизмат қилган. М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган (1935), артиллерия дивизиясини бошқарган.

1941–1945 йиллардаги уруш даврида Фарбий фронт артиллерияси штаби бошлиғи, Шимолий Кавказ фронти 56- ва 18-армия артиллерияси бошлиғи, 1-Украина фронти артиллерияси қўмондони ўринбосари, 4-Украина фронти артиллерияси қўмондони лавозимларида хизмат қилган.

1941 йил 14 июлда “Катюша”дан биринчи жанговар фойдаланишга буйруқ берган.

Урушдан кейин Мудофаа вазирлигининг ҳарбий таълим муассасалари бошқармаси бошлиғи, ракета кучлари ва қуруқликдаги кучлари артиллерияси бошлиғи бўлган.

1968 йилдан нафақага чиқарилган.

У 1971 йил 19 октябрда вафот этган. Москва шаҳридаги “Новодевичье” қабристонида дағн этилган. “Катюша” русумида қабр тоши ўрнатилган.



## ДМИТРИЙ СТЕПАНОВИЧ КОВЕШНИКОВ

Генерал-лейтенант (1970).

1918 йил 26 октябрда Емельяновка қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Оренбург вилояти Матвеевский тумани) туғилган.

1928 йилдан Кўкон, Фарғонада яшаб, Сўх ирригация бюроси (Фарғона вилояти)да туман гидрометристика бўлимида ишлаган.

1936 йилда ҳарбий хизматга Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган. 1939 йилда Тошкент пиёда аскарлар билим юртини тугатгач, январь ойида хизматни давом эттириш учун лейтенант унвонида Шепетовка шаҳри (Киев ҳарбий округи)да жойлашган ўқчи полкига взвод командири лавозимига тайинланди.

Совет-фин урушида, 1940 йил ёзида эса Бессараб юришида иштирок этган. 1940–1941 йилларда ғарбий чегарада ўқчи ротаси командири, кейинчалик эса Коломна шаҳридаги (Ивано-Франковск вилояти, Украина) ўқчи полки штаби бошлиғи ёрдамчиси сифатида хизмат қилган.

1942 йилда төғ-ўқчи полк штаби бошлиғи ўринбосари, 1943 йилгача эса төғ-ўқчи дивизияси штаби бўлинмаси бошлиғи бўлган. 1942 йил ёзида оғир яраланди. 1943–1944 йилларда дастлаб штаб бошлиғи, кейин эса төғ-ўқчи дивизиясининг төғ-ўқчи полки (Приморск армияси) бошлиғи лавозимларида хизмат қилди.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Каҳрамони” унвони берилган.

1943 йил 17 декабрдан 1944 йил 27 апрелгача 318-төғ-ўқчи дивизиясининг 1339-төғ-ўқчи полкига қўмондонлик қилган. 1944 йилда М.В.Фрунзеномидаги Ҳарбий академияга ўқишига юборилди. Академиянинг тезкор курсини тамомлагач, 1945 йилда Югославия Халқ армиясини ташкил этишда ёрдам кўрсатиш учун хизмат сафари билан Югославияга жўнатилди ва 1947 йилнинг иккинчи ярмигача у ерда хизмат қилди.

1978 йилда оғир хасталик сабабли истеъфога чиқарилди.

1998 йил 17 декабрда Москвада вафот этган. “Троекуров” қабристонига дағнан этилган.



## ГЕОРГИЙ НИКИТОВИЧ КОВТУНОВ

Генерал-лейтенант (1964).

1918 йил 26 майда Ореховка қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Самара вилояти Алексеевский тумани) туғилган.

1936–1938 йилларда Тошкент ҳарбий билим юртида тахсил олган. 1938 йилда Тбилиси төг-артиллерия билим юртига ўтказилди ва 1939 йилда уни тамомлади.

Совет қўшинларини Эронга олиб киришда иштирок этган. 1942 йил сентябрь ойидан бошлаб уруш фронтларида хизмат қилган. Харьков остонасидағи, Дон, Сталинград ва Курск жангларида, Псков вилоятини озод қилишда иштирок этган. 1943 йил ноябрь ойида бир қанча оғир жароҳатлар олган. Сафга қайтгач, Белоруссияни озод қилишда иштирок этди.

1944 йил июнь ойига келиб подполковник Георгий Ковтунов 1-Болтиқбўйи фронти 6-армияси 67-ўқчи дивизиясининг 138-артиллерия полкига командирлик қилган. Витебскни озод қилиш чоғида жонбозлик кўрсатган.

Фарбий Двинани жанг билан кечиб ўтишда полкка моҳирона командирлик қилгани, фронтда душман босқичиларига қарши курашда қўмондонликнинг жанговар топширикларини намунали бажаргани, бу жараёнда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун 1944 йил 22 июлда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, Ковтунов хизматни давом эттирди.

1987 йил 7 майда вафот этди. Москванинг “Кунцево” қабристонида дағн этилган.



## НИКОЛАЙ МИХАЙЛОВИЧ КОЗЛОВ

Генерал-лейтенант.

1926 йил 12 декабрда Россиянинг Самара вилоятида туғилган.

“Фабрично-заводское ученичество” (ФЗУ) касб-хунар мактабини тугатиб, Тошкент заводида чилангар бўлиб ишлаган.

1942 йил сентябрь ойида Тошкент шаҳар Фрунзе тумани ҳарбий бўлин-маси томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Чирчиқ шахридаги танк билим юртида таҳсил олган. 1943 йил июнь ойидан жанговар харакатларда иштирок эта бошлаган. Курск ёйида жанг қилган, Корсунь-Шевченко ва Ясси-Кишинёв жанговар операцияларида, Будапешт яқинида душманнинг тор-мор қилинишида иштирок этган.

441-танк батальони, 110-танк бригадаси (18-танк корпуси, 5-танк армияси, 2-Украина фронти) командири, кичик лейтенант Николай Козлов Днепр учун жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 24 октябрда Кривой Рог шаҳри худудида бригада танк куршови остида ва пиёда аскарлар кўмагисиз қолди. Шунда у саккиз соат мобайннида душманнинг устунлик қилган кучларига қарши ҳаракат қилди. Моҳирона маневри ва мардонавор ҳаракатлари билан танк экипажи 5 та дзот, 1 та танкка қарши тўп, 4 та зирҳли машина, 30 та ҳарбий юк ортилган автомашина, 5 та БТР, 60 нафаргача ёв аскарларини қириб ташлаб, танкни қуршовдан олиб чиқишига муваффақ бўлди.

1944 йил 10 март куни “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Украина, Руминия, Венгрия ва Австрияни фашизмдан озод қилишда иштирок этган.

1946 йилда Ленинград Олий офицерлик бронетанк билим юртини, 1961 йилда Бронетанк қўшиллари ҳарбий академиясини тамомлади. Турли командирлик лавозимларида хизмат қилган.

1983 йил 25 сентябрда вафот этган. Краснодарда (Россия) дафн этилган.



## ГЕННАДИЙ ЛЬВОВИЧ КОСТИН



Генерал-майор.

1915 йилда Фарғона шахрида туғилган.

1937 йилдан Фарғона тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Учувчилар билим юртини тутатган.

1941–1945 йиллардаги уруш даврида 1-Украина фронтининг 2-ҳаво қўшини 50-алоҳида разведкачи авиация полкининг эскадрилья штурмани, 118-разведкачи авиация полки учувчиси бўлган. Карпат, Висла-Одер, Берлин ва Прага операцияларида иштирок этган.

Урушдан сўнг Ҳарбий ҳаво кучлари академиясини тамомлаган. 8-алоҳида ҳаво мудофаа армияси ходимлари тезкор бўлими бошлиги лавозимида хизмат қилган.



## АНАТОЛИЙ АНДРЕЕВИЧ КРАСНОВ

Генерал-майор (1942).

1906 йил 18 июнда Россиянинг Пенза шаҳрида туғилган.

Армияда 1928 йилдан хизматни бошлаган. Волга ҳарбий округи 34-ўқчи дивизиясининг взвод командири бўлган, 1930–1936 йилларда захирага бўшатилган. 1936 йилдан яна армияга чақирилган. Рота командири, Ленинград ҳарбий округининг 70-ўқчи дивизияси 210-ўқчи полки батальони командири лавозимларида хизмат қилган. 1939 йили “Выстрел” курсларини тутаган. 1939–1940 йиллардаги совет-фин уруши қатнашчиси, 7-армиянинг 70-ўқчи дивизия 68-ўқчи полки батальон командири. Финляндиянинг Ханукала қишлогини кўлга олиш вақтида жонбозлик кўрсатган. 1940 йил 21 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди.

1941–1945 йилларда 68-ўқчи полк командири, 70-ўқчи дивизияси Карелия фронтининг 23-армияси 50-ўқчи корпуси (кейинроқ Ленинград фронтиниг 48-армияси) 10-ўқчи дивизияси қўмондони, 3-гвардия ўқчи дивизияси, 45-гвардия ўқчи дивизияси (Ленинград фронти) командири бўлган. Бош штаб академиясини тамомлаган (1944). У Карелияни, Ленинградни химоя килиш, Украина, Польша, Чехословакияни озод килиш ва Берлинни кўлга олишда фидойилик кўрсатган.

Урушдан кейин бригада командири бўлган. М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академия курсларини тамомлаган. (1953). 1953–1967 йилларда Туркистон ҳарбий округида хизмат қилган. 71-тоғ ўқчи бўлими командири (1953–1957), 17-Туркистон ўқчи корпуси командири (1957–1961), 1961–1967 йилларда Туркистон ҳарбий округи фуқаро мудофааси бўйича қўмондон муовини, округ фуқаро мудофааси бошлиғи (Тошкент) лавозимларида хизмат килган.

1962 йилда Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини сиртдан тамомлаган.

1967 йил 19 августда Тошкентда вафот этди. “Боткин” қабристонига дағн этилган.



## ИВАН АНДРЕЕВИЧ КУЛИЧЕВ

Генерал-лейтенант (1970).

1920 йил 29 августда Верхний Баскунчак станциясида (Россиянинг ҳозирги Астрахань вилояти Ахтубинск тумани шаҳар типидаги посёлкаси) туғилган.

Болалигидан Қозогистоннинг Уральск шаҳрида яшаган. 1940 йили ҳарбий хизматга Тошкент шаҳар ҳарбий комисариати томонидан чақирилган. 1943 йили Пермь ҳарбий-авиация учувчилар мактабини тамомлаган.

155-штурмчи авиация полки (9-штурмчи авиация дивизияси, 1-штурмчи авиация корпуси, 5-хаво армияси, 2-Украина фронти) лейтенанти Куличев 1944 йилнинг июн ойи охиригача 176 та жанговар парвозни амалга оширган, 8 та танк, 38 та автомашина, 5 та темир йўл вагонини йўқ қилган, 3 та зенит батареялари ўтини ўчирган, 2 та душман самолётини уриб туширган.

1944 йил 26 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1954 йилда Ҳарбий ҳаво академиясини тамомлаган. Бир қатор кўмондонлик лавозимларида ишлаган. Оренбург олий ҳарбий учувчилар билим юртига бошлиқ этиб тайинланган. 1968 йил 23 сентябрдан 1972 йил 18 октябргача Сибирь ҳарбий округи Ҳарбий ҳаво кучлари кўмондони бўлган.

1979 йил 28 августда Москвада вафот этган. “Кунцево” қабристонига дафн этилган.



## ПАВЕЛ СЕМЁНОВИЧ КУРБАТКИН

Генерал-лейтенант (1944).

1898 йил 24 декабрда туғилған.

1918 йилдан бошлаб ҳарбий хизматда. 37-пиёда аскарлар командирлик курсларини (1921), ўрта командирлик таркибининг қайта курсларини (1923), Тошкент Бирлашган ҳарбий-қўмандонлик мактаби (1927), “Вистрел” ўқчи-тактик курслари (1937), Бош штаб академияси хузуридаги олий раҳбарлик таркибини такомиллаштириш курсларини (1940) битирған.

1937 йил июнъ ойидан 1938 йил июль ойигача Испаниядаги фуқаролик урушида иштирок этган. 1939 йил январь ойидан Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинлари қўмандони ўринбосари, 1941 йилдан қўмандон бўлган. Округ ҳудудида турли фронтлардаги жанговар ҳаракатларда иштирок этган кўплаб кисмлар ва бирималар ташкил этилган. П.С.Курбаткин қўмандонлиги остидаги округ қўшинлари амалдаги армия учун қўшимча кучларни шакллантириш, ўқитиш ва уларни юбориш билан бир вақтнинг ўзида Собиқ Иттифоқнинг Ўрта Осиёдаги жанубий давлат чегарасини ёпиш йўлидаги тайёргарлигини кўллаб-куватлаб турди.

1944 йилдан бошлаб Харьков ҳарбий округи қўшинлари, 1945 йилдан бошлаб Степной ҳарбий округи қўмандони лавозимида хизмат қилган. Қўшинларни шакллантириш ва уларни ўқитишга бевосита раҳбарлик қилган.

Урушдан кейин қўмандон ўринбосари, Туркистон ҳарбий округининг олий ўқув юртлари бўйича қўшинлар қўмандони ёрдамчиси (1946–1955 й.) лавозимларида хизмат қилган.

1956 йил 1 ноябрда вафот этган. Тошкентда “Боткин” қабристонида дафн этилган.



## ИВАН ФЁДОРОВИЧ КУЦ



Генерал-майор (1943).

1900 йил 25 январда Красноводскда туғилған (Туркманбоши, Туркменистан).

Самарқандда яшаб, 1918 йилда Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан армияга чакирилған. Ўрта Осиё ҳарбий округида хизмат қылған (Самарқанд, Тошкент). Туркистон отлиқ курслари (1919, Тошкент), Олий отлиқ билим юртини (1925, Ленинград) ва М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1934), Баш штаб академияси қошидаги курсларни тугатған (1943).

1919–1924 йилларда Туркистон халқаро бригадасининг эскадрон ва полк командири, 1925–1931 йилларда полк командири, полк билим юрти раҳбари бўлған. 1934–1939 йилларда разведка бошқармасида хизмат қылған. 1939–1940 йилларда эса Ҳарбий академияда муаллимлик қылған. 1940–1941 йилларда 19-ўзбек отлиқ дивизияси командири, 1941 йилдан 221-мотоўқчи дивизияси командири (Самарқанд) бўлған.

1941–1945 йиллардаги уруш даврида 56- ва 62-отлиқ бўлинмалар қўмондони, 2-гвардиячи отлиқ корпус қўмондонининг мувонини, 6-гвардиячи отлиқ корпус қўмондони бўлған. Украина, Венгрия ва Чехословакияни озод қилишда иштирок этган.

1946–1955 йилларда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академиянинг ҳарбий география бўлими бошлиғи, 1955–1957 йилларда Смоленск жисмоний тарбия институти ҳарбий бўлими бошлиғи бўлған.

1957 йилдан истеъфога чиқарилған.

1989 йил 22 августда Москвада вафот этган.



## **ВАСИЛИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ЛЕБЕДЕВ**

Генерал-майор.

1904 йил Самарқандда туғилган.

1925 йилда Тошкент шаҳар комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. У Ўрта Осиё ҳарбий округида алоқа ротаси ва батальони командири бўлиб хизмат қилган.

1941–1945 йилларда Ленинград фронтидан алоқа бўлими бошлиғи ёрдамчиси, 44-армия алоқа бошлиғи, Шимолий Кавказ фронти тезкор-техник бўлими бошлиғи, Қирғоз армияси алоқа бошлиғи мувонини, Ленинград фронтида 4-зарборд армия корпуси қўмондони лавозимида хизмат қилган.



## АЛЕКСАНДР АЛЕКСАНДРОВИЧ ЛУЧИНСКИЙ



Армия генерали (1955).

1900 йил 23 мартда Украинанинг Киев шаҳрида туғилган.

1922 йилдан 1941 йилгача Туркистонда хизмат қилган. Взвод командири, эскадрон командири, 2-Туркистон отлиқ бригадасидаги полк мактаби бошлиғи вазифаларида фаолият кўрсатган. Ўрта Осиё Бирлашган ҳарбий мактаби (Тошкент, 1927) ва қўмондонлик штаб-квартирасини такомиллаштириш учун отликлар курсларини туттаган (1930). 83-Туркистон тоғ-отлиқ полки командири, Ўрта Осиё ҳарбий округи штаби бошлиғи, 83-Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси қўмондони бўлган.

1941 йилда Эрон операциясида, 1942–1943 йилларда дивизия командири лавозимида Кавказ жангига қатнашган. 1943–1944 йилларда 3-тоғ-ўқчи корпуси командири бўлган. Кримни озод қилишда иштирок этган. 1944–1945 йиллар 28-армияга қўмондонлик қилиб, Белоруссияни, Польшани озод қилиш, Шарқий Пруссияда душманни мағлуб этиш, Берлинни қўлга олиш, Прагани озод қилишда иштирок этган.

1945 йил 19 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил августда Байкалорти фронтининг 36-армияси қўмондони бўлган. Урушдан сўнг Бош штаб Ҳарбий академияси (1948) курсларини туттаган. Германияда бир гурух совет қўшинлари қўмондони муовини, 1949–1953 йилларда Ленинград ҳарбий округи қўмондони, 1953–1958 йилларда Туркистон ҳарбий округи қўмондони бўлган. Умрининг охиригача Мудофаа вазирлигининг Бош тафтишчилари гуруҳи аъзоси бўлган.

1990 йил 25 декабрь куни вафот этган. Москвадаги “Новодевичье” қабристонида дағн этилган.



## НИКОЛАЙ ГРИГОРЬЕВИЧ ЛЯШЧЕНКО

Армия генерали (1944).

1910 йил 3 майда Россиянинг Иркутск вилояти Зима станциясида туғилган.

1917 йил оиласи билан Қирғизистонга кўчиб келган. Прежевальск (хозирги Қоракўл, Иссиқкўл вилояти) шахрида яшаган.

1929 йил октябрь ойида армия сафига чақирилган. Тошкентдаги Бирлашган Ўрта Осиё ҳарбий мактабига ўқишига юборилган. 1932 йилда ўқишини тамомлаган. 1932 йилдан Сибирь ҳарбий округининг 73-ўқчи дивизияси 217-ўқчи полкида хизмат қилган.

Иккинчи жаҳон урушидаги жангларда дастлабки кунларданоқ қатнашган. 1941 йил август–сентябрь ойларида Днепропетровски химоя қилишда, Тирасполь–Мелитополь ва Донбасс мудофаа операцияларида, Барвенково–Лозоводаги хужум операцияларида қатнашган. Ленинград камалини ёриб ўтишда иштирок этган.

1943 йил 3 марта Ленинград фронтидаги 73-алоҳида денгиз ўқчи бригадаси командири бўлган. 1943 йил 29 майдан уруш охиригача Ленинград ва 2-Белоруссия фронтларида 2-зарбдор армия таркибида 90-ўқчи дивизиясини бошқарган.

1944 йил июнь ойида Виборг операциясида Уурас шаҳрини қўлга олишда ва мустаҳкамланган Виборг шаҳрини штурм қилишда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил сентябрда 90-ўқчи дивизия Эстонияни озод қилишда яна жонбозлик кўрсатган. Шарқий Пруссия, Шарқий Померания ва Берлин операцияларида дивизия Пярну, Остероде, Гнев, Старогард, Дансиг (Гданск) ва Свииемюнде шаҳарларини озод қилган.

1957 йил декабрдан Ворошилов номидаги Олий ҳарбий академияни битириб, Туркистон ҳарбий округи қўмондонининг биринчи ўринбосари лавозимида киришган. 1965–1969 йилларда Туркистон ҳарбий округи қўмондони лавозимида хизмат қилган.

1969 йил августдан 1977 йил ноябрь ойигача Ўрта Осиё ҳарбий округи қўмондони лавозимида хизмат қилган.

1990 йил 4 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

2000 йил 10 октябрда Москва шахрида вафот этган. “Кунцево” қабристонига дағн этилган.



## ФАЙЗУЛЛА ХҮЖАЕВИЧ НОРХҮЖАЕВ

Генерал-лейтенант (1972).

1911 йил 25 ноябрда Наманган вилояти Чуст туманидаги Қизилтепа қишлоғида туғилған.

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти (1931), Артиллериya академияси (1952), Бош штаб академиясини (1959) тамомлаган. Халхин-Гол, Ҳасан кўли учун жангларда иштирок этган (1938–1939).

Ўзбек артиллериya бригадаси бошлиғи (1941–1942). Ўқчи-танкка қарши артиллериya полки ва бригадаси кўмондони (1942–1952). 1-Белоруссия, 3-Украина фронтлари таркибида жангларда иштирок этган. Дивизия ва армия артиллериyaси бошлиғи (1952–1959), Ракета кўшинлари ва кўшинларнинг шимолий гуруҳи артиллериyaси бошлиғи ўринбосари (1961–1964), Туркистон ҳарбий округи кўмондони ўринбосари (1964–1973), Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича республика жамияти раиси ўринбосари (1974–1982) лавозимларида ишлаган.

1982 йилдан Уруш фахрийлари қўмитаси Тошкент шаҳар секцияси раҳбари вазифасида фаолият кўрсатган.

1971–1980 йилларда Ўзбекистон Олий Совети 8–9-чакириқ депутати бўлган.

1983 йилда вафот этган. Тошкентдаги “Чигатой” қабристонида дағн этилган.



## ШОҲ МУРОДОВИЧ ОЛИМХОНОВ

Генерал-майор.

1910 йилда туғилган. Бухоро амири Саид Олимхоннинг ўғли.

Ҳарбий мактабда ва Қўйшибев номидаги Ҳарбий-муҳандислик академиясида таҳсил олган.

1923 йилда ўқиши учун Москва шаҳрига борган. Ўсмирлик даврида билимини ошириш учун Германияга кетган ва немис тилини яхши ўрганган.

Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан биринчилар қаторида фронтга жўнаб кетган.

Фашистлар тажовузкорона юришини тобора кучайтираётган дамларда темир йўллар, кўприкларни портлатишга раҳбарлик қилиб, душманнинг ҳаракатини секинлаштиришга ҳисса қўшган.

Ўз соҳасини мутахассиси сифатида Бош штаб раҳбариятининг эътиборига тушган.

1944 йилда Қrim яриморолини душмандан тозалаш чоғида оғир яралangan. Шу муносабат билан унга Москвадан маҳсус самолёт ажратилган. Унинг бир оёгини кесиб ташлашга тўғри келган.

Шунга қарамасдан Ҳарбий-муҳандислик академиясида ўқитувчилик фаолиятини давом эттирган ва “генерал-майор” даражасигача кўтарилган.

1987 йилда Москва шаҳрида вафот этган.



## СОБИР СОБИРОВИЧ ОХУНЖОНОВ



Генерал-лейтенант (1973).

1919 йил 10 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган.

1940 йили Тошкент олий умумқўшин қўмандонлик билим юртини тугаллаган. 1941 йил 3 августидан ўша йил декабрига қадар автомобиль взводи командири, сўнгра эса 40-армия (Жануби-Ғарбий фронт) алоҳида топшириқ бажарадиган отряд таркибига қирувчиси 1-ўқчи полкнинг курсантлар взводи командири лавозимларини эгаллаган.

1941 йил декабрь ойининг ўрталаридан 1942 йил январь ойига қадар Харьков пиёда аскарлар билим юрти курсантлар ротаси командири лавозимларида хизмат қилган.

1942 йил январь ойидан 94-махсус ўқчи бригадаси таркибида алоҳида автоматчилар ротасига командирлик қилган, 1942 йил август ойида капитан Охунжонов мазкур бригада штабининг 1-қисми (тезкор бўлинма) бошлиғи ёрдамчиси этиб тайинланган. Сталинград жангига иштирокчиси.

1943 йил август ойидан 1944 йил апрелига қадар 3-армия штаби тезкор бўлими тезкор бўлинмаси бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилган. Донбасс, Горловка, Артёмовск, Константиновск, Славянск, Краматорск, Красноармейскнинг, Запорожье ва Днепр ГЭС, Большой Белозёрканинг озод қилинишида иштирок этган.

Польша худудида Грубешчув, Глогау, Бреслау шаҳарларини озод этишда иштирок этган. Висла дарёсини жанг билан кечиб ўтган, шунингдек, Сандомир плацдарми, Сандомирни штурм билан эгаллаш жангларида қатнашган.

2012 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида 92 ёшида вафот этган.



## АРКАДИЙ ТИМОФЕЕВИЧ ПАВЛУШКО

Генерал-майор (1945).

1900 йил 11 июнь куни Самарқандда туғилган.

Самарқанд ва Урганч шаҳарларида ўқиб, ишлаган.

1918 йил июнь ойидан ҳарбий хизмат қилишни бошлаган. 1923 йилда пиёда аскарлар қўмондонлик курслари, 1925 йилда Киев Бирлашган билим юрти, 1927 йилда ҳарбий-сиёсий курслар, 1932 йилда эса Ленинград қўмондонлик таркибини такомиллаштириш бронетанк курсларини битирган.

Взводга командирлик қилган, сиёсий таркибда турли лавозимларда, 1930 йилларнинг бошида 196-ўқчи полкда батальон командири ўринбосари лавозимида хизмат қилган. 1932 йилдан бошлаб ротага командирлик қилган.

1942 йил февраль ойидан жангларда иштирок этган. 1943–1944 йилларда 36-танк бригадаси (11-танк корпуси) командири ўринбосари вазифасини бажарган. 1943 йилда икки бор яраланди. 1944 йил июлидан 65-танк бригадаси (11-танк корпуси)га командирлик қилган. 1944 йил октябрь ойидан 164-танк бригадасига қўмондонлик қилган. Бригада 1944 йил ноябрь ойидан қўмондонлик топшириклиарини намунали бажаргани ва шахсий таркиби кўрсатган қаҳрамонлиги учун 66-гвардиячи танк бригадасига айлантирилган.

1945 йил 6 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Германиядаги совет қўшинлари гурухида 20-механизациялашган дивизия командири ўринбосари лавозимида фаолият юритган.

1954 йили захирага бўшатилган. Ленинградда яшаган.

1966 йил 8 май куни вафот этган. Ленинград шаҳрининг “Шимолий” қабристонида дағн этилган.



## ИВАН ЕФИМОВИЧ ПЕТРОВ



Армия генерали (1943).

Россиянинг Брянск вилояти Трубчевск шаҳрида туғилган.

1932–1940 йилларда Тошкент ҳарбий мактаби бошлиғи (1937 йилдан Тошкент пиёда аскарлар билим юрти), 1940 йил июнь ойидан 194-ўқчи дивизияси бошлиғи, октябрь ойидан Ўрта Осиё ҳарбий округи пиёда аскарлар инспектори бўлган.

1940 йилнинг 4 июнида И.Е.Петровга генерал-майор унвони берилган.

1941 йилнинг мартада Ўрта Осиёда тузилаётган 27-механизациялаштирилган корпус бошлиғи этиб тайинланган.

1941 йил 20 августда 25-Чапаев ўқчи дивизияси қўмондони бўлди ва Одесса мудофаасида иштирок этди. 1941 йил 5 октябрь Приморье армиясига қўмондонликни қабул қилди.

1942 йил август ойидан 44-армия қўшинларига қўмондонлик қилган. 1942 йил октябрь ойидан Кавказорти фронти қўшинларининг Черномор гурухи қўмондони бўлди. У Кавказ мудофааси жангларида намуна кўрсатган, айниқса, Туапсин мудофаа амалиётида қўмондонлик салоҳиятини намоён этган. 1943 йил март ойидан штаб бошлиғи, май ойидан эса Шимолий Кавказ фронти қўмондони бўлган. И.Е.Петров қўмондонлиги остидаги фронт қўшинлари Новороссийск – Таман операциясида, Новороссийск десант операциясида, Таман яримороли, Майкоп, Краснодар, Новороссийск шаҳарларини озод қилиш жанговар харакатларида муваффакиятли иштирок этган.

1943 йил 27 августда генерал-полковник, 9 октябрда эса армия генерали унвони берилган.

Берлин ва Прага операцияларида қўшинларни моҳирона бошқаргани, уларда кўрсатган ташаббуси ва фидойилиги учун 1945 йил 29 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Туркистон ҳарбий округи қўшинларига қўмондонлик қилган (1945–1952 й.).

И.Е.Петров 1958 йил 7 апрель куни Москвада вафот этган. “Новодевичье” кабристонида дағн этилган.



## ВИКТОР ГЕНРИХОВИЧ ПОЗНЯК

Генерал-лейтенант (1945)

1901 йил 26 апрелда Самарқандда туғилган.

1919 йил мартаидан ҳарбий хизматда, Самарқанд қалъасида аскар, 3-Туркестон отлиқ бригадаси ва 3-Туркестон отлиқ дивизиясининг 12-отлиқ полкида аскар ва эскадрон старшинаси, 2-Туркестон отлиқ дивизияси 4-Қирғиз отлиқ полки взвод ва эскадрон командири бўлиб хизмат қилган.

1928–1929 йилларда алоҳида Ўзбек отлиқ полки командири, 1929–1931 йилларда алоҳида Тожик тоғ-ўқ батальони командири, 1931–1934 йилларда Ўрта Осиё ҳарбий округи (Тошкент) штаби бошлиғи бўлган.

1941 йил октябрь ойида 39-ўқчи бригада бошлиғи, 1942 йил февраль ойида 360-ўқчи дивизия командири лавозимига тайинланди.

1944 йил март ойида генерал-майор Позняк 77-ўқчи корпус бошлиғи лавозимига тайинланиб, унинг қўмондонлиги остида корпус Люблин-Брест ва Висла-Одер хужумкор операцияларда иштирок этди. Генерал-майор Позняк корпуси томонидан Яблонна-Легионов шахри худудида душман мудофааси ёриб ўтилиши, Висла дарёсининг жанг билан кечиб ўтилиши, шунингдек, Варшавани озод килиш давомида корпуснинг жанговар ҳаракатларини ташкил қилган. Тез орада корпус Шарқий Померан ва Берлин хужумкор операцияларида, шунингдек, Сохачев, Потсдам ва Бранденбург шаҳарларини озод қилишда иштирок этган.

1945 йил 6 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил июль ойидан 29-ўқчи корпуси командири, 1946 йил февралда Германиядаги совет қўшинлари гурухи таркибида 8-гвардиячи армия қўмондени ўринбосари лавозимларига тайинланган.

1948 йил апрель ойидан Олий ҳарбий академияда катта ўқитувчи ва ҳарбий тарих факультетида ҳарбийлик санъати тарихи кафедраси бошлиғи ўринбосари, 1956 йил сентябрь ойидан эса жанглар тарихи ва ҳарбийлик санъати кафедраси бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

1966 йил июль ойида истеъфога чиққан.

1983 йил 12 август куни Москва шаҳрида вафот этган. “Кунцево” қабристонида дафн этилган.



## МИХАИЛ ГРИГОРЬЕВИЧ САПОЖНИКОВ



Генерал-майор (1950).

1905 йил 10 январда Пишпек шаҳрида (ҳозирги Қирғизистон пойтахти Бишкек) туғилган.

Уруш бошлангунига қадар Тошкентда яшаган. 1930 йилда Ўрта Осиё Бирлашган ҳарбий мактабини, 1939 йилда командирлар таркибини такомиллаштириш артиллерия курсларини тамомлаган. 1939–1940 йилларда совет-фин урушида қатнашган. 1941 йил сентябрдан бошлаб фронтларда жанг олиб борган.

1943 йил 30 сентябрда 30-максус қиравчи-танкка қарши артиллерия биргаси (7-армия, Степной фронт) бошлиғи бўлган. Подполковник М.Сапожников командирлиги остидаги бригада бир неча маротаба душман пиёда аскар ва танкларининг қарши хужумларини қайтариб, уларнинг жонли кучи ва техникикасининг катта қисмини йўқ қилган.

1943 йил 26 октябрда қўмондонлик жанговар топшириқларини намунали бажаргани, бунда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатгани учун “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг армияда хизматни давом эттирган.

1947 йилда Олий академик курсларни тамомлаган. 1958 йилда ҳарбий кафедрада ишлаган.

1964 йил 4 июнда вафот этган. Саратовда (Россия) дағн этилган.



## БУРҲОН ҲАСАНОВИЧ СИРОЖДИНОВ

Генерал-лейтенант (1982).

1917 йил 24 декабрда Конибодом шаҳрида (Тоҷикистон) туғилган.

1939 йилда Фрунзе (Бишкек, Қирғизистон) давлат педагогика институти-нинг физика-математика факультетини тамомлаган.

1939 йилдан бошлаб армия сафларида хизмат қилган.

1940 йилдан Ростов полк билим юрти битирувчisi сифатида Гарбий фронт таркибида Смоленск, Москва учун жангларда қатнашган, взвод коман-дири ва артиллерия бригадаси штаби бошлигининг разведка бўйича ўринбо-сари лавозимида Белоруссия, Польша, Шарқий Пруссия худудларини фашист босқинчиларидан озод қилишда қатнашган.

1945 йилда Коломна олий артиллерия билим юртини тутатган.

1945–1946 йилларда Тошкент шаҳрида жойлашган Подольск артиллерия билим юртида катта ўқитувчи бўлиб хизмат қилган.

1947–1949 йилларда Ички ишлар вазирлиги Тошкент офицерлар мактаби катта ўқитувчisi, цикл бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.

1954 йилда Ички ишлар вазирлиги Москва ҳарбий институтини тутатгач, Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар органлари сафарбарлик тайёргарлиги штабида хизмат қилган.

1960 йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги (ИИВ) тизимида турли раҳ-барлик лавозимларда, жумладан, Тошкент ички қўшинлар қўшилмаси коман-дири (88-конвой дивизияси), кейинчалик ички қўшинлар қўмондони лавозим-ларида хизмат қилган.

1965 йил 19 апрелда полковник Б.Х.Сирождиновга “генерал-майор” ҳар-бий унвони берилган.

1980 йил октябрь оидан Ички ишлар вазирлиги Офицерлар таркибини қайта тайёрлаш олий курслари (кейинчалик 1990 йилда ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юртига айлантирилган) бошлиғи этиб тайинланган.

1982 йил 26 апрелда “генерал-лейтенант” ҳарбий унвони берилган.

1985 йил нафақага чиққач, узоқ йиллар Узбекистон уруш ва Қуролли Кучлар ветеранлари комитетига раҳбарлик қилган. “Ўзбекистон Республика-сида хизмат қўрсатган ёшлар мураббийси” фаҳрий унвонига сазовор бўлган.

1994 йилда Тошкент шаҳрида вафот этган. “Чигатой” қабристонига дағн этилган.



## ВАСИЛИЙ ИВАНОВИЧ СИРОТИНКИН

Генерал-майор (1975).

1923 йил 29 декабрь куни Россиянинг Рязань вилояти Шацкой тумани Високое қишлоғида туғилган.

1941 йил ноябрь ойида Тошкент ҳарбий бўлинмаси томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йил февраль ойида Тошкент кичик лейтенантлар радиотелеграф курсларини тамомлаган.

1942 йил февраль ойидан бошлаб уруш фронтларида хизмат қилган. Ҳаво десант бригадаси рацияси бошлиги бўлган. Жануби-Ғарбий, Сталинград ва З-Украина фронтларида жанг қилган. Бўлинма командирлигидан ўқчи батальонининг сиёсий масалалар бўйича бошлиги ўринбосари лавозимигача кўтарилган.

З-Украина фронти 8-армияси 39-ўқчи дивизияси 120-ўқчи полкининг сиёсий масалалар бўйича батальон бошлиги ўринбосари лейтенант В.И.Сиротинкин 1943 йилнинг 24 октябрига ўтар кечаси биринчилар қаторида Днепр дарёсидан ўтиб, Днепропетровск шаҳрининг жанубига жўнаб кетди. Батальон билан жангга киришиб, қулай маррани эгаллаб олди. Бир сутка давомида 22 кўнгиллидан иборат гурух душманнинг 10 та қарши хужумини қайтариб, батальоннинг дарёдан кечиб ўтишини таъминлаб берди.

1944 йил 19 март куни “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1950 йил февраль ойидан Ленинград ҳарбий-сиёсий билим юртида катта ўқитувчи, 1959 йил декабрь ойидан А.Ф.Можайский номидаги Ленинград Ҳарбий муҳандислик академиясида ўқитувчи бўлиб ишлаган, 1969 йил ноябрь ойидан Ҳарбий артиллерия академиясида хизмат қилган. 1986 йил сентябрь ойидан истеъфога чиқкан.

2008 йил 9 август куни Санкт-Петербург шаҳрида вафот этган. Песочний қишлоғи (Санкт-Петербург) қабристонида дағн этилган.



## МИХАИЛ АЛЕКСАНДРОВИЧ СИЯЗОВ

Генерал-лейтенант (1946).

1900 йил 23 январда Самарқандда туғилған.

1919 йилдан бошлаб армияда. Ашхобод пиёда курсларини тугаттагач (1922), дастлаб взвод командири, 5-Туркистан полкнинг рота ва батальон командири (Фарғона) бўлган. Сўнг “Выстрел” курсларини ва (1926) М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тугатган (1933). Урта Осиё ҳарбий округининг (Тошкент) 1941 йилги Туркистан тоғ-ўқчи дивизияси қўмондони бўлди.

1941–1945 йиллардаги уруш даврида 258-ўқчи дивизия, 7- ва 12-ўқчи корпус командири ва 3-Болтиқ фронти 67-армияси қўмондони муовини бўлган.

Москва ва Ленинградни ҳимоя килиш, Белоруссия, Польшани озод қилиш ва Берлинни кўлга олишда фаол иштирок этди. Урушдан сўнг у Бош штаб академияси курсларини тамомлаб (1948), корпус қўмондони, Свердловск ва Новочеркасск Суворов мактаблари бошлиғи вазифаларида хизмат қилди.

1956 йилда нафақага чиққан.

1957 йил 1 апрелда Белоруссиянинг Минск шаҳрида вафот этган.



## СЕРГЕЙ ГЕОРГИЕВИЧ ТРОФИМЕНКО

Генерал-лейтенант (1940).

1899 йил 22 сентябрда Ревний қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Брянск вилояти Навлинск тумани) туғилган.

Үтган асрнинг бошларида оиласи Брянск яқинидаги Лговский қишлоғига кўчиб ўтган. Ўрта мактабни ва Брянскдаги 2 йиллик темир йўл мактабини тамомлаган.

1919 йилда Тошкент шаҳридан армия сафига чакирилган.

1926 йилда “Выстрел” курсларини тутагтган.

1932 йилда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган.

1937 йилда Бош штаб академиясини тамомлаган.

1938 йил июлдан Житомир армияси кучлари гурухининг штаби бошлиғи, 1939 йилнинг сентябридан Киев маҳсус ҳарбий округи 5-армиясининг штаби бошлиғи, 1939 йилнинг сентябрь ойида совет-фин урушида 7-армия штаби бошлиғи ўринбосари лавозимларида фаолият юритган. Ғарбий Украинани озод қилиш ҳаракатларида қатнашган.

1941 йил январидан Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинлар қўмондони лавозимида хизмат қилган.

Карелиядаги мудофаа жангларида, Демиан операциясида, Курск жанги ва Белгород–Харьков операцияларида, Украинани озод қилишда, Ясси-Кишинёв, Дебрецен, Будапешт, Балатон, Вена ва Грацко-Амштеттен операцияларида қатнашган. Ясси-Кишинёв хужум операциясида 2-Украина фронти 27-армия чизигида асосий зарбани Ясси йўналишида амалга ошириб, душманнинг чукур эшелонли мудофаасини ёриб ўтган ва 6-танк армиясининг хужумини муваффақиятли бўлишини таъминлаган.

1944 йил 13 сентябрда “Совет Иттифоки Қахрамони” унвони билан тақдирланган.

1953 йил 16 октябрда Москвада вафот этган. “Новодевичево” қабристонига дафн этилган.



## САГИТ ХАИБРАХМАНОВИЧ УЛЯМАЕВ

Генерал-майор (1963).

1919 йилда туғилган.

Педагогика ишчи факультетини тамомлаган. 1937–1939 йилларда Фаргона вилояти Бағдод тумани мактабида дарс берган. 1939 йилнинг декабрида Фаргона вилояти Бағдод тумани ҳарбий комисариати томонидан армияга жалб этилган.

Череповец пиёдалар мактабини (1941), М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни (1946), Баш штаб академиясини тамомлаган (1960). Уруш пайтида у кичик лейтенантдан майор увонигача хизмат қилган.

1945 йил 24 июнда Москвада бўлиб ўтган Галаба парадида иштирок этган.

Урушдан сўнг штаб бошлиғи ва полк командири, дивизия штаби бошлиғи ва дивизия командири бўлган.

1965–1974 йилларида Омск олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига раҳбарлик қилган.

1974 йилдан нафақага чиқарилган. Москва вилояти Зелиноград шаҳрида яшаган.

1985 йилда вафот этган ва мазкур шаҳарда дафн қилинган.



## МУЛЛАЖОН КАРИМОВИЧ УЗОҚОВ

Генерал-майор (1957).

1907 йил 1 майда Кўқон шаҳрида туғилган.

1929 йил 1 октябрда ҳарбий хизматга қабул қилинган.

1939–1940 йилларда Калинин ҳарбий-сиёсий билим юрти бошлиғи ўринбосари, 1941 йилда 566-артиллерия полки ҳарбий комиссари бўлган.

1941–1942 йилларда 38-алоҳида курсантлар бригадаси ҳарбий комиссари, 103-отлик дивизияси ҳарбий комиссари, 99-кавалерия дивизияси ҳарбий комиссари лавозимларида фаолият юритган.

1942 йилнинг 12 декабридан 1945 йил 9 майгacha фронтнинг амалдаги армияси таркибида бўлган.

Уруш даврида турли вақтларда Жануби-Шарқий, Степной, Сталинград, Марказий, 1-Белоруссия фронтларининг сиёсий бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилган.

Ғалаба кунини Берлинда қарши олган. Жанглар вақтида оғир яраланган ва контузия олган.

Уруш тугагач, 1945–1946 йилларда 23-кавалерия дивизияси сиёсий бўлими бошлиғи лавозимида фаолият юритган.

1946–1959 йилларда Ўзбекистон ҳарбий комиссари, Марказий тафтиш комиссияси раиси бўлиб ишлаган.

Ўзбекистон Олий Совети 1–4-чақириқ депутати бўлган.

1959 йил захирага бўшатилган.

1946 йилдан 1960 йилгacha оиласи билан Тошкент шаҳрида истиқомат қилган.

1960 йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида вафот этган.



## ВАЛЕНТИН ИЛЛАРИОНОВИЧ ФАДЕЕВ

Генерал-лейтенант (1975).

1923 йил 17 февралда Самарқанд шаҳрида туғилган.

Одесса артиллерија мактабини (1941), Олий офицерлар артиллерија мактабини (1944), Ҳарбий артиллерија академијаси курсларини (1958) ва Бош штаб академијасини (1967) тамомлаган.

1941–1945 йилларида взвод, батарея ва дивизионга командирлик қилган. Карелия, Кавказни ҳимоя килиб, Белоруссияни, Болтиқбўйи давлатларини озод қилишда ва Кенигсбергни қўлга олишда иштирок этган.

Урушдан сўнг батальон, артиллерија полки, муҳандислар бригадаси, 37 ракета бўлими, 7-алоҳида гвардия ракета корпуси командири, Омск ракета армияси қўмондони ўринбосари, Бойкўнғир космодроми бошлиғи (1973–1978) лавозимларида хизмат қилган. 1978–1983 йилларда Бош штабнинг Ҳарбий академијаси катта ўқитувчиси лавозимида ишлаган.

1983 йилдан захираға чиқарилган.

1990 йил 18 февралда Москвада вафот этган. “Кунцево” қабристонига дафн этилган.



## АҲМАДЖОН МУҲАМАДЖОНОВИЧ ХОЖИБОЕВ



Генерал-лейтенант (1972).

1923 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1940 йил 2 майда Тошкент шаҳар ҳарбий комисариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1941 йилда Тошкент ҳарбий пиёдалар мактабини тамомлаган.

1944 йилда “Выстрел” курсларини (Сольнечногорск ш.) тамомлаган.

3-Белоруссия фронтида взвод ва рота командири бўлган. Белоруссия, Польшани озод қилишда, Германия ва Японияни мағлуб этишда қатнашган.

1945 йил апрелда 3-Белоруссия фронти 5-армиясининг 97-Витебск дивизияси 233-полки штаби бошлиғи ўринбосари бўлган. Кенигсберг жангига жонбозлик кўрсатган.

1945 йил август ойида 1-Узоқ Шарқ фронтининг 5-армияси таркибида полк штаби бошлиғи вазифасида совет-япон урушида қатнашган.

Урушдан сўнг 1956–1959 йилларда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тутатган.

1960–1969 йилларда Болтиқбўйи ва Туркистон ҳарбий округларида масъул ҳарбий лавозимларда хизмат қилган.

1969–1988 йилларда Ўзбекистон “ДОСААФ” ташкилоти раҳбари бўлган.

1972 йил декабрь ойида “генерал-майор” унвони берилган.

1982 йил декабрь ойида “генерал-лейтенант” унвони берилган.

1988 йилда ҳарбий хизматдан нафақага бўшатилган.

2001 йилда Тошкентда вафот этган. “Чигатой” қабристонига дағн этилган.



## ПАВЕЛ ФЁДОРОВИЧ ЧУПИКОВ

Генерал-полковник (1967).

1913 йилнинг 21 декабрида Тошкент шахрида туғилган.

1929 йилда мактабни битириб, Тошкент паровоз-ремонт заводида ишлабган.

1931 йилдан ҳарбий хизматни бошлаган. 1932 йилда Вольскдаги 2-авиатехниклар ҳарбий мактабини битирган.

1942 йил июль ойидан Жанубий, Кавказорти ва Шимолий Кавказ фронтларидағи 4-ҳаво армиясининг 40-қиурувчи авиация полки командири бўлган. 1943 йил 31 октябрдан 1943 йил 5 декабргача 2-ҳаво армияси 8-қиурувчи авиация дивизияси қўмондони ўринбосари, дивизия қўмондони вазифасини бажарган.

1944 йил март ойидан уруш тугагунча 1-Белоруссия фронти 16-ҳаво армияси 19-қиурувчи авиация полки командири бўлиб хизмат қилган.

1944 йил август ойига келиб, 19-қиурувчи авиация полки бошлиғи полковник П.Ф.Чупиков 388 та жанговар парвозни амалга оширган, 72 та ҳаво жангига шахсан ва гурух таркибида душманнинг 8 та самолёти, 1 та десант планиери ва 1 та кузатув аэростатини уриб туширган.

1944 йил 19 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Умуман уруш йилларида 500 дан зиёд жанговар парвозни амалга ошириди, душманнинг 11 та самолётини шахсан, гурух таркибида 3 та самолётни уриб туширган.

Урушдан сўнг Александр Невский полкига командирлик қилишда давом этган. 1976 йил ноябрь ойида захираға бўшатилган.

1987 йил 23 июнь куни Москвада вафот этган. “Кунцево” қабристонида дафн этилган.



## ПЕТР ДМИТРИЕВИЧ ЧУРКИН

Генерал-майор (1943).

1902 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1922 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комисариати томонидан армияга чақирилган. Ҳарбий мактабни тамомлаб, Ўрта Осиё ҳарбий округида взвод, артиллерия батареяси ва артиллерия бўлинмаси командири сифатида хизмат қилган. Ҳарбий академияни тамомлаган.

1941–1945 йиллардаги уруш даврида Бош артиллерия бошқармаси бошлигининг ўринбосари ва бошлиғи бўлган. Сталинград учун жангларда ярадор бўлган.

1983 йилда Москвада вафот этган.



## ПАВЕЛ ФЁДОРОВИЧ ШЕВЕЛЁВ

Генерал-полковник (1957).

1917 йил 14 январда туғилған.

Мактабнинг 7-синфини тугатгач, қурилиш техникумидა ўқишини давом эттирган.

1936 йилда ҳарбий хизматига чақирилған.

1939 йилда Чугуев ҳарбий авиация мактабини тугаттган.

1941 йил июндан Иккинчі жаҳон урушида қатнашған. 67-гвардиячи кирудчи авиация полкининг (1-гвардиячи қирудчи авиация дивизияси, 16-ҳаво армияси, Марказий фронт) эскадрилья командири бўлған.

1943 йил август охирига келиб 189 та жанговар парвозни амалга оширган. Шахсан ўзи ҳаво жангларида 13 та душман самолётини уриб туширган.

1944 йил 4 фавралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1945 йил 9 майгача 236 та жанговар парвозни амалга оширган, 55 та ҳаво жангига қатнашған ва душманинг 15 самолётини шахсан ўзи яксон қилған.

1967–1978 йилларда республикамизда жойлашған 12-алоҳида ҳаво хужумидан мудофаа қўшинлари армияси қўймондони лавозимида хизмат қилған.

1978 йилда армия сафидан бўшатилған ва Тошкентда яшаган.

1990 йил бошларида Брянскка кўчиб кетган.

2000 йилда вафот этган. Брянскдаги “Совет” қабристонига дағн этилған.



## АФАНАСИЙ ДМИТРИЕВИЧ ШЕМЕНКОВ

Генерал-лейтенант (1945).

1896 йилнинг 22 февралида Белоруссиянинг Могилёв вилояти Краснополск тумани Ленино қишлоғида туғилган.

Урушга 1941 йили Тошкент шаҳридан кетган. Новгород шаҳри худуди ва Подпороже шаҳри худудидаги (Ленинград вилояти) Свир дарёсида мудофаа жангларини олиб борган 314-ўқчи дивизияси қўмондони лавозимида хизмат қилган. 1941 йилнинг ноябрь ойидан 1942 йилнинг июнь ойигача фронт орти бўйича 7-армия қўмондони ўринбосари лавозимида хизмат қилган, Онежск ва Ладога кўуллари ўртасидаги мудофаада иштирок этган.

1942 йилда Бош штаб Ҳарбий академиясини тамомлаган. 1942 йил июнь ойидан 1943 йил ноябрь ойига қадар 4-ўқчи корпуси командир ўринбосари сифатида хизмат қилган ва ушбу корпус таркибида Сталинград жангига иштирок этган.

1943 йил ноябрь ойида 57-ўқчи дивизияси командири лавозимига тайинланган.

1944 йилнинг август ойида 29-ўқчи корпуси қўмондони лавозимига тайинланган, Польшани озод қилишда ва Германия худудидаги жангларда иштирок этган.

1945 йил апрель ои сўнгидан Берлин операциялари давомида Нойрупин шаҳрини эгаллаб олган 9-ўқчи корпусига қўмондонлик қилган. 1945 йил 2 май куни Эльба дарёсига чиққан ва у ерда Америка қўшинлари билан учрашган.

1945 йил 6 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1953 йилда захирага бўшатилган.

1972 йил 4 март куни Москвада вафот этган. “Введенское” қабристонида дафн этилган.



## МАҲМУД ТОЖИҚУЛОВИЧ ҚОСИМОВ

Генерал-майор (1949).

1901 йил Андижон шаҳрида туғилган.

Ўрта Осиё Бирлашган ҳарбий билим юртини тугатган (Тошкент, 1929). 1929–1930 йилларда Совет–Хитой чегарасидаги “Сўфи-қўрғон” чегара пости бошлигининг ўринбосари бўлган. 1930 йилларда Хитойда ҳарбий маслаҳатчи лавозимида ишлаган. 1939–1942 йилларда Ўрта Осиё чегара қўшинларининг 68-Тахта Бозор чегара отряди бошлиғи лавозимида хизмат қилган.

1943 йилда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган. 1943 йил июлидан фронтда жанг қилган. Яраланган ва контузия олган.

Жанубий фронтнинг 724-армияси 315-ўқчи бўлинмаси 2-ўқчи полки командири бўлган. Мелитополь, Никопол-Криворожск, Крим, Шарқий Карпат стратегик операцияларида, Украина, Польша, Чехословакия, Венгрия ва Германияни озод қилишда иштирок этган.

1945–1946 йилларда Эрондаги совет элчихонасининг ҳарбий атташеси, 1946–1955 йилларда Фарғона вилояти ҳарбий комиссари, 1955–1963 йилларда Фарғона шаҳар ижроия комитети раиси лавозимларида хизмат қилган.

1963 йилда вафот этган. Фарғонада дафн этилган.

# **ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ «СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИ СОҲИБЛАРИ**





## АХСАРБЕК МАГОМЕТОВИЧ АБАЕВ

1923 йилда ҳозирги Шимолий Осетиянинг Диgorа шаҳрида (Россия) туғилган.

Бошлангич мактабни тамомлаган. Колхозда ишлаган.

1942 йил августида Тошкент шаҳри ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган. Шимолий Кавказ фронтида жанг қилган. Кавказ учун жангда жонбозлик кўрсатган. Гвардия сержантини унвонигача кўтарилилган.

1943 йил 3 ноябрда 6-гвардияччи ўқчи полкининг гурӯҳ командири лавозимида ҳозирги Керчъ шаҳридаги Маяк қишлоғи яқинида Керчъ яриморолидаги плацдармни кенгайтириш учун жангда душманнинг кучли пулемёт ўқ-ёғири остида биринчи бўлиб ҳужумга ўтган. Командирнинг намунасидан рухланиб, гвардиячилар душман турган жойга ёриб кириб, уни траншеядан сиқиб чиқарган. Бу жангда бўлинманинг муваффақиятини таъминлаб, 40 нафар фашистни ўйқ қилган ва 6 нафарини асирга олган.

1944 йил 16 майда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1945 йилда армия сафидан бўшатилган.

1947 йилда Оржоникидзе темир ўйл техникумини тамомлаган. Диgorа шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

1982 йил 13 майда вафот этган.



## РАМИЛЬ ХАЙРУЛЛАЕВИЧ АБДРШИН

1925 йил ноябрь ойида Новомусино қишлоғи (хозирги Оренбург вилояты Шарлык тумани, Россия)да туғилған.

1942 йил июль ойида Каттақұрғон педагогика билим юртини тұратған ва Самарқанд вилояты Каттақұрғон шаҳридагы мактабда үкитувчи бўлиб ишлаган.

1943 йил февраль ойида ҳарбий хизматга чақирилған ва март ойидан Воронеж фронти жангларida иштирок этган.

1943 йил 22 сентябрға ўтар кечаси бўлинмаси билан Днепрни кечиб ўтди. Зарубинц, Луковиц, Григоровка (Украина) қишлоқлари учун жангларда Рамиль Абдршин қатый ва далил ҳаракат қилди.

Гитлерчиларнинг қарши ҳужумини қайтариш чоғида 1943 йил 11 октябрда оғир яраланди ва 1943 йил 8 ноябрь куни вафот этди.

1943 йил 17 ноябрда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун сержант Р.Х.Абдршинга “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.



## САМИФ ФАЙЗУЛЛОВИЧ АБДУЛЛАЕВ

1917 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1938 йилдан бошлаб пиёда аскарлар сафида хизмат қилган.

1941 йил июнидан уруш қатнашчиси. 97-алоҳида моторлашган муҳандислик-сапёрлик батальони (Шимолий Кавказ фронти) бўлинмаси командири лавозимида хизмат қилган.

1943 йил кузида Кубань дарёси этаги ва Таман яриморолини озод қилиш вақтида жонбозлик кўрсатди. 1943 йил 16 сентябрида Красний посёлкаси худудида сапёрлар душман ўқлари остида тунги қоронгиликда 97 та душман миналарини аниқлаб, заарсизлантиради. Улардан 37 тасини Абдуллаев заарсизлантирган. Танкчилар учун йўл очилади. Бироқ бу орада бригада олдида янги тўсик юзага келади: гитлерчилар дарё орқали кўпrikни портлатадилар. Абдуллаевнинг бўлинмаси уч соат ичида ўқ ёмғири остида кечув жойини тиклашга муваффақ бўлади ва танклар олдинга қараб харакатланадилар. Эртасига Абдуллаев шахсан бошқа кўпrik портлашининг олдини олади: кўпrik таянчига эмаклаб бориб, ёнаётган бикфорд арқонини кесиб ташлайди. Бу топшириқни бажариш вақтида Абдуллаев яраланади, лекин жанг майдонини тарк этмайди.

16 сентябрдан 9 октябргача бўлган вакт оралиғида С.Ф.Абдуллаев душман ўқлари остида турли тоифадаги қарийб 3000 та мина, жумладан, 39 та олиб бўлмайдиган ва 34 та “мина-сюрприз”ни топиб, заарсизлантириди.

1944 йил 16 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг С.Ф.Абдуллаев 10 йил давомида Ўзбекистон Рассомлар юшмасига раҳбарлик қилган. 1956 йилдан Ўзбекистон Давлат санъат музейи директори лавозимида фаолият юритган.

1998 йил Тошкент шаҳрида вафот этган.



## ЎРИНБОЙ АБДУЛЛАЕВ

1912 йил 5 апрелда Қорақалпоғистон Республикасининг Богёб овулида туғилган.

1943 йил январь ойида армияга чақирилган ва ўша йили май ойида фронт-га жўнатилган.

1943 йил 18 июлга ўтар кечаси катта сержант Х.Р.Ахметгалин раҳбарлик қилаётган ўн кишидан иборат гуруҳ билан бирга Ў.Абдуллаев фронт орти линиясига жўнатиб юборилади.

Латвиянинг Лудза шаҳри яқинидаги разведка гуруҳи курсовга тушиб қолади ва душманнинг ўзидан устун бўлган кучлари билан жангга киришади. Сунуплява қишлоғи ёнида гуруҳ стратегик жиҳатдан муҳим 144-белгили тепаликни сақлаб туради. Бутун гуруҳ ҳалок бўлган деб тахмин қилинади.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Бироқ 144-белгили тепаликдаги жангдан сўнг контузия олган Ўринбой Абдуллаевни гитлерчилар асирга олади. Натижада у Магдебург яқинидаги концлагерга тушиб қолади.

Урушдан сўнг Ў.Абдуллаев Уфага келади, бироқ тез орада Қорақалпоғистонга қайтади.

1989 йил 15 август куни вафот этган. “Норимжан бобо” қабристонига да芬 этилган.



## МАНСУР ИДИАТОВИЧ АБДУЛЛИН

1919 йил 15 сентябрда туғилған.

1937 йилда Андижон вилоятининг Асака шахрига кўчиб келади ва ўқитувчи бўлиб ишлайди.

1938 йилда (бошка маълумотларга қараганда 1939 йилда) армияга хизматга чақирилади. 1941 йилдан уруш фронтларида жанг қилган. 1941 йил кузида яраланади ва даволаниш учун ҳарбий касалхонага юборилади. Соғайгач, 1942 йил июль ойида сафга қайтади ва Гарбий, Марказий, 2-Белоруссия ва 1-Белоруссия фронтлари, Смоленск, Сталинград ва Курск жангларида иштирок этади.

1943 йил 10 иулида Молотичи (Курск вилояти) 167-енгил артиллерия полки расчёт командири лавозимида катта сержант Абдуллин душман хужумини қайтаришда жонбозлик кўрсатади. Душман пиёда аскарлари 60 та танк ёрдамида унинг ўт очиш позициясига қарши уч марта хужум уюштиради. 150 та авиация бомбаси ташланади, юзлаб снаряд ва миналар отилади. Шафқатсиз жанг давомида тўғридан-тўғри мўлжал билан ўқ узган ҳолда Абдуллин 8 та танк ва душман пиёдалари батальонини йўқ қиласди. Жанг давомида снаряд парчасидан оғир яраланади.

1943 йил 7 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1944 йил октябрь ойидан захирага бўшатилган.

1996 йил 8 июня вафот этган. Уфадаги (Россия) “Жанубий” қабристонида дафн этилган.



## УЗЕИР АБДУРАМАНОВИЧ АБДУРАМАНОВ

1916 йили Крим вилоятининг Ялта шаҳрида (Россия) туғилган.

1939 йил декабрь ойида Ялта шаҳри ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Сталинград, Белоруссия фронти 151-ўқчи дивизияси қўмандонининг ёрдамчиси вазифасида хизматни ўтаган. 1944 йил август ойида ўнг қўлидан ярадор бўлган, контузия олган ва Орёл шаҳрида даволанган. Сталинград шаҳрини озод этишда қатнашган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Урушдан сўнг Навоий шаҳридаги уран заводида фаолият юритган.

1991 йил 19 январда вафот этган.



## РЕМ АБЗАЛОВИЧ АБЗАЛОВ

1914 йил 28 июнда Тошкент шаҳрида туғилган.

1930 йиллар охирида ҳарбий хизматга чакирилган. У совет-фин уруши иштирокчиси бўлган. Ҳарбий хизматдан сўнг Қозон авиация заводида ишлаган.

1942 йилдан бошлаб уруш қатнашчиси. Украина, Руминия, Болгария, Югославия ва Венгрия худудидаги жангларда иштирок этган. Дунай дарёсини жанг билан кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 1 декабрида катта лейтенант Рем Абзалов 116-ўқчи полки (40-ўқчи дивизияси, 4-армияси, 3-Украина фронти) ротасига командирлик қилиб, Венгрияниг Пакш қишлоғидан ўн километр ғарброқда жойлашган Дунапатай қишлоғи худудида Дунай дарёсини жанг билан кечиб ўтади. Плацдармни босиб олиш чоғида рота душманнинг қариб 100 та аскарини йўқ қилиб ташлайди, душманнинг 145 нафар аскар ва офицерларини асирга олади.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Урушдан сўнг Қуролли Кучлардаги хизматини давом эттириди. Туркистон ҳарбий округи полк командири, 1950–1960 йилларда Тошкент шаҳрининг ҳарбий комиссари бўлган. Р.А.Абзалов майор унвонида истеъфога чиқкан.

Тошкент шаҳрида яшаган.

1983 йил 7 февралда вафот этган. Тошкент шаҳрида дафн этилган.



## СОЛИХОН АДАШЕВ

1923 йил 2 марта Наманган вилояти Норин тумани Тўда қишлоғида туғилган.

1941 йилда Андижон шаҳридаги педагогика билим юртини тугатган. 1942 йили урушга кетган.

1944 йил 23 июня душман мудофаасини ёриб ўтиш чоғида Адашев қўл остидаги 459-ўқчи полки бўлинмаси (42-ўқчи дивизияси, 49-армия, 2-Белоруссия фронти) 20 та гитлерчи аскарни йўқ қиласди. Черневка (Могилёв вилояти) қишлоғи ҳудудида Бася дарёсини жанг билан кечиб ўтиб, куршовда жанг олиб боради ва ҳужумга кирган бўлинмаларга қўшилади.

Адашев 1944 йил 23 июня 192,2-тепалик учун жангларда ўз бўлинмаси билан биргаликда биринчи бўлиб душман мудофаасини ёриб ўтади ва 10 нафар душманни, шахсан ўзи 2 та душманни ўлдиради. 1944 йил 24 июня Адашев душман хандақларига бостириб кириб, граната ва автоматдан ўқ узиш ёрдамида 6 та душманни ўлдириб, биттасини асир олади.

Чернівка қишлоғи учун жангларда Адашев биринчи бўлиб қишлоққа бостириб кириб, душманнинг станокли пулемётини йўқ қиласди. Ротадан биринчилардан бўлиб Бася дарёсини жанг билан кечиб ўтади.

1944 йил 24 июня 14 соат давом этган куршовда ўз хатти-ҳаракатлари билан жангчиларни душман танклари ва мото-пиёдаларига қарши жанг қилишга руҳлантириди ва шахсан ўзи битта қўл пулемёти ва снайперни йўқ қилди.

1945 йил 24 марта унга “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Наманган шаҳрида яшаган ва ишлаган.

1984 йил 2 ноябрь куни вафот этган. Наманган шаҳрининг “Лаббай тоға” кабристонига дағн этилган.



## РҮЗИ АЗИМОВИЧ АЗИМОВ

1925 йил 22 сентябрда Қирғизистоннинг ҳозирги Жалолобод вилояти Сүзүк тумани Чўкатепа қишлоғида туғилган.

1943 йил сентябрь ойидан 1944 йил май ойигача Тошкент пиёдалар билим юртида таҳсил олган.

1944 йил 3 июндан бошлаб 1-Болтиқбўйи фронтида жанг қилган. Белоруссияни озод қилишда иштирок этган.

1944 йил 23 июнда Белоруссиянинг Витебск вилояти Шумилинск тумани Козоногово қишлоғи яқинидаги жангнинг ҳал қилувчи палласида жангчиларни хужумга бошлаган. 1944 йил 25 июнда биринчилар қаторида Белоруссиянинг Витебск вилояти Шумилинск тумани Гринёво қишлоғи худудида Гарбий Двина дарёсини жанг билан кечиб ўтади, душман хандакига бостириб кириб, кўплаб аскарларни йўқ қиласди. Жангда душманнинг яқин масофада портлаган артиллерия снарядидан оғир контузия олади.

“Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони унга 19 ёшида – 1944 йил 22 июля жангда кўрсатган жасорати ва қаҳрамонлиги учун берилган.

Жалолободда яшаган. 2006 йилда вафот этган.



## АРМЕН ТЕВАНОВИЧ АЙРИЕВ

1910 йил 7 сентябрда туғилган. Ишчи факультетининг 2-босқичини тугатиб, Самарқанддаги заводда чилангар бўлиб ишлаган.

1931 йилдан бошлаб ҳарбий хизматни бошлаган. Кичик авиация мутахассислари мактаби ва Энгельс учувчилар ҳарбий авиация мактабини тамомланган.

Уруш бошланган илк кунларданоқ фронтда жанг қилган, 503-штурм авиация полки (206-штурм авиация дивизияси, 7-штурм авиация корпуси, 8-хаво армияси, Жанубий фронт) эскадрильяси командири лавозимида хизмат қилган. 1943 йил октябрида капитан Айриев аэродром, кечув жойлари, душманнинг тирик кучи ва техникаси тўпланган жойларни бомбардимон қилиш учун бир юз бешта жанговар парвозни амалга оширган эди. Унга ишониб топширилган эскадрилья 324 та муваффақиятли жанговар парвозни амалга оширади, натижада душманга катта талофот етказади. Эскадрилья командири айникса, душманнинг Таганрог групировкасини тор-мор қилиш ва Донбассни озод қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 13 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг хизматни давом эттирган. 1951 йилдан майор А.Т.Айриев захирага бўшатилган. Тошкентда яшаган.

1966 йил 13 февралда вафот этган. Тошкентда дафн этилган.



## ФЁДОР ФИЛИППОВИЧ АКИМОВ

1915 йил 21 майда Қозғистоннинг Ақтюбинск шаҳрида туғилган.  
Тошкент вилоятидаги Қибрай туманида яшаб, меҳнат қилган. 1941 йил  
январь ойида ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йил сентябрдан Марказий фронт 60-армия 121-ўқчи дивизия 705-  
ўқчи полки станокли пулемётлар бўлинмаси командири катта сержант  
Акимов Курск, Рильск шаҳарлари учун ва Днепр дарёсини кечиб ўтиш  
жангларида жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.  
Урушдан сўнг Қибрай туманида яшаб, меҳнат қилган.  
1965 йил 27 апрелда Тошкентда вафот этган. “Шўртепа” қабристонига  
дафн этилган.



## МИХАИЛ ПАВЛОВИЧ АКИМОВ

1925 йилнинг 25 ноябрида Россиянинг Самара вилояти Супонево қишлоғида туғилган.

Мактабнинг 7-синфини тамомлаб колхозда ишлаган.

1943 йилнинг январь ойида Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган. Уч ой давомида захира полкида миномётчиликка ўқиган.

1943 йилнинг июнидан фронтда жанг қилган. Гарбий, Жануби-Гарбий, Жанубий, 4-Украина, 1- ва 3-Белоруссия фронтларида жангга кирган. У икки маротаба яраланган ва контузия олган. 54-ўқчи гвардиячи дивизиянинг 125-гвардиячи артиллерия полкида нишонга йўналтирувчи бўлиб хизмат қилган.

1944 йилнинг 8 июлида Лесная станциясининг жануби-гарбидаги (Белоруссиянинг Брест вилояти Баранович туманида) душман қўшинлари 54-ўқчи гвардиячи дивизияга қарши ҳужумга ўтган. Нишонга йўналтирувчи расчёти ҳужум қилаётган танкларга қаратса тўпни мўлжаллаб, биринчи снаряд билан 300-400 метр масофадаги душман танкини яксон қилган. Кейинги жангда эса бошқа расчёtlар ишдан чиққач, якка тартибда харакатланиб, душманнинг яна учта танкини яксон қилган ҳамда ҳужум қилаётган фашистларни парчаланувчи снарядлар билан ўқса тутган.

1944 йилнинг 25 сентябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1945 йилнинг январь ойида Суми артиллерия билим юртига ўқишига юборилган. Бироқ олинган жароҳатлар ва контузия оқибатида 1946 йилнинг ноябрида соғлиги ҳолатига кўра армия сафидан бўшатилган.

Самара ун ва дон маҳсулотлари техникумини тамомлаб, Владимир шахрида фаолият юритган.

1951 йилнинг якунида Суми (Украина) шаҳрига кўчиб келган ва регенерат заводида темирга ишлов берувчи ишчи бўлиб ишлаган.

1983 йилнинг 8 марта вафот этган. Суми шаҳри “Марказий” кабристонига дағн этилган.



## АБИЛАЙ АЛИМБЕТОВ

1921 йилда Тошкент вилояти Бўстонлик тумани Хумсон қишлоғида туғилган.

1942 йил бошида Бўстонлик туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Взвод командири сержант А.Алимбетов 1943 йил 15 октябрида Украина-нинг Чернигов вилояти Радул шаҳри ҳудудида Днепр дарёсини кечиб ўтиш жангларида жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг А.Алимбетов ҳарбий хизматни давом эттирган. Ленинград Ҳарбий-сиёсий билим юрти ва Ҳарбий-сиёсий академияни тугатган.

Полковник Алимбетов 1973 йилда Қозогистонда вафот этган.



## ВЕНИАМИН ВАЛЕЕВИЧ АЛЬБЕТКОВ

1917 йил 18 апрелда Фарғона вилоятининг Андижон уезди Андижон шаҳрида туғилган. 1938 йилда Тошкент тўқимачилик техникумини тамомланган.

1939 йил ноябрда ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йил июнда Новоград-Волинск ҳарбий-пиёдалар билим юртини тугатган.

Марказий фронт 60-армия 121-ўқчи дивизияси 283-ўқчи полки 2-ўқчи батальони командири майор В.В.Альбетков Ғарбий, Брянск, Жануби-Ғарбий, 1-Украина ва Воронеж фронтларида жанг қилган. Курск жангиги, Чернигов-Припятск операцияси, Днепр дарёси учун жангларда, Киев хужумкор ва мудофаа операцияларида иштироқ этган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин ҳарбий хизматни давом эттирган. 1948 йили М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тугатган.

1984 йил 17 апрелда полковник В.В.Альбетков Москвада вафот этган. “Данилов” қабристонида дағн этилган.



## ХАЛЛАК (ХАЛЛОҚ) АМИНОВ

1915 йил 20 апрель (3 май) куни Бухоро вилоятининг Шоғиркон тумани Искогаре қишлоғида туғилган.

1941 йил декабрь ойида ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йил ноябрдан фронтда жанг қилган. Марказий фронт 61-армиясининг 16-гвардиячи Черников отлиқ дивизияси 6-гвардиячи отлиқ полк бўлинмаси командири Х.Аминов 1943 йил 27 сентябрда биринчилар қаторида Днепр дарёсини кечиб ўтиш учун олиб борилган жангларда жонбозлик қўрсатган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан тугаганидан сўнг Шоғиркон тумани Искогаре қишлоғида яшаб, 1948 йил январь ойидан “Жуйнав” қишлоқ кенгаши раиси лавозимида 1975 йил февралига қадар меҳнат қилган.

1993 йил 7 июнь куни вафот этган. Искогаре маҳалласи Қоратепа мавзеси “Эшпўлот” қабристонида дафин этилган.



## ПЁТР АЛЕКСЕЕВИЧ АРЕФЬЕВ

1913 йил 12 июнда Россиянинг Новгород вилояти Старая Русса шаҳрида туғилган.

Уруш бошлангунга қадар Тошкент шаҳрида яшаган.

1939 йилда Фуқаролик ҳаво флотининг Тамбов авиация билим юрти ва ҳарбий тайёргарлик курсини тамомлаган. Фуқаролик ҳарбий линиялари учувчиши бўлиб ишлаган. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

1944 йил июнда Белоруссиядаги Витебск-Лепель йўналишидаги жангларда жонбозлик кўрсатди. 1-Болтиқбўйи фронти 3-ҳаво армияси 335-штурмчи авиаация полки эскадрилья командири П.А.Арефьев 109 жанговар парвозда амалга оширган. Эскадрилья душманнинг 22 танқ, 8 самолёт, 4 темир йўл эшелони, 400 дан ошиқ автомашиналари, 6 омбор, 2 темир йўл кўприкларини йўқ килди.

1945 йил 23 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил ноябрдан майор П.А.Арефьев захирага бўшатилган. Тошкент шаҳрида фуқаро ҳаво флотида хизмат қилган.

1950 йил 1 апрелда Тошкент шаҳрида вафот этган.



## ГУРГЕН МИРЗОЕВИЧ АРЗУМАНОВ

1914 йил 25 февралда Арманистоннинг Сюник вилоятида туғилган.

1936 йилда Самарқанд туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1939 йилда отлик кавалерия ҳарбий билим юртида кичик лейтенантлар курсини тамомлаган. 1941 йил июнь ойидан жанг қилган. Марказий фронт 61-армияси 7-отлик корпуси 14-отлик дивизияси 54-отлик полки эскадрони командири Г.М.Арзуманов Гарбий, Сталинград, Жануби-Гарбий ва Марказий фронтларда жанг қилган. Украина учун жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 22 сентябрида 54-кавалерия полки эскадрони командири лейтенант Г.М.Арзуманов Чернигов вилояти Куликовка қишлоғи учун кечган жангларда ўз бўлинмасининг жанговар харакатларини бошқарди. Душманнинг қарши хужумларини қайтариш чоғида ҳалок бўлган.

Украинанинг Чернигов вилояти Городнян тумани Макишин қишлоғида дафн этилган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## МИХАИЛ АГАТЕЛОВИЧ АРУТЮНОВ

1898 йил 15 июня Кафандар туманининг Гехануш қишлоғи (ҳозирги Арманистоннинг Сюник вилояти)да туғилган.

Оиласи билан Ўзбекистонга кўчиб келган. Самарқанд шаҳри ижроия қўмитаси молиявий бўлими инспектори бўлиб ишлаган.

1942 сентябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилган. 1-Болтиқбўйи фронти 6-армия 67-ўқчи дивизияси 201-ўқчи полкида жанг қилган. 1944 йилдаги Белоруссия худудидаги “Багратион” операцияси ва Болтиқбўйи республикалари учун жангларда, Фарбий Двина дарёсини кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 3 июля ефрейтор Арутюнов Литванинг Зарасай тумани ахоли пунктларини озод қилиш жанглари вақтида ҳалок бўлган ва шу туманинг Смалвос қишлоғидаги ҳарбий қабристонга дафн этилган.

1944 йил 22 июля “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## КАСИМ ШАБАНОВИЧ АХМИРОВ

1923 йил 24 январда Россиянинг Саратов вилояти Дергачев тумани Алтата қишлоғида туғилган.

1942 йил 23 марта Қашқадарё вилояти Китоб тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йил 15 апрелдан 1942 йил 1 июлгача Воронеж фронтининг кичик лейтенантлар курсида таълим олган. 1942 йил 1 июлидан Марказий фронт 60-армияси 121-ўқчи дивизияси 388-ўқчи полки 3-ўқчи взвод командири кичик лейтенант К.Ш.Ахмиров Сейм дарёси яқинидаги жангларда ҳалок бўлган командири ўрнига ротани бошқарган. Ротани хужумга бошлаб, жанговар топшириқларни бажарган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг 1946 йил сентябрда гвардиячи катта лейтенант К.Ахмиров захирага бўшатилган. Шахрисабз шаҳрига қайтиб келиб, консерва заводида меҳнат қилган.

1951 йил 6 июнда Россиянинг Амур вилояти Белогорск шаҳрида вафот этган. Белогорск шаҳар “Никольское” қабристонига дафн этилган.



## ТУРГУН АҲМЕДОВ

1925 йил 24 апрелда Россиянинг Омск вилояти Татарское қишлоғида туғилган.

Наманган вилояти Янгиқўрғон туман ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилган.

1943 йил февраль ойидан армия сафида бўлган, 1943 йил август ойидан Марказий фронт 60-армия 75-ўқчи дивизияси 241-ўқчи полки таркибида жанг қилган.

1943 йил 24 сентябрдан 1943 йил 29 сентябргача мунтазам разведкада бўлган, қимматли маълумотлар етказиб турган.

1943 йил 17 октябрда Киевдан шимолроқда Днепр дарёсини муваффакиятли кечиб ўтган, Днепрнинг ғарбий қирғоғида плацдармни мустаҳкамлаш жангларида жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йил июлида Витебск шаҳри яқинида АҚШ Президенти Рузвелтномидан маршал Г.К.Жуков иштирокида олти нафар энг кўзга кўринган разведкачи, жумладан, М.В.Аҳмедовга Американинг “Кумуш Юлдуз” ордени берилган.

Урушдан кейин у ҳарбий хизматни давом эттирган. 1965 йилда подполковник М.В.Аҳмедов захирага бўшатилган.

1989 йил 27 августда Воронежда (Россия) вафот этган. “Лесное” қабристонига дағн этилган.



## ТҮХТАСИН АҲМЕДОВ

1915 йил 2 июнда Фарғона вилоятининг Риштон тумани Дутир қишлоғида туғилган. Тўлиқсиз ўрта маълумот олган.

1942 йили январь ойида ҳарбий хизматга чақирилган. 1-Украина фронти 4-танк армияси 88-алоҳида моторлаштирилган муҳандислик батальон бўлинмаси командири сифатида Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган. Одер дарёсини кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатган.

1945 йил 27 январга ўтар кечаси унинг бўлинмасига Штайнау шахри (хозирги Сцинава шахри, Польша) яқинида Одер дарёсидан паромларда (сол) танкларнинг ўтказилишини таъминлай оладиган кирғоқ курилмаларини ясаш топширилди. Душман пулемёт ва миномётлари доимий равищда ўт очиб туришига қарамай унинг бўлинмаси белгиланган муддатдан икки соат олдин вазифани бажарди ҳамда танкларни дарёнинг ўнг қирғоғига ўз вақтида ўтказилишини таъминлади.

Кечув пайтида танк юкланган паромларнинг бирини тортиб кетаётган катернинг двигатели ўчиб қолади. Ефрейтор Т.Аҳмедов совуқ сувга ўзини ташлайди ҳамда катернинг арқонини олиб соҳилга етказади. Катер ва танк кутқариб қолинади. Уч соатли тинимсиз меҳнат давомида унинг бўлинмаси Одернинг ғарбий қирғоғига 35 та танкни ўтказиб берган.

1945 йил 10 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Урушдан кейин армия сафидан бўшатилган ва туғилган қишлоғига қайтган. Туман пахта қабул қилиш пункти раҳбари лавозимида ишлаган.

2000 йил 30 майда вафот этган. Фарғона вилоятининг Олтиариқ тумани “Янги Араб” қишлоғи қабристонига дафн этилган.



## ЛЕОНИД ГЕОРГИЕВИЧ БАБУШКИН

1925 йил 3 апрель куни Россиянинг Пермь ўлкаси Уин тумани Фомино қишлоғида туғилган.

1934 йилда Свердловск вилояти Красноуральск шаҳрига кўчиб ўтган.

1943 йил январь ойида Ульянов вилояти Николо-Черемшанск тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

2-Белоруссия фронти 139-ўқчи дивизияси 609-ўқчи полки разведка взвод бўлинмаси командири кичик сержант Л.Н.Бабушкин жанглар билан Берлингача борган. Неман дарёсидан ўтиш учун олиб борилган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 15 июль куни сержант Бабушкин Гродно вилояти Мостов тумани Ковши қишлоғи яқинида взводи билан Неман дарёсидан кечиб ўтди. Плацдарм эгаллаш учун жангда шахсан ўзи йигирма нафардан ортиқ гитлерчиларни йўқ қилган. Ярадор бўлган, аммо жангни тарк этмаган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг ҳарбий хизматни давом эттириди. 1950 йилдан захирага бўшатилди.

1960 йилгача Свердловск вилояти Красноуральск шаҳридаги мис эритиш заводида ишлаган. Кейин Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳрида яшаган. “Олтитопган” комбинатида меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1993 йил 22 февраль куни вафот этган. Олмалиқ шаҳридаги "Қора лола" қабристонига дағн этилган.



## МАХАШ БАЛМАГАМБЕТОВ

1914 йилда Қорақалпогистоннинг Қораўзак тумани Охунбобоев колхозида туғилған.

1943 йилда Қораўзак тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чакирилған.

Степной фронти 7-армияси 73-үкчи дивизияси 2-алоҳида ўқчи батальоны рота бўлинмаси командири сержант Махаш Балмагамбетов 1943 йилнинг 25 сентябринда биринчилар қаторида Украина нинг Днепропетровск вилояти Верхнеднепропетровск тумани Бородаевка қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтиш учун олиб борилган жангларда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Нукус шаҳрида яшаган ва меҳнат қилган.

1977 йил 29 сентябрда вафот этган.



## АФАНАСИЙ СЕМЁНОВИЧ БАРАБАШ

1908 йил 18 апрелда Украинанинг Сумск вилояти Процовка қишлоғида туғилган.

1941 йилда Қўқон шаҳри ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1934 йилда зирхли танк билим юртини ва 1939 йилда Харьковдаги ҳарбий-хўжалик академияси мухандислик факультетини тамомлаган.

1941 йилнинг 22 июнидан бошлаб 4-Украина фронти 51-армияси 22-гвардиячи алоҳида танк полки командири гвардия подполковники А.С.Барабаш Фарбий, Брянск, Сталинград, Жанубий, 4-Украина, 3-Болтиқбўйи, 1-Белоруссия фронтларида мардларча жанг қилган. Контузия олган.

1944 йил 16 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони“ унвони берилган.

1996 йил 8 сентябрда вафот этган. Украинанинг Киев шаҳридаги “Берко-вецк” қабристонига дағн этилган.



## НИКОЛАЙ АНДРЕЕВИЧ БАРАНОВ

1893 йилда Россиянинг Москва шаҳрида туғилган.

1919 йилдан ҳарбий хизматга чақирилган. 1922–1924 йилларда 1-алоҳида Туркистон отлиқ бригадаси штаби бошлиги лавозимида хизмат қилган.

1924 йилдан бошлаб истеъфога чиқарилган. Наманган, Бухоро, Сармарқанд, Тошкентда яшаб, саноат Кенгашида муҳандис-маслаҳатчи, артелда ҳисобчи-бухгалтер лавозимларида ишлаган.

1941 йилнинг июлидан бошлаб ҳарбий хизматга қайтган. Тошкент шаҳри Куйбишев тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1941 йилнинг август-октябрь ойидан Ўрта Осиё ҳарбий округи, 9-захирадаги ўқчи полк батальони командирининг ўринбосари. 1941 йил октябридан Ўрта Осиёда шакллантирилган 793-ўқчи полк штабининг бошлиги этиб тайинланган.

1943 йилнинг март ойидан Воронеж фронти 793-ўқчи полк штабининг бошлиги лавозимида, 1943 йилнинг августидан Степной ва 2-Украина фронти 213-ўқчи дивизия штабининг тезкор бўлими бошлиги. Белгород шаҳри мудофаа жангларида, Курск жангига, Днепр учун бўлган жангларда, Корсунь-Шевченко ва Уманск-Ботошанска операцияларида иштирок этган.

1943 йил 26 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг полковник Н.А.Баранов 116-ўқчи полк штабининг бошлиги лавозимида хизмат қилган.

1945 йил 18 июня вафот этган. Украянанинг Львов шаҳри “Личаков” қабристонида дағн этилган.



## ВАСИЛИЙ ТИМОФЕЕВИЧ БЕЛОВ

1910 йилда Россиянинг Саратов вилояти Волск шаҳрида туғилган.  
Кейинчалик Кўқон шаҳрида яшаган.

1942 йилнинг марта мартида Қарши шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 3-Украина фронти 57-армияси 113-ўқчи дивизияси 1292-ўқчи полкининг таркибида жанг қилган. Жанубий Буг дарёсидан кечиб ўтища жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 24 марта Белов кўнгиллилар гурухи билан Николаев вилояти Сад-Доманёвский тумани Виноградний қишлоғи ҳудудида Жанубий Буг дарёсидан кечиб ўтган. Душман билан жангга киришиб, гранаталар билан фашистлар пулемёт расчётини йўқ қилган. Гурух пладдардмни қўлга киритиб, бу билан ўз ротасига ва бошқа бўлинмаларга дарёдан ўтиш учун қулай имконият яратган. Плацдармни саклаб қолиш ва кенгайтириш учун бўлиб ўтган жангларда жангчилар томонидан душманнинг тўққизта қарши ҳужуми қайтарилган. Ушбу жанглар вақтида В.Т.Белов яраланган ва ҳалок бўлган.

1944 йил 3 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ИВАН ДЕМЕНТЬЕВИЧ БЕЛЯКОВ

1920 йилда Россиянинг Оренбург вилоятидаги Соль-Илецк тумани Буранное қишлоғида туғилган.

1935 йилда Тожикистоннинг Конибодом шаҳрига кўчиб келган. Катта Фарғона канали курилишида иштирок этган, Қўқон марказий почтамтида хисобчи бўлиб ишлаган.

1940 йилда Қўқон шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йилда Беляков Олма-Ота шаҳрида Ҳарбий ўқчи-пулемётчилар билим юртини тамомлаган.

1943 йилнинг мартаидан бошлаб катта лейтенант Иван Беляков Степной фронтнинг 7-армияси 213-ўқчи дивизияси 793-ўқчи полкининг миномёт ротасига командирлик лавозимида Степной ва 2-Украина фронтлари жангларида қатнашган. Украинани озод қилиш учун, Днепр дарёсини кечиб ўтиш учун бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 26 сентябрдан 27 сентябрга ўтар кечаси Беляков ротаси Днепропетровск вилояти Верхнедепропетровск тумани Днепровокаменка қишлоғи худудида Днепр дарёсидан кечиб ўтган ва 14 октябрь куни Днепровск-Каменчуг йўлини кесиб ўтиб, Калужино қишлоғи яқинида позицияни эгаллаган. 15 октябряда душман бўлинмалари 50 танк ва бронемашиналар қўмагида қарши хужумга ўтган. Барча миномёт захиралари тамом бўлгач, рота қўл жангига ўтиб кетган ва шу жангда Беляков ҳалок бўлган.

Украинанинг Днепропетровск вилояти Верхнедепропетровск тумани Днепровокаменка қишлоғи қабристонига дафн қилинган.

1943 йил 26 октября “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ДМИТРИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ БЕРНАЦКИЙ



1912 йил 24 июлда Белоруссиянинг Гомель вилояти Жлобинск туманидағи Стершин қишлоғида туғилған.

Қарақалпостон Республикаси Түрткүл шаҳрида истиқомат қилған, ҳисобчи бўлиб ишлаган.

1941 йилда Түрткүл шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған. 1942 йилда Орлов ҳарбий пиёдалар билим юртини тамомлаган ва фронтга жўнатилған. 1945 йил январида гвардиячи капитан Д.Бернацкий 1-Украина фронти 5-армияси 4-ўқчи дивизияси 38-полки 3-ўқчи батальони катта адъютанти сифатида Польшани озод қилиш учун олиб борилган жангларда жонбозлик қўрсатган.

1945 йил 20 январдан 21 январга ўтар кечаси жангчилар гуруҳи билан бирга биринчилар қаторида Оппельндан шимоли-жанубда Одер дарёсидан кешиб ўтган ва пладцардмни эгаллаган. Душманнинг бешта қарши ҳужумини қайтаришда иштирок этган. Жангда оғир яраланган ва ҳалок бўлган. Польшанинг Опольск воеводалиги Ключборк шаҳри қабристонида дағн этилган.

1945 йил 27 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## КОНДРАТИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ БИЛЮТИН

1899 йил 21 сентябрда Россиянинг Тверь вилояти Бельск туманидаги Миловидово қишлоғида туғилган.

1923 йил апрелидан Туркистонда хизмат килган. 1941 йил апрелдан Андижон вилояти ҳарбий комиссариати 3-бўлим бошлиғи бўлган.

Уруш бошида Ўрта Осиё ҳарбий округида ҳарбий билим юртлари ўқитувчилари ва курсантлари орасидан 35-алоҳида курсантлар ўқчи бригадасини шакллантириш бошланган ва 1941 йил октябрда майор Билютин унга батальон командири этиб тайинланган. 1941 йил декабрь ойининг бошидан бригада таркибида – харакатдаги армия сафида, Фарбий фронтнинг 20-армияси таркибида хизмат қилган. 1942 йил февралидан Ўрта Осиё ҳарбий округида шакллантирилган 407-ўқчи дивизиянинг 1366-ўқчи полки командири бўлган. Полк Харьков шаҳри мудофаа жангларида жонбозлик кўрсатган ва 5 кун ичida душманнинг 50 та танк ва зирҳли машиналарини йўқ қилган. Москва, Воронеж шаҳарлари учун жангларда, Донбасс хужум операцияларида қатнашган.

1943 йил 19 июнда “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.

1945 йили Баш штаб академиясини тамомлаган. 1947 йилдан истеъфога чиқарилган.

1975 йил 11 июнда Москва шаҳрида вафот этган. “Введенск” қабристонига дафн этилган.



## БОТИР ДАВРОНОВИЧ БОБОЕВ

1914 йил 15 майда Тошкентда туғилган.

1941 йили ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йили Харьков танкка қарши артиллерия билим юртини тамомлаган. 1-Белоруссия фронти 8-гвардиячи армияси 35-гвардиячи ўқчи дивизияси 118-артиллерия полкнинг батарея командири катта лейтенант Б.Д.Бобоев Польшанинг Оборники шаҳри, Висла, Одер дарёларини кечиб ўтиш жангларида жонбозлик кўрсатган. Польшанинг Оборники шаҳрида бўлиб ўтган жангларда бешта танк, иккита ўзиорар артиллерия курилмасини йўқ қилди. Контузия олган. У бошчилик қилган батарея жанг охирига қадар муҳим участкада душман мудофаасини ёриб киради ва бунинг самараасида бутун дивизия тез орада Варта дарёсини кечиб ўтишга муваффақ бўлади. Польша-Германия чегараларида бўлиб ўтган жангда катта лейтенант Бобоевнинг батареяси яна жонбозлик кўрсатади: иккита танк, учта ўзиорар артиллерия курилмасини, дзот, душманнинг 3 кузатув пунктини яксон қилган. Одер дарёсини кечиб ўтиш ва Берлин остонаси жангларида батарея душманларнинг 4 миномёт батареяси, 17 пулемёт, 60 га яқин аскарларини йўқ қилди.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Кўп йиллар давомида Уруш фахрийларининг Тошкент секциясини бошқарган.

1984 йил 4 ноябрда вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”да дафн этилган.



## ТОЖИАЛИ БОБОЕВИЧ БОБОЕВ

1908 йил 27 февралда Марғилон шаҳрида туғилган.

1943 йилдан ҳарбий хизматга чақирилган. Донбасс шаҳрининг озод қилинишда иштирок этган. 1943 йилнинг сентябринда Донецк вилояти Константиновка шаҳрини озод қилиш учун бўлиб ўтган жангларда шахсан саккиз нафар фашистни йўқ қилган ва бўлинмани хужумга кўтарган. Днепр дарёсини кечиб ўтиш жангларида иштирок этган. Яраланган. Ҳарбий касалхонада даволанганидан сўнг фронтга қайтган. Польшани озод қилиш ва Германия худудида бўлиб ўтган жангларда қатнашган.

1-Белоруссия фронти 5-зарборд армияси 266-ўқчи дивизияси 1006-ўқчи полки пулемётчиси кичик сержант Бобоев 1945 йил 19 апрелда Германиядаги Врицен шаҳридан 12 километр жанубда жойлашган Рингенвальд аҳоли яшаш пункти худудида бўлиб ўтган жангда жонбозлик кўрсатган.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Марғилон шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

1984 йили 26 майда вафот этган.



## ТҮХТАСИН БОБОЕВИЧ БОБОЕВ

1923 йил 12 январда Фарғона вилояти Ўзбекистон тумани Жангкетмон қишлоғида туғилган.

1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йилнинг октябрига келиб, Белоруссия фронти 61-армияси 81-ўқчи дивизияси 154-алоҳида разведка ротасининг бўлинма командири кичик сержант Т.Бобоев Днепр учун олиб борилган жангларда жонбозлик кўрсатган. 1943 йил 2 октябрда ўз бўлинмаси билан душманнинг тўртта қарши хужумини қайтарган, 6 пулемёт ва 10 душман аскарини йўқ қилган. Оғир ярадор бўлган, аммо жанг тугагунча майдонни ташлаб кетмаган.

1944 йил 15 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан қайтгандан сўнг Жангкетмон қишлоғида яшаган. 1952 йил Тошкент давлат университети юридик факультетини тамомлаган. Андижон шаҳар ички ишлар бўлимида фаолият олиб борган ва 1962 йил Тошкент вилояти Оҳангарон туманига оиласи билан кўчиб кетган. Оҳангарон туманидаги олтин конида ишлаган.

2000 йил 15 январда вафот этган.



## АНАТОЛИЙ СЕРГЕЕВИЧ БОГДАНОВ

1922 йил 15 декабрда Құқон шаҳрида туғилған. 1935 йилдан Иркутск (Россия)да яшаган.

1940 йил августда ҳарбий хизматта чақирилған. 1941 йил ноябрьда Борисоглебск ҳарбий авиация учувчилари билим юртини тамомлаган. 1941–1943 йилларда Приволжск ҳарбий округи 1-алохыда ўқув-машқ авиация полки учувчиси.

1943 йил сентябрьдан – 58-хужумкор авиация полки учувчиси ва звено командири. Уруш йилларда жами 129 жанговар парвоз амалга оширган, душманинг 7 танк, 50 тача автомашина, паровоз, 15 тача миномёт ва артиллерия курилмасини йўқ қилди.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Урушдан сўнг Ҳарбий ҳаво кучларида звено командири ва ҳужумкор авиа-полкларнинг звено командири ва ҳаво-ўқчи хизмати бошлиғи лавозимида хизмат қилған. 1952 йилда Липецк олий офицерлик учиш-тактик малака ошириш курсларини тамомлаган. Ҳужумкор авиа-полкларнинг Болтиқбўйи ҳарбий округида Ҳаво-ўқчи хизмати бошлиғи лавозимида, ҳамда разведка ва аэрофотохизмат бўйича бомбардимончи авиаполкида штаб бошлигининг ўринбосари лавозимида хизмат қилған.

1954 йил 19 декабрда Литванинг Кедайняй шаҳрида ҳалок бўлған. Москва шаҳридаги “Преображенск” қабристонида дағн этилған.



## ЮРИЙ МИХАЙЛОВИЧ БИКОВ

1923 йилда Қоракүл қишлоғыда туғилған.

1941 йили Бухоро вилояты Қоракүл тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чақирилған. 1943 йилнинг ноябрига келиб, сержант Юрий Биков Алоҳида Приморск армияси 383-ўқчи дивизияси 691-ўқчи полкиниинг пулемёт расчётига командирлик қилған. Керченск–Эльтиген операцияси пайтида алоҳида жонбозлик күрсатған.

1943 йилнинг нояброда Аджимушкай посёлкаси ҳудудида Керчъ яриморолидаги плацдармни кенгайтириш учун олиб борилған жангларда яраланған взвод командирининг ўрнини босиб, биринчи бўлиб хужумга отилди, пулемётни тепаликка ўрнатиб, душманнинг 10 та ўқотиш нуқтасини яксон қилған.

1944 йил 16 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

1945 йил 11 майда Биков вафот этган. Германиянинг Франкфурт шаҳри марказидаги қабристонда дағн этилған.



## ВИКТОР ИВАНОВИЧ БИКОВСКИЙ

1919 йил 15 майда Россиянинг ҳозирги Саратов вилояти Балашовка тумани Терновка қишлоғида туғилган.

1939 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1941 йилдан Каттақўрғон шаҳрида 213-ўқчи дивизиясининг 201-алоҳида пулемёт батальони таркибида хизмат қилган. 1943 йилдан бошлаб уруш фронтларида тиббий хизмат лейтенанти Виктор Биковский Степной фронти 7-армияси 72-ўқчи дивизияси 224-ўқчи полкининг санитария взводига командирлик қилган. Днепр учун бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган. Украина ва Руминияни озод қилиш жангларида қатнашган.

1943 йил 26 октябрда “Совет Йиттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Биковский турли ҳарбий даволаш муассасаларида: Кисловодск, Майкоп, Камчаткада, Кавказ орти ҳарбий округида ишлаган. 1956 йилда майор унвонида захирага чиқарилган.

1973 йилнинг 31 июляда вафот этган. Молдованинг Кишинёв шаҳрида дафн этилган.



## МИХАИЛ АЛЕКСЕЕВИЧ БУЛАТОВ

1924 йил 25 октябрда Россиянинг Челябинск вилояти Верхняя Санарка қишлоғида туғилган.

1940 йилдан 1942 йилгача Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой шаҳрида телефон устаси бўлиб ишлаган. 1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган ва Туркманистоннинг Чоржўй шаҳридаги Орлов пиёдалар билим юртига ўқишга юборилган ва у ерда сапёрлик ҳарбий касбини эгаллаган.

1943 йил март ойининг охирида фронтга келиб, 235-ўқчи дивизиянинг сапёрлар бўлимида урушнинг охиригача хизмат қилган. Белоруссия операциясида, Витебск шаҳри остонасидаги жангларда иштирок этгани учун 1944 йил июнида жанг билан разведка қилиш пайтида мардонавор ва катъиятли хатти-харакатлари учун 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени, кейинчалик эса жанговар топширикни муваффакиятли бажаргани учун 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 19 апрелда “Совет Іттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

2020 йил 3 март куни Россиянинг Курск шаҳрида вафот этган.



## ИСААК ФЁДОРОВИЧ ВАКСМАН

1922 йилнинг 25 июлида Белоруссиянинг Могилёв вилоятидаги Краснополье қишлоғида туғилган.

1938–1940 йилларда ўқитувчи бўлиб ишлаган, айни пайтда Днепропетровск транспорт институтини сиртдан тамомлаган.

1941 йилда Бухоро шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилда кичик лейтенантлар курсини ўқиб тамомлаган. 1942 йилнинг октябридан жангларда қатнашган. 45 мм ли замбараклар батареяси командири катта лейтенант Ваксман 1943 йилнинг кузида Днепр дарёсидан кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатган. 1943 йилнинг 26 ноябрида катта лейтенант Ваксман Украинанинг Запорожье вилояти Запорожье тумани Канаевское қишлоғи яқинида батареясининг ўнг кирғоққа кечиб ўтишини бошқарган. Плацдарм учун олиб борилган жангларда 15 та пулемёт, танк, иккита автомашина, юздан зиёд гитлерчи аскар ва офицерлар йўқ қилинган.

Катта лейтенант Ваксман 1943 йил 19 декабрда жангда ҳалок бўлган. Запорожье вилояти Запорожье туманинда Разумовка қишлоғида дафн қилинган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АГЗАМ ЗИГАНШЕВИЧ ВАЛЕЕВ

1919 йилнинг 10 апрелида Татаристоннинг (Россия) Чистопольск туманидаги Қарғали қишлоғида туғилган.

Тошкентдаги заводда слесарь бўлиб ишлаган. Айни пайтда аэроклубда ўқиган.

1938 йилдан ҳарбий хизматга чақирилган. 1940 йилда Оренбург ҳарбий авиация билим юртини тамомлаган. Валеев урушнинг охиригача 501 та жанговар парвоз бажарган, 25 та ҳаво жангиди иштирок этган, шахсан ўзи душманнинг 4 та самолётини, гурухда эса 3 та самолётни уриб туширган.

1945 йилда Олий офицерлик учувчилик-тактик билим юртини, 1952 йилда Ҳарбий ҳаво академиясини тамомлаган. Ҳарбий ҳаво кучларида хизмат қилган.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1971 йилдан полковник А.З.Валеев истеъфога чиққан. Бир муддат Архангельск (Россия)да истиқомат қилган.

1986 йилда вафот этган.



## ДМИТРИЙ ПАВЛОВИЧ ВАСИЛЬЕВ

1904 йилнинг октябрида Россиянинг Челябинск вилояти Кизил тумани Обручёвка қишлоғида туғилган.

1927 йили ҳарбий хизматга чақирилган. Армиядан сўнг Д.П.Васильев Сармарқанд вилояти Пахтакор тумани кенгашида ишлаган.

1941 йилда такроран ҳарбий хизматга чақирилган. Шу йилнинг декабридан уруш фронтларида бўлган. Брянск, Воронеж, Ғарбий ва 1-Украина фронтлари жангларида қатнашган. 1944 йилнинг бошида 1-Украина фронти 13-армияси 6-отлик корпуси 13-отлик дивизияси 50-отлик полкининг эскадрон командири Д.П.Васильев Украинанинг Волин вилоятини озод қилиш жангларида жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 31 январда Киверцовск тумани учун жангда Васильевнинг эскадрони Цумань дарёсидан кечиб ўтиш ва аҳоли пункти учун жанг олиб борди. Шахсан ўзи 50 га яқин душман аскарлари ва офицерларини йўқ қилган. Аскарларини хужумга кўтариб, Васильев эскадрони курсовни ёриб ўтган. Шу жангда ҳалок бўлган. Маневичск тумани Колки посёлкасида дафн этилган.

1944 йил 25 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ГРИГОРИЙ ИВАНОВИЧ ВАХОНИН



1919 йилда Россиянинг Олтой ўлкаси Сорошкинск тумани Яново қишлоғида туғилган.

Катта сержант, 356-ўқчи дивизия 417-алоҳида разведротаси взводи командирининг ўринбосари бўлган. Вахонин фронтда жасур ва топқир разведкачига айланди. Кўп маротаба душман ортига қуролдошлари билан ўтди, ёлғиз ўзи учта “тил” олиб келган, қўмондонлик учун муҳим маълумотлар етказиб берган.

Днепр яқинидаги жанглардан бир неча кун олдин Вахонин ўттизта гитлерчини йўқ қилиб, саккизта “тил”ни асир олди.

1944 йилнинг 15 январида “Совет Йиттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Г.И.Вахонин Ўзбекистонга кўчиб келди.

1973 йилда вафот этган.



## ВОЛЬФАС ЛЕЙБОВИЧ ВИЛЕНСКИС

1919 йилда Литванинг Каунас шаҳрида туғилган.  
Тошкент темир йўлининг “Урсатьевская” станциясида яшаган ва меҳнат қилган.

1944 йилнинг кузида қўшинларимиз томонидан Шарқий Пруссия чегарасида, Болтиқ дengизи яқинида Неман дарёси учун олиб борилган жангларда майор В.Л.Виленскис 16-Литва ўқчи дивизияси 249-ўқчи полки 3-ўқчи батальони командири сифатида жонбозлик кўрсатди.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин ҳарбий хизматни давом эттирган.

1972 йилда полковник.Л.Виленскис захирага чиқарилди.

1983 йил Исройлга кўчиб кетган.

1992 йил 15 июнда Бат-Ям шаҳрида вафот этган.



## ЕФИМ АНДРЕЕВИЧ ВОИНШИН

1920 йилнинг 22 октябрида Украинанинг Черкасск вилояти Смела шаҳрида туғилган.

Болалигига оиласи билан Тошкентта кўчиб келган. Тошкентда ўрта мактабни тамомлаб, ишлаган.

1940 йилда Тошкент шаҳар Фрунзе тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йилнинг июлидан жангларда қатнаша бошлаган. 1944 йилнинг июлига келиб, катта сержант Ефим Воиншин 3-Белоруссия фронти 5-армияси 184-ўқчи дивизияси 616-артиллерия полки тўп командири сифатида Литвани озод килиш учун олиб борилган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1-Узоқ Шарқ фронтининг 5-армияси таркибида совет-япон урушида қатнашган. Уруш тугагач, Смеладаги озиқ-овқат саноати техникумини, 1956 йилда Киев технология институтини тамомлаган. Смелада яшаган, муҳандислик лавозимларида ишлаган.

1982 йил 10 январда вафот этган.



## АЛЕКСАНДР ИВАНОВИЧ ВОЛКОВ

1917 йил Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Спитамен туманидаги Нов станциясида туғилган.

1938 йилда Андижон тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. Танк билим юртини тамомлаган.

1-Болтиқбўйи фронтида жанг қилган. Латвия худудидаги Рига хужум операциясида алоҳида жасорат кўрсатган. 1944 йил 18 сентябрда Добле шахри худудидаги жангда душманнинг 3 танкини йўқ қилди ва шу жангда ҳалок бўлди.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Ҳозирги Елгава ўлкаси Вирцав волостилининг Поки хутори ҳарбий қабристонига қайта дағн қилинган. У ерда қаҳрамоннинг ҳайкали ўрнатилган.



## НИКОЛАЙ ФЁДОРОВИЧ ВОЛКОВ



1913 йил 19 майда Россиянинг Владимир вилояти Меленковский тумани Григорьево қишлоғида туғилган.

1938 йили Горький индустриал институти кемасозлик факультетини тамомлаган.

Урушдан аввал Самарқандда яшаган, заводда муҳандис-механик бўлиб ишлаган.

1941 йил июлида Самарқанд туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 2-Украина фронти 52-армия 31-алоҳида қирувчи танкка қарши артиллерия бригадаси 1853-артиллерия полки командири сифатида Украина, Молдавияни озод қилиш жангларида қатнашган. Руминиянинг Яssi шаҳри учун олиб борилган жангларда учта батарея таркибида танкларни кузатиб борувчи артиллерия гурухига бошчилик қилди. 1944 йил 20 августда гурух бошчилигига танклар билан бирга шаҳар кўчаларига бостириб кирди, марказни қўлга олиб, ўқчи бўлинмалар етиб келгунча позицияларни сақлаб турди. Гурух душманнинг 3 танки, 3 та автомашинаси, 2 та тракторига зарба берди, 200 дан ортиқ аскар ва офицерларни йўқ қилди, битта генерал асирга олинди. Кўл жангига Волков оғир жароҳат олди ва 23 августда вафот этди. Яssi шаҳрида дафн этилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## СЕМЁН ГРИГОРЬЕВИЧ ГЕЛЬФЕРГ

1924 йилда Украинанинг Одесса шаҳрида туғилган.

1942 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йилдан бошлаб ҳаракатдаги армия сафида бўлди. С.Г.Гельферг бошчилигидаги Воронеж фронти 3-гвардиячи танк армияси 3-корпуси 69-мотоўкчи батальони бўлинмаси 1943 йил 2 сентябрь тунида батальон таркибида Днепр дарёсини кечиб ўтган ва дарёнинг ўнг қирғозида жангга киришган. Канаевский тумани Луковица ва Григоровка қишлоқлари учун бўлган жангларда душманнинг 2 та танки ва мотоциклини йўқ қилган. 29 сентябрда тепалик учун олиб борилган жангда ҳалок бўлган взвод командирининг ўрнини босиб, ҳужумга бошлаган. Шу жангда ҳалок бўлган.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Киев вилояти Миронов тумани Малий Букрин қишлоғида дафн этилган.



## ИВАН АНДРЕЕВИЧ ГНИЛОМЁДОВ



1919 йилда Россиянинг Оренбург вилояти Бузулук шаҳрида туғилган. Киров механика заводида механик бўлиб ишлаган.

1939 йилда Тошкент шаҳри ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чакирилган.

1941 йилнинг октябридан Ғалаба кунига қадар фронтда жанг қилган.

1941 йил 13 октябрдан 1943 йил 15 февралгача разведкачи бўлган.

1944 йилда Пушкин танк мактабини тутатган (Рибинск).

1944 йил март–апрель ойлари оралигида Прокскуровск–Черновиц хужум операциясида (13-армия таркибида) қатнашган.

1945 йил 16 апрелда Вербиг чорраҳаси яқинида (Германия) Шарқий Пруссия темир йўлида, Зелов шаҳридан шимолда душман қўшинлари йўлини кесиб қўйиш ва колоннасини йўқ қилиш вазифаси юкландган. Танк взводи душман томон ҳаракатланган. Взводини мудофааланаётган душманнинг қанотига олиб чиққан ва пулемёт ва тўплардан ўт очиб, учта танкни ва 35 та “Фауст”ни йўқ қилган.

1945 йил 18 апрелда Зеевов шаҳридан 10 километр шимоли-гарбда жойлашган Вулкув қишлоғида душман танкларининг қарши ҳужумини қайтариб, 4 та танкни яксон қилган. Хаусзее кўли шимолида жойлашган 58,7 метр баландликдаги тезкор ҳужумда учта тўп ва 30 га яқин душман аскарини йўқ қилган. Шу жангда ўзи яраланган.

Карелия, 1-Украина, 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Украина, Польшани озод қилишда иштирок этган. Фарбий Бугни, Висла, Одер дарёларини кечиб ўтган. Ковел, Любомл, Радзин-Подляски, Пулави (Пулавск плацдарми), Лукув, Седлце, Зволен, Радом, Лодз, Томашув–Мазовецкий, Познан, Жеркув, Срем, Гродзиск, Чемпин, Волштин, Бабимост, Мюнхеберг ва Фридрихсфелд шаҳарларини озод қилишда иштирок этган. Кустрин худудидаги плацдармни сақлаб қолиш ва кенгайтириш операциясида (1945 йил февраль–март) ва Рейхстагга ҳужумда қатнашган.

1945 йилда ғалабани Берлин марказида кутиб олган.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони билан тақдирланган.

Урушдан кейин Тошкентда яшаган, кейинчалик Бузулукда ишлаган.

1987 йил 21 октябрда вафот этган.



## АЛЕКСЕЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ГОЛУБЕНКО

1923 йил 11 февралда Тошкентда туғилган.

1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил кичик лейтенантлар курсини тамомлаган. 1945 йилнинг апрелига келиб, 1-Белоруссия фронти 2-танк армияси 1-механизациялашган корпусининг 35-механизациялашган ротаси командири гвардиячи катта лейтенант А.Голубенко биринчилар қаторида Берлин яқинидаги Вейсензеега бостириб кирган ва жанглар пайтида Голубенко ротаси жами 250 га яқин душман аскар ва офицерларини йўқ қилди, яна 83 тасини асирга олди, 18 та пулемёт, 4 та зенит қуроли, 6 та артиллерия қуроли ва яна кўп сонли бошқа жанговор техникасини йўқ қилган.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Голубенко захирага бўшатилган. 1949 йилда Тошкент юридик институтини тамомлаган. Ички ишлар вазирлигида хизмат қилган, Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги тергов бошқармаси бошлиги бўлиб ишлаган. 1970 йилда милиция полковниги унвонида истеъфога чиқди, прокурорлик ишига ўтди. Ўзбекистон Прокуратураси тергов бўлимининг прокурори, сўнгра Тошкент вилояти прокурори бўлиб ишлаган.

2001 йил 28 марта вафот этган. Тошкентда дафн этилган.



## НИКИТА АРТЁМОВИЧ ГРЕЧИХИН

1903 йилда Украинанинг Днепропетровск вилоятида туғилган.

1942 йилнинг бошида Самарқанд вилояти Пахтакор туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва фронтга жўнатилган. Брянск, Фарбий, Орлов, Марказий ва 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Орлов, Чернигов-Припятск, Гомель-Речицкай операцияларида қатнашган. 1943 йил сентябрьда Марказий фронт 61-армияси 356-ўқчи дивизияси 1185-ўқчи полки взвод командири Гречихин Днепр дарёси учун олиб борилган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган. 1943 йил 29 ноябрда полк Хойник тумани Туневшина ва Глинише қишлоклари ҳудудида мустаҳкам душман позицияларига дуч келган. Гречихин хизмат қилган взвод бир неча бор ҳужумга қўтарилилган ва ниҳоят душманнинг траншеясига етиб бориб, уни орқага чекинишга мажбур қилган. Шу жангда Гречихин ҳалок бўлган. Туневшина қишлоғида дафн этилган, кейинчалик Хойник шаҳридаги “Биродарлик” мозорига қайта дафн қилинган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ДМИТРИЙ ФЁДОРОВИЧ ГРЕЧУШКИН

Дмитрий Гречушкин 1921 йил 10 апрелда Россиянинг Оренбург вилояти Сорочинск тумани Толкаевка қишлоғида туғилган.

Тошкентдаги алоқа техникумини тамомлаган.

1940 йилда Тошкент шаҳар Ленин тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған. 1942 йилда Тамбов отлиқлар билим юртини тамомлаган. 1943 йил априлидан лейтенант унвонида Дмитрий Гречушкин Марказий фронт 61-армияси 60-отлик полкининг 4-эскадрони танкка қарши куроллар взводига командирлик қилған.

1943 йил 27 сентябрда Гречушкин Гомель вилояти Брагин туманиндағы Нивки қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтди. Үнинг взводи шу заҳоти душман танк бўлинмаларининг хужумига учради, ушбу хужумни қайтарар экан, бир неча танкка зарба бериб шикастлади ва бу билан полкнинг бошқа бўлинмалари муваффақиятли ўтказилишини таъминлаган.

1943 йил 30 сентябрида шу туманнынг Галки қишлоғи учун бўлган жангларда Гречушкин шахсан 5 та душман танкини йўқ қилди, аммо ўзи ҳам жангда ҳалок бўлди. Комарин посёлкасида дафн қилинган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.



## ИВАН АЛЕКСЕЕВИЧ ГРИГОРОВ

1914 йилда туғилған. Тошкент вилюти Бекобод совхозлараро бирлашмасынинг экспедитори бўлиб ишлаган.

1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилған. 1942 йил июлидан фронтда бўлган. 1-Украина фронти 5-гвардиячи армияси 78-гвардиячи ўқчи дивизияси 158-гвардиячи артиллерия полки расчёт командири И.А.Григоров Сталинград жангидаги, Белоруссия ва Украинани озод қилиш учун олиб борилған жангларда иштирок этган.

1945 йил 25 январда И.А.Григоров душман хужумини қайтарди, иккита қурол, иккита бронетранспортёр, учта зенит қурилмаси, душман ўқдорилари ортилған тўртта аравани йўқ қилди.

1945 йил 10 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Урушдан кейин Бекободда яшаган ва меҳнат қилған.

1982 йил 14 февралда вафот этди.



## ИВАН УСТИНОВИЧ ГРИНЬКО

1922 йилда Қозогистоннинг Ақтюбинск вилояти Кузнецовка қишлоғида туғилған.

1934 йилдан Тошкент вилоятининг Майское қишлоғида яшаган. Тошкент темир йўл курилиши техникумининг 1-курсини тамомлаган.

Оренбург учувчилар билим юртини битирган.

Капитан Гриньконинг икки йил давомида бажарган жанговар ҳаракатлари кўриниши қўйидагича: 16 фашистлар танки, 97 автомашина, 19 дала қурол-яроғлари, 21 зенит нуктаси, тўққизта дзот ер билан яксон қилинди, ҳаво жангларида иккита қиравчи самолёт йўқ қилинди, ерда тўққизта самолёт портлатилди, душман ортида иккита омбор портлатилди, иккита ёнғин чиқарилди. Керчъ бўғозида гитлерчилар ва уларнинг қурол-яроғлари бўлган баржа сувга чўқтирилди, еттита вагон ёқиб юборилди ва темир йўл бузиб ташланди.

1944 йилнинг 26 октябрида “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.

Истеъфога чиққач, Қозогистоннинг Уральск шаҳрига кўчиб ўтган.

1989 йил 14 сентябрда вафот этган.



## ГРИГОРИЙ МАКСИМОВИЧ ГУБАРЬКОВ

1926 йил 1 февралда Россиянинг Петропавловск вилояти Качаловка қишлоғида туғилган.

2-Жиззах машина-трактор станциясининг ҳайдовчиси бўлиб ишлаган.

1943 йилда Жиззах тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1944 йил июлдан урушда қатнашган. 1945 йил январга келиб Г.М.Губарев 1-Белоруссия фронти 2-танк армияси 12-танк корпуси 34-мотоўқчи бригадаси пулемётчиси сифатида Польшани озод қилиш учун олиб борилган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1945 йил 21 январда биринчилар қаторида, душман ялпи ўқ узиб туришига қарамай, Иноворцлав шаҳрига ёриб кирди. Душманлар хужумини қайтариш пайтида яраланди, аммо сафни тарк этмай, жангни давом эттирди.

1945 йил 27 февралда “Совет Иттифоқи Каҳрамони” унвони берилган.

1951 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. Жиззахга қайтиб келиб, колхозда, совхозда ишлаган, кейинчалик 1975 йилда Запорожье (Украина)га кўчиб кетган.

2008 йилда 11 декабрда вафот этган.



## ЮРИЙ ИВАНОВИЧ ГУЛИН

1926 йилда Украинанинг Днепропетровск вилояти Троицкое қишлоғида туғилган.

1943 йилда Россиянинг Челябинск вилояти Агаяжск ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. 1-Белоруссия фронти 5-зарбдор армия 89-ўқчи дивизия 267-ўқчи полкининг 4-ротаси мергани Ю.И.Гулин 1945 йил январь ойининг ўрталарида Висла—Одер операцияси, Польшадаги Варка шаҳри ёнида Пилица дарёсидан кечиб ўтиш жангларида алоҳида жонбозлик кўрсатди.

1945 йилнинг 27 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Ўз ҳарбий хизматини Юрий Иванович Гулин 1948 йилда старшина унвони билан якунлади.

Урушдан сўнг Тошкент шаҳрида яшаган. Республика Ички ишлар бошқармасида хизмат қилган. 1969 йилдан истеъфога чиқкан.

1988 йил вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”да дафн этилган.



## ВАСИЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ГУСЕВ



1925 йил 1 марта Россиянинг Саратов вилояти Подгоренко қишлоғида туғилган.

1943 йил февраль ойида Қозоғистон Республикаси Чимкент вилояти Пахтаорол ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Старшина В.В.Гусев 1-Украина фронти 3-гвардия танк армияси 9-механизациялаштирилган корпусининг 69-маханизациялаштирилган бригадасида бўлинма командири вазифасида хизмат қилган. 1943 йилда Украинанинг Золотонош шаҳри жангига ўнг елкасидан яраланган.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Навоий кон-металлургия комбинатининг гидрометаллургия заводида транспорт участкасининг бошлиги лавозимида ишлаган.

1989 йил 21 сентябрда вафот этган.



## АБДУСАЛИМ ДЕХҚОНБОЕВ

1906 йил 26 октябрда Аширкўзи қишлоғида (Фарғона вилояти Учқўприк тумани) туғилган.

1943 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. Шу йилдан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Марказий фронтнинг 61-армияси 81-ўқчи дивизияси 467-ўқчи полки ўқчиси бўлган. Днепр учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 1 октябрда Дехқонбоев десант гурӯҳи таркибида душманнинг ялпи ўт очишига қарамай Белоруссиянинг Гомель вилояти Лоевск туманида Глушец қишлоғи худудида Днепр дарёсидан ўтган ҳамда гарбий қирғоқдаги плацдармни эгаллаш ва сақлаб туришда фаол иштироқ этган. Гурӯҳ душманнинг 10 тадан ортиқ қарши хужумини қайтарган. Ушбу жангларда Дехқонбоев бир взводдан ортиқ душман аскар ва офицерларини йўқ қилган. 1943 йил 8 октябрда жангда ҳалок бўлган. Лоев тумани Деражчи қишлоғида дағн этилган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ИВАН АНДРЕЕВИЧ ДОБРИКОВ

1914 йил 13 апрелда Чистяково посёлкасида (Украинанинг Донецк вилояти Торез шаҳри) туғилган.

1936 йилда Тошкент вилояти Бекобод ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. 1939 йилда кичик лейтенантлар курсини тамомлаган. 1941 йил июнда урушда қатнашган. 1943 йилнинг ўрталарига келиб капитан И.Добриков Воронеж фронти 40-армия 337-ўқчи дивизияси 1131-ўқчи полки штабининг бошлиғи бўлган. Курск остонасидаги жангларда иштирок этган. Украинанинг Полтава вилоятини озод қилишда ва Днепр учун бўлган жангларда алоҳида хизмат кўрсатган.

1943 йил 10–11 сентябрда Гадячни озод қилиш учун олиб борилган жангларда йиғма гурух бошчилигида полкда биринчи бўлиб Псёл дарёсидан кесиб ўтган ва шаҳар кўчаларидағи жангларда фаол иштирок этган. Шу жангда у душманнинг пулемёт расчётини йўқ қилган ва душман офицерини асирга олган. Батальон душманни эгаллаб олган тепаликлардан ҳайдаб чиқарган ва Колесише қишлоғи яқинига чиқиб олган. 1943 йил 29 октябрда Добриков жангда халок бўлган. Украинанинг Киев вилояти Переяслав-Хмельницкий тумани Лецки қишлоғи яқинида дафн этилган.

1944 йил 10 январда “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.



## ЮРИЙ МОИСЕЕВИЧ ДОЛЖАНСКИЙ

1923 йил 31 майда Украинанинг Кривой Рог шаҳрида туғилган.

Урушгача Наманган вилоятида яшаган ва ўқиган. Наманган шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилган.

1941 йил июлида Кривой Рог тоғ-кон институти электромеханика факультетининг талабаси бўлган. 1942 йилда ҳарбий-сиёсий билим юртини тамомланган. Шундан сўнг ҳарбий хизматга чақирилган.

Брянск фронтида ва Марказий фронтда жанг қилган. Волга бўйидаги жангларда, Курскдаги жангда, Украинанинг чап қирғоқдаги туманларини озод қилишда иштирок этган. Айниқса, унинг ҳарбий маҳорати Днепр учун бўлган жангда яқъол намоён бўлган.

1943 йил 26 сентябрда Ю.Должанский кўнгиллиларнинг биринчи қаторида Киев вилояти Чернобиль тумани Паришев қишлоғи яқинида десантлар билан бирга ҳаракатланган. Ўзига келган фашист автоматчилари биринчи ҳужумни уюштиради. Катта лейтенант Ю.М.Должанский жангчиларнинг бир гурухи билан бостириб келаётган душманнинг жанговар бўлинмаларини ёриб ўтиб, уларни ўлганлар ва ярадорларни ташлаб чекинишга мажбур қилган. Фашист босқинчиларига қарши жанглардаги мардлиги ва жасорати учун 1943 йил 16 октябрда “Совет Йттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган. Лекин мукофотни олиш насиб қилмаган. 1943 йил 27 ноябрда Ю.М.Должанский жангда ҳалок бўлган.

Киевдаги "Абадий шон-шуҳрат" боғида дағн этилган.



## ИГОРЬ ПАВЛОВИЧ ДОЛЖЕНКОВ



1914 йил 14 апрелда Тошкентда туғилган.

Умумиттифок сиртқи молия-иқтисод институти курсларида таълим олган. Москвада (Россия) яшаган, қурилиш ташкилотларида ишлаган.

1936–1938 йилларда армияда хизматни ўтаган. 1942 йил декабрида армияга такроран чақирилган. 1943 йилда кичик лейтенантлар курсини тамомлаган.

Шу йилнинг июлидан урушда қатнашган. 1943 йил октябрида катта лейтенант И.Долженков Жанубий фронтнинг 51-армияси 8-қиরувчи-танкка қарши артиллерија бригадаси 492-қириувчи-танкка қарши артиллерија полки батареяси командири сифатида Мелитополни озод қилишда мардлик кўрсатган.

1943 йил 17 октябрда душманларнинг қарши хужумини қайтариш пайтида учта танкни шикастлаган. Жанг давомида душманнинг 40 дан ортиқ аскар ва офицерлари йўқ қилинган ва ушбу худудда совет қисмларининг тор-мор қилиниши хавфи бартараф этилган.

1943 йил 1 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг армия сафларида хизматни давом эттирган. 1952 йилда Ф.Э.Дзержинский номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган. 1970 йилда полковник унвонида истеъфога чиқкан. Москвада яшаб, илмий тадқиқот институтида ишлаган.

1980 йилнинг 8 августида Москва шаҳрида вафот этган.



## АЛЕКСЕЙ СЕМЁНОВИЧ ЕГОРОВ

1914 йил 22 ноябрда Андижон шаҳрида туғилган.

1938 йилда ҳарбий хизматга чакирилган. Хизмат мобайнида ҳарбий билим юртида таълим олган ва командир лавозимларида ишлаган.

1941–1942 йилларда Тошкент шаҳридаги Ҳарбий академияда таҳсил олган ва урушга кирган.

1945 йил 2 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1970 йил 15 апрелда Украинада вафот этган. Кировограддаги “Абадий шон-шараф” хиёбонида дағн этилган.



## ВАСИЛИЙ БОРИСОВИЧ ЕМЕЛЬЯНЕНКО

1912 йилда туғилған. Ҳарбий хизматта чақирилгунга қадар Тошкентда яшаган.

Тажрибали учувчи ва командир, у ҳар қандай оғир жанглардан энг кам талафот билан чиқиши, душман ёғдириб турған зенит ўқларига мардонавор чап бериш, гитлерчи қиравчы самолётларига муносиб жавоб қилиш маҳоратига эга бўлган жангчи эди.

Факат 1942 йил 29 июнда бўлган жангнинг ўзида Емельяненко бошчилигидаги гурух иккита душман қиравчы-самолётини уриб туширган. 7 августда полк штурмани Емельяненко бошлаб бораётган штурмчилар душманнинг Кубань дарёси орқали кечиб ўтаётган аскарларини йўқ қилган, 2 ноябряда улар ҳаводан туриб, душманлар танклари тўпланган жойни аниқлашган. Шу худудга мўлжаллаб кучли артиллерия зарбаси берилган. Шимолий Кавказ фронтида жангларнинг ўзида капитан Емельяненко 88 та жанговар парвозга кўтарилиган, уларнинг 83 тасида бошчилик қилган.

1943 йил 9 январда кучли қор ёғаётган вақтда капитан Емельяненко бошчилигидаги штурмчилар душманларнинг Нагутская станциясида тўпланган харбий эшелонларига кўққисдан хужум уюштирган.

Урушда олган ярадорлиги сабабли 1943 йилда Тошкент шаҳрида жойлашган ҳарбий госпиталда даволаниб, фронтга қайта юборилган.

1943 йилнинг 13 апрелида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

2008 йил 24 февралда Москва шаҳрида вафот этган. Шу ерда дафн этилган.



## ГРИГОРИЙ РОМАНОВИЧ ЕФИМЕНКО

1919 йил 20 ноябрда Сазда қишлоғида туғилған.

1942 йил январда Наманган вилояти Поп тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чақирилған. Шу йилнинг мартаидан урушда қатнашган. 1943 йил кичик лейтенантлар курсини тамомлаган.

1944 йил июлида кичик лейтенант Григорий Ефименко 1-Белоруссия фронти 69-армия 41-ўқчи дивизиясининг 244-ўқчи полки автоматчилари взводига командирлик қилған. Ғарбий Буг дарёсидан кечиб ўтища мардлигини намойиш этган.

1944 йил 21 июлда Ефименко 17 нафар жангчидан иборат гурух бошлигига Ғарбий Бугдан кечиб ўтган ва Польша худудида Дубенко аҳоли яшаш пункти яқинида душманни траншеядан сиқиб чиқарған.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилған.

1950 йилда “Выстрел” курсини тамомлаган.

1961 йил майида майор Г.Р.Ефименко захираға бўшатилған. Москва вилоятининг Шчелково шаҳрида яшаган ва ишлаган.

1984 йил 29 декабрда вафот этган.



## ВАСИЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ЕФРЕМОВ

1914 йилда Россиянинг Оренбург шаҳрида дунёга келган.

1935 йилда армияга чакирилгунга қадар Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

У фашистлар билан уруш бошланган биринчи кунларданоқ жангга киришган бўлиб, урушни ҳарбий кирувчи-учувчи сифатида қарши олган. Авиаэскадрилья командирининг ўринбосари сифатида у қуролдош дўстларига душман билан қандай курашиш, жангда бир-бирига қандай ёрдам бериш кераклигини шахсий намунаси билан кўрсатган.

Капитан Ефремов 25 та ҳаво жангидаги 5 та душман самолётини уриб туширган. 172 марта осмонга жанговар топширикларни бажариш учун кўтарилиган, 40 марта душман аэродромлари ва улар тўпланган ерларни бомбардимон қилган, 60 марта бизнинг бомбардимончига ва киривчи самолётларимизга кузатувчилик қилган, 72 марта разведка мақсадида ва ҳарбий қисмларимизнинг харакатларини ҳаводан кузатиш учун кўтарилиган.

1942 йилнинг 5 майида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Полковник В.В. Ефремов 1971 йилда истеъфога чиққан.

2020 йилнинг 28 февраляда Москва шаҳрида вафот этган. “Ваганьково” қабристонида дағн этилган.



## ҒУЛОМЖОН ЁҚУБОВ

1915 йил 2 майда Андижон вилояти Асака туманинг Мирзаобод қишлоғида туғилган.

1941 йил армия сафига чақирилган. Шу йили қўмондонлик таркибини такомиллаштириш курсларини тутатган. 1944 йилнинг ёзига келиб Ёкубов 556-полкнинг автоматчилар ротасига командирлик қила бошлаган. Белоруссияни озод қилишдаги жангларда алоҳида мардлик кўрсатган.

1944 йилнинг 24 июнига ўтар кечаси автоматчилар ротаси полкнинг бошқа бўлинмаларидан ажralиб қолганда капитан Ёкубов мудофаа ташкил қилган. 20 соат давом этган жангда рота душманнинг 40 дан ортиқ хужумини қайтарган. Ротада катта йўқотишлар бўлганига қарамасдан, эгаллаган мэррани ушлаб туриб, полкнинг жанговар вазифани бажаришига имкон яратган. Шу жангда капитан Ёкубов ҳалок бўлган. Жанг бўлган жойда, Лудчици қишлоғи яқинида дафн этилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ҚОСИМ БЕШИМОВИЧ ЁҚУБОВ

1911 йил 2 октябрда Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида туғилган.

1942 йилдан бошлаб армия сафларида хизмат қила бошлаган.

1943 йилнинг 27 сентябрида взвод командирининг ўринбосари, кичик сержант Ёқубов хизмат қилган Марказий фронт 61-армияси 415-ўқчи дивизияси 1323-ўқчи полки Змеи қўргони атрофида Днепр дарёсига яқинлашган. Кичик сержант взводи ёрдамчи воситалар ёрдамида дарёдан жанг билан кечиб ўтишга киришган. Кечув давомида бўлинма командири яраланган. Ёқубов взводга командирлик қилишни ўз зиммасига олган. Душманнинг шиддатли пулемёт ўклари остида аскарлар Днепрнинг ўнг кирғоғига кечиб ўтишга ва плацдармни эгаллашга муваффақ бўлган. Уч кун давом этган жангда Ёқубовнинг взводи душманнинг 17 та қарши ҳужумини қайтарган ва эгалланган плацдармни сақлаб қолган. Айни дамда Ёқубовнинг моҳир раҳбарлиги туфайли йўқотишлар сони кам бўлган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилдан бошлаб лейтенант Ёқубов захирага бўшатилган. Фарғонада истиқомат қилган.

1954 йил 9 ноябрда вафот этган.




## УСМОН ЁҚУБОВ

1911 йил 8 августа Андижон вилоятининг Андижон тумани Найман қишлоғида туғилган.

1941 йилда ҳарбий хизматта чакирилган. 1942 йилдан бошлаб фронтдаги жанговар ҳаракатларда иштирок эта бошлаган.

1944 йил 22 июнда Орехи қишлоғида (Белоруссиянинг Витебск вилояти) кечган жангларда Ёқубов душман траншеясига биринчилардан бўлиб бостириб кирган. Жангчиларни олдинга ҳаракатланиб боришини пулемёт ўти тўхтатиб қолган пайтда, Ёқубов дзотга яқинлашиб, граната улоқтирган, ўт очиш ўчоғи йўқ қилинган ва ҳужум давом этган. Ёқубов душман билан бўлган кўл жангидаги ҳалок бўлган. Орехи қишлоғидаги жанг майдонида дафн этилган. Кейинчалик Шумилинск туманидаги қишлоқдаги “Биродарлик” қабристонида қайтадан дафн этилган.

1944 йил 22 июля “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## КАМОЛ ДАВЛАТОВИЧ ЖАМОЛОВ

1920 йил 15 июля Лоша қишлоғида (Бухоро вилояти Бухоро тумани) туғилған.

1940 йилда армияга хизматта қаруанында қолданылған. 1943 йилдан урушда қатнашған. 1943 йил сентябрінде келиб, К.Д.Жамолов Степной фронти 7-армиясы 8-мухандислик-сапёрлар бригадасы 129-алоҳида мұхандислик-сапёрлар батальони сапёри бўлган. Днепр учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 25 сентябрда Жамолов Днепр орқали Украинаға Полтава вилояти Кременчуг шаҳридан жанубий-шарққа 38 та рейсни амалга оширган, юзлаб аскар ва офицерларни Днепр дарёсининг ғарбий кирғозига ўтказган.

1943 йил 26 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Урушдан сўнг Ватанига қайтиб келган, колхоз раисининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1977 йил 8 ноябрда вафот этган. Бухоро вилояти Вобкент тумани Найман маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Ғоиб ота” қабристонида дағн этилған.



## ВЛАДИМИР ВАСИЛЬЕВИЧ ЖЕНЧЕНКО

1917 йилда Россиянинг Красноярск ўлкасида дунёга келган.

Кўқон туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Лейтенант В.В.Женченко 229-дивизия 960-ўқчи полк 1-ўқчи взвод командири лавозимларида хизмат қилган.

Женченко хизмат қилган 960-полк гитлерчиларнинг муҳим таянч пункти ҳисобланган Полевое қишлоғини эгаллаш ҳақида буйруқ олган. Бу бутун дивизиянинг мувваффақиятли олдинга ҳаракат қилиши, фашистлар қанотига зарба беришига имкон берган ва Харьков шаҳрини душман босқинчиларидан озод қилинишига кўмаклашган.

Навбатдаги хужумни қайтаришда у қорин соҳасидан снаряд парчаси билан оғир яраланган, аммо жанг қилишда давом этган.

1943 йилнинг 1 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда урушдан кейин комтаркибининг малака ошириш курсларини тамомлаган. 1947 йилдан истеъфога чиқкан. Кўқон шаҳрида ишлаб, истиқомат қилган.

1965 йил 7 сентябрда Кўқон шаҳрида вафот этган. Шаҳар қабристонига дафн этилган.



## ИВАН ЕГОРОВИЧ ЖУДОВ



1921 йил 10 майда Россиянинг Брянск вилоятидаги Причиж қишлоғида туғилган.

Севастополь шаҳрида, сўнгра Тошкентда яшаган. Тошкент ҳисоб-икти-  
содиёт техникумини тамомлаган, давлат банки бўлинмасида ҳисобчи бўлиб  
ишлаган.

1940 йил 19 апрелда у Тошкент шаҳар Киров тумани ҳарбий комисариа-  
ти томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1941 йил 10 июлда урушга юборилган.

Дивизия бўлинмалари ўртасида узлуксиз алоқани таъминлашда яраланган  
ва контузияга учраган.

1941 йил октябрнинг биринчи ярмида 24-армия қўшинлари душман-  
нинг устувор кучлари зарбаси оқибатида Вязьмадан ғарбий худудда қуршов-  
га олинган. Кам сонли жангчилар ва командирлар сафида Жудов қуршовдан  
чиқишига муваффақ бўлган. “СМЕРШ” органларининг текширувидан сўнг уни  
келгуси хизматни ўташ учун янги ташкил топган 385-ўқчи дивизияга жўна-  
тишди, унинг таркибида Москва учун жангларда ва Смоленскдаги қонли  
тўқнашувларда иштирок этган.

Кейинчалик 385-ўқчи дивизиянинг 1270-ўқчи полки таркибида Белорус-  
сия ва Польшани озод қилишда иштирок этган, ўқчи рота командири даражаси-  
га кўтарилган.

1945 йи 26 февралда катта лейтенант Жудов Данциг коридори худудидаги  
жангда ҳалок бўлган. Бидгошкда, Жабно қишлоғида дафн этилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ҮРОЗБОЙ ЖУМАНИЁЗОВ

1924 йилда хозирги Қорақалпогистоннинг Беруний тумани Саркоп овул фуқаролар йиғинидаги қишлоқлардан бирида туғилган.

1942 йил сентябрда армияга чақирилган ва фронтга юборилган. 1943 йил сентябрига келиб, Ў.Жуманиёзов Марказий фронтнинг 60-армияси 226-йўқчи дивизияси 985-йўқчи полкнинг автоматчиси бўлган. Днепр учун бўлган жангларда ўзини кўрсатган.

1943 йил 25 сентябрдан 26 сентябрга ўтар кечаси Жуманиёзов сапёрлар гурухи таркибида Киев вилояти Вишегородский тумани Толокунская Рудня қишлоғи худудида Днепр дарёсидан кечиб ўтган ва шу заҳоти жангга кирган. Жуманиёзов чекинаётган душманни таъқиб қилган, шахсан ўзи автоматдан босқинчиларнинг бир взод аскари ва офицерларни отиб ташлаган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1943 йил 12 декабрдаги жангда вафот этган. Россиянинг Курск вилояти Вистрелка қишлоғида дағн этилган.



## НИКОЛАЙ ФЁДОРОВИЧ ЗАБРОДИН



1905 йил 19 декабрда Дубровка қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Пенза вилояти Спасский туманида) туғилган.

1925 йилдан Иккинчи жаҳон уруши бошлангунга қадар Фарғона шаҳри Киров кўчаси 14-йуда яшаган.

1927 йилда армия сафига чакирилган. 1932 йилда Тошкент отлиқлар мактабини, 1935 йилда эса “Выстрел” курсларини, 1936 йилда Ҳарбий-сиёсий академия қошидаги сиёсий ходимлар малакасини ошириш курсларини тамомлаган.

1941 йилда Иккинчи жаҳон урушига Фарғона шаҳридан чакирилган.

1943 йил 28 сентябрдан 1944 йил 18 январгача 166-ўқчи дивизияси 735-ўқчи полкининг командири лавозимида хизмат қилган.

1943 йил 13 декабря 735-ўқчи полки (1-Болтиқбўйи фронти 4-хужум армияси 166-ўқчи дивизияси) унинг командирлиги остида Белоруссиянинг Витебск вилояти Городок тумани Кузмино қишлоғи яқинида Псков вилоятининг Невель шаҳрига олиб борувчи йўлни эгаллаб олиб, душманнинг иккита катта гурухларини боғловчи алоқани узиб қўйган.

1943 йил 16 декабря душман қўшни дивизия худудидаги совет кўшинларининг мудофаасини бузиб кирган. Натижада 735-ўқчи полкнинг бўлинмалари бутунлай қуршовда қолган. Полк командири айланма мудофаани моҳирлик билан ташкил қилганлиги оқибатида полк қуршовда харакатланган ҳолда, эртаси куни тонггача душманга жиддий талофат етказиб, барча қарши хужумларни муваффақиятли қайтарган. Эрталаб эса полк Невель шаҳри томон ҳаратланадиган танк корпусининг бўлинмаларига бориб қўшилган.

1943 йил 13–17 декабрь кунлари бўлиб ўтган жангларда полк душманнинг тирик кучи ва техникасига жиддий талофат етказиб, 700 нафар душманни йўқ қилган ва 1500 нафар пиёдаларига жароҳат етказган, 237 нафар душман аскар ва офицерини асирга олган, 15 та танк, 40 тагача шахсий таркиб жойлашган транспорт воситалари, кўплаб курол-яроғларини йўқ қилган.

1944 йилнинг 4 июня “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони билан тақдирланган.

Урушдан кейин турли ҳарбий лавозимларда хизмат қилган.

1954 йилда армия сафидан бўшатилган ва Днепропетровскада яшаган.

1988 йил 16 январда вафот этган. “Сур-Литва” қабристонига дағн этилган.



## НИКОЛАЙ НИКОЛАЕВИЧ ЗАВРАЖНОВ

1923 йил Россиянинг Оренбург вилояти Грачевск тумани Грачевка қишлоғида таваллуд топган.

2-Украина фронти 46-армия 12-хужумчи муҳандис-сапёр бригадаси 59-алоҳида батальонининг рота командири бўлган.

1941 йил июнь ойида ҳарбий хизматга чақирилган ва ҳарбий билим юртига юборилган. 1942 йил ёз ойида Куйбишев ҳарбий ҳаво-десант билим юртини тамомлаган. 1942 йилдан Германия устидан ғалаба қозонгунча фашист босқинчиларига қарши Шимолий Кавказ, Жанубий, 4-, 3- ва 2-Украина фронтларида жангларда қатнашган Шимолий Кавказ, Крим, Украина, Молдавия, Руминия, Венгрия, Югославия Австрияни озод этишда иштирок этган.

1945 йил январь ойида Будапештни озод этишда ўзини кўрсатган. Венгрия пойтахтини озод этиш учун бўлган жангларда капитан Завражнов командирлиги остидаги рота душманинг сим тўсиқларидан 196 та ўтиш йўли тайёрлаган, 5 та иншоот, гарнizonни ўт нуқталари билан йўқ қилиб юборган, 3 та мина далаларини миналардан тозалаган, бир неча ўнлаб аскар ва офицерларини қириб ташлаган, 65 та уйни ҳужум билан эгаллаб олган.

1945 йил 28 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг армияда хизматни давом эттирган. 1965 йилдан подполковник Завражнов захирага бўшатилган. Тошкент шаҳрида яшаган.

1980 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида вафот этган. “Биродарлик қабристони”да дафн этилган.



## АЛЕКСАНДР ПАВЛОВИЧ ЗЕЙБЕРЛИН

1916 йилда Россиянинг ҳозирги Волгоград шаҳрида туғилган.

Карши шаҳрида яшаган ва ишлаган.

1942 йилда Карши шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил январь ойидан урушда қатнашган. 1943 йил октябрь ойига келиб, Воронеж фронти 38-армия 136-ўқчи дивизияси 269-ўқчи полкининг взвод командири бўлган. Днепр учун жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 2 октябрь куни Зейберлин автоматчилар гурӯхига раҳбарлик қилиб, Киев жанубининг четидаги Казачий ороли яқинидан Днепр дарёсидан кечиб ўтган. Дарёнинг ғарбий соҳилидаги жангларда у душман пулемёти ўтини ўчириб, 6 нафар аскар ва офицерларини йўқ қилган.

1943 йил 3 октябрь куни душман ҳужумини қайтариш чоғида Зейберлин шахсан ўзи душманинг 8 нафар аскар ва офицерларини йўқ қилган. Ўша жангда у ярадор бўлган, аммо жангни давом эттирган. 1943 йил 14 октябрь куни Зейберлин взводи Украянанинг Киев вилояти Вишгород туманидаги Лютеж қишлоғини озод этишда фаол иштирок этган.

1944 йил 10 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди.

Уруш тугагач, захирага бўшатилган. 1949 йилдан Ёкутистоннинг (Россия) Сангар кўрғонида яшаб, шахтёр бўлиб ишлаган.

1950 йил 16 январда вафот этган.



## МУҲАММАД СУЛТАНГИРОВИЧ ЗИАНГИРОВ

1923 йилда Тошкент вилояти ҳозирги Янгийўл тумани худудида туғилган.

1942 йили Зиангиров ҳарбий хизматга чакирилган ва фронтга юборилган. 1943 йил сентябрь ойига келиб, Жануби-Фарбий фронт 6-армиясининг 198-алоҳида тўсиқ отрядида автоматчи бўлган. Днепр учун бўлиб ўтган жангларда жасорат кўрсатган.

1943 йили 26 сентябрда Днепропетровск вилояти Солонян тумани Войсковое қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтиш чоғида душман снаряди pontonни чилпарчин қилган. Зиангиров ҳаётини хавф остига қўйиб, дўстини сувдан кутқариб олди. Фарбий соҳилда плацдармни ишғол қилиб, уни ушлаб туришда матонат кўрсатган. Ярадор бўлса-да, жангни давом эттирган.

1943 йили 30 сентябрь куни вафот этган. Войсковоеда дағн этилган.

1944 йил 19 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АБРАМ МОИСЕЕВИЧ ЗИНДЕЛЬС

1915 йилда туғилған.

Урушгача Фарғона шахрида яшаб, мәҳнат қилған.

126-ўқчи дивизия 690-ўқчи полкининг 2-ўқчи батальони автоматчилар взводи командири лавозимида хизмат қилған.

1943 йил 18 октябрда Мелитополь шаҳри учун беаёв жанглар бўлған. Кичик лейтенант Зиндельснинг взводи шаҳар кўчаларини гитлерчилардан то-залаётган хужумчи гуруҳ таркибига кирған. Кичик лейтенант Зиндельс қолған гуруҳ аъзолари билан айланга мудофаа ташкил қилған. Жасур, довюрак, баҳодир взвод командири 7 нафар гитлерчини ўзи билан бирга гранаталар ёрдамида портлатиб юборған. Ўз командирларининг жасоратидан руҳланган аскарлар қолған тўрт танк ва ўзиюрар тўпни ҳамда душманинг 30 аскарини гранаталар билан яксон этган.

1943 йилнинг 1 ноябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.



## ИВАН ГОРДЕЕВИЧ ЗИНЕНКО

1921 йил 21 июлда Россиянинг Самара вилояти Исакли тумани ҳозирги Исакли қишлоғида туғилган.

Ҳарбий хизматга чақирилгунча Самарқандда яшаган.

1940 йилда Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1941 йил июнь ойидан урушда қатнашган. Жангларда уч марта яраланган. Белоруссия, Украина, Москва ва Ленинград остонасидаги жангларда қатнашган. 1944 йил январь ойига келиб сержант И.Зиненко Ленинград фронти 2-зарбдор армия 760-қириувчи-танкларга қарши курашган артиллерия полки қуролларига командирлик қилган. Ленинградни қамалдан озод қилишда ибрат кўрсатган.

1944 йил 22 январь куни Ленинград вилояти Ломоносов тумани Витино қишлоғи яқинида Зиненко полкининг илгор ўқчи қисми жанговар тартибда ўт очиб, ҳужумни қўллаб турган, икки ҳужумини қайтарган, душманнинг 4 та танкига шикаст етказиб, асосий кучлар етиб келгунча позицияни ушлаб турган.

1944 йил 1 июлда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йили август ойида Зиненко артиллерия билим юртига ўқишга юборилган, аммо уни тугатолмаган. 1945 йил ҳарбий хизматдан бўшатилган. Исаклига қайтиб келган. Аввал электростанцияда ишлаган, кейинчалик Исакли районжро қўмида бўлим мудири, туман партия қўмитасида инструкторлик қилган.

1968 йил 25 апрелда Самара шаҳрида вафот этган. Шаҳар қабристонида дағн этилган.



## ИВАН СИДОРОВИЧ ЗУБКОВ



1914 йилда Украинанинг Суми вилояти Захаревшина хуторида дунёга келган.

Урушга қадар Марғилон шаҳрида яшаган.

1944 йили Зубков батальони фашистларнинг кучли ўқ ёмғирлари остида Висла дарёсини кечиб ўтган, душман мудофаасини ёриб ўтиб, тўхтовсиз жанг олиб борган ва фашистларни қирғоқдан 14 км нарига улоқтириб ташлаган. 1944 йил 1 августдан 15 августгача Зубков батальони Висла ортидаги плацдармни режали тарзда кенгайтира бошлаган. Гитлерчилар қўмондонлиги уларга қарши яна ва яна ўз аскар ва техникаларини ҳужумга ташлаган, аммо ўзларининг жасур командири кўрсатган матонат намунасидан рухланган автоматчилар батальони душманни янчиб, олға интилган. Икки ҳафта мобайнида батальон 500 га яқин душман офицер ва солдатларини ер тишлатган, бешта танк ва тўртта бронетранспортёри яксон қилган, иккита миномётчилар батареясини йўқ қилган. Пиёдаларда кам учрайдиган ҳолат – фашист самолёти уриб туширилган.

1944 йил 23 сентябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Армиядаги хизматни 1956 йилда подполковник унвони билан тугаллаган.

Украинада яшаб, муҳандис лавозимида ишлаган.

1992 йил 12 январда вафот этган.



## ЕГОР ИВАНОВИЧ ИВАНИН

1918 йилда Россиянинг Тюмень вилояти Покровка қишлоғида туғилган.

Армия сафларига 1938 йил Жиззах ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган.

Шимолий Кавказдаги жангларда қаҳрамонона қатнашган, армиямиз мамлакатни фашист босқинчиларидан тозалаётган бир пайтда энг оғир жангларда матонат билан курашган. Иваниннинг жанговар хизматлари олий мукофотларга сазовор бўлган, аммо 1944 йилнинг ёзида Литва худудидаги жангларнинг бирида у алоҳида қаҳрамонлик кўрсатган.

Унинг снарядлари остида фашистлар ротаси йўқ қилинган. У матонат билан фашистлар ҳужумини қайташиб турган, бу вақтда пиёдаларимиз қайта гурӯхларга тўпланишга улгурган. Душманнинг танклар билан амалга оширган ҳужуми мағлубиятга учраган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Жиззахда яшаган ва ишлаган.

1979 йилда 8 июлда вафот этган. Шаҳар қабристонида дафн этилган.



## БОРИС АНДРЕЕВИЧ ИВАНОВСКИЙ

1912 йил 22 августда Россиянинг Томск шаҳрида туғилган. Наманганда яшаб, ишлаган.

1941 йил август ойида армия сафига қабул қилинган.

1942 йилда Тошкент ҳарбий пиёдалар билим юртини тамомлаган ва 1942 йил кузида Сталинград фронтига кетган. Сталинградда фашист гурухини куршовга олишда қатнашган. Янги ташкил қилинган Жанубий фронт таркибидаги 51-армия билан 1943 йили январь-февраль ойларида взвод командири лейтенант Ивановский Ростов вилоятининг кўплаб аҳоли пунктларини озод этишда иштирок этган.

1943 йил февраль ойида Ивановский хизмат ўтаётган 108-ўқчи дивизияси Миус дарёси бўйларига чиқкан. Бу ерда душман бақувват ва чуқур эшелонлардан иборат мудофаасини яратган эди. Бу ерда дивизия Жанубий фронтнинг 44-армияси таркибига ўтказилган. 1943 йили март ойида Ивановский ўқчи рота командири этиб тайинланди ва унга катта лейтенант унвони берилган.

1943 йил 30 сентябрдаги жангда қаҳрамонона ҳалок бўлди.

1943 йил 1 ноябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Украинанинг Запорожье вилояти Токмаков тумани Покров қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонида дағн этилган.



## ЮРИЙ ДМИТРИЕВИЧ ИВЛИЕВ

1923 йилда Тошкентда туғилган.

Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йил сентябрь ойида фронтга кетган. 312-хужумчи (4-ҳаво армияси 233-хужумчи авиадивизия) авиаполкда урушда қатнашган.

Эскадрилья қўмондони Юрий Ивлиев ўз хизмати давомида 120 та жанговар парвозни амалга оширган.

1944 йилнинг ёзида эскадрилья капитани Ивлиевга “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвонини бериш учун ёзилган тақдимотда, хусусан, шундай дейилган: “Капитан Ивлиевнинг жанговар расчётида 20 та танк йўқ қилинган, 11 та самолёт ҳаво жангларида уриб туширилган, унинг расчётида ишдан чиқарилган 1 та самолёт, 15 та батарея ва зенит артиллериялари бор. Шунингдек, у ёқилғи ва ўқ-дорилари бўлган 15 та омборхонани, 5 та темир йўл эшелонини, 100 та автомашина ва 500 нафар душман аскар ва офицерларини йўқ қилган”.

1944 йил 26 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил январь ойида душманнинг танк кўшинлари ва тирик кучларига бомба зарбаларини бераётганида унинг самолётига шикаст етди. Учувчи ёниб турган самолётини душман аскарлари тўдасига йўналтириди ва Николай Гастелло жасоратини қайтарди.

Қаҳрамон Белоруссиянинг Гродно шаҳри марказида жойлашган “Биродарлик” қабристонида дағн этилган.



## НАГИ ИЛЁСОВ



1920 йилда Қозогистоннинг Қизил Ўрда вилоятида туғилган.

Тошкентдаги болалар уйида тарбияланган. Тошкент педагогика билим юрти кечки ишчи факультетини тамомлаган. Сўнг мактабда ўқитувчилик қилган.

1942 йилда фронтга чақирилган. Львов остоналарида жангларда разведкачи Илёсов дўстлари Ланчук ва Парамонов билан биргаликда 17 та асирини кўлга олган. Навбатдаги разведка вақтида ярадор бўлган, аммо топшириқни бажаришда давом этган.

1944 йилнинг декабрида Илёсов бошчилигидаги разведкачилар бўлинмаси душманнинг беаёв ўқ ёмғири остида Дунай дарёсини кечиб ўтиб, қарама-қарши томондаги жарликдан душман траншеяларигача эмаклаб яқинлашганлар. Жангчиларимиз гранаталар ёрдамида душманни улоқтириб, уларнинг позициясини эгаллашган. Бу билан жасур йигитлар Будапештга борадиган йўлни тўсиб қўйганлар. Илёсов яна яраланган, бироқ ортга қайтишга асло кўнмаган. Уз жангчиларини душман мудофааси ичкарисига бошлаган. Разведкачиларимиз яширган жойларидан улар томон ҳаракатланаётган аравага хужум қилишган ва натижада фашист солдатлари таслим бўлишган. Маръянхазе қишлоғида ҳам жангчиларимиз фашистлар бошига қуюндеқ ёғилиб, уларни қишлоқдан улоқтириб ташлашган. Душманнинг 9 та автомашинаси портлатилган, омон қолган фашистлар ортга чекинган.

1945 йилнинг 9 апрелида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Қозогистонда яшаган.

1987 йил 6 майда вафот этган. Олма-Ота шаҳрида дафн этилган.



## СТЕПАН ПЕТРОВИЧ ИЛЬИН

1915 йил 2 августда Қозогистоннинг Кокчетов вилояти Володарск қишлоғида туғилған.

1941 йилда Тошкент вилояти Бекобод ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чақирилиб, ўша йилдан бошлаб урушда қатнашган.

1943 йилнинг 15 октябрь ойидан сержант С.Ильин Марказий фронтнинг 65-армияси 69-ўқчи дивизияси алоҳида 99-сапёр батальонига командир бўлган. Днепр учун бўлган жангларда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

1943 йилнинг 15 октябрь кунида Ильин ўз батальони билан Белоруссиянинг Гомель вилояти Лоев тумани Лоев қўргони яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, ғарбий соҳилда давом этаётган жангларда фаол иштирок этган. Душманнинг бир неча ҳужумини қайтариб, дарёдан учта ўқчи взводни курбонларсиз ўтишини таъминлаган.

1943 йилнинг 30 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилған. 1960 йилда мелиорация техникиумини тутатиб, Тошкент шаҳрида гидротехник бўлиб ишлаган.

1993 йил 2 ноябрь куни Тошкентда вафот этган.



## АЛЕКСАНДР ИВАНОВИЧ ИСИПИН



1911 йилнинг 24 октябрида Озарбайжоннинг Боку шаҳрида туғилган.

Саратов вилояти Балашов шаҳрида яшаган. 1931—1933 йилларда армия сафидга ҳарбий хизматни ўтаган.

Уруш бошлангунга қадар Андижон вилоятида яшаб, меҳнат қилган.

1941 йилда ҳарбий хизматта Балиқчи тумани ҳарбий комиссариати томонидан қайта чақирилган. 1942 йил август ойидан Фарбий, Калинин, 1-Болтиқ бўйи, 3-Белоруссия фронтларида бўлган жангларда катнашган. Белоруссияни озод этишда намуна кўрсатган. 1944 йилнинг июнь ойига келиб 43-армия 334-ўқчи дивизияси 1124-ўқчи полкининг взвод командири ёрдамчиси бўлган.

1944 йилнинг 23 июнида Исипин бир гурӯҳ жангчилар билан душманни икки чизиқли траншеядан чиқариб юборишга муваффақ бўлган, кейин эса бир неча хужумларни қайтарган. Исипин Фарбий Двинадан ўтиш кезида биринчилардан бўлиб Гнездиловичи қишлоғи яқинида гарбий соҳилга ўтган ва пулемётдан ўқ ёғдириб, ўз ротасини сувдан кечиб ўтишини таъминлаган. Шу йилнинг 6 июлида Молодечнин вилояти Видзи қишлоғи атрофида бир гурӯҳ жангчилар билан душманнинг таянч пункти ичкарисига кириб олиб, уларнинг пулемётини ишдан чиқарган ва 10 нафар автоматчисини тор-мор қилган.

1944 йилнинг 22 июлида “Совет Йиттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, кичик лейтенант унвонида захирага бўшатилган. Даугавпилс шаҳрида яшаб, сузиш бассейнида директор бўлиб ишлаган, кейинчалик Россиянинг Балашов шаҳрига қайтган.

1975 йил 23 февраль куни вафот этган.



## ЭШОНҚУЛ ИСМОИЛОВ

1902 йил 1 март куни Жиззах вилояти Фаллаорол тумани Турк қишлоғида туғилған.

1942 йил октябрь ойида ҳарбий хизматта чақирилған. 1943 йил февраль ойидан бошлаб урушда қатнашған.

1945 йилнинг февраль ойларидан 1-Белоруссия фронти 8-армия 74-ўқчи дивизияси 240-ўқчи полкининг автоматчиси бўлган.

Познань шаҳри мудофааси чоғида Исмоилов шахсан ўзи душманнинг йирик калибрли пулемёти ва зенит қуролини яксон қилған, шундан сўнг батальон хужумни муваффақиятли тутатган.

1945 йилнинг 31 майида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Уруш тугагач Исмоилов ҳарбий хизматдан бўшатилған. Ўз қишлоғига қайтиб, колхозда бригадир, ферма мудири, омбор мудири, колхоз раиси, қишлоқ совети раиси каби вазифаларда ишлаган.

1990 йил 20 июль куни вафот этган. Жиззах вилояти Фаллаорол тумани Турк қишлоғи қабристонида дағн этилған.



## АБДУЛАЗИЗ ДАМИНОВИЧ ЙҮЛДОШЕВ

1921 йил 15 сентябрда Андижон вилояти Кўргонтепа шаҳрида туғилган.

1939 йил апрелида Андижон вилояти Ворошилов туман комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилдан бошлаб уруш жангларида катнашган. Брянск, Марказий ва 1-Украина фронтларида жанг қилган.

1943 йилги ёзги хужум жангларида 229-ўқчи полк 6-ўқчи рота командири лейтенант А.Йўлдошев ўзини мард ва жасур командир сифатида кўрсатган. 1943 йил сентябрда Десна ва Днепр дарёларини кечиб ўтища алоҳида хизмат кўрсатган.

1943 йил 11 сентябрдаги жангда Абдулазиз Йўлдошев икки нафар жангчи билан Десна дарёсидан ўтиб, душман пулемёт нуқтасини яксон қилган. Сўнг яширинча душман снайперларининг орқа томонидан келиб, икки нафарини йўқ килиб, биттасини асирга олган.

1943 йил 16 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Андижонда яшаган. Пахта заводи директорининг ўринбосари лавозимида ишлаган.

1968 йил 15 сентябрда вафот этган.



## ФАЙЗУЛЛА ЙЎЛДОШЕВ

1912 йилнинг 2 сентябрда Қозогистоннинг Туркистон шаҳрида туғилган. Самарқанд педагогика техникуми ва Тошкент ўқитувчилар институтини тутатган.

1942 йилда Қозогистоннинг Яккабод ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган. Уруш ҳаракатларида 1942 йилнинг октябрь ойидан иштирок эта бошлаган.

Катта сержант Йўлдошев ўзи бошқараётган бўлинма билан плацдармни эгаллаш ва уни сақлаб қолиш учун бўлган жангларда алоҳида жасорат ва жонбозлик кўрсатган. Разведкада иштирок этиб, душман тўғрисида қимматли маълумотлар тўплаган.

1943 йил 29 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилнинг декабрида Ф.Йўлдошев соғлиғи туфайли ҳарбий хизматдан бўшатилган. Наманган вилояти Наманган тумани Ирвадон қишлоғида яшаган. Нафақага чиққунга қадар ўрта мактабда директор лавозимида ишлаган.

1991 йилда вафот этган. Ирвадон қишлоғида дағн этилган.



## КОНСТАНТИН ФЁДОРОВИЧ КАЗАКОВ



1906 йил 27 августда Россиянинг Пенза вилояти Чембар тумани Пачелма кишлоғида туғилган.

Бошланғич мактабни тугатгач, Бухоро вилоятига келган. 1942 йил январь ойида Косон тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига ҳарбий хизматга чақирилган ва урушга жўнатилган. 1943 йилнинг октябрь ойига келиб катта сержант Казаков Марказий фронтнинг 65-армияси 69-пиёда дивизияси 303-ўқчи пиёда полкida бўлинма командири бўлган. Днепр учун жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 16 октябрь куни Казаков ўз бўлими билан Украянанинг Черников вилояти, Репкин тумани, Радуль қўргони яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, душманни эгаллаб олган траншеяларидан чиқариб ташлаган ва асосий кучлар ёрдамга келгунига қадар позицияни ушлаб турган.

1943 йилнинг 30 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагандан кейин Казаков ҳарбий хизматдан бўшатилган. Қарши шахрида қишлоқ истеъмолчилар жамияти раиси бўлиб ишлаган.

1951 йилда вафот этган.



## ЖУМАГАЛИ КАЛДИКАРАЕВ

1922 йилда Қоракалпогистоннинг Хўжайли туманида туғилган.

1941 йилда Туркманистоннинг Ташовуз вилояти Калинин туман ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган.

1943 йилнинг 27 сентябрига ўтар кечаси қайикда учта танкка қарши қурол душман ўқлари остида Днепр дарёсидан ғарбий қирғоққа олиб ўтилаётганда жангчилар орасида оддий аскар Ж.Калдикараев ҳам бўлган.

Жасур жангчилар кенг дарёнинг ярмини кечиб ўтаётганларида уларга яқин жойда душман снаряди портлади. Қайик тешилиб, ағдарилди. Муздек сувда Жумагали биринчи бўлиб қайик ёнига сузиб келди, гранаталар ва патронлар учун пилталаарни қуруқ ҳолда сақлаб қолишга эришди.

Зим-зиё тундан фойдаланган Жумагали бир нечта жанговар дўстлари билан эмаклаб душман трашеяларига жуда яқин келди ва уларга гранаталар улоқтиришди. Ватан ҳимоячилари автоматлардан ўқ узиб, фашистларни тор-мор қилдилар ва уларнинг қурол-яроғларини қўлга киритдилар.

Ушбу жанг Жумагали учун сўнггиси бўлди.

1944 йилнинг 26 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АНВАР МАДИЕВИЧ КАЛИЕВ

1921 йил 8 марта Тархани қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Тюмень вилояти Ярковский тумани) туғилган.

Мактабнинг 7-синфини тамомлаган ва колхозда ишлаган.

1940 йилда армия сафига хизматга чақирилган.

1941 йил августдан Йиккинчи жаҳон урушида қатнаша бошлаган. Москва, Ржев ва Курск жангларида қатнашган.

1943 йилнинг кузига қадар Марказий фронтнинг 65-армияси 246-отлик дивизияси 326-алоҳида разведка ротасининг разведкачиси бўлган. Десна ва Днепр учун жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 16 сентябрда Украянанинг Чернигов вилояти Коропский тумани Мезин қишлоғи яқинида разведка гуруҳи таркибида Десна дарёсини кечиб ўтган. Душман мудофаасининг олдинги чизигида разведка олиб борган ва улар хақида маълумотларни кўмондонликка тезкор етказиб турган.

1943 йил 19 октябрда разведка гуруҳи таркибида Днепрни кечиб ўтган ва душманнинг ўқ отиш нуқталарини аниқлаш бўйича разведка олиб борган. Унинг ҳаракатлари қўшинларимизнинг дарёдан муваффакиятли кечиб ўтишида ёрдам берган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1946 йилда “старшина” унвони билан армия сафидан бўшатилган. Шундан сўнг республикамизнинг турли шаҳарларида, 1983 йилдан эса Тошкент шаҳрида яшай бошлаган.

1998 йил 11 сентябрда вафот этган. Тюмень вилояти Ярковский тумани Юрта қишлоғида дағн этилган.



## ВАСИЛИЙ ИВАНОВИЧ КАРАУЛОВ

1915 йилда Россиянинг Саратов вилояти Синенькие қишлоғида туғилган. Ҳарбий хизматга 1939 йилда Тошкент шаҳрининг Калинин ҳарбий комисариати томонидан чақирилган.

Уруш йилларида 254-ўқчи дивизияси 936-полкининг ўқчи ротаси командири катта лейтенант Карапулов бошчилигидаги рота биринчилардан бўлиб Днепрни кечиб ўтган. Жасур пиёдалар душманни траншеялардан чиқариб, уларни 2 км орқага чекинишга мажбур қилган.

Рота ишғол қилган ерни қайта эгаллаш мақсадида гитлерчилар танк ва ўзиорар техника ёрдамида ўта қақшатқич хужумни амалга оширилар. Бу жангда лейтенант Карапулов аскарларга ўрнак бўлиб, душман билан кураш давомида қўл жангини ҳам олиб боришига тўғри келди.

У ярадор бўлишига қарамай, жанг майдонидан кетмади. Фашистлар яна бир бор яқинлашганида Карапулов фашист офицерини ўлдирди ва ўзи ҳам иккинчи бор яраланди. Шундай бўлишига қарамасдан катта лейтенант Карапулов ўқи тугаган қурол назиси билан иккита гитлерчини ер тишлатди.

Бироқ кўп қон йўқотганига қарамай, ротани фашистларга қарши навбатдаги хужумга тайёрлаётган матонатли офицерни юқори командирининг қатъий буйруғигина жанг майдонидан чиқишига мажбур қилди.

1944 йилнинг 22 февралида “Совет Йиттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди.

1946 йили ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган. 1955 йил 25 ноябрда вафот этган.



## ҒУЛОМ КАРИМОВ

1918 йил 10 ноябрь куни Тошкент вилояти Янариқ аҳоли пункти (хозирги Қибрай тумани)да туғилган.

1938–1940 йилларда армия сафида хизматни ўтаган. Ҳарбий хизматдан бўшатилгандан кейин ўқитувчиларни тайёрлаш курсларида ўқиган.

1942 йил март ойида қайта ҳарбий хизматга чақирилган ва шу йилнинг ўзида кичик лейтенантлар курсини туттаган. 1943 йил октябрь оидан уруш катнашчиси бўлган. 1944 йил август ойига келиб, 2-Украина фронтининг 40-армия 42-ўқчи дивизияси 132-ўқчи полкининг пулемёт взводига командирлик қилган. Руминияни озод этишда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 19–21 август кунлари Пашкани шаҳридан жануби-ғарбий томонда жойлашган Сочь аҳоли пункти яқинидаги жангларда қатнашган. Унинг взводи жанг давомида душманнинг бир неча ҳужумини қайтарган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йилда захирага бўшатилгач, Қибрай қўргонида яшаган. Нафақага чиққунига қадар “Сельхозтехника” маҳаллий бирлашмасининг кадрлар бўлимида ишлаган.

2014 йилда вафот этган.



## ВЛАДИМИР ВАСИЛЬЕВИЧ КАРПОВ

1922 йилда Россиянинг Оренбург шаҳрида туғилган.

Ҳарбий хизматга 1939 йилда чақирилган. Тошкент ҳарбий пиёдалар билим юртини тутатган.

134-ўқчи дивизияси 629-ўқчи полк взводи командири. Карпов разведка взводига бошчилик қилган 629-ўқчи полк 1943 йилнинг августидаги Смоленск вилояти Пречистена ва Духовшина туманларида хужум олиб борган.

19 августга ўтар кечаси Карпов хизматдошлари билан 259-баландлик атрофифида жойлашган “Тигр” танклари ҳамда “Фердинанд” ўзиюар куролларини тўплаган 200 дан ортиқ душманни тор-мор келтирган.

Карпов ва унинг взводи Читавица қишлоғини тиш-тирноғи билан мудофаа қилаётган душманни тўхтатиб, қўшинларимизнинг эҳтимолий катта талафот кўришини олдини олди. Бу жангда 50 дан ортиқ фашист босқинчилари йўқ қилинди.

1943 йилнинг сентябрь ойида Карпов бошчилигида разведкачилар Духовшина туманидаги Ефремово қишлоғига бостириб кирди ва 40 та гитлерчини йўқ қилиб, 11 тасини асир олган.

Лейтенант Карпов ва унинг взводи жангчилари душман жуда қаттиқ қўриқлаётган Демидов-Смоленск йўлининг ичкарисига кириб, фашистлар гарнizonига қўққисдан хужум қилиши натижасида 60 та аскар ва офицерни йўқ қилган. Шу тариқа йўл ва кўприкни сақлаб қолишган.

Духовшино туманидаги Васильево қишлоғи яқинида фашистларнинг қарши хужуми натижасида асосий кучлардан ажralиб қолган Карпов ўзининг взводи билан гитлерчиларга қарши хужум уюштирган ва уларни тўхтатишига эришган. Жангларда 350 дан ортиқ душман аскарлари йўқ қилинган ва 35 таси асир олиб келган.

1944 йилнинг 4 июнида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

В.В.Карпов Фалаба кунигача жангни давом эттирган ва урушдан кейин 1969 йилгача Куролли Кучлар сафида полк командири, дивизия штаби бошлиғи лавозимларида ишлаган. Полковник унвонида истеъфога чиқкан.

2010 йил 18 январда вафот этган. “Троекурово” қабристонида дағн этилган.



## ИВАН ПЕТРОВИЧ КАРПОВ

1913 йилда Тошкент шаҳрида туғилган.

1941 йилнинг апрель ойида ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилдан бошлаб Фарбий Сталинград, 3-Украина фронтларида жангларда қатнашган.

1944 йил апрель ойига келиб сержант И.Карпов 3-Украина фронтининг 37-армияси 20-ўқчи дивизияси 60-ўқчи полкида пулемёт расчётига командирлик қилган.

1944 йил апрель ойида Карпов биринчилардан бўлиб Приднестровье ҳудуди таркибидаги Слободзея аҳоли пункти яқинида Днестр дарёсини кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатган. 13 апрель куни шахсан ўзи Молдавиянинг Каушан тумани Копанка қишлоғи яқинида душманнинг 5 та пулемёти, 36 нафар аскари ва 1 нафар офицерини йўқ қилган. Кейинги жангларнинг бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

1944 йил 13 сентябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони берилган.



## СУРЕН АКОПОВИЧ КАСПАРЯН

1924 йил 15 августда Тоғли Қорабоғнинг Степанакерт тумани Килижбах қишлоғида туғилган.

Ёшлик пайтида оиласи доимий яшашга Тошкентта күчіб келган ва Тошкент пойабзал фабрикасига чилангар бўлиб ишга кирган.

1942 йил 7 сентябрда Тошкент шаҳар Ленин тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

3-Украина ва 1-Белоруссия фронтларида фашист босқинчилариға қарши жангларда қатнашган. 1944 йил 20 августда Польшани душмандан озод қилишда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 18 ноябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

8-армия 82-танкларга қарши дивизиони алоҳида 86-қириш отряди мўлжалга олувчиси сержант Каспаряннинг мукофот варагида армия генерал-полковниги Чуйков қўйидагиларни қайд этган: “Каспарян мисли кўрилмаган жасорати билан хужумга кирган пиёда аскарларни олға ундан, Висла дарёсининг сўл соҳилидаги плацдармни ишғол қилишга эришди”.

Уруш тугагач, у яна бир неча муддат хизмат қилишни давом эттирган. Армиядан бўшаб, Тошкентта қайтиб келган. Тикув ательесида уста бўлиб ишлаган.

Вақт ўтиб, Арманистоннинг Ереван шаҳрига күчіб кетган. “ЕрАЗ” автомобиль заводида ишлаган.

1994 йилнинг 3 январида вафот этган.



## ТОГАНБАЙ КАУМБАЕВ



1922 йил Самарқанд вилоятининг Фориш тумани Чимқўрғон қишлоғида туғилган.

У 1941 йилда Фориш тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Сержант Тоганбай Каумбаев 1942 йил апрель ойидан Марказий фронт 65-армияси 69-Севск ўқчи дивизияси 20-алоҳида разведка ротасида бўлинма командири бўлиб хизмат қилган.

1943 йил 15 октябрь куни бир гурух разведкачилар билан Днепр дарёсидан ўтиб, Белоруссиянинг Гомель вилояти Лоев тумани Лоев шаҳридан жануброқда жойлашган худудни эгаллашган ва у ерга десант тушишини таъминлашган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда катта лейтенант унвонида захирага бўшатилган.

1948 йилда Олма-Ота юридик мактабини, 1962 йилда партия мактабини тамомлаган. Қозоғистоннинг Чимкент вилояти “Шардара” совхозида гидротехник бўлиб ишлаган.

2014 йилнинг 11 июль кунида Чимкент шаҳрида вафот этган.



## МИХАИЛ НИКИФОРОВИЧ КЕЛЬЧИН

1921 йилда Россиянинг Оренбург вилояти Моторино қишлоғида туғилган. Армияга Фарғона шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган.

Днепрнинг ўнг қирғогидаги хужумда кичик лейтенант 22-мотоўкчи бригада взвод командири Кельчин бошқараётган взвод фашистларнинг ўзиорар “Фердинанд”ини, иккита танкка қарши тўпи, иккита станокли пулемёти, икки фашист взводини ер билан яксон қилган.

Кельчиннинг жангчилари олдинда бориб, бошқа взвод ва роталарга йўл очиб берган. Унинг ўзи бир жангда 10 та гитлерчини йўқ қилган. Украина қишлоғи учун бораётган жангларда жанговар захиралар тугаган, пулемётлар ишдан чиқкан бир пайтда командир бир нечта аскарлари билан душман қуролларини тўплашга киришган ва тўсатдан душман аскарларига дуч келишган. Фашист пулемётчиси бизнинг аскарларга қараб ўқ отмоқчи бўлганида, командирнинг аниқ отган ўқи туфайли ярадор бўлган душман пулемётчисини Кельчин штабга етказган. Жасоратли командир Днепрнинг ғарбий қирғогидаги ўша жангларнинг бирида ҳалок бўлган.

1944 йилнинг 10 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ВАСИЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ КИБАЛКО

1918 йилнинг 14 январида Россиянинг Одесса шаҳрида туғилган.

Мактабнинг 7-синфи ва фабрика шогирдлик мактабини тутатгандан сўнг кемасозлик устаси бўлиб ишлаган.

1936 йилда Одесса педагогика институтини, 1937 йилда эса учувчилик клубини тамомлаган. Шу йили Фарғона шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1938 йилда Одесса ҳарбий авиация учувчилар мактабини битирган.

1941 йил июнидан Иккинчи жаҳон урушида қатнаша бошлаган.

1943 йил бошида Фарбий фронтнинг 1-ҳаво армияси 10-алоҳида олис масофали разведка авиация полкида командир ўринбосари бўлган. Бу таркибда у душман қўшинларини бомбардимон қилиш учун 100 марта ҳарбий операцияларда қатнашган.

1943 йил 24 майда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвонига сазовор бўлган.

Урушдан кейин армия сафларда хизматини давом эттирган.

1949 йилда Ҳарбий-ҳаво академиясини тутатган.

1978 йилда полковник унвони билан ҳарбий хизматдан бўшатилган ва Москва шаҳрида яшаган.

1992 йилнинг 1 октябрь куни вафот этган. Москвадаги “Митинский” қабристонига дағн этилган.



## ИВАН ПЛАТОНОВИЧ КИРПИЧЕНКО

1925 йилда Қозогистоннинг Кустанай вилоятида туғилган.

1943 йилда Медногорск тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. Кичик сержант Кирпиченко 164-танк бригадасининг моторлашган батальонининг автоматчилар взводида бўлинма командири бўлган.

Уруш бошланганида ўн олти ёшли навқирон йигит эди. Унинг акалари Андрей ва Михаил урушнинг биринчи кунларидаёқ фронтга кетиб, иккиси ҳам мардларча ҳалок бўлишган. Душманга бўлган нафрат Иванни ҳарбий комиссариатга етаклаб борди. Бироқ унга ҳали чақирув ёшига етмаганлигини айтишиди.

1943 йилда у армияга чақирилди ва полк мактабига ўқишига юборилди. Унинг бу ерда эгаллаган билим ва кўникмалари фронтда жуда ҳам асқотди.

1944 йилнинг февралида амалга оширилган Корсунь-Шевченко операциясида И.П.Кирпиченкога хужумда отрядга бошчилик қилиш, шимоли-шарқий Умандаги Буки аҳоли пункти атрофида жойлашган фашистларни қўлга олиш ва асосий танк бригадаси кучлари келгунига қадар уларни ушлаб туриш вазифаси топширилди.

Операция давомида душманни қирғоқдан ҳайдаб, плацдармни асосий кучларимиз келгунига қадар ушлаб туришга муваффақ бўлдилар.

1944 йил 13 сентябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Ўзбекистонга келган. 1956 йилда Самарқанд давлат университетининг юридик факультетини тамомлаган. Ички ишлар органларида полковник даражасига етгунига қадар ишлаган.

2001 йилнинг 8 августида вафот этган. Россиянинг Уссурийск шаҳрида дафн этилган.



## СЕРГЕЙ СЕМЁНОВИЧ КИСЕЛЁВ



1910 йилда Россиянинг Иваново вилояти Горчаков қишлоғида туғилган.

1941 йилда Москва вилоятининг Ногинск тумани ҳарбий комиссарати томонидан армия сафига чақирилган. 25-ўқчи дивизиясининг 78-ўқчи полки командири ёрдамчиси бўлган.

Катта сержант Киселёв қўмондонликнинг энг муҳим ва хавфли вазифаларини бажарар эди. Хусусан, унга Днепрдан кечиб ўтишда дарёning душман эгаллаган гарбий қирғоғига ўтиш, ҳарбий операцияга тайёргарлик кўриш учун майдонни қўлга олиш ва батальоннинг асосий кучлари келгунига қадар уни ушлаб туриш вазифаси топширилади.

Топшириқ аъло даражада бажарилган. Жангда душманга катта талафот етказилган. Киселёвнинг ўзи 10 нафар душманни йўқ қилган.

1943 йил 1 ноябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1945–1994 йиллар давомида Тошкентда яшаган.

1994 йилнинг 27 сентябрида вафот этган. Иваново вилоятининг Кохма шахрида дафн этилган.



## ДМИТРИЙ ИВАНОВИЧ КОВАЛЬ

1918 йилда Россиянинг Москва шаҳрида туғилган.

1936 йилда армияга чақирилгунга қадар у Тошкентда яшаган ва ўқиган.

Қирувчи самолёт учувчиси Дмитрий Коваль 127 та жанговар парвозларни амалга оширган. У ҳаво жангларида ўз маҳорати ва жасорати билан қаҳрамонликлар кўрсатган.

1943 йил 23 марта лейтенант Коваль ҳужумчи самолётларда жанговар парвози пайтида уларга душманнинг тўртта қирувчи самолёти дуч келади. Лейтенантнинг тезкор ҳаракати натижасида гитлерчиларнинг қирувчи самолётлари ҳавода портлаб кетади. Ҳужумчи самолётлар белгиланган топширикни тўла бажариб, ҳеч қандай йўқотишларсиз ўз базаларига қайтадилар.

1943 йил 15 апрелда Крим осмонида пайдо бўлган фашистларнинг 60 та бомбардимончи ва 20 та қирувчи самолёти 40 дақиқа давом этган жанг натижасида чекинишга мажбур бўлади. Бу жангда олтида фашист машинаси йўқ қилинади.

Лейтенант ҳаммаси бўлиб ҳаво жангларида 10 та душман самолётини уриб туширган. Жасур учувчи 1943 йил 8 май куни амалга оширилган жанговар парвоз пайтида ҳалок бўлган.

1943 йилнинг 24 майида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ПАВЕЛ МАКСИМОВИЧ КОВТУН



1913 йилда Украинанинг Суми вилояти Мирополье қишлоғида туғилган.

1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 415-ўқчи дивизиясининг 686-артиллерия полки еттинчи бўлинмасининг бошқарув взводи командири ёрдамчиси бўлган.

1943 йил 28 сентябрда Днепрни кечиб ўтишда артиллериya бўлинмасининг бошқарув взводи командири ёрдамчиси П.М.Ковтун жасорат кўрсатиб, ўқ ёмғири остида музли сувдан кечиб ўтиб, ўта муҳим маълумотларни кўшинларимизга етказиб беришга муваффак бўлди. Тез орада десантчилар қўшимча ёрдам олиб, кўлга олинган плацдармни душмандан озод қилдилар.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Шунингдек, бўлинма командири П.М.Ковтун Хайлар туманида Япония армиясига қарши олиб борилган жангларда иштирок этган.

1945–1980 йиллар давомида Тошкентда яшаган.

1980 йилнинг 29 марта вафот этган. Тошкент шахридаги “Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## ИВАН МИХАЙЛОВИЧ КОЛОДИЙ

1912 йил 1 майдында Қозогистоннинг Қарағанда вилояты Нурин тумани Киевка қишлоғыда туғилған.

Кейинчалик эса Сурхондарё вилояты Денов туманинде мева-сабзавот күчтөрхонасыда темирчи бўлиб ишлаган.

1941 йилда Денов тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига хизматга чакирилган. 1942 йилнинг апрель ойидан бошлаб урушда қатнашган. 1943 йил апрель ойида Марказий фронтнинг 65-армияси 69-ўқчи дивизияси 118-артиллерия полкида радиотелеграфчи бўлиб хизмат қилган. Днепр учун бўлган жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 14 октябрдан 15 октябрга ўтар кечаси Украина нинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль қўрғони яқинида Днепр дарёсидан ўтиш чоғида Колодийнинг қайифи душманинг кучли ўти остида парчаланди. Оғир жароҳатига қарамай, Колодий радиостанцияси билан соҳилгача сузиб борди ва жанг майдонини ташлаб кетмади. У берган маълумотлар асосида душманинг 16 та ўқ очиш нуқтаси янчиб ташланди.

1943 йилнинг 30 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, Колодий хизматни давом эттирган ва Молотов ҳарбий-дениз авиатехника билим юртини тамомлаган.

Россиянинг Киров шаҳрида яшаган ва ДОСААФ (Армия ва флотга кўмаклашувчи кўнгиллilar жамияти) туман қўмиталарининг бирида раис бўлиб ишлаган.

Фронтда олган жароҳатлари туфайли 1954 йилнинг 18 ноябрида бевақт вафот этган.



## ВАСИЛИЙ АЛЕКСЕЕВИЧ КОЛЯДА

1920 йил 14 январда Валки шаҳрида (ҳозирги Украина нинг Харьков вилояти) туғилган.

Ўрта маълумот олган, кейин бошланғич мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1939 йилда Бухоро вилояти ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Тиббий инструкторлар курсини ва Харьков ҳарбий тиббиёт билим юртини тамомлаган.

1941 йилдан Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қила бошлаган. 1942 йилнинг февралида оғир жароҳат олган.

1943 йилнинг октябрига қадар Марказий фронтнинг 60-армияси 121-ўқчи дивизияси 574-ўқчи полкининг санитар взводига командирлик қилган ва Днепрдаги жангда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 28 октябрда Украинанинг Киев вилояти Вишгород тумани Глебовка қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтган. Ғарбий соҳилдаги плацдарм учун жангларда 101 нафар ярадор аскарни ва командирни жанг майдонидан шахсан ўзи олиб чиқиб, яна 2000 га яқин ярадорни Днепр дарёсининг шарқий соҳилига ўтказган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Житомир яқинидаги жангларда яна оғир яраланган ва фронт ортига юборилган. Ўрта Осиёда хизмат қилган.

1949 йилда Ҳарбий тиббиёт академиясининг иккинчи курсини тамомлаган.

1953 йил 2 январда вафот этган.



## ИВАН ЯКОВЛЕВИЧ КОНДРАТЕЦ

1919 йилда Украинанинг Чернигов вилояти Прилуки шаҳрида туғилган.

1943 йилда Самарқанд вилоятининг Жиззах тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

62-ўкчи дивизиясининг 184-ўкчи полки бўлинма командири Кондратец Днепр ўнг қирғоғидаги ҳужум пайтида аскарларимизга яқинлашиб келаётган бир гуруҳ душманларни йўқ қилган. Жанг давомида ўқчи взводи командири сафдан чиққан вактда аскарлар орасидан энг тажрибали бўлган И.Я.Кондратец взвод командирлигини ўз зиммасига олган ва жасорати билан жангчиларга ибрат кўрсатган.

1943 йил 28 сентябрда Днепрнинг ғарбий қирғоғида плацдармни кенгайтириш учун олиб борилган жангларда Кондратец икки нафар душман аскарини ер тишлатиб, офицерни асирга олган ва ўлжга сифатида уларнинг куролларини кўлга киритган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

У 2003 йил 24 октябрда вафот этган. Чернигов вилояти Варва қишлоғида дафн этилган.



## ИВАН ПАВЛОВИЧ КОПИЛОВ



1920 йилда кишлоқда темирчи оиласида туғилган.

Тошкент ҳисоб-иқтисод техникумини тугатган.

1939 йилдан армия сафида хизмат қилган. 1941 йилда Подольск артиллериya билим юртини (Бухорода) тамомлаган. 1941 йил июль ойидан уруш қатнашчисига айланган. Москва мудофаасида иштирок этган.

666-артиллерия полкининг дивизион командири ҳужумчилар гурухи таркибида 1945 йил 2 февраль куни Германиянинг Франкфурт шаҳри жануброғида, Фогельзанг қишлоғи яқинида Одер дарёсидан ўтиб, бир неча кун давомида гитлерчиларнинг бир неча ҳужумларини қайтарган. Душман тирик кучи ва кўплаб техникасини яксон қилган. Кўп йўқотишларга қарамай плацдарм ушлаб қолинган ва 16 апрель куни шу плацдармдан Берлинга ҳужум бошлиланган.

1945 йил 31 май куни “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1952 йилда Ҳарбий артиллерия академиясини тамомлаган.

1973 йилдан полковник Копилов захираға бўшатилган. Украинанинг Одесса шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

1982 йил 6 октябрда вафот этган.



## ВАСИЛИЙ ХАРИТОНОВИЧ КОРНЕЙКО

1924 йил Украинанинг Харьков вилояти Чугуев тумани Юрченково қишлоғида туғилган.

1942 йил июль ойида Ўзбекистонга эвакуация қилинган. Шу йилнинг октябрь ойида Сирдарё тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва ўша вактдан бошлаб урушда қатнашган.

1943 йилда Харьков останасида ярадор бўлган.

1944 йил март ойига келиб кичик лейтенант В.Корнейко 3-Украина фронтининг 37-армияси 20-ўқчи дивизияси 60-ўқчи полкининг пулемёт взводига командирлик қилган. Жанубий Бугни кечиб ўтишда қахрамонлик кўрсатган.

1944 йилнинг 25 мартадан 26 мартаға ўтар кечаси Корнейко Украина нинг Николаев вилояти Вознесенск тумани Натягайловка қишлоғи яқинида Жанубий Бугдан ўтиб, плацдармни эгаллашда фаол иштирок этган ва икки кун давомида у мудофаани ушлаб турган. Бу вакт давомида душманнинг аскар ва офицерларини йўқ қилган.

Корнейко 1944 йилнинг 27 март куни жангда ҳалок бўлган ва 1 май куни Вознесенск майдонидаги “Биродарлик” қабристонида дафн этилган.

1944 йилнинг 13 сентябрида “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.



## ФЁДОР МИХАЙЛОВИЧ КОСТИКОВ

1920 йил 23 февралда Россиянинг Тула вилояти Крапивенский тумани Сергиевское қишлоғида туғилган.

1931 йилдан Москвада яшай бошлаган. 1936 йилда мактабнинг 8-синфини, 1938 йилда 230-фабрика мактабини тамомлаган. Москвадаги 6- заводда механик бўлиб ишлаган.

1940 йилда “Метрострой” учувчи клубини тугатган.

1941 йилдан армия сафида ҳарбий хизматни бошлаган.

1941 йил июлда Армавир учувчилар ҳарбий-авиация мактабини тугатган. Ҳарбий-ҳаво кучларининг (Узоқ Шарқ фронти) жанговар бўлинмаларида хизмат қилган.

1943 йил апрелдан бошлаб Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Шимолий Кавказ, Жанубий, 4-Украина, 3-, 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Кубань, Украина жануби, Крим ва Белоруссияни озод қилишда, Висла—Одер, Шарқий Померания ва Берлин операцияларида қатнашган.

Урушда 223 та жанговар парвоз қилган, 69 та ҳаво жангига душманнинг 15 та самолётини шахсан ўзи ва 9 тасини гурух таркибида уриб туширган.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1955 йилдан 73-ҳаво армияси (Туркистон ҳарбий округи) бошқармасида хизмат қилган.

1956—1959 йилларда штабнинг тезкор бўлимида катта офицер ва

1959—1960 йилларда қўмондонлик пункти тезкор навбатчиси лавозимида хизмат қилган.

1960 йил апрель ойида армия сафидан бўшатилган.

1995 йил 25 октябрда вафот этган. Москвадаги “Востряковский” қабристонига дафн этилган.



## СТАНИСЛАВ ИВАНОВИЧ КОСТРОВ

1923 йилда Украинанинг Хмельницк вилояти Шепетовка шаҳрида туғилган.

Самарқанд вилоятининг Нарпай тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. Харьков пиёдалар билим юртини тутатган (Наманганд шаҳрида).

1944 йилда лейтенант Костровнинг 247-ўқчи дивизиясининг 909-ўқчи полки пулемёт взводига Висла дарёсини кечиб ўтиш ва ғарбий қирғоққа бориб ўрнашиш топшириғи юклатилган.

Душманлар тўғридан-тўғри дарёга ўқ отиш билан бирга ҳаводан туриб қайиқ ва солларга бомба ташлашига қарамасдан, Костровнинг жангчилари қирғоққа чиқа олган ва лейтенант ўз пулемётларини ниҳоятда моҳирлик ва оқиллик билан жойлаштириб чиққан, гранатомётчилар ва ўқчиларнинг позицияларини белгилаб берган, душманни бехато отиш бўйича ўзи шахсий намуна кўрсатган.

Костровнинг аскарлари фашистларнинг еттида пулемёт пунктларини ўйқ қилиб, душманни чекинишга мажбур қилганлар. Тез орада 909-полкнинг бошқа бўлинмалари ҳам етиб келиб, дарёning чап қирғидаги плацдармни 4 километргача кенгайтирганлар.

1945 йилнинг 24 марта "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилган.

Урушдан сўнг Марий университетида (Йошкар-Ола, Россия) дарс берган.

2001 йил 12 авгуистда вафот этган. Йошкар-Оланинг "Турунов" қабристонида дафн этилган.



## МИХАИЛ ТИМОФЕЕВИЧ КОШЕЛЕВ



1911 йилда Чувашистан Республикасида (Россия) туғилган.

1926 йилдан Тошкентда яшаган. Туркистан—Сибирь қурилишида ишләган. 1933—1936 йилларда армия сафларида хизмат қилган, ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Тошкентга қайтиб келган.

1942 йил март ойида Тошкент шаҳар Ленин тумани ҳарбий комиссариати томонидан қайта ҳарбий хизматга чақирилган. Август оидан бошлаб ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этган.

1943 йилда сержант Кошелев 110-ўқчи дивизияси 310-ўқчи полки бўлинмасига командирлик қилган.

1943 йил 9 октябрь куни бир гурӯҳ жангчилар билан Кировоград вилояти Онуфриев тумани Куцеволовка қишлоғига бостириб кириб, гранаталар билан душманни йўқ қилиб, қўшинларимизга йўл очиб берган. Ушбу жанг давомида душман офицер ва аскарларини хужжатлар билан асирга олишга муваффақ бўлган. Асирларни кўмондонга топширган Кошелев жангга қайтди ва танк десанти таркибида олдинга ҳаракат қилиш чоғида ўзи ҳам контузия олди. Жангда ярадор бўлган (контузия олган) Кошелев касалхонага жойлаштирилган. Ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Тошкентга қайтган. Тошкент темир йўлида ишлаган.

1944 йилнинг 22 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

У 1979 йил 13 март куни вафот этган. Тошкентда дағн этилган.



## НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ КОШЕЛЕВ

1916 йил 25 декабрда Дмитриевск құрғонида (хозирги Макеевка шаҳри, Украина) туғилған.

Қашқадарё вилояти Ғузор машина-трактор станциясида ишлаган.

1941 йил июнь ойида ҳарбий хизматта чақирилған. 1943 йилда Харьков танк билим юртини тамомлаган. Ўша йилнинг июнь ойидан бошлаб урушда қатнашған. Фарбий фронт 21-армия 248-алоҳида танк полкнинг танк ротасига командирлик қилған. Смоленск вилоятини озод этишда жасорат күрсатған.

1943 йилнинг 7 августидан 16 сентябригача бўлган даврда Кошелев Ельня яқинидаги жангларда бир неча бор ўзини намоён этди. Делячино қишлоғи яқинида бўлган жангда унинг танкига зарба етказилганига қарамай у жангни давом эттириди ва душманнинг 2 та танки, 3 та танкка қарши қуроллари, 1 та бункер, ҳамда кўпгина аскар ва офицерларини кириб ташлади. Жданов қишлоғи учун бўлган жангда душманнинг 3 та танки, 1 та ўзиорар артиллерия қуроли, 1 дот, 1 дзот, 4 пулемёт, 30 нафарга яқин аскар ва офицерларини тор-мор қилган.

1943 йил 16 сентябрь куни танкига зарба етказилиб, унинг бутун экипажи ҳалок бўлган. Кейин Кошелев ёниб турган танк ичидан чикиб, пиёдалар сафида жангни давом эттирган. Жанг давомида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Ельня шаҳридаги “Биродарлик” қабристонига дағн этилган.

1944 йилнинг 10 мартада “Совет Иттилоғи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ИВАН ФЕДОТОВИЧ КРАШЕНИННИКОВ

1909 йилнинг 22 январида Пашкино (Россиянинг ҳозирги Оренбург вилояти шимолий тумани) қишлоғида туғилган.

Қишлоқ мактабини ва механизациялаш билим юртини тутатгандан сўнг, аввал Тошкентда токарь, сўнгра чилангар бўлиб ишлаган.

1942 йилдан армияга чақирилган. Иккинчи жаҳон урушида Воронеж фронтида 47-армиянинг 218-ўқчи дивизияси 667-ўқчилар полки 1-ўқчи батальонининг жангчиси бўлган. Жангларда уч марта жароҳат олган. Днепрдан кечиб ўтища жонбозлик кўрсатган.

1943 йилнинг 24 сентябрида Украина нинг Черкасск вилояти Канев шахри яқинида Днепрни кечиб ўтища бўлинмалар ва полк қўмондонлиги ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаб берган. 25 сентябрда полк штабидан жанговар буйрукнома билан ротага юборилган. Йўлда уни учта душман аскари асирга олган, аммо буйрукномани оғзига яширишга муваффақ бўлган. Душманлардан бирининг автоматини тортиб олиб, уларни йўқ қилган ва буйрукномани ротага муваффақиятли етказган.

1944 йил 3 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Урушдан сўнг Оренбург вилоятининг Новошергиеvский туманидаги Платовка қишлоғида яшаган.

1976 йилнинг 8 марта вафот этган.



## СЕРГЕЙ ВАСИЛЬЕВИЧ КРИВЦОВ

1904 йил 17 сентябрь куни Россиянинг Воронеж вилояти Острогож тумани Завершье қишлоғида туғилган.

Ўсмирлик чоғида оиласи билан Краснодар ўлкаси (ҳозирги Адигей Республикаси) Гиагинск тумани Келермесс станицасига кўчиб ўтишган.

Кейинчалик Ўзбекистонга кўчиб келиб, Қашқадарё вилоятидаги Қарши санитария-эпидемиология станциясида омборчи бўлиб ишлаган.

1942 йилнинг 8 марта армия сафига чақирилган, шу йилнинг 1 июнидан эса уруш харакатларида қатнаша бошлаган.

Воронеж фронтининг 40-армия 10-танк корпуси 11-мотоўқчи бригадасининг автоматчилар бўлими командири сержант С.В.Кривцов разведкачилар гурухи билан 1943 йилнинг 22 сентябрида Киев вилояти Кагарлик тумани, Монастирёк хутори (ҳозирги Ржишев кўргони) яқинида Днепр дарёсининг ўнг соҳилига ўтиб, Балик қишлоғида оператив хужжатлар, душман офицери ва уч нафар оддий аскарини қўлга олган.

1943 йилнинг 23 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшагач, Тошкентга қайтиб, шаҳардаги Олий касаба уюшмаси мактабини тамомлаган. Жамбул, Кўқон, Чирчик шаҳарлари касаба уюшмаси ташкилотларида ишлаб келган.

С.В.Кривцов кўп йиллар давомида Чирчик электркимё комбинатида аппаратчи бўлиб ишлаган. Кейинчалик завод касаба уюшмаси қўмитаси раиси ўринbosари бўлиб сайланган, сўнгра Шўрсув конида смена бошлиғи бўлган.

1979 йил 8 февраль куни вафот этган. Чирчик шаҳрида дафн этилган.



## ВИКТОР ПЕТРОВИЧ КУЗНЕЦОВ

1924 йил 24 ноябрда Хабаровск (Россия)да туғилган.  
Үқиши тугатгандан сүнг сураткаш бўлиб ишлаган.  
1942 йил августдан армия сафига чақирилган.  
1943 йил майдан Иккинчи жаҳон урушида қатнаша бошлаган.  
1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1945 йил январида 1-Белоруссия фронтининг 5-зарбдор армияси 9-ўқчи корпуси 301-ўқчи дивизияси 1052-ўқчи полки 3-ўқчи батальони 9-ротасида гурух командири бўлган. Польшани озод қилишда жонбозлик кўрсатган. Магнушевдан 12 километр гарбда жойлашган Виборув қишлоғида, ротада биринчи бўлиб Пилица дарёсини кечиб ўтиб, душманнинг иккита пулемёт нуқтасини яксон қилган. Дарёнинг гарбий соҳилидаги плацдармдаги жангда ўнлаб душман аскар ва офицерларини йўқ қилган.

1945 йил 15 январда душманнинг яна 2 та ўқ отиш нуқтасини яксон қилган.

Урушдан кейин “старшина” унвонида армия сафидан захирага бўшатилган.  
Кейинчалик Тошкентда яшаган ва кинооператор бўлиб ишлаган.

1987 йил вафот этган. Тошкент шаҳридаги ”Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## АНАТОЛИЙ НАУМОВИЧ КУЗЬМИН

1924 йилда туғилған.

1942 йилда Туркманистаннинг Ашхобод шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чакирилған.

1945 йил январь ойининг ўрталарида Варшава яқинидаги бўлиб ўтган ҳал қилувчи жангларнинг бирида 60-ўқчи дивизиясининг 1281-ўқчи полки 45 миллиметрли курол бўлинмасининг йўналтирувчи аскари кичик сержант Кузьмин душманнинг жойлашган манзилини аниқлаб, снаряд билан нишонга олган. Айнан Кузьминнинг маҳорат ва жасорати Польша пойтахтининг Колушин, Гура, Окунин аҳоли пунктларида жангларда ғалабага эришиш имконини берган. Жумладан, Кузьмин асосий кучларимизнинг Висла дарёсидан муваффақиятли кечиб ўтишини таъминлаб берган.

1945 йилнинг 24 марта "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилған.

1992 йил 4 июнда вафот этган. Самарқанд шахрида дафн этилган.



## ВЛАДИМИР КУЗЬМИЧ КУЛЕШОВ

1918 йил 5 январь куни Наманган шаҳрида туғилган.

1940 йил март ойида армия сафига ҳарбий хизматга чақирилган. Одесса учувчилар олий ҳарбий авиация мактабини тугатган.

1942 йилнинг август ойидан урушда қатнашган. Жангларда икки марта яраланган.

1943 йил сентябрь ойига келиб, катта лейтенант В.Кулешов Воронеж фронтининг 2-хаво армияси 5-кирувчи авиакорпуси 40-кирувчи авиаполкиниг штурмани лавозимида хизмат қилган.

В.Кулешов ўзининг ҳарбий фаолияти давомида жами 73 маротаба ҳарбий харакатларда иштирок этиб, 351 та жанговар парвозни амалга оширган, душманнинг 16 та самолётини шахсан ва 5 тасини гурух таркибида уриб туширган.

1943 йил 3 ноябрь куни Украина нинг Киев вилоятида амалга оширилган жангда ҳалок бўлган ва Киев вилоятининг Гостомель посёлкасида дафн этилган.

1944 йилнинг 4 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ИВАН ДАНИЛОВИЧ КУРГАНСКИЙ

1908 йилнинг 26 декабряда Украинанинг Чернигов вилояти Фаевка қишлоғида (ҳозирги Новгород-Северск тумани) туғилган.

Тошкент давлат университетининг биология факультетини тутатгач, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида дарс берган.

1939 йилда захирадаги командирлар таркибининг малакасини ошириш курсларини тутатган.

1941 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва ўша йилнинг сентябрь ойидан урушга кирган. Ғарбий, Шимоли-Ғарбий, 2-Болтиқбўйи фронтларидаги жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1944 йил июль ойига келиб подполковник И.Курганский 2-Болтиқбўйи фронтининг 10-армияси 8-ўқчи дивизияси 19-ўқчи полкига командирлик қилган. Латвия ҳудудидаги жангларда иштирок этган.

1944 йилнинг 10 июлидан 5 августигача бўлган даврда И.Курганскийнинг полки жанглар билан 300 километр олдинга ўтиб кўпгина аҳоли пунктларини озод этган. Лудза ва Резекне шаҳарлари учун бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1944 йилнинг 5 август куни жангда ҳалок бўлган. Латвиянинг Баркава шаҳри Мадон туманида дағн этилган.

1945 йилнинг 24 мартада “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ВАСИЛИЙ НИКОЛАЕВИЧ ЛАГУТИН

1913 йилнинг 28 август куни Россиянинг Ставрополь ўлкаси Петровск тумани Константиновск қишлоғида туғилган.

6-синфни тугатгач, Грозний шаҳрида темирчи бўлиб ишлаган.

1935 йилдан Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1939 йилда Халхин-Гол дарёсида бўлган жангда иштирок этган. Кичик лейтенантлар курсларини тамомлаган. Уруш бошланиши билан фронтда бўлган.

1942 йилда командирлар таркибининг малакасини ошириш курсларини тутатган.

1943 йилнинг 11 ноябринда 1-Украина фронтининг 38-армияси 5-танк корпуси 21-танк бригадаси танк батальонининг командири В.Лагутин 14 та танк бошчилигига Киев вилоятининг Васильковск тумани Саливонки қишлоғи яқинида душманнинг орт томонидан хужумга кириб, 14 та қуроли, 45 та автомашинаси ва кўпгина фашистларни йўқ қилган. Танкига шикаст етказилгандан сўнг у ўқотар қуроли билан жангни давом эттирган ва яраланган ҳолда экипажи билан қуршовдан чиқкан.

1944 йилнинг 24 апрелида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг захирага бўшатилган майор В.Лагутин Самарқанд вилоятида яшаб, ишлаган.

1981 йилнинг 3 ноябринда вафот этган.



## СЕМЁН АРХИПОВИЧ ЛАРИОНОВ

1915 йилнинг 1 апрелида ҳозирда Татаристоннинг (Россия) Черемшан тумани ҳисобланмиш Черемшан қишлоғида туғилган.

1934 йилдан Қозогистоннинг Жамбул вилоятида яшаб ишлаган.

1937–1939 йиллар давомида армия сафида хизматни ўтаган. Ҳарбий хизматдан бўшатилгач, темир йўл техникумida ўқиган.

1941 йилнинг декабрь ойида Самарқанд шаҳар ҳарбий комисариати томонидан такроран ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йилнинг апрель ойидан жангга кирган.

1943 йилнинг октябрь ойига келиб, катта сержант С.Ларионов Марказий фронтнинг 65-армияси 69-ўқчи дивизияси 237-ўқчи полкининг ўқчилар взводига командирлик қилган. Днепр учун жангларда жасорат кўрсатган.

1943 йилнинг 16 октябрь куни С.Ларионов ҳужумчилар гурухи таркибида Украинанинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль кўргони яқинида Днепр дарёсининг ғарбий соҳилидаги плацдармни эгаллаб, уни ушлаб қолиш учун олиб борилган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йилнинг 30 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Умрининг охирига қадар Қозогистоннинг Жамбул вилояти Меркен тумани Мерке қишлоғида яшаган. 1984 йилнинг 29 декабря вафот этган.



## РАФАИЛ ФРОИМОВИЧ ЛЕВ

1918 йилда Украинанинг Одесса шаҳрида туғилган.

1941 йилдан Тошкент шаҳрида яшаб ишлаган. 1942 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йилнинг кузидаги ўқчилар полкининг ўқчилар ротаси командири катта лейтенант Р.Лев Днепрни кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатиб, душманни шиддатли ҳужум билан қочишга мажбур қилган. У ўз бўйсунувидаги шахсий таркибга жасорати ва матонати ҳамда ҳарбий бурчига содиқлиги билан ўрнак ва ибрат бўлган ҳолда қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

1943 йилнинг 17 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ГРИГОРИЙ МИХАЙЛОВИЧ ЛЕВИН

1902 йилнинг 10 январида Россиянинг Красноярск ўлкаси Анцирь қишлоғида туғилган.

1935 йилдан 1941 йилгача Чирчик шаҳрида яшаб, Чирчик шаҳридаги “Чирчикстрой” трестида ишлаган.

1941 йилнинг 5 сентябрида Чирчик тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган, ноябрь ойидан эса урушга кирган.

1945 йилнинг апрелига келиб, полковник Г. Левин 2-Белоруссия фронтининг 65-армияси 37-ўқчи дивизиясининг 109-ўқчи полкига командирлик қилган. Берлин операцияси чоғида жонбозлик кўрсатган.

1945 йилнинг 19 апрелидан 20 апрелига ўтар кечаси Г.Левиннинг полки Штеттиндан жануброқда Одер дарёсининг ғарбий соҳилидаги плацдармни эгаллаб олган ва кейинги уч кун давомида душманнинг йигирма олтита хужумини қайтарган ва шу тариқа ўз таркибини армиямизнинг ҳаракатчан гурухи билан тўлдиришга эришган.

1945 йилнинг 29 июнида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, Г.Левин армия сафида хизматни давом эттириб, 1954 йилда захирага бўшатилган. Даставвал Чирчик шаҳрида, кейинчалик Россиянинг Барнаул шаҳрида яшаган, Олтой ўлкасининг “ДОСААФ” ташкилотига раҳбарлик қилган.

1983 йилнинг 26 январида вафот этган.



## ИВАН МИХАЙЛОВИЧ ЛЕОНОВ



1923 йилда Россиянинг Тамбов вилояти Большое Кушинское қишлоғида туғилган.

1940 йилда Тамбов шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 199-штурмчи авиадивизиянинг 569-штурмчи авиаполки учувчиси бўлган.

1944 йилнинг 25 июнь куни Белоруссиянинг Бобруйск яқинида бўлиб ўтган қақшатқич жанглар давомида лейтенант И.Леонов бошчилигидаги гурӯҳ ҳаводан фашистларнинг иккита батареясини йўқ қилган.

1945 йилнинг 12 февраль куни Германия худудида бўлиб ўтган жангларда фашистларнинг қақшатқич зарбасига жавобан И.Леонов бир йўла иккита қирувчи билан кураш олиб борган, битта самолётни тор-мор келтиргач, ўзининг самолёти хам ёниб кетган. Бироқ моҳир учувчи ёнаётган самолётда фронт линиясидан учиб ўтиб, ўз худудида қўнишга муваффақ бўлган.

Лейтенант И.Леонов ўз хизмати давомида 106 та жанговар парвозни муваффақиятли амалга оширган, 8 та танк, 108 та автомашина, 6 та паровоз, ҳарбий курол-анжомлар юкланган 120 та аравани йўқ қилган, 130 та темирйўл вагонларини ёқиб юборган, 11 та ёқилғи ва ўқ-дорилар сақланадиган омборхонани портлатган.

1945 йилнинг 18 августида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1957 йилда майор ҳарбий унвонида захирага бўшатилган.

Собиқ ҳарбий учувчи И.Леонов урушдан сўнг Урганч аэропортида диспетчер бўлиб ишлаган.

2000 йилнинг 21 ноябрида вафот этган.



## ИВАН КАРПОВИЧ ЛИПЧАНСКИЙ

1912 йилнинг 15 февраль куни Россиянинг Ставрополь ўлкаси Государственная станицасида туғилган.

Тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаб, совхозда ҳайдовчи бўлиб ишлаган.

1941 йилнинг июнь ойида Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва ўша йилнинг июль ойидан урушга кирган.

1945 йилнинг апрель ойига келиб, И.Липчанский 3-Белоруссия фронтининг 11-армияси 83-ўқчи дивизияси 248-ўқчи полкининг пулемётчиси бўлган. Шарқий Пруссия жангларида жонбозлик кўрсатган.

1945 йилнинг 26 апрель куни И.Липчанский 25 та жангчилардан иборат гуруҳ билан Фрише-Нерунг (ҳозирги Болтиқ) қирғоғига ўтиб, душман билан ўша ерда жанг қилган. У дўстлари билан душманнинг 8 та ўтли нуқтасини йўқ қилган, бир нечта ҳужумларини қайтарган, шахсан ўзи душманнинг 17 та аскарини йўқ қилган ва 9 тасини асирга олган.

1945 йилнинг 29 июнида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг кўп йиллар давомида даставвал Самарқанддаги суперфосфат заводида, кейинчалик Нальчикка кўчиб кетганидан сўнг ўша ерда ишлаган.

1988 йилда вафот этган.



## ЕВГЕНИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ЛОБАНОВ

1916 йил 5 январда Павловский Посад шаҳрида (Россиянинг ҳозирги Москва вилояти) туғилган.

Бауман номидаги Москва давлат техника олийгоҳини тамомлаган.

1935 йилда армия сафига чақирилган.

1938 йилда Ейск денгиз-авиация мактабини битирган.

1941 йил июндан бошлаб Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

1943 йил ноябрга қадар Ҳарбий ҳаво кучлари Кора денгиз флотининг 1-мина-торпедо авиация дивизиясида 5-гвардия мина-торпедо авиация полки эскадрилья командири бўлиб хизмат қилган. Бу вақтга келиб, денгиз портлари ва базаларини бомбардимон қилиш, ҳаво кемаларини разведка қилиш, кемала-римизни кузатиб бориш ва Крим партизанларига курол-аслаҳа етказиб бериш учун 235 та жанговар парвозни амалга оширган. Шахсан душманнинг 7 та транспорт воситасини чўқтирган, 2 та душман самолётини уриб туширган.

1944 йилнинг 22 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони билан тақдирланган.

1946 йилда армия сафидан бўшатилган.

1974 йил 18 февралда вафот этган. Тошкентда дафн этилган.



## ИВАН МИХАЙЛОВИЧ ЛОБАНОВ

1918 йилда Россиянинг Кострома вилояти Новленское қишлоғида туғилган.

Чирчиқда яшаган ва меҳнат қилган. Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳарбий комиссариати томонидан хизматга чақирилган.

1943 йилнинг 15 октябрида 69-Севск ўқчи дивизиясининг 20-максус разведка ротаси бўлинма командири сержант И.Лобанов бошчилигидаги кўнгилли разведкачилар Днепр дарёсидан кечиб ўтётганларида душманнинг шиддатли хужумига дуч келганлар. Душманнинг бундай хужумини тўхтатиш вазифасини командир И.Лобанов ўз зиммасига олган ва топшириқни муваффақиятли бажарган. У душманни хушига келишига имкон бермай, кўшимча кучлар келгунига қадар уларни куршовда ушлаб турган.

1943 йилнинг 30 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг 1948 йилда захирага бўшатилган. Россиянинг Иваново шаҳрида яшаган.

1996 йилнинг 19 март куни вафот этган. “Балино” қабристонида дағн этилган.



## СУЛГИ ЛУТФУЛЛИН



1923 йилнинг 5 январь куни Ўзган (Қирғизистон)да туғилган.

1942 йил март ойида Андижон шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва ўша йилнинг апрель ойидан урушга кирган. 1944 йилнинг август ойига келиб катта сержант С.Лутфуллин 1-Украина фронтининг 13-армияси 493-қиравчич-танкка қарши артиллерия полкида расчётга командирлик қилган. Польшани озод этишда қаҳрамонлик кўрсатган.

1944 йилнинг 18 август куни С.Лутфуллиннинг расчёти Сандомир плацдарми жангларида 12 та душман танклари ва пиёда аскарлари томонидан куршовга олинганига қарамай, душманнинг саккизта қарши хужумини муваффақиятли қайтариб, 5 танкини йўқ қилган ва ўз жангчиларини куршовдан муваффақиятли олиб чиқкан.

1945 йилнинг 29 январь куни Тарксдорф аҳоли пункти яқинида Одер дарёсидан ўтиб, унинг ғарбий соҳилини ушлаб қолиш учун олиб борилган жангларда фаол қатнашган.

1945 йилнинг 30 январь куни бўлиб ўтган жангларда унинг расчёти 7 та танк ва 1 та бронетранспортёрни йўқ қилган.

1945 йилнинг 10 апрелида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда захирага бўшатилган С.Лутфуллин Андижонда яшаб, савдо соҳасида ишлаган.

1991 йилда вафот этган.



## АЛЕКСЕЙ ИЛЬИЧ ЛЮБИМОВ

1902 йилнинг 20 майида Россиянинг Ростов вилояти Цимлянск тумани Красночерск станицасида туғилган.

Урушгача Сурхондарё вилояти Термиз шахрида яшаган.

1941 йил июнь ойидан уруш қатнашчиси бўлган. Белоруссия ва Курск жангларида иштирок этган.

1943 йилнинг 27 сентябрида 671-артиллерия полки (Степной фронти 7-гвардиячи армиясининг 213-ўқчи дивизияси) командири майор А.Любимов полкнинг моддий қисмини қўлбола воситалар ёрдамида Днепр дарёсидан олиб ўтган ва душманнинг оғир танклари, зирҳли машиналари ва бронетранспортёрларига қарши курашиб, Днепропетровск вилоятининг Верхнеднепровск туманидаги Днепровокаменка қишлоғи яқинида дарёнинг ўнг соҳилидаги плацдармни эгаллаган. Шу жангда душманнинг 32 та танки 19 та шатаги ва автомашинасини, 7 та артиллерия қурилмасини, 3 та миномёт батареясини яксон қилган ҳамда кўплаб аскар ва офицерларини тор-мор келтирган.

1943 йилнинг 23 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилдан истеъфога бўшатилган А.Любимов Термиз шахрида яшаган.

1986 йилнинг 5 апрель куни вафот этган. Краснодарда (Россия) дафн этилган.



## БОРИС АЛЕКСАНДРОВИЧ МАЙСТРЕНКО



1923 йил 1 декабрь куни Украинанинг Чернигов вилояти Новгород-Северск туманида туғилган.

Кейинчалик Тошкентда яшаган ва заводда ишлаган.

1942 йил август ойида Майстренко Тошкент шаҳар Сталин тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йилда Харьков танк билим юртини (кейинчалик Чирчик шахрида) тутаттган. Ўша йилнинг июль ойидан бошлаб урушда қатнашган.

1944 йил июнь ойига келиб, Ленинград фронтининг 8-армияси 152-алоҳида танк бригадаси 1-танк батальонининг “Т-34” танкига командирлик қилган. Карелия жангларида жасорат қўрсатган. Ўша жангларда рота командирлигини ўз зиммасига олиб, душманнинг 3 та доти, 8 та дзоти, 15 та артиллерия куроли, 20 та пулёмети, ўнлаб аскар ва офицерларини қириб ташлаган.

Б.Майстренко 1945 йил 15 январда оғир жароҳати туфайли вафот этган.

1945 йилнинг 24 мартада “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ПЕТР ФЕДОРОВИЧ МАКАРОВ

1922 йил 7 ноябрь куни Россиянинг Смоленск вилояти Кардимов тумани Горюпино қишлоғида туғилган.

1935 йилда Ярцев туманинаги Воротишино қишлоғига кўчиб ўтган.

Мактабнинг етти синфини тугатгач, колхозда иш бошлаган.

1941 йил июль ойида ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилда Рига пиёда аскарлар билим юртини тугатиб, май ойидан бошлаб уруш ҳаракатларида қатнашган.

1943 йил ноябрь ойига келиб лейтенант П.Макаров 1-Украина фронтининг 38-армияси 167-ўқчи дивизияси 520-ўқчи полки ротасига командирлик қилган. Киев шаҳрини озод қилинишида жасорат кўрсатган.

1943 йил 3 ноябрь куни Макаров ротаси душман мудофаасини ёриб ўтган, қарши ҳужумни қайтариш чоғида фашистларнинг бир неча танкини йўқ қилган, пиёдаларини ортга қочишга мажбур қилиб, кўргондаги болалар санаторийсини озод қилган. 4 ноябрь куни эса Пуши-Водици туманини озод қилишда душманинг ўт очаётган пулемётини граната отиб йўқ қилди ва оёғидан яраланди. Пуши-Водици тумани бутунлай озод бўлгач, Макаров ҳарбий касалхонага йўл олди.

1944 йилнинг 10 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, Макаров армия сафида хизматни давом эттирган. 1956 йилда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган.

1976 йилда полковник унвонида захирага бўшатилган. Тошкент шаҳрида яшаб, меҳнат фаолиятини юритган.

У 2006 йил 20 апрелда вафот этган.



## ВАСИЛИЙ ИВАНОВИЧ МАКСИМЕНКО



1913 йил 12 февраль куни Украинанинг Донецк вилояти Харцизск қўрғонида туғилган.

Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан 1935 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

Лейтенант Максименко 1941 йилнинг июль ойидан бошлаб урушда қатнашган. Уруш давомида эскадрилья командири ўринбосари, эскадрилья командири, полк штурмани бўлган. Кавказорти фронтининг 4-ҳаво армияси 216-қирувчи авиация дивизияси 88-қирувчи авиация полкининг эскадрилья командири бўлган.

1942 йил октябрь ойигача 250 та жанговар парвозни бажариб, 15 та ҳаво жангидаги душманнинг 7 та самолётини уриб туширган.

Подполковник Максименко ғалабагача бўлган даврда 516 та жанговар парвозни амалга ошириб, шахсан ўзи 7 та ва гурухи билан 9 та душман самолётини уриб туширган.

1942 йилнинг 23 ноябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг хизматни давом эттириди. Россиянинг Владивосток шаҳри Кневичи аэродромида 47-хужумчи авиация полкига командирлик қилган.

1955 йилда Ворошилов номидаги Ҳарбий денгиз академиясини тамомланган.

1961 йилда полковник Максименко захирага бўшатилгач, Латвиянинг Рига шаҳрида яшаган ва “Ригасельмаш” заводида ишлаган.

2004 йил 5 июнда вафот этган.



## ВИКТОР АЛЕКСАНДРОВИЧ МАЛЯСОВ

1917 йил 7 ноябрда Тошкент шаҳрида туғилган.

1937 йилдан 1941 йилгача бўлган даврда Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўяжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олган.

1941 йил ноябрь ойида ҳарбий хизматга чакирилган. 1942 йилда Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртини тамомлаган ва шу йилнинг май ойидан бошлаб урушда қатнашган.

1943 йилнинг 28 сентябрь куни Малясовнинг батальони Украинанинг Чернигов вилояти Репкин тумани Миси қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан ўтиб, унинг ғарбий соҳилидаги плацдармни эгаллаган ва душманларнинг кўплаб қарши хужумларини қайтариб, асосий кучлар кечиб ўтгунча ушлаб турган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йил 17 октябрда Польшанинг Радзимин қишлоғини душмандан озод қилиш учун бўлган жангда майор В.Малясов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Аввал Варшаванинг Мокотуа туманида дафн этилган эди, кейинчалик Брестнинг 1 май паркида жойлашган “Биродарлик” қабристонига қайта дафн этилган.



## КОНСТАНТИН ВАСИЛЬЕВИЧ МАНОШИН

1917 йил 11 майда Россиянинг Пермь ўлкаси Суксун кўрғонида туғилган. Мактабнинг 9-синфини тамомлаган.

1935 йилда Тошкент шаҳри Куйбишев тумани ҳарбий комисариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1938 йилда Энгельс ҳарбий авиация учувчилари билим юртини тамомланган.

1942 йил сентябрь ойидан бошлаб уруш харакатларида қатнашган.

1944 йил июль ойига келиб, майор К.Маношин 1-Болтиқбўйи фронтининг 3-ҳаво армияси 1-кирувчи авиация корпуси 4-кирувчи авиадивизия 64-кирувчи авиаполкининг штурмани бўлган. Ўша вақтгача Маношин 132 та жанговар парвозларни амалга оширган, 38 та ҳаво жангларида иштирок этиб, шахсан ўзи 12 та ва гуруҳи билан 4 та душман самолётини уриб туширган.

1944 йилнинг 26 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, Маношин хизматни давом эттирган ва 1964 йилда подполковник унвонида захирага бўшатилган. Россиянинг Воронеж шаҳрида яшаган.

У 1971 йил 23 августда вафот этган.



## ЛЕВ МАРКОВИЧ МАРГУЛЯН

1903 йил 17 мартда Старая Котельня қишлоғида (хозирги Украинанинг Житомир вилояти Андрушевск тумани) туғилган.

1943 йил Тошкент вилояти Юқори Чирчик туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

Воронеж ва Марказий фронтларда жанг олиб борган. Л.Маргулян жангга биринчи марта Марказий фронтнинг 60-армияси 280-ўқчи дивизияси 1031-ўқчи полки сапёрлар взводи таркибида оддий сапёр сифатида генерал-лейтенант Черняховский қўмондонлиги остидаги совет қўшинлари таркибида кирган. Лев Маргулян кичик сержант унвонини олгач, сапёрлар бўлинмасининг командири этиб тайинланган.

1943 йил 25 сентябрда душман ўқи остида Чернигов вилояти Окуниово қишлоғи яқинида жангчи ва ҳарбий техникаларни қайиқ ва солларда Днепр дарёсидан талофатсиз ўтишини таъминлаган. Йккита рейсни муваффақиятли ўтказган Л.Маргулян учинчисидан қайтаётган пайтида мардларча ҳалок бўлган. Окуниово қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонида дафн этилган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ФЁДОР ИВАНОВИЧ МАТВЕЕВ



1923 йил 30 декабрда Карасёво (Россиянинг ҳозирги Новосибирск вилояти Черепанов тумани) қишлоғида туғилган.

Ўзбекистонда яшаб, темир йўлда ишлаган.

1942 йилда Фарғона вилояти Қува тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чакирилган ва ўша йилнинг декабрь ойидан бошлаб уруш харакатларида қатнашган. 1943 йилнинг апрелида ярадор бўлган.

1944 йилга келиб сержант Ф.Матвеев 4-Украина фронтининг 51-армияси 263-ўқчи дивизияси 997-ўқчи полки 1-пулемётчилар ротаси бўлинмасига командирлик қилган. Севастополни озод қилишда жасорат кўрсатган.

1944 йилнинг 7 майдан 8 майига ўтар кечаси Матвеев бўлинмаси душманнинг симли тўсиқлари ва мина майдонларидан ўтиш учун йўл очиб берган ва душман хандақларини босиб олган. 1944 йил 9 майда унинг бўлинмаси Севастополнинг Корабель худуди учун бўлган жангларда фаол қатнашган. Ўша жангда Матвеев ярадор бўлса-да, рота командирининг ўрнини босиб, жангни давом эттирган.

1945 йилнинг 24 марта "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилган.

Урушдан кейин Чернигов пиёда аскарлар билим юртини тамомлаган ва захирага бўшатилган. Ватанга қайтгач, 1945 йилда Қува туманида жойлашган ҳозирги Мўйдин Ҳасанов маҳалла фуқаролар йигинидаги Истиқлол қўчасида яшаган. Туман ёшлар қўмитаси котиби бўлиб ишлаган.

1951 йилда Матвеев армияга қайта чақирилган. Ҳарбий-сиёсий курсларни тамомлагач, Қора дengiz флотида хизмат қилди.

1974 йилда 1-ранг капитани унвонида захирага бўшатилганидан кейин Севостополда, кейинчалик Тошкентда яшаган.

1976 йил 12 апрелда вафот этган. Тошкент шаҳридаги "Биродарлик қабристони"да дафн этилган.



## НИКОЛАЙ ЕФИМОВИЧ МАТВИЕНКО

1914 йил 11 апрелда Пески қишлоғида (хозирги Украина нинг Полтава вилоятидаги Лохвицк тумани) туғилған. Мактабнинг етти синфини тамомлаб, Макеевкадаги заводда чилангар бўлиб ишлаган.

1936 йилда армия сафига хизматга чакирилган.

1939 йилда кичик лейтенантлар курсини тамомлаган.

Шимоли-Гарбий фронтнинг 13-армияси 80-ўқчи дивизияси 307-маҳсус танк батальони взводи командири сифатида совет-фин уруши жангларида қатнашган.

1940 йил 3 марта Матвиенконинг взводи Хейнъёки станцияси (хозирги Россиянинг Ленинград вилояти Виборг тумани, Вешчево) яқинида чекинаётган фин қўшинлари изидан қувиб, мина майдонидан йўл очган ва натижада танк ва пиёда аскарлар харакатини таъминлаган.

1940 йилнинг 7 априлида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1948 йили партия мактабини тамомлаган.

1956 йилда Матвиенко подполковник унвонида захирага бўшатилгач, Навоий шаҳрида яшаган ва шаҳар халқ назорати қўмитасини бошқарган. Пенсияга чиққач, Россиянинг Ставрополь ўлкаси Лермонтов шаҳрига кўчиб ўтган.

1990 йил 10 январда вафот этган. Лермонтов шаҳрида дағн қилинган.



## ИВАН ФЁДОРОВИЧ МАХОРИН

1916 йил 9 марта Қозогистоннинг Атирау вилояти Индер тумани Гори қишлоғида туғилган.

Қарақалпоғистонда Мўйноқ тумани Учсой қўргонидаги балиқ заводининг балиқ овлаш катерида механик бўлиб ишлаган.

1942 йилнинг 15 январида армия сафига Мўйноқ туман ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган. 1942 йилнинг сентябридан фронтда хизматни давом эттирган.

1944 йилнинг 15 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Махорин олинган жароҳати туфайли 1944 йил январда ҳарбий хизматдан бўшатилган. Урушдан кейин у Мўйноққа қайтган. Кейинчалик Қизил Ўрда (Қозогистон) шаҳридаги “Қизилўрдакурилиш” трестида ишлаган.

1980 йил охирларида Россиянинг Воронеж вилояти Кантемиров тумани Митрофановка қишлоғига қўчиб кетган.

1998 йилда вафот этган.



## ГРИГОРИЙ ЗЕЛЬМАНОВИЧ МАЦ

1920 йил 2 январда Украинанинг Днепропетровск вилояти Новомосковск тумани Перешипено кўргонида туғилган.

Полтава шаҳридаги гўшт-сут саноати техникумини битирган. Кейинчалик Ўзбекистонда яшаб, меҳнат фаолиятини давом эттирган.

1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилда Ростов артиллерия билим юртини битирган. 1942 йилдан бошлаб жангларда қатнашган. Шимоли-Ғарбий, Жануби-Ғарбий, Шимолий ва 2-Украина фронтларида жанг олиб борган. Курск, Ахтирк, Полтава, Кременчуг шаҳарларини озод қилишда жасорат кўрсатган. Днепр дарёсини жанг билан кечиб ўтишда қатнашган.

1943 йил ноябрь охирида душманлар Украинанинг Черкасск шаҳри яқинини ёриб ўтишга тайёрланаётганида танк хавфи энг юқори бўлган йўналишлардан бирига катта лейтенант Г.З.Мац батареяси билан жойлашди. 1943 йилнинг 1 декабряда душманнинг биринчи хужуми бошланди. Фашист танкларини 200 метрга яқинлаштиргач, батарея уларни нишонга олиб қаттиқ ўт билан куршаб олди, натижада душман ортга қайтди, унинг олтита “Тигр” ва учта зирҳли транспортёри жанг майдонида аланга ичидаги қолиб кетди.

1944 йилнинг 17 майида “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Украинанинг Харьков шаҳрида яшаган.

1977 йил 11 октябрда вафот этган. Харьков шаҳрида дафн этилган.



## АЛЕКСЕЙ ЗАХАРОВИЧ МАШКОВ

1921 йил 20 июлда Россиянинг Курск вилояти Кульбакино қишлоғида туғилган.

1939 йилда Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган. 1940 йилда полк мактабини тамомлаган.

Артиллерияда взвод ва батарея командири бўлиб хизмат қилган (Ўрта Осиё ҳарбий округида) А.Машков 1942 йил июлда “Выстрел” курсарининг Тошкент шаҳридаги филиалини битирган.

1942 йилнинг августидан 1944 йилнинг февралигача дивизион алоқа бошлиғи, батарея командири ва 899-артиллерия полки командирининг сафқисми бўйича ўринбосари бўлган. Кавказорти фронтининг Шимолий (1942 йил август – 1943 йил январь) ва Қора денгиз (1943 йил январь-февраль) қўшинлари гурухи таркибида ҳамда Степной (1942 йил август – 1943 йил январь), Воронеж (1943 йил август-октябрь) ва 1-Украина (1943 йил октябрь – 1944 йил февраль) фронтларида жанг олиб борган. Кавказ учун жангларда, Кубанни озод қилишда, Курск жангидаги, Белгород-Харьков ва Сумск-Прилуки операцияларида, Днепр учун жангда, Корсунь-Шевченко операцияларида қатнашган.

1943 йил 20 сентябрда Бучак қишлоғи (Украинанинг Черкасск вилояти Канев тумани) яқинида дарёдан биринчилардан бўлиб кечиб ўтиб, батареяси билан бирга плацдармни ушлаб туришга ва қўшинлар ўтишига ёрдам берган.

1943 йил 29 октябрда “Совет Йттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йилнинг февраль ойидан апрелигача 47-максус қирувчи-танкка қарши дивизионнинг (2-Украина фронти) командири бўлган.

Урушдан кейин армияда хизматни давом эттирган, 1981 йилда захирага бўшатилган.

1996 йил 27 сентябрда вафот этган. Москвадаги “Преображенский” қабристонига дағн этилган.



## ИГОРЬ АНАТОЛЬЕВИЧ МАШКОВ

1924 йил 23 февралда Украинанинг Донецк вилояти Бахмут шаҳрида туғилган.

Самарқанд шаҳрида киномеханик бўлиб ишлаган. 1942 йилда Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва ўша йилдан бошлаб урушда қатнашган.

1943 йилнинг сентяброда аскар И.Машков Степной фронти 37-армияси 62-ўқчи дивизияси 182-ўқчи полкининг ўқчиси бўлган. Днепр учун жангда жасорат кўрсатган.

1943 йил 28 сентябрда Машков биринчилардан бўлиб Днепропетровск вилояти Верхнеднепровск тумани Мишурин Рог қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, унинг ғарбий қирғозидаги плацдармни босиб олиш ва ушлаб туриш учун жангларда фаол қатнашган. Ўша жангларда у шахсан 30 дан ортиқ душман аскар ва офицерларини йўқ қилган.

1944 йилнинг 22 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Машков давлат хавфсизлиги идораларида хизмат қилган, Украинанинг Винница, Ужгород, Одесса шаҳарларида ишлаган.

1961 йил 6 майда бевакт вафот этган. Одессада дафн этилган.



## ЖҮРА МАХМУДОВ

1915 йил 16 июнда Шилким қишлоғида (хозирги Самарқанд вилояты Иштихон тумани) туғилған.

1941 йилнинг июлида армия сафига ҳарбий хизматга чақирилған. 1944 йил апрель ойидан бошлаб урушда қатнашган.

1945 йилга келиб сержант Ж.Махмудов 1-Белоруссия фронтининг 7-отлик корпуси 15-отлик дивизияси 57-отлик полки пулемёт расчётига командирлик қилған. Польшани озод этишда намунали хизмат кўрсатган. 1945 йил 23 январда Махмудов расчёти биринчилардан бўлиб Калиш шаҳри яқинидаги Просна дарёсидан ўтиб, унинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни эгаллаш ва ушлаб туриш учун жангларда фаол қатнашган ва асосий кучларнинг ўтишига ёрдам берган.

1945 йилнинг 27 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилгандан.

Урушдан сўнг Махмудов ҳарбий хизматдан бўшатилған ва ватанига қайтган.

1952 йилда у партия мактабини тамомлаган ва 1955–1961 йилларда колхоз раиси лавозимида фаолият юритган.

1987 йил 9 январда вафот этган.



## РОЖАН (РАВШАН) МАХМУДОВ

1925 йилда Самарқанднинг Сиёб қишлоғида туғилган.

1943 йил февралда армия сафига ҳарбий хизматга чақирилиб, фронтга юборилган. Марказий фронтнинг 61-армияси 89-ўқчи корпуси 415-ўқчи дивизияси 1323-ўқчи полкининг 1-батальони ўқчиси бўлган. Днепр учун жангда жасорат кўрсатган.

1943 йил сентябрда Украинанинг Чернигов вилояти Репкин тумани Змеи қишлоғи яқинидаги Днепр дарёсининг ғарбий қирғоғидаги плацдармни эгаллаша ушлаб туриш жангларида фаол қатнашган. Душманларнинг ўнлаб қарши хужумларини қайтариб, жангнинг қалтис вазиятларида уч маротаба хизмат дошларини хужумга руҳлантириб, шахсан ўзи душманинг 13 та аскар ва офицерларини йўқ қилган.

1943 йил 27 сентябрдаги жангда Махмудов ҳалок бўлган. Репкин тумани Миси қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонига дафн этилган.

1944 йилнинг 15 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## НАБИЖОН МИНГБОЕВ

1918 йил 12 фервалда Наманганда туғилган.

1943 йилдан бошлаб уруш қатнашчиси бўлган.

1944 йилнинг июнига келиб, кичик сержант Н.Мингбоев Ленинград фронтининг 21-армияси 381-ўқчи дивизияси 1261-ўқчи полкининг бўлинмасига командирлик қилган. Ленинградни озод қилишда жасорат қўрсатган.

Мингбоев 1944 йил 10 июня Всеволож тумани Лемблово қишлоги олдидаги жангда сафдан чиққан взвод командири ўрнига аскарларни хужумга бошлаган ва душманни ортга чекинишга мажбур қилган. Ярадор бўлганига қарамасдан жангни матонат билан давом эттирган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг ўзининг туғилиб ўсан шаҳрига қайтган.

1999 йил 3 март куни вафот этган. Наманган шаҳридаги “Мулла Охун” қабристонига дағн этилган.



## ТҮХТАСИН МИРЗАЕВ

1913 йилда Андижон вилояти Марҳамат қишлоғида туғилган.

1942 йилда Марҳамат тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия хизматига чақирилган. 1943 йилдан уруш қатнашчиси бўлган. Хусусан, Днепр дарёсини жанг билан олишда ва ўнг қирғоқдаги плацдармни ушлаб туришда мардлик кўрсатган.

1943 йил 3 октябрда Украянанинг Днепропетровск вилояти Верхнепетровск тумани Рог қишлоғининг жануби-ғарбидаги 160,7-тепалик учун олиб борилган жангда Мирзаев жангчиларни ҳужумга руҳлантириб, чўққига биринчи бўлиб чиқкан ва душманнинг пулемёт ўқини граната улоқтириб тўхтатган. Жангчи душман қўшилларининг 10 дан ортиқ ҳужумларини қайташида иштирок этган. Навбатдаги жангларнинг бирида бедарак йўқолган.

1943 йилнинг 20 декабрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## МИХАИЛ АНДРЕЕВИЧ МИХУТКИН



1923 йил 26 сентябрда Рахмановка қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Саратов вилояти Пугачев тумани) туғилган. Мактабнинг етти синфини тамомлаб, Чирчиқ шаҳрида монтажчи бўлиб ишлаган.

1941 йилда Тошкент шаҳрининг Фрунзе тумани ҳарбий комиссариати томонидан армияга ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилдан уруш қатнашчиси.

1944 йилнинг сентябрига келиб, катта сержант М.Михуткин 1-Болтиқбўйи фронтининг 43-армияси 306-ўқчи дивизияси 935-ўқчи полкининг разведкачичи бўлган.

1944 йил 19 сентябрда Рижск тумани Балдоне қўргони яқинида душман танкига қарши хужум давомида душманнинг иккита танкини шахсан портлатиб юборган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Михуткин ногиронлиги туфайли ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1968 йил 20 декабрда Тошкент шаҳрида вафот этган.



## МИХАИЛ ЯКОВЛЕВИЧ МИШЕНКО

1898 йил 20 июнда Белогородка қишлоғида (Украинанинг ҳозирги Киев вилояти Киев-Святошинский туманида) туғилган.

1917 йил февралда армия сафига хизматта чакирилган. Биринчи жаҳон урушидаги жангларда қатнашган.

1917 йил июль ойида Киевга қайтиб келган ва у ерда чилангар бўлиб ишлаган.

1918 йил март ойида ўз ихтиёри билан армия сафига хизматта борган.

1921 йил февралда Владикавказдаги командирлик курсларини тугатган.

1922 йил апрелда Туркистон фронтига ўтказилиб, у ерда Самарқанддаги 1-алоҳида Туркистон отлиқ бригадасининг 2-отлиқ полки эскадрон командири адъютанти этиб тайинланган ва кейинчалик эскадрон командири бўлган.

1931–1933 йилларда отлиқ бўлинмалари командирлари малакасини ошириш курсларини тугатган.

1930 йилларда Марказий Осиёнинг турли худудларида хизмат қилган.

1941 йил июль ойида Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин Фаргона шаҳридаги 16-захира отлиқ полкининг штаби бошлифи этиб тайинланган ва сентябрь ойида ушбу полк командири бўлган.

1942 йил октябридан урушда қатнаша бошлаган. Воронеж, Жануби-Фарбий ва Украина фронтларида жангларда қатнашган. Уч маротаба яраланган, улардан иккитасини Сталинград яқинидаги жангларда олган.

1943 йил ноябрга қадар Украина фронти 1-гвардия кавалерия корпуси 2-гвардия кавалерия дивизияси 7-гвардия кавалерия полкига командирлик қилган. У Киев ва Житомирни озод қилишда жонбозлик кўрсатган.

Кейинчлик 13-гвардия отлиқ дивизиясига командирлик қилган ва 1944 йил май ойида 7-гвардия отлиқ дивизияси командирининг ўринбосари этиб тайинланган. Украина, Чехословакия ва Польшани озод қилишда қатнашган.

1944 йил 25 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1967 йил 20 апрелда вафот этган. Киевдаги “Лукяновский” ҳарбий қабристонига дафн этилган.



## АЛЕКСАНДР ПЕТРОВИЧ МОИСЕЕВ

1920 йил 20 июлда Новая Жуковка қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Саратов вилояти Екатеринов тумани) туғилган.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги “Ўзбекипаксаноат” устахонасида чилангар бўлиб ишлаган.

У 1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. Урушнинг биринчи кунларидан фронтда жанг олиб борган, сапёр мутахассислигини эгаллаган. Москвадан то Кенигсбергтагача жанг йўлини босиб ўтган.

Литва худудида Неман дарёсини эгаллаш жангларида намунали хизмат кўрсатган. 1944 йил 12 июлда сапёр Моисеев батальони Литванинг Алитус шаҳри яқинида Неман дарёсига чиқкан. 1944 йил 13 июлга ўтар кечаси сержант Моисеев беш кишидан иборат гуруҳ сафида душман ўқи остида биринчи бўлиб дарёдан ўтган. Ўтиш пайтида оёғи яраланишига қарамай, топширикни бажаришда давом этган. Ўнг кирғоқда биринчи навбатда кирғоқ бўйи майдонларини миналардан тозалаган, окопларни эгаллаган ва артиллерия ўқини тўғри йўналтирган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда катта сержант А.П.Моисеев ҳарбий хизматдан бўшатилган.

Литванинг Вильнюс шаҳрида яшаган, кейинчалик Россиянинг Москва вилояти Воскресенск шаҳрига кўчиб кетган. Ўғит ва инсектофунгицидлар иммий-тадқиқот институти Воскресенск филиалининг кислота тажриба цехида аппаратчи бўлиб ишлаган.

1987 йил 2 октябрда вафот этган.



## СЕРГЕЙ АНИСИМОВИЧ МОРДВИНЦЕВ

1900 йил 27 марта Верхнесьезжее қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Самара вилояти Нефтеюргск тумани) туғилган.

1918–1922 йиллар давомида армия сафида хизмат қилган. Ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Самарқанд вилоятида яшаб, ишлаган.

1941 йилда армия сафига қайта чақирилган. 1942 йилдан бошлаб уруш қатнашчиси. 1944 йилда кичик лейтенантлар курсларини тамомлаган.

1944 йилнинг ноябрига келиб, кичик лейтенант С. Мордвинцев 2-Украина фронтининг 53-армияси 6-ўқчи дивизияси 125-ўқчи полкининг взводига командирлик қилган. Венгрияни озод қилишда намунали хизмат кўрсатган. 1944 йил 7 ноября Мордвинцев взводи биринчилардан бўлиб Киш-Кере аҳоли пункти яқинида Тисса дарёсидан ўтиб, душманни чалғитган ҳамда плацдармни эгаллаш, ушлаб туриш ва кенгайтириш учун, Тарнасентмиклош стансияси учун бўлган жангларда фаол қатнашган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда захирага бўшатилган. Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида яшаган.

1963 йил 21 апрелда вафот этган.



## МИХАИЛ ФЁДОРОВИЧ МУРАШКИН

1914 йил 23 ноябрда Россиянинг Олтой ўлкаси Куринск тумани Ручьево қишлоғида туғилган.

Термиз шаҳридаги темир йўлда ишлаган. 1942 йилда армияга хизматга чакирилган. Шу йилнинг сентябридан бошлаб урушда катнашган. Жангларда икки марта оғир ярадор бўлган.

1943 йилда Чирчик танк билим юртини битирган.

1944 йилнинг октябрига келиб, кичик лейтенант М.Мурашкин 1-Болтиқбўйи фронтининг 2-армияси 1-танк корпуси 117-танкчилар бригадаси взводига командирлик килган. Литва худудларида жангларда намунали хизмат кўрсатган.

1944 йил 6 октябрда Кельме қўргони олдидағи жангда М.Мурашкин бир нечта душман танклари ва ўқ-дориларини йўқ қилган, ярадор бўлганига қарамасдан жангни давом эттирган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Россиянинг Новосибирск вилоятида, кейинчалик Новосибирск шаҳрида яшаб, ишлаган.

1977 йил 6 июлда вафот этган. Новосибирск шаҳридаги “Заелцовск” қабристонида дағн қилинган.



## ГАЗИЗ ГАБИДУЛЛОВИЧ МУРЗАГАЛИМОВ

1923 йил 15 августда Башкирдистоннинг Аргаяш кантони Начкаево қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Челябинск вилояти Аргаяш тумани) туғилган.

1942 йилда армия сафига Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган. Шу йилдан бошлаб урушда қатнашган.

Степной фронти 37-армия 1-механизациялашган корпуси 75-қирувчи-танкка қарши артиллерия полкнинг бўлинма командири кичик сержант Г.Г.Мурзагалимов 1943 йил 17 августда Украинанинг Харьков вилояти Дергачёвск тумани Полевая қўрғонини озод қилиш жангидаги қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 2 октябрда Украинанинг Днепропетровск вилояти Верхнеднепропетровск тумани Мишурин Рог қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан жанг билан бўлинма таркибида ўтган мард тўпчи душман пиёда аскарлари ва ўн иккита танкнинг ҳужумини қайтариб, уларни яксон қилган.

1944 йилнинг 22 февраляда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Г.Г.Мурзагалимов 1973 йилгача Самарқанд шаҳридаги заводларнинг бирида куювчи бўлиб ишлаган. Сўнг Челябинскда яшаб, трактор заводининг куйиш цехида фаолиятини давом эттирган.

1990 йил 11 июнда вафот этган.



## ИБРАЙ (ИБРОҲИМ) ҲУСАИНОВИЧ МУРЗИН

1916 йилда Татаристоннинг (Россия) Шугуро қишлоғида туғилган.

Шугуро битум заводида, сўнгра Донецк вилояти Краматорск шаҳрида ишлаган.

1941 йилда армия сафига Тошкент шаҳар Фрунзе туман ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган.

Катта сержант Мурзин 1-Украина фронтининг 5-армияси 78-ўқчи дивизијаси 158-артиллериясининг расчёт командири сифатида 1945 йил 1 февралда ўз бўлинмасини Польшанинг Бжег шаҳридан 8 км шимоли-ғарбда жойлашган Призен қўргони яқинидаги Одер дарёсидан ўтказиб, плацдарм учун жангга кирган. Ушбу жангда душманнинг 3 та пулемётини ва бир рота аскарини йўқ қилган.

1945 йил 6 февралда Мурзин батарея таркибида душманни қуршовдан чиқиб кетишга бўлган уринишини қайтарган.

1945 йилнинг 19 апрелида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилнинг декабрида, совет қўшиnlари гурухи хорижда бўлган пайтида вафот этган.



## **БЕКИР ДУРСУНОВИЧ МУСТАФАЕВ**

1898 йилда Грузиянинг Ахалцихе тумани Глазар қишлоғида туғилган.  
1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

Оддий аскар Мустафаев 55-ўқчи дивизиясининг 164-ўқчи полки ўқчиси бўлган. У жангларда икки марта яраланган, бироқ ҳар сафар ўз хохиши билан уруш майдонига қайтган.

1943 йилнинг 30 октябрь куни қаҳрамон десантчилар билан Керчъ ярим оролига жойлашган Бекир Мустафаев гранаталар ёрдамида пулемётларидан ўқ ёғдираётган душманинг 102,5-тепаликдаги бўлинмаларини ўз ҳаётини хавф остига қўйиб йўқ қиласи ва ўзи истеҳкомнинг энг баланд чўққисига чиқиб, фалаба байроғини ўрнатади.

Матонатли оддий аскар яна бир карра яраланган бўлса-да, жанг тугамагунча қатордан чиқмаган.

1944 йилнинг 16 майида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.  
Урушдан сўнг Самарқанд вилояти Қайнама қишлоғида яшаган.

1978 йилда 80 ёшида вафот этган.



## ГРИГОРИЙ НИКИФОРОВИЧ МУХА



1912 йилда Долгинцево посёлкасида (Украина) туғилган.

1933–1936 йилларда армия сафида хизмат қилган. Захирага бўшатилгач, Қарши шаҳрида яшаб, темир йўлда ишлаган. 1941 йил Қарши тумани ҳарбий комиссариати томонидан қайта ҳарбий хизматга чақирилган. 417-ўқчи дивизиясининг 1369-ўқчи полки автоматчилар ротаси командири бўлган.

Капитан Муха ва унинг автоматчилари Сапун тоги чўққисига ўрнашиб оладилар ва душманинг йўқотилган позицияни қайтариб олишга бўлган уринишларини беҳудага чиқариб, элликка яқин гитлерчиларни йўқ қиладилар, ўн икки нафарини эса асирга оладилар. Иккита курол, олтига пулемёт, ўнта автомат ҳам ўлжа сифатида кўлга киритилади.

Автоматчилар ротаси яқинлашиб келаётган ўқчи батальони билан бирга шаҳарга кириб боради. Капитан ва унинг аскарлари жангда жуда катта жасорат кўрсатиб, улар 70 нафар фашист офицер ва аскарлари, қочиб қутулишни режалаштираётган учта юқ машинаси ва бронетранспортёрни йўқ қилган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Майор Г.Н. Муха 1946 йилда ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган.

1959 йил 1 июня Українанинг Черновци шаҳрида вафот этган.



## АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ МЯСНИКОВ

1925 йилда Россиянинг Рязань вилояти Ермишинск тумани Власово қишлоғида туғилган.

Кейинчалик Тошкент вилоятида яшаган. 1943 йилнинг январида армия сафига чакирилган, июль ойидан бошлаб эса урушда қатнашган. Воронеж фронтининг 3-танкчилар армияси 9-механизациялашган корпуси 69-механизациялашган бригадаси бўлинмасига командирлик қилган. Днепр учун жангда жасорат кўрсатган.

1943 йил 22 сентябрда А.Мясников бўлинмаси биринчилардан бўлиб Украина нинг Черкасск вилояти Каневск тумани Зарубинци қишлоғида олиб борилган жангларда Днепр дарёсидан кечиб ўтиб, унинг гарбий қирғоғидаги плацдармни эгаллашда фаол қатнашган. Унинг бўлинмаси Зарубинци худуди учун бўлган жангда душманинг 15 та, Луковици ва Григоровка қишлоқлари учун бўлган жангларда эса душманнинг 50 та аскар ва офицерларини йўқ қилган.

1943 йил 29 сентябрда А.Мясников жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Украина нинг Киев вилояти Мироновск тумани Малий-Буркин қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонида дафн қилинган.

1943 йилнинг 17 ноябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ВАЛИ НАБИЕВИЧ НАБИЕВ

1916 йилнинг 31 январида Бухоро вилоятининг Фиждувон туманидаги Нагзакарон қишлоғида туғилган.

Набиев бошчилигидаги взвод Украйнанинг Чернигов вилояти Бегач ва Лопатин қишлоқларини озод қилишда қатнашган. Взводнинг мард командири биринчилардан бўлиб автоматчилар гуруҳи билан Днепр дарёсидан ўтиб, эскадроннинг олға юришини таъминлаган.

1944 йилнинг 15 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Бухоро вилояти Фиждувон тумани марказида яшаган.

1948–1955 йилларда туман ижроия қўмитаси раиси, кейинчалик жамоа хўжалиги раиси ва қурилиш ташкилотлари раҳбари бўлиб ишлаган.

2000 йил 6 марта вафот этган. Бухоро вилояти Фиждувон туманидаги “Сўфи чўян” қабристонида дағн этилган.



## ИНОЯТ НАВРҮЗБОЕВ

1918 йил 10 сентябрда Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани Карл Маркс овулида туғилган.

1941 йил сентябрда Тўрткўл тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган ва фронтга жўнатилган.

Днепр учун бўлган жангда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 2 октябрда биринчилардан бўлиб Днепрдан ўтиб, пулемёт расчёти таркибида эгалланган позицияларни душманинг бошқа бўлинмалари ва моддий қисмлар ўтишидан ҳимоя қилиб, сақлаб қолган.

1943 йил 17 октябрда Крешатик қишлоғи учун бўлган жангда душманинг жанговар соқчи қисмини тор-мор этиб, қишлоқка бостириб кирган ҳамда душманинг муҳим мустаҳкамловчи пунктини фашистлардан озод қилган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа тумани “Ленинград” колхозида яшаган.

1999 йил 1 май куни вафот этган. “Норимжан бобо” зиёратгохига дафн этилган.



## ТҮЙЧИ НАЗАРОВ

1896 йил 15 майда Фарғона вилояти Фарғона тумани Калача қишлоғида туғилган.

1943 йил 19 майдан Фарғона вилояти Фарғона тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. 1943 йил 1 июндан армияда хизматни бошлаган.

1945 йил 24 январда Назаров биринчилардан бўлиб Кёбен аҳоли пункти (хозирги Польша, Хобеня) яқинидаги Одер дарёсидан ўтган. Плацдармни эгаллаш ва кенгайтиришда душманинг 12 та аскарини ва қўл пулемётини йўқ килган.

1945 йил 10 апрелда “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг туғилиб ўсган қишлоғида яшаган ва меҳнат фаолиятини олиб борган.

1974 йил 18 августда вафот этган. Калача қишлоғида дафн этилган.



## ФИЛИПП ТРОФИМОВИЧ НИЖУРИН

1913 йилда Қозогистоннинг Ақмола вилояти Ефремовка қишлоғида туғилган.

1941 йилда Тошкент вилояти Сирдарё шахри ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Ленинград, Белоруссия ва 1-Украина фронтларида жанг олиб борган.

1945 йилнинг 3 марта жангда ҳалок бўлган. Польшанинг Жагань шаҳрида дафн этилган.

1945 йилнинг 10 апрелида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## КОНСТАНТИН СТЕПАНОВИЧ НИКИФОРОВ



1916 йилда Россиянинг Красноярск ўлкасида туғилган.

Ўзбекистонда яшаган ва меҳнат қилган. Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Қиравчи-учувчи, катта лейтенант, 227-штурмчи авиадивизиянинг 208-штурмчи авиаполки командири ўринбосари вазифаларида хизмат қилган.

1943 йилнинг бошларида Кастроной туманидаги фашистларга қарши шафқатсиз жангларда қатнашган. Катта лейтенант К.С.Никифоров 28 январь куни ўзининг хужумчи самолётида Зверево қишлоғидаги аэродромда душманларнинг бешта самолётини яксон қилган.

1944 йил 22 июлда бошқа самолётлар билан бирга Поморжан туманидаги душман колонналарига хужум қилган. Душманнинг шиддат билан ўқ ёғдиришига қарамай, учувчилик маҳоратини юкори даражада эгаллаган Никифоров фашистларнинг техникаси тўплланган марказга кириб, уни яксон қилишга муваффақ бўлган ва ўз базасига қайтишга ултурган.

Никифоров томонидан 19 та душман танки, аскарлар ва юклар билан тўла 53 та автомашина, 11 та бронетранспортёр, 7 та самолёт, оғир қуроллар ортилган 2 та арава, 14 та артиллерия ва миномёт позициялари, 17 та зенит қурилмалари, 12 та темирйўл вагони йўқ қилинган, кўп сонли фашист аскарлари ва офицерлари ҳалок қилинган.

1945 йил 29 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1958 йилдан подполковник унвонида захирага бўшатилган.

1987 йил 13 ноябрда Николаев шаҳрида (Украина) вафот этган.



## ВАСИЛИЙ КОРНЕЕВИЧ НОВИКОВ

1907 йилда Россиянинг Тверь вилояти Пенов тумани Наумов қишлоғида туғилган.

1929 йил Қозогистоннинг Семипалатинск вилояти Бельгачинск тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1930 йилдан бошлаб армияда хизмат қилган. В.К.Новиков Бош қўмон-донлик резервининг 438-Черкасск қиравчи-танкка қарши қўлланиладиган артиллерия полки командири бўлган. 1944 йилнинг бошларида Украина фронти қўшинлари Корсунъ шаҳридаги Черкасск вилояти ҳудудида фашист армиясининг “Жануб” гурухига қарашли ўнта дивизия томонидан қуршаб олинди ва совет аскарларига қарши ҳужум бошланди.

17 февраль куни 239,0-баландликдаги муҳим йўллар кесишган жойдаги муҳим позицияни эгаллаган подполковник В.К.Новиков командирлигидаги артиллерия полки фашистларнинг шиддатли ҳужумига учраган. Ушбу жангда подполковник Новиковнинг артиллерия полки уч минг фашист жангчиларини йўқ қилган. Аёвсиз жангда душманга қарши ўз полки билан жонбозлик кўрсатган ҳамда яралangan. Шунга қарамай, ғалабагача жанг олиб борган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1955 йилда захирага бўшатилган ва Тошкент шаҳрида яшаган.

1981 йил 20 январда вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”-га дафн этилган.



## НАЖИБ (НАДЖИМ) НУГМАНОВИЧ НУГАЕВ

1910 йилда Россиянинг Ульяновск вилояти Старая Кулатка қишлоғида туғилган.

Шахрисабз, Бухоро ва Термиз шаҳарларида ишлаган.

1941 йилнинг октябриндан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йилдан бошлаб уруш қатнашчиси. Степной фронти 7-армияси 1669-қиравчи-танкка қарши артиллерия полкининг 76 миллиметрли қуролини нишонга оловчиси бўлган. Днепр учун жангда намунали хизмат кўрсатган.

1943 йил 5 октябрда Н.Н.Нугаев расчёти Украянанинг Днепропетровск вилояти Верхнеднепровск тумани Бородаевка қишлоғи яқинида Днепр дарёсининг ғарбий қирғогидаги плацдармда душман қарши хужумини қайтаришда қатнашиб, душманнинг тўртта танкини йўқ қилган. Нугаев ярадор бўлганига қарамай, жангни давом эттирган.

1943 йил 26 октября “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Кейинги жанглардан бирида у яна оғир ярадор бўлди, узоқ вақт ҳарбий касалхонада даволаниб, жароҳати туфайли захирага бўшатилган. Шахрисабз шаҳрида яшаб, ишлаган.

1946 йил 6 майда фронтда олинган жароҳатлар натижасида вафот этган. Шахрисабз шаҳридаги қабристонда дағн қилинган.



## ПИРИМҚУЛ НУРМАНОВ

1911 йил 20 апрелда Самарқанд вилояти Оққўрғон қишлоғида туғилган.

1937–1940 йилларда ҳарбий хизматни ўтаган.

1941 йил июнда қайта ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йил июндан совет қўшинлари таркибида фронтда бўлган.

1943 йил сентябрга келиб, катта сержант П.Нурманов 3-Украина фронти 6-армияси 60-ўқчи дивизияси 178-ўқчи полки бўлинмасига командирлик қилган. Днепр учун бўлган жангда жасорат кўрсатган.

1943 йилда П.Нурманов бўлинмаси биринчи бўлиб Запорожье тумани (Украина, Запорожье вилояти) Разумовка қишлоғи яқинидаги Днепр дарёсидан ўтиб, плацдармни эгаллаш ва ушлаб туриш учун бўлган жангларда фаол қатнашган. Нурманов душманинг 1 та пулемёти ва 8 та аскарини йўқ қилган. Туни билан ўз бўлинмаси билан биргаликда асосий кучлар ўтишига қадар душманинг қарши хужумларини қайтарган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг туғилган жойида яшаб, ишлаган.

1978 йил 10 декабрда вафот этган. Самарқанд вилояти Оққўрғон қишлоғида дафн этилган.



## САТИМ НУРМЕТОВ



1925 йил 15 июнда Хоразм вилояти Хива шаҳрида туғилган.

1943 йилдан Хива шаҳри ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва шу йилдан фронтга жўнатилган.

51-махсус сапёр батальони бўлинмаси (3-Белоруссия фронти 43-армия 13-ўқчи корпуси) командири С.Нурметов 1945 йил 7 апрелда Кенигсберг (хозирги Калининград) учун жангларда хужум гуруҳи таркибида тўртта сапёр билан бирга душманнинг артиллерия позицияларини орқадан айланаб ўтиб, командир ишораси бўйича душман қуролларига қарши хужум қилган.

1945 йил 19 апрелда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Хоразм вилояти Урганч шаҳрида яшаган.

1994 йил 4 августда вафот этган. Урганч шаҳрида дафн этилган.



## ПЛИС КОЛЬГЕЛЬДИЕВИЧ НУРПЕЙСОВ

1919 йилда Қоракалпогистоннинг Тахтакўпир тумани Тахтакўпир овулида туғилган.

1939 йил Тахтакўпир туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. Мелитополь ҳарбий авиация билим юртини тамомлаган.

1944 йилнинг 10 мартадан 1945 йил 1 апрелгача бўлган давр мобайнида полкда ҳарбий хизмати давомида экипаж таркибида душманнинг орқа томонидан разведкага кириб, унинг қўшин гурухлари, захираларининг келиши ва қўшинларнинг чекиниши, темир йўллар, станция ва улар ўртасидаги йўлларнинг тифизлик даражаси, аэродромда авиациянинг фаолияти, мудофаа худуди ва куролларини аниқлаш мақсадида 106 маротаба жанговар парвозни, жумладан, улардан 100 тасини муваффақиятли амалга оширган.

Берлин шаҳри, ҳарбий обьектлар ва шаҳар яқинида жойлашган аэродромларни разведка қилиш учун 10 маротаба жанговар парвозларни амалган оширган.

1945 йил 23 апрелда жанговар топшириқдан қайтиб келмаган.

1945 йил 18 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## НИКОЛАЙ ИГНАТЬЕВИЧ ОРТИНСКИЙ



1914 йил 19 декабрда Украинанинг Хмельницк вилояти Виньковец тумани Женишковци қишлоғида туғилган.

1933 йилда ҳарбий хизматта чақирилган.

1936 йилда Бирлашган Ўрта Осиё олий ҳарбий мактабининг артиллерия бўлимини битирган. Совет-фин уруши жангларида қатнашган. Урушнинг ilk кунларидан фронтда жанг олиб борган. Жангларда ярадор бўлган.

1943 йил октябрдан майор Н.Н.Ортинский Воронеж фронти 47-армияси 7-қиরувчи-танкка қарши артиллерия бригадаси 321-қириувчи-танкка қарши артиллерия полкига командирлик қилган. Днепр учун бўлган жангда намунали хизмат кўрсатган.

1943 йил 29 сентябрдан 30 сентябрга ўтар кечаси Ортинский полки Украинанинг Черкасск вилояти Канев тумани Решетки қишлоғи яқинида Днепрдан ўтиб, ғарбий қирғоқдаги плацдармни ушлаб туриш учун жангларда фаол қатнашган ва душман танкларининг еттита қарши хужумини қайтариб, 4 та танкни йўқ қилган.

1943 йил 2 октябрда жангдаги қалтис вазиятда ўз полки қуроли билан душманни мўлжалга олиб, душманни орқага чекинишга мажбур қилган.

1943 йил 24 декабрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони берилган.

Урушдан сўнг Н.Н. Ортинский Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

1982 йил 10 июнда вафот этган. Тошкент шаҳридаги “Биродарлик қабристони”га дафн қилинган.



## КОНСТАНТИН МАТВЕЕВИЧ ПАВЛОВ

1920 йил 15 июлда ҳозирги Украинанинг Донецк вилояти Ларино қишлоғида туғилган.

1942 йилда Қўқон шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Сандомир плацдармини ушлаб туриш учун бўлган жангларда намунали хизмат кўрсатган.

1944 йил 12–13 январь кунлари К.М.Павлов қурол расчёти душманнинг кўплаб қарши ҳужумларини қайтаришда қатнашган.

1944 йил 23 сентябрда “Совет Иттифоки Каҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Қуролли Кучлар сафида хизматни давом эттирган.

1957 йилда майор Павлов захирага бўшатилгач, Минскда яшаган.

2000 йил 6 ноябрда Белоруссиянинг Минск шаҳрида вафот этган.  
“Шарқий” қабристонида дафн этилган.



## ЮРИЙ НИКОЛАЕВИЧ ПАВЛОВ

1922 йил 16 февралда Хитойнинг Урумчи шаҳрида туғилган.

Мактабнинг 7-синфини тугатгандан сўнг Қозоғистоннинг Қарағанды станицасида ишлаган.

1941 йил июнь ойида Тошкент тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига хизматга чақирилган.

1942 йилда Олма-Ота пиёдалар билим юртини тамомлаган.

1943 йил ноябрь ойидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

1944 йил марта Украина фронтининг 52-армияси 254-ўқчи дивизияси 929-ўқчи полкида рота командири бўлган. Руминияни озод қилишдаги жангларда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 30 марта унинг ротаси Прут дарё худудида душман мудофаасини ёриб кириб, Кирпици (хозирги Яссидан 12 км шимолда жойлашган Виктория) қишлоғини озод қилишда фаол иштирок этган. Кейинги ҳужумда унинг ротаси Жижия дарёсидан кечиб ўтган, муҳим тепаликни эгаллаб олган ва фашистларнинг еттита қарши ҳужумини қайтарган.

1944 йил 13 сентябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1946 йилда “катта лейтенант” унвонида захирага бўшатилган. Олма-Ота шаҳрида яшаб, фаолият юритган.

2003 йил 6 июня вафот этган. Олма-Отанинг “Марказий” қабристонига дафн этилган.



## МИХАИЛ МИХАЙЛОВИЧ ПАНФИЛОВ

1915 йил 19 сентябрда Россияннинг Самара вилояти Кинелский тумани Грачёвка қишлоғида туғилган.

Ўзбекистонда пахта заводида ишлаган.

1941 йил августда армия сафига хизматга чақирилган.

1943 йил 5 октябрда Днепр дарёсининг ўнг қирғоғида мустақил равишда душман танкининг ҳужумини қайтарған. Бир маротаба ярадор бўлган.

1943 йил 26 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг М.М.Панфилов ҳарбий хизматдан бўшатилган. Ватанига қайтгач, маҳаллий мебель комбинатида дурадгор бўлиб ишлаган.

1979 йил 1 июлда вафот этган. Самарқандда дафн этилган.



## НИКОЛАЙ ТРОФИМОВИЧ ПАСОВ

1914 йил 10 декабрда Башкирдистоннинг (Россия) Мелеуз қишлоғида туғилған.

Тошкент шаҳридаги тегирмон комбинатида ҳисобчи, Уралск шаҳридаги Ғарбий Қозоғистон вилоят молия бўлими халқ хўжалиги сектори инспектори, Тошкент шаҳар Мехнаткашлар депутатлари кенгаши ижроия қўмитаси молия бўлими инспектори бўлиб ишлаган.

1940 йил декабрда Тошкент шаҳар Сталин туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1944 йил 26 июлда лейтенант Н.Т.Пасов Прут дарёси олдидаги жангда жасорат кўрсатган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин катта лейтенант Н.Т.Пасов захирага бўшатилган. Башкирдистон Молия вазирлиги коммунал хўжалиги молиялаштириш бўлими инспектори, Уфа шаҳри Киров тумани 61-марказий омонат касса мудири ўринбосари, Уфа шаҳри Жданов тумани 7046-марказий омонат кассаси мудири, Уфа шаҳрининг Совет тумани омонат кассалари бошқармаси катта инспектори, 7045-марказий омонат кассаси мудири бўлиб ишлаган.

1975 йил 8 июлда вафот этган. Уфа шаҳрида дағн этилган.



## ПЁТР МИХАЙЛОВИЧ ПАХОМОВ

1921 йил 20 марта Россиянинг Ростов вилояти Миллерово шаҳрида туғилган.

1942 йилда Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йилдан совет қўшинлари сафида фронтда қатнашган.

Взвод командири ёрдамчиси кичик сержант П.М.Пахомов 17 жангчидан иборат гурухга бошчилик қилиб, 1943 йил 15 октябрда душман ўқи остида Украина нинг Чернигов вилояти Репкина тумани Радуль шаҳар типидаги қўргон яқинида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтди. Унинг бошчилигидаги десант гурухи душман жанговар соқчи қисмига ҳужум қилиб, душман аскарларини хандақлардан чиқариб, қирғоқбўйи чўққилари томон юрган ва 69-ўқчи дивизияси десант отрядининг ўтишига ёрдам берган.

1943 йилнинг 30 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йилда кичик лейтенантлар курсларини тамомлагач, офицер даражасига эришган.

1946 йилда захирага бўшатилгач, Ростов вилояти Миллерово шаҳрида яшаган. Нафақага чиққунга қадар туман озиқ-овқат комбинати директори бўлиб ишлаган.

1993 йил 17 марта вафот этган. Миллерово шаҳрида дафн қилинган.



## АЛЕКСАНДР СТЕПАНОВИЧ ПЕШАКОВ

1910 йил 19 августда Россиянинг Краснодар ўлкаси Армавир шаҳрида туғилган.

1927 йилдан армия сафида хизмат қилган.

1941 йил декабрдан фронтда қатнашган.

Висла-Одер ва Берлин операцияларида жасорат кўрсатган. Унга топширилган полк 9-танк корпуси қисмини душман ҳаво хужумларидан ишончли ҳимоя қилиб, совет қўшинларининг Висла ва Одер дарёларидан муваффақиятли ўтишини таъминлаган. Берлин остонасида полк бўлинмалари олов нуқталарини бошқарган. Ушбу жангларда зенит артиллериячилари душманинг 150 дан ортиқ самолётини уриб туширган.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1948 йилда захирага бўшатилган. Тошкент вилояти Бекобод шаҳрида яшаган ва меҳнат фаолиятини олиб борган.

1969 йил 19 июнда вафот этган.



## ВАСИЛИЙ МАРКЕЛОВИЧ ПИМЕНОВ (ПИМОНОВ)

1911 йил 19 марта Россиянинг Саратов вилояти Пугачёв тумани Преображенка қишлоғида туғилган.

1943 йил 12 февралда Бухоро вилояти Когон тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Ўша йилдан совет кўшинлари таркибида урушда қатнашган. Воронеж фронти 3-танк армияси 6-танк корпуси 272-миномёт полки миномёт расчётига командирлик қилган. Днепр учун бўлган жангда намунали хизмат кўрсатган.

1943 йил 22 сентябрда В.М.Пименов расчёти биринчилардан бўлиб Черкасск вилояти Каневск тумани Григоровка қишлоғи яқинида Днепрни кечиб ўтиб, унинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни эгаллаш ва ушлаб туриш учун бўлган жангларда фаол қатнашган, душманнинг 4 та оғир пулемёт расчёти ва бир ротага яқин пиёда аскарларини йўқ қилган.

1943 йил 29 сентябрда В.М.Пименов расчёти душман қуршови орасида қолиб кетган, аммо жанг билан уни ёриб ўтишга муваффақ бўлган.

1944 йил 10 январда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Когонда яшаган ва меҳнат фаолиятини олиб борган.

1981 йилда вафот этган. Когон шаҳрида дағн этилган.



## ТИМОФЕЙ ЗИНОВЬЕВИЧ ПИНЧУК

1919 йил 21 февралда Украинанинг Чернигов вилояти Козелецк туманида-  
ги Копти қишлоғида туғилган.

Фармацевтика институтининг 3-курсими тамомлаган. Уруш бошлангунига  
қадар Тошкентда яшаган.

1939 йилда армия сафига ҳарбий хизматга чақирилган. Ҳарбий-автомо-  
биль билим юртими тамомлаган. Урушнинг биринчи кунларидан фронтда  
жанг олиб борган.

1945 йил март ойига келиб подполковник Т.З.Пинчук 23-танк полки  
(2-Украина фронти 6-танк армияси 2-механизациялашган корпуси 4- механи-  
зациялашган бригадаси) командири бўлган. Венгрия ва Чехословакияни озод  
қилишда жасорат кўрсатган.

1945 йил 19 марта Пинчук биринчилардан бўлиб Венгриянинг Тата  
шаҳрига кириб бориб, унинг озод қилиниши учун бўлган жангларда фаол қат-  
нашган.

1945 йил 25 апрелда Брно шаҳри остонасидаги жангда ҳалок бўлган. Че-  
хиянинг Клобуқу қишлоғида дафн этилган.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АНДРИАН АБРАМОВИЧ ПИШЧУЛИН

1903 йил 15 сентябрда Россиянинг Томск вилояти Зирянск райони Семёновка қишлоғида туғилган.

1925 йилдан 1939 йилгача армия сафларида хизмат қилган. Ўзбекистонда яшаган.

1941 йил июнда Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир туман ҳарбий комиссариати томонидан қайтадан ҳарбий хизматга чакирилган.

1941 йилдан харакатдаги армияда хизмат қилган.

1943 йил 2 сентябрда 51-танк бригадаси (Воронеж фронти 3-танк армияси 6-танк корпуси) мото-ўқчи батальони командири катта лейтенант А.А.Пишчулин Григоровка қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтишда шижаот кўрсатган. Унинг бошчилигидаги батальон уч кун давомида душман ҳужумларини қайтариб, ишғол қилинган плацдармни ушлаб турган. Ярадор бўлишига қарамасдан жанг майдонини тарқ этмаган. Бутун бригаданинг ўнг кирғоқقا ўтишини ҳамда плацдармни таъминлаган.

1943 йил 24 сентябрда олинган жароҳатлари натижасида ҳарбий касалхонада вафот этган. Григоровка қишлоғида дағн қилинган.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.



## АЛЕКСАНДР ЯКОВЛЕВИЧ ПЛЕШАКОВ

1922 йил 21 июнда Россиянинг Пенза вилояти Наровчат тумани Мумари кишлоғида туғилган.

Ҳарбий хизматга чақирилгунига қадар Тошкентда яшаган.

1940 йилда армияга сафларига хизматга чақирилган.

1943 йилда Чкалов номидаги ҳарбий авиация учувчилар билим юртини тамомлаган. Шу йилнинг июлидан урушда қатнашган.

1944 йилга келиб, лейтенант А.Я.Плешаков 2-Белоруссия фронти 4-ҳаво армияси 230-хужум авиадивизияси 7-хужум авиаполкининг катта учувчиси бўлгунига қадар душман ҳарбий техникаси, жонли кучи ва муҳим обьектлари га ҳужум қилиш учун 108 та ҳарбий парвозни амалга ошириб, душманга катта талафот етказган.

1945 йил 23 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин А.Я.Плешаков армияда хизматни давом эттирган.

1947 йилда Краснодар олий офицерлик авиация билим юртини, 1955 йилда учув-тактик курсларини тамомлаган.

А.Я.Плешаков 1958 йилда подполковник унвони билан захирага бўшатилган.

2001 йил 4 декабрда вафот этган.



## НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ ПОЛАГУШИН

1923 йил 7 мартда Тошкент вилоятида туғилған. 1941 йил июнда армия сафига хизматга чақырған.

1942 йилда Чкалов номидаги ҳарбий авиация учувчилар билим юртини тамомлаган. Шу йилнинг сентябрیدан уруш қатнашчиси бўлган. Жангларда уч марта ярадор бўлган.

1945 йил февраль ойидан капитан Н.И.Полагушин 3-Белоруссия фронти 1-ҳаво армияси 277-хужум авиадивизияси 15-хужум авиаполки эскадрилья-сига командирлик қилган. Душманнинг ҳарбий техникаси ва шахсий таркиби йифилган худудларга ҳужум килиш учун 214 та ҳарбий парвозни амалга ошириб, душманга катта талафот етказган.

1945 йил 19 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин армия сафида хизматни давом эттирган. 1949 йилда олий учиш-тактик курсларини, 1955 йилда Ҳарбий ҳаво академиясини тамомлаган. 1958 йилда полковник унвони билан захирага бўшатилган. Аввал Москвада, кейин эса Зеленоградда яшаган ва меҳнат фаолиятини олиб борган. Жамоат ишларида фаол қатнашган.

1999 йил 2 февралда вафот этган. Москва шаҳрида дафн қилинган.



## СЕРГЕЙ ИВАНОВИЧ ПОЛЕЖАЙКИН



1920 йил 14 сентябрда Мордовиянинг (Россия) Кочкуров тумани Старие Турдаки қишлоғида туғилған.

Андижон вилоятида яшаган ва меҳнат фаолиятини олиб борган.

1940 йилда Андижон вилояти Избоскан тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған.

1943 йилда Рязань ҳарбий-автомобиль билим юртини битирған. Шу йилнинг майидан совет қўшинлари сафида фашистларга қарши жанг қилған.

1944 йил октябрга келиб, катта лейтенант С.И.Полежайкин 1-Болтиқбўйи фронти 5-танк армияси 1-махсус мотоциклет полки разведкасининг офицери бўлған. Литва ҳудудидаги жангларда қатнашған.

1944 йил 10 октябрда С.И.Полежайкин бошчилигидаги разведка гуруҳи Мемель яқинида Данге дарёсидан душман орқа томонига ўтиб, Кретинг ва Мемель шаҳарлари ўртасидаги шоссе ва темир йўлни эгаллаган. С.И.Полежайкин позицияларни сақлаб қолиш учун бўлған жангларда ҳалок бўлған. Литва Республикаси Кретинг шаҳрида дағн қилинган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилған.



## ПАВЕЛ СЕРГЕЕВИЧ ПОНОМАРЁВ

1924 йил 22 январда Қозогистоннинг Жетисуй вилояти Беловодское қишлоғида туғилган.

1943 йил 8 январда Фрунзе шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. Олма-Ота ҳарбий-пиёда билим юрти хузуридаги артиллерия курсларини тамомлаган.

1943 йил сентябрдан фашист босқинчиларига қарши жангларда аскар П.С.Пономарёв Степной фронти 37-армияси 110-ўқчи дивизияси 307-ўқчи полкининг 45 миллиметрли қуроли йўналтирувчиси лавозимида қатнашган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган. Юксак унвонга сазовор бўлгани ҳақидаги хабарни ҳарбий касалхонада эшитди.

1943 йил 26 октябрда Пятихатск операцияси давомида Кировоград йўналиши бўйича Ингула ва Ингульца дарёлари оралиғидаги жангда 2-Украина фронти 5-армияси 110-ўқчи дивизияси 307-полки аскари П.С.Пономарёв иккала оёғидан оғир жароҳат олиши натижасида фронтни тарқ этди. Даволангач, дастлаб Кировоград 147-захира ўқчи полкига, кейин эса Тошкент пиёдалар билим юртига юборилган ва 1946 йилда тамомлаган.

П.С.Пономарёв Қуролли Кучлар сафида 1976 йил декабригача хизмат қиласган.

Ҳарбий хизматдан захирага бўшатилгач, Тошкент шаҳрида яшаган.

1990 йилда вафот этган. Тошкент шаҳрида дафн қилинган.



## ВЛАДИМИР БОРИСОВИЧ ПРИГОВ

1924 йил 7 апрель куни Украинанинг Киев шаҳрида туғилган.

Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1944 йилда Чирчиқ шаҳридаги Харъков танк билим юртини тутатган.

1944 йилдан ҳаракатдаги армия сафига бўлган.

1944 йилнинг 17 сентябрида Тукумс шаҳри яқинидаги Суниши қишлоғида 1 та душман танки, 2 та БТР ва бир нечта автомашиналарни ер билан яксон қилган. Шу жангда ҳалок бўлган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.



## ГЕРМАН ИВАНОВИЧ ПУЧКОВ

1923 йилнинг 19 октябрида Украинанинг Донецк вилояти Славянск шахрида туғилган.

1940 йилда Андижон вилоятининг Марҳамат тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1942 йилда Уралск шаҳрига эвакуация қилинган. Ворошиловград ҳарбий авиация учувчилари мактабини тугатган (Қозогистон Республикаси).

1942 йилдан харакатдаги армия сафларида бўлган. Шимоли-Гарбий, 2-Болтиқбўйи, 2- ва 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Ил-2 штурмчи самолётида 74- (1943 йилнинг марта 70-) штурмчи авиация дивизиясида жанг олиб борган. Шимоли-Гарбий фронтда 6-ҳаво армияси таркибида Демян (1943 йилнинг 15–28 февраляда) ва Старорусский (1944 йилнинг 4–19 марта) хужум операцияларида “Шимол” номли Германия армияси гурухини тор-мор қилиш бўйича кечган “Кутб юлдузи” операциясининг таркибий қисмларида иштирок этган.

1-Белоруссия фронтида 6-ҳаво армияси таркибида Люблин-Брест хужум операциясида (1944 йилнинг 18 июль – 2 август кунлари), “Багратион” номли Белоруссия стратегик операциясининг таркибий қисмида иштирок этган.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг хизматни Ҳарбий ҳаво кучларида давом эттириди. 1955 йилдан капитан Г.И.Пучков истеъфога чиққач, Брест вилоятининг (Белоруссия) Пинск шахрида яшаган ва меҳнат фаолиятини олиб борган.

1981 йил 9 июляда вафот этган. Пинск шахрида дафн этилган.



## ИВАН МАКСИМОВИЧ ПЯТКОВСКИЙ



1913 йилнинг 19 январь куни Қозогистон Республикасининг Актюбинск вилояти Ходбинск тумани Астрахановка қишлоғи Жанатап овулида туғилган.

1935–1937 йилларда армия сафларида муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Тошкент вилояти Қўйи Чирчик туманида яшаган. “Туркистон–Сибирь темир йўллари”да меҳнат қилган.

1941 йилнинг 25 декабрь куни И.М.Пятковский Тошкент вилояти Қўйи Чирчик тумани ҳарбий комиссариати томонидан яна ҳарбий хизматга чақирилган ва Чирчикда тузилган 69-ўқчи дивизияга жўнатилган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилда И.М.Пятковский офицерлар таркибини малакасини ошириш курсларини тугатган. Хизматни ички ишлар қўшинларида давом эттирган.

1963 йилда майор унвонида захирага чиқарилгач, Киев шаҳрида яшаган ва илмий-текшириш институтида ишлаган.

1986 йилнинг 1 декабрь куни вафот этган. Киев шаҳрида дафн этилган.



## НАРЗИ РАЖАБОВ

1924 йилнинг июнида Бухоро вилояти Жондор туманининг Хазарман қишлоғида туғилган.

1942 йилнинг 1 январида Н.Ражабов Бухоро вилояти Свердлов тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафларига чақирилган. Хизматни ички кўшинларда бошлаган. Жануби-Ғарбий ва Степной фронтларида, Донбасс операциясида иштирок этган, Альп плацдармида жанг қилган.

1943 йилнинг куз-қишида 3-Украина фронти кўшинлари Днепр учун бўлган жангнинг иккинчи босқичи доирасида Днепр ўнг қирғоғидаги плацдармларни кенгайтириш ва бирлаштириш бўйича Днепропетровск ҳужумга ўтиш операциясини ўтказди.

1943 йилнинг 3 декабридан бошлаб 31-ўқчи дивизия 818-ўқчи полки 2-Украина фронти таркибида пулемётчи лавозимида харакат қила бошлади ва Кировоград операциясида иштирок этди. Жангларда жасорат кўрсатиб, 220 та фашистни яксон қилган.

Айниқса, Ясси-Кишинёв операциясида жасорат кўрсатди ва шу жангда мардларча ҳалок бўлди. Унинг дағн қилинган жойи ҳақидаги маълумотлар бир-биридан фарқ қиласи. Дивизиянинг қайтмас йўқотишлари рўйхатига мувофиқ кичик сержант Н.Ражабов 1944 йил 22 август куни Молдавия Республикасининг Унгру тумани Тодирешт қишлоғидаги "Биродарлик" қабристонига дағн этилган.

1944 йил 13 сентябрда "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилган.



## АБДУСАТТОР РАҲИМОВ



1920 йилнинг 20 январь куни Наманган шаҳрида туғилган.

1941 йилдан урушда қатнашган. 1144-ўқчи полкининг (Воронеж фронтининг 38-армияси 340-ўқчи дивизияси) йўналтирувчиси Абдусаттор Раҳимов 1943 йилнинг 30 сентябридан 1 октябрига ўтар кечаси биринчилар қаторида душманнинг кучли ўқ ёмғири остида Киев вилояти Вишгород тумани Борки қишлоғи ҳудудида Днепр дарёсини кечиб ўтган. Плацдармни саклаб туриш ва кенгайтириш бўйича жангларда иштирок этган. Душманнинг жонли кучи ва техникасига катта зарар етказган.

1944 йилнинг 10 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Тошкент партия мактабини тутатди. Дастлаб Наманган шаҳар партия комитетида, сўнгра совхоз партия ташкилотида котиб бўлиб ишлади. 1967 йилдан Бирлашган кинотеатрлар дирекцияси директори лавозимида ишлаган.

1992 йил 2 июнь куни вафот этган. Наманган шаҳридаги “Лаббай тоға” қабристонида дағн этилган.



## АЗИМ РАХИМОВ

1925 йил 27 февраль куни Бухоро шаҳрида туғилган.

1943 йилдан армия сафларига ҳарбий хизматга чақирилган.

1944 йилдан урушда қатнашган.

1945 йилнинг 14–15 январь кунлари 1-Белоруссия фронти 69-армияси 77-ўқчи дивизияси 221-ўқчи полки взвод командирининг ёрдамчиси сержант Азим Раҳимов Польшанинг Зволенъ шаҳри учун олиб борилган жангларда мардонавор хизмат қилган. Душман позицияларига ёриб кириб, гранаталар билан бир нечта ўт очиш нуқталарини яксон қилиб, 5 та душман аскарини асир олган.

1945 йилнинг 27 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг ҳарбий хизматдан бўшатилди. 1950 йилда партия мактабини тамомлади. Бухоро шаҳрида яшаб, меҳнат фаолиятини олиб борган.

1997 йилнинг 17 май куни вафот этган. Бухоро шаҳридаги “Жуйбори Берун” Қоракўл дарвозаси қабристонида дафн этилган.



## ВАСИЛИЙ ГРИГОРЬЕВИЧ РЕМИЗОВ

1917 йил 1 январда Россиянинг Ульяновск вилояти Сенгилеев туманидаги Дедяшевка қишлоғида туғилган.

Тошкент шаҳрида яшаб, “Динамо” жамияти бошлиғи лавозимида фаолият олиб борган.

1938 йилда Тошкент шаҳрининг Куйбишев тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафларига чақирилган.

1940 йилда Ленинград пиёдалар билим юртини битирган.

1941 йил июнидан бошлаб уруш қатнашчиси бўлган. Жангларда икки ма-  
ротаба яраланган.

1945 йил январида майор В.Г.Ремизов 1-Белоруссия фронти 77-ўқчи дивизияси 218-ўқчи полки батальонини бошқарган. Польшани озод этишда жонбозлик кўрсатди. 1945 йил 14 январда Ремизов батальони Висла дарёси-  
нинг ғарбий қирғоидаги плацдармдан душманлар мудофаасининг учта чи-  
зигини ёриб ўтиш бўйича жангларда иштирок этди. Кейинги хужумлар вақти-  
да Зволень ва Радом шаҳарларини озод этишдаги жангларда фаол қатнашган.  
Радом учун бўлган жангларда уйларнинг бирига яшириниб олган бир гурӯх  
душман аскарларини яксон килган. Ремизов батальони уч марта Варта дарёси-  
ни кечиб ўтиб, 1945 йил январида 250 та аҳоли пунктини озод қилган ҳамда  
кўплаб ҳарбий асир ва жанговар техникаларни кўлга киритган.

1945 йилнинг 27 январида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берил-  
ган.

Уруш тугагандан сўнг армия сафларида хизматни давом эттирган.

1958 йилда полковник унвони билан истеъфога чиққач, Москва шаҳрида  
яшаб, меҳнат қилган.

2000 йилнинг 3 июль куни вафот этган. Москва шаҳрида дафн этилган



## ПАВЕЛ МАКСИМОВИЧ РЖЕВСКИЙ

1908 йил 21 декабрда Россиянинг Волгоград вилояти Рудня-Камишинская қишлоғида туғилган.

1928–1930 йилларда армия сафларида хизмат қилган ва захирага бўшатилгач, Орск шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

1942 йилда П.М.Ржевский иккинчи маротаба ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил мартаидан уруш қатнашчиси. Воронеж, Степной ва 2-Украина фронтида жанг қилган.

1943 йил сентябрига келиб, П.М.Ржевский Степной фронти 7-армияси 72-ўқчи дивизияси 75-алоҳида разведротасининг разведкачиси бўлиб хизмат қилган. Днепр учун жангларда жонбозлик қўрсатган.


1943 йилнинг 26 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилда Фрунзе номидаги пиёдалар билим юртини тамомлаган. Шу йили лейтенант унвони билан истеъфога чиққач, Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

1974 йил 3 июлда вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## ДЕНИС ФИЛИППОВИЧ РЗЯНИН



1910 йил 1 сентябрда Россиянинг Тамбов вилояти Мучкап тумани Коростилёво қишлоғида туғилган.

Тошкентда яшаб, ҳайдовчи сифатида фаолият юритган.

1942 йилда ҳарбий хизматта чақирилган. Шу йилдан совет қўшинлари сафидга урушда жанг қилган.

1943 йил нояброда 3-Украина фронти 6-армияси 245-миномёт дивизионида Днепр учун бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йилнинг 17 сентябрида Хортица ороли яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтишда машина жойлашган понтон тешилди. Рзянин зудлик билан понтон тешигини беркитиб, “Катюша”ни чўкиб кетишдан сақлаб қолган.

1944 йилнинг 22 февраляда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

1989 йил 6 декабрда вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”-га дафн этилган.



## ВАСИЛИЙ ИВАНОВИЧ РИБАЛКО

1921 йил 29 августда Украинанинг Черкасск вилояти Золотошношк туманидаги Дибровка қишлоғида туғилған.

Тошкент шаҳридаги пединститутда ўқиган.

1943 йилда армия сафларига хизматга чақирилған. 2-Украина фронти 52-армияси 294-ўқчи дивизияси 861-ўқчи полки миномёт бўлинмаси командири бўлган. Черкасск ва Винница вилоятларини озод қилишдаги жангларда жонбозлик кўрсатган. Бершад тумани Тарановка қишлоғи учун жангларда шахсан душманнинг 14 та аскар ва офицерларини йўқ қилган. Шунингдек, яраланган командирни ўқ ёмғири остида жанг майдонидан елкасида олиб чиққан.

1944 йил 13 сентябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Урушдан кейин Тошкент вилоятининг Янгийўл шаҳрида яшаган. Олий партия мактабини ва педагогика институтини битирған. Турли партия лавозимларида, Янгийўл шаҳар партия комитети биринчи котиби лавозимида фолият юритган. Ўзбекистон Олий Совети депутатлигига сайланған. Кейинроқ Черкасскка кўчуб кетган.

2005 йил 20 майда вафот этган. Черкасск шаҳри қабристонига дафн этилған.



## ПАВЕЛ АНТОНОВИЧ РИНДИН

1901 йилда Украинанинг Донецк вилояти Бахмутов тумани Пилипчатино қишлоғида туғилган.

1942 йилда Самарқанд вилоятининг Каттақўргон тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафларига чақирилган. Марказий фронт 65-армияси 69-Севск ўқчи дивизияси 120-ўқчи полк ўқчи батальони партия ташкилотчи-си бўлган.

1943 йил 15 октябрда Украинанинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль шаҳар типидаги посёлкаси яқинида батальоннинг биринчи десантчилар гурухига бошчилик қилиб, Днепр дарёсининг ўнг қирғоғига ўтган ва жангчиларни ҳужумга бошлаган. Тепаликни эгаллагач, П.А.Риндин бошчилигидаги жангчилар 120-ўқчи полкининг бошқа бўлинмаларини дарёни кечиб, эгалланган плацдармга ўтишларини таъминлаган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.  
Днепропетровскда (Украина) яшаб, меҳнат қилган.

1971 йил июнь охирларида вафот этган.



## КОНСТАНТИН ГЕРАСИМОВИЧ РОДЕНКО

1923 йил 7 мартда Тошкент шаҳрида туғилган.

Армияга чақирилгунга қадар Соликамскда яшаб, меҳнат қилган. 1944 йилда армия сафлариға чақирилган. Шу йилдан уруш қатнашчиси бўлган.

1945 йилнинг апрель ойига келиб К.Г.Роденко 3-Белоруссия фронти 43-армияси 70-ўқчи дивизияси 224-артиллерия полки қуролларига командирлик қилган. Шарқий Пруссиядаги жангларда жонбозлик кўрсатган. Кенигсберг яқинидаги мустаҳкам Гросс-Фридрихсберг учун бўлган жангларда Роденко душманнинг 4 станокли пулемёти, 1 та кузатув пункти, кўп сонли аскар ва офицерларини ер билан яксон қилган. Душман қарши хужумини қайтариш вақтида К.Г.Роденко душманнинг 40 аскар ва офицерини йўқ қилган.

1945 йилнинг 9 апрелида Модиттен таянч пункти учун бўлган жангларда Роденко канал кўпригини қуриб, биринчилардан бўлиб душман ичига ёриб кирган ва 1 та душман танкини яксон қилган. Душманларнинг қарши хужумларини қайтариш вақтида Роденко шахсан 17 та душман аскарини тор-мор қилган.

1944 йилнинг 19 апрелида “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагандан сўнг армия сафларида хизматни давом эттирган. Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

1985 йил 25 июнда вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ РОЗОВ

1918 йил 4 декабрда Виглядовка қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Пенза вилояти Мокшанский тумани) туғилган.

7-синфни тугаттагач, Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

1937 йилда армия сафига хизматга чақирилган. Совет-фин урушида иштирок этган.

1941 йил июлдан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

1943 йилда Розов пиёда аскарлари мактабини тезлаштирилган курсини битирган.

1944 йил декабрига қадар Украина фронти 46-армияси 59-гвардия ўқчи дивизияси 176-гвардия ўқчи полкида рота командири бўлган. Венгрияни озод қилишда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 4 декабрда Розовнинг ротаси Эрчи шаҳри яқинида, Дунай дарёсини кечиб ўтиб, дарё қирғоқидаги плацдармни эгаллаган ҳамда уни сақлаб колган ва душманнинг кўплаб қарши хужумларини қайтарган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Тошкентда яшаб, фабрикада меҳнат қилган.

2000 йил 8 августда Москвада вафот этган.



## НИКОЛАЙ ЯКОВЛЕВИЧ РУДАКОВ

1906 йил 23 октябрда Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида туғилган.

1928 йилда армия сафларига ҳарбий хизматта чақирилган.

1931 йилда Киевдаги Бирлашган командирлар курсини, 1941 йилда эса “Вистрел” курсини тугаллаган.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ жангга киришган.

1943 йилнинг сентябрь ойига келиб, майор Н.Я.Рудаков Воронеж фронти 40-армияси 68-ўқчи дивизияси 202-полки командири бўлган. Днепр учун бўлган жангларда мардларча қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил 22 сентябрдан 23 сентябрга ўтар кечаси Рудаков бошчилигидаги полк Букрин плацдармига томон Днепр дарёсини кечиб ўтган. Душманнинг куч жиҳатидан бир неча бор устун бўлишига қарамай, полк уларнинг бир неча хужумини қайтаришга муваффақ бўлди. Душманга катта талафотлар етказди. Н.Я.Рудаков жангнинг олдинги мэрраларида туриб, ўз полкини мохирона бошқарган. Яраланганига қарамай уч кунгача жанговар постини тарк этмаган. Оғир ахволда бўлса-да, жангни давом эттирган.

1943 йилнинг 23 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач, армия сафларидаги хизматини давом эттирган.

1952 йилда истеъфога чиққач, Россиянинг Тверь вилояти Калинин районида яшаб, меҳнат қилган.

1977 йил 29 августда вафот этган. Твердаги “Дмитрово-Черкасск” қабристонида дағн этилган.



## АМИРАЛИ САИДБЕКОВ



1920 йил 15 майда Амирали Сайдбеков Фарғона вилояти Риштон тумани Тапимозор қишлоғида туғилган.

Педагогика билим юртини тамомлаган, мактабда ишлаган.

1939 йили ҳарбий хизматга чакирилган, совет-фин уруши қатнашчиси, кичик лейтенантлар курсларини тугатган. Иккинчи жаҳон уруши жангларида биринчи кунларидан қатнашган.

1945 йилнинг баҳорига келиб, гвардиячи катта лейтенант Сайдбеков 4-Украина фронти 60-армия 107-ўқчи корпуси 129-гвардиячи ўқчи дивизияси 325-гвардиячи ўқчи полки ротасига командирлик қилган.

Польшани озод қилиш жангларида рота жонбозлик кўрсатди. 1945 йил 29 март – 4 апрель кунлари унинг ротаси душманнинг кўплаб аскарларини йўқ қилиб, Польшанинг бир нечта аҳоли пунктларини озод килган. 8 апрель куни Сайдбеков ротаси Рогув ва Домбров аҳоли пунктлари ҳудудида душманнинг бир нечта хужумини қайтарди. Шу жангда Амирали Сайдбеков ҳалок бўлди.

1945 йил 29 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди.



## ГАТАУЛЛА САЛИХОВИЧ САЛИХОВ

1924 йил 1 январда Татаристоннинг (Россия) Ара тумани Нижняя Ура қишлоғида туғилган.

1930 йилдан Урганч шаҳрида яшаган.

1942 йилда Хоразм вилоятининг Урганч ҳарбий комисариати томонидан армия сафларига чақирилган.

1943 февралда Тошкент ҳарбий пиёдалар билим юртининг жадаллаштирилган курсларини туттади.

1943 йил апрель-декабрида 518-ўқчи полк бўлинма бошлиги (Брянск, Марказий ва Белоруссия фронтлари) лавозимида хизмат қилган.

1943 йил 27 августда “Совет Йиттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил сентябрiddан Г.С.Салихов истеъфога чиқди. 1946–1947 йилларда Урганч шаҳрида М.Горький номидаги артель раисининг ўринbosари лавозимида ишлаган. 1947 йилда Москвага қўчиб кетган.

1969–1979 йилларда “Промэнергопроект” лойиха институтида бош муҳандис, 1979–1985 йилларда “Энергопром” илмий-текшириш лойиха институти бўлим бошлиги лавозимларида ишлаган.

1988–1991 йилларда “Союзводоканалпроект” лойиха институтида макетчи бўлиб ишлаган.

2012 йил 16 февраль куни вафот этган. Москва шаҳрида дафн этилган.



## ДМИТРИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ САМОЙЛОВ

1922 йил 31 декабрда Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида туғилган.

1940 йилнинг декабридан армия сафларида бўлди.

1948 йил март ойидан Белоруссия ҳарбий округи 1-ҳаво армияси 303-қириувчи дивизия 139-авиаполк учувчиси бўлган.

1951 йилнинг 13 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1951 йилнинг апрелидан у Узбек Шарқдаги 523-қириувчи авиаполкда катта учувчи лавозимида хизматни давом эттирган.

1955 йил декабридан шу ерда ҳарбий авиаэскадрилья командири, 1957 йилнинг фералидан авиаэскадрилья командири, 1958 йилнинг март ойидан 224-қириувчи авиация полкининг учишга тайёрлаш бўйича командир ўринбосари (10-ҳаво армиясининг 32-қириувчи авиация дивизияси) лавозимларида хизмат қилган.

1960 йилнинг июнь ойидан А.Д.Самойлов истеъфога чиқкан. 1965 йилда машинасозлик техникумини битирган. 1988 йилгача у оғир машинасозлик электропўлат заводида муҳандис бўлиб ишлаган. Россиянинг Москва вилоятидаги Электросталь шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

2012 йил 15 августда Электросталь шаҳрида вафот этган. Шаҳар қабристонида дағн этилган.



## ОЛЬГА АЛЕКСАНДРОВНА САНФИРОВА

1917 йил 19 апрелда Россиянинг Самара шаҳрида туғилган.  
Урушгача Ўзбекистонда яшаган.

1941 йилнинг декабридан армия сафлариға чақирилган.

1942 йилда Батай ҳарбий авиация учувчилар мактабини битирган.

1942 йидан ҳаракатдаги армияда хизматни бошлаган. Учувчи, бўғин командири, эскадрилья командири ўринбосари ва командири лавозимларида ишлаган. 46-тунги бомбардимончи авиаполки (2-Белоруссия фронти 4-ҳаво армияси 325-тунги бомбардимончи авиадивизияси) эскадрильяси командири капитан Санфирова душман жонли кучлари ва истеҳкомларини йўқ қилиш учун 630 та тунги жанговар парвозни амалга ошириб, 875 соат жанговар парвозда бўлган ва душманга 77 тонна авиабомба ташлаган.

1944 йил 13 декабрга ўтар кечаси душман позицияларини йўқ қилиш бўйича жанговар топшириқни бажариш вақтида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Белоруссиянинг Гродно шаҳридаги “Биродарлик” қабристонида дағн этилган.

1945 йил 23 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## БОРИС ПЕТРОВИЧ САПУНКОВ

1917 йил 3 январда Россиянинг Самара шаҳрида туғилган.  
Тошкент шаҳридаги “Сельхозмаш” заводида фрезерловчи бўлиб ишлаган.  
1938 йили Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чакирилган.

1941 йилдан Иккинчи жаҳон уруши фронтларида қатнашган.  
1944 йилда Харьков танк билим юртини тамомлаган.  
95-танк бригадаси (1-Белоруссия фронти 33-армияси 9-танк корпуси)  
3-танк батальони “Т-34” танкининг командири Б.П.Сапунков 1945 йил 16  
январда Польша кишлоқлари Шидловец, Опочно яқинидаги тунги разведкада  
бўлган пайти орқага чекинаётган душман қўшинларига қарши жангга кириб,  
ўнлаб танк ва ҳужум куролларини йўқ қилган. Оддинги мэрралар томон ҳара-  
катланган Сапунков бошчилигидаги танк экипажи биринчи уринишаёқ Варта  
дарёсидан ўтиб, мудофаани эгаллаган ва 95-танк бригадасининг олди бўлин-  
малари билан Варта дарёсидан бошқа кучлар ўтишини ҳимоялаган.

1945 йил 27 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.  
Урушдан сўнг армияда хизматни давом эттирган.  
1949 йили у офицерлик таркибининг малакасини ошириш курсларини та-  
момлаган.  
1957 йилдан майор Б.П.Сапунков захирага бўшатилган. Украина нинг Ива-  
но-Франковск вилоятининг Калуш шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.  
1981 йил 14 август куни вафот этган. Калуш шаҳри қабристонида дағн  
этилган.



## НИКОЛАЙ АНДРЕЕВИЧ САРАЕВ

1914 йил 10 март куни Россиянинг Пенза вилояти Нижнеломов тумани Муромка қишлоғида туғилган.

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги ғишт заводида темирчи бўлиб ишлаган.

Ҳарбий хизматга 1942 йилда Нукус ҳарбий комиссариати томонидан чакирилган. Ўша йилдан бошлаб фронтда жанг қилган. Марказий фронт 13-армия 322-ўқчи дивизияси 603-алоҳида сапёр батальонининг сапёри Сараев ўз бўлими таркибида Сейм ва Десна дарёларини кечиб ўтишда иштирок этган. Чернигов вилояти Сосницкий тумани Новие Млини ва Пекарево қишлоғи яқинида Сейм дарёсидан ўтиш учун оқим кўприк ўрнатишда қатнашган. Аскар Сараев 322-ўқчи дивизияни Десна дарёсидан паромда ўтказаётганда трасс узилиб кетса-да, сув остига шўнғиб, тўхтовсиз кечувни таъминлаган.

1943 йил 16 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилда захирага бўшатилгач, Нукус шаҳрига қайтиб келади. Дастреб вилоят партия қўмитасида ишлади, кейинчалик эса автобазада механик бўлиб фаолият юритган.

1991 йилда вафот этган. Нукус шаҳрида дафн этилган.



## АЛЕКСАНДР ГРИГОРЬЕВИЧ СВИДЕРСКИЙ

1908 йил 10 июнда Украинанинг Сумск вилояти Конотопск туманидаги Карабутово қишлоғида туғилган.

1928 йилдан бошлаб армияда хизмат қилган.

1931 йилда Киров кавалерия билим юртини, 1932 йилда команда таркибини такомиллаштириш курсларини тугатган. Урушгача бўлган даврда Самарқандда яшаган.

1941 йил июнидан урушда жанг қилган. Лейтенант Свидерский Болтиқбўйи давлат чегарасини ҳимоя қилаётган пайтида уруш бошланган.

1944 йил 17 апрелда Севастополь остонасидағи Угловое қишлоғи худудидаги шафқатсиз жангларда майор А.Г.Свидерский қаттиқ яраланиб, ҳалок бўлди. Боғчасарой шаҳридаги “Биродарлик” қабристонига дағн этилган.

1944 йил 16 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## НИКОЛАЙ ДАВИДОВИЧ СВИНАРЧУК

1920 йил 20 январда ҳозирги Гулистан шаҳрида туғилган.

Боёвут тор изли темир йўлида ёрдамчи ишчи бўлиб ишлаган.

1940 йил 25 октябрдан армия сафларида хизмат қилган. 1942 йил август ойидан харакатдаги армия сафида бўлган. Калинин, 2-Болтиқбўйи, 1-ва 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Великолукск, Невельск ва Полеск хужумкор операцияларида иштирок этган. Жанглар давомида икки бор яраланган. Люблин-Брест операцияларида алоҳида жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 26 июлда Н.Д.Свинарчук взводи Бяла-Подляска шаҳри (ҳозирги Люблин воеводаси, Польша) ҳудудидаги Кшна дарёсини кечиб ўтиш вақтида взвод командири сафдан чиққач, взвод командирлигини қабул қилган. Свинарчук душманларни окоплардан чиқариб, босиб олинган жойнинг мудофаасини сақлаган ҳолда батальоннинг бошқа бўлинмаларини плацдармга олиб ўтишда жонбозлик кўрсатган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Н.Д.Свинарчук захирага бўшатилган. Чимкент вилояти Лангар шаҳрида яшаб, ишлаган.

1983 йил 1 январь куни вафот этган. Чимкент вилоятининг Лангар тумани Александровка қишлоғи (ҳозирги Жанубий Қозоғистон вилоятининг Тулабий тумани Достик қишлоғи, Қозоғистон)да дафн этилган.



## АЛЕКСАНДР ИВАНОВИЧ СЕМИКОВ

1916 йил 23 ноябрда Лаврентево (ҳозирги Мордовиянинг Темников тумани, Россия)да туғилган.

5-синфни тамомлаганидан сўнг қишлоқ хўжалигига фаолият юритган. Кейинчалик Тошкент темир йўл техникумини тутатиб, Андижонда вагонлар устаси бўлиб ишлаган.

1937 йилда армия сафига хизматга чақирилган.

1941 йилда Тошкент Ҳарбий-сиёсий билим юртини тамомлаган. Шу йилнинг июль ойидан ҳар-хил фронтларда жанг қилган.

1942 йили “Выстрел” курсларини, 1944 йилда эса М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган.

1945 йилнинг апрел ойида 1-Белоруссия фронтининг 8-гвардия армияси 79-гвардиячи ўқчи дивизияси 227-гвардиячи ўқчи полкини бошқарган. Берлин жангига жонбозлик кўрсатган.

1945 йил февраль ойининг бошида 227-полк Одер дарёсини кечиб ўтиб, унинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни эгаллаб олган ва фашист қўшинларининг кўплаб қарши хужумларини қайтарган. У жангда қаттиқ жароҳатланган бўлса-да, сафда қолган.

Унинг полки Долгелин учун жангларда Франкфурт–Долгелин темир йўли ва шоссе чорраҳасида душман қуршовида қолган ва шиддатли хужумни қайтариб, қуршовдан чиқишига муваффақ бўлган. Икки соат давом этган жангдан сўнг 8-механизациялашган гвардия корпуси танкчилари ёрдамида душманни енгиб ўтишга эришилган. Шу жангда у қаттиқ жароҳатланган. Бомба парчалири уни ўнг сонини майдалаб ташлаган, кўл ва елкасини яралаган.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Уруш тугагач армия сафига хизматни давом эттирган.

1963 йилда Бош штаб қошидаги Ҳарбий академиянинг Олий академик курсларини тамомлаган.

1972 йили Семиков “полковник” унвонида захирага бўшатилган.

Аввал Сходня қишлоғида, кейинчалик Москва вилоятининг Химки шаҳрида яшаган.

1995 йил 23 марта вафот этган. Машкиндаги “Химок” қабристонига дағн этилган.



## ИОСИФ ИЛЬИЧ СЕРДЮКОВ

1906 йил 27 сентябрда Россиянинг Белгород вилояти Вейделевск тумани Станов қишлоғида туғилган.

Тошкент шаҳридаги мевани қайта ишлаш комбинатида меҳнат қилган.

1936 йилдан бошлаб Хабаровск ўлкаси Советская Гавань ишчи посёлкасида яшаган. Ўрмон саноат комбинати дараҳт кесувчилар бригадасида ишлаган. Кейинчалик Владивосток шаҳри остонасидағи ҳарбий аэродром курилишига ўтказилган.

1942 йилдан бошлаб ҳарбий хизматда бўлган.

1943 йил 15 октябрда Марказий фронт 65-армия 69-ўқчи дивизияси 99-махсус сапёрлар батальони сапёри ефрейтор И.И.Сердюков Днепр дарёсини жанговар кечиб ўтишда Украина нинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль шаҳар типидаги посёлкасида бўлинма командири ўрнини эгаллаб, дарёни кечиб ўтиб, душманнинг траншея ҳудудини ишғол қилган ва десантчиларнинг ўтишини таъминлаган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йил йилдан бошлаб захирада бўлган. Тошкент шаҳрида яшаган.

1948 йилда партия мактабини тутатган. Маъмурий-хўжалик лавозимларида ишлаган.

1973 йил 28 марта вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”га дағн этилган.



## ЛУТФУЛЛА СИБАЕВИЧ СИБАГАТУЛЛИН



1912 йил 15 марта Россиянинг Пермь вилояти Уинск туманидаги Чайка қишлоғида туғилган.

1938 йилда ҳарбий хизматни ўташ учун чақирилган. Совет-фин урушида қатнашиб, оғир артиллерия взводига командирлик қилган. 1941 йилда командирлик гурухи курсларини тамомлаган.

Брянск ва Марказий фронт жангларида қатнашган. 229-ўқчи полкида батальон командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари катта лейтенант Л.С.Сибагатуллин Орёл шахри учун олиб борилган жангда қўшининг Десна ва Днепр дарёсидан муваффакиятли кечиб ўтишини таъминлайди.

1943 йил 22 сентябрда Гомель вилоятининг Брагин тумани ҳудудида қўлга олиш гуруҳига бошчилик қилиб, душман ўқ ёмғири остида Днепр дарёсини кечиб ўтиб, душман плацдармини қўлга олди ва унда ўз гурухи билан жойлашиб, полк асосий қисмининг дарёдан кечиб ўтишида жонбозлик кўрсатди.

Катта лейтенант Л.С.Сибагатуллининг жанговар қатъияти сабабли жангчиларимиз душман фронт чизигини 25–35 километргача ёриб кириб, галабага эришдилар.

1943 йил 16 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг 1946 йилдан захирага бўшатилиб, Тошкент вилояти Паркент қишлоғида яшаган.

1978 йил 6 октябрда вафот этган. Паркент туманида дағн этилган.



## АЛЕКСАНДР ВАСИЛЬЕВИЧ СИДОРОВ

1910 йил 27 сентябрда Тошкент шаҳрида туғилган.

1932 йилда армияга хизматга чақирилган. 1942 йилдан бошлаб Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган.

1943 йил октябрь ойида Марказий фронт 65-армия 69-ўқчи дивизиясинг 120-ўқчи полки командирининг сиёсий қисм бўйича ўринбосари этиб тайинланган. Днепр дарёсини жанг билан кечиб ўтишда алоҳида жонбозлик кўрсатган. 1943 йил 15 октябрда Сидоров илгор отряд таркибида Украина нинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль посёлкасига Днепр дарёси орқали ўтган ва дарёнинг гарбий қирғоғидаги плацдармни қўлга олиш учун кечган жангларда иштирок этган. Унинг шахсан ўзи душман траншеяларини қўлга олишда қатнашган. Плацдармдаги жангларда Сидоров яраланишига қарамай, жанг килишда давом этган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1957 йилда захирага бўшатилган. Брянск шаҳрида яшаб, троллейбус корхонаси директори бўлиб ишлаган.

1968 йил 27 июнда вафот этган. Шаҳар қабристонида дафн этилган.



## ПЁТР ИВАНОВИЧ СИЗОВ



1909 йилда Украинанинг Мелитополь шаҳрида туғилган.

Урушгача бўлган даврда Хоразм вилоятининг статистика бошқармаси бошлигининг ўринбосари бўлиб ишлаган.

1942 йилда Урганч туман ҳарбий комиссариати томонидан армияга чақирилган. 1943 йил Харьков шаҳридаги ҳарбий билим юрти тезлаштирилган курсларини тугатгач, урушга жўнатилган.

1944 йил 20 октябрдан 21 октябрга ўтар кечаси ўзи хизмат қилаётган полкнинг олдинга томон жанговар харакатланишида жонбозлик қўрсатди.

Рота жанговар тартибда харакатланар экан, тўсатдан Сизов бир гурӯҳ фашистларнинг пулемётлар билан қурилиши тугалланмаган бинолар ортида пистирмада яшириниб ётганини сезиб қолгач, иккита грантани олиб, уларнинг пулемёт ўчогига бирин-кетин отади. Бироқ бу пайтда душман жангчиси ҳам унга қаратса граната отишга улгуради.

1944 йил 21 октябрдаги жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ва Литвадаги Пагегай шаҳрида дағн этилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АЛЕКСАНДР МИХАЙЛОВИЧ СИМАНОВ

1918 йил 1 ноябрда Россиянинг Пенза вилояти Мокшанск туманида туғилган.

1940 йилдан бошлаб армияда хизмат қилган. Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1941 йил июль ойидан бошлаб Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

1943 йил 24 сентябрда 60-отлик полки пулемёт взводи командири лейтенант А.М.Симанов биринчилардан бўлиб Днепр дарёсини кечиб ўтиб, Белоруссиянинг Гомель вилоятидаги Брагинск Нивки қишлогининг ўнг қирғофида жангга кирган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг капитан А.М.Симанов захирага бўшатилгач, Пенза шахрида истиқомат қилиб, дизель заводида уста бўлиб ишлаган.

1977 йил 23 декабрда вафот этган. Пенза шахридаги “Янги Фарбий” қабристонида дафн этилган.



## ПАВЕЛ АЛЕКСЕЕВИЧ СКОПИН

1902 йил 22 февралда Савичи қишлоғида (Россиянинг хозирги Киров вилояти Оричевский туманида) туғилган.

Ота-онасининг вафотидан кейин Бобинский болалар уйида тарбияланган. Бобино қишлоғидаги черков мактабини битирган.

1914 йилдан Вятка шаҳридаги суд терговчисининг чопари, 1915 йил апрелдан хусусий устахонада чилангар шогирди, 1917 йил апрелдан Скопино қишлоғида чўпон, сўнгра Вятка темир йўл станциясида таъмирлаш ишчиси ва чилангар бўлиб ишлаган.

1922 йил августидан армия сафига хизматга чақирилган.

1939 йил 18 июлдан 29 августгача Халхин-Гол дарёсида япон милитаристлари билан бўлган жангларда қатнашган.

6-танк бригадасининг 2-танк батальони комиссари Павел Скопин қўмон-донлик вазифаларини намунали бажарган, ўзини яхши жангчи эканлигини исботлаган.

1939 йил 29 августда жангда оғир яраланган, лекин ёнма-ён жанг қилаётган пиёдалар полки душман қуршовидан тўлиқ чиқиб кетмагунича жангни давом эттирган.

1939 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1950 йилда касаллиги туфайли нафақага чиққан. Фарғона шаҳрида яшаган.

1967 йил 9 сентябрда Фарғона шаҳрида вафот этган.



## АНАТОЛИЙ МАРКОВИЧ СКОРОБОГАТОВ

1906 йилда туғилған.

Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилған.

А.Скоробогатов томонидан бошқарылған оғир танк унга қараты ўқ узаётгандын түп томон катта тезлик билан ҳаракатлана бошлады. Бирок шу онда оғир зарба машинани силкитиб юборади, катта танк томонидан берилған зарба нағијасыда танк жойда айланиб қолади...

Экипаж хавф остида эканини танқдагиларнинг барчаси тушуниб етган эди. Гитлерчилар кучсиз қолған танкка томон хужумга яқинлашиб келади. Душман кутилмаган ва тұхтосыз қаршилигини күриб, танкни артиллериядан ўққа тутади. Танк эса курашишда давом этади. А.М.Скоробогатов әкипажи 7 соат давомида қаршилик күрсатғач, ўқ-дорилар тугаганидан сүңг ҳам таслим бўлмасликка ахд қилған эди. Натижада фашистлар томонидан танкка ёнувчи аралашма солинган шишалар улоқтирилади.

1944 йил 21 июндеги ушбу жаңгда А.М.Скоробогатов қаҳрамонларча ҳалок бўлған.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилған.



## АРКАДИЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ СМИРНОВ

1909 йилда Россиянинг Ярославск вилоятида туғилган.

Армия сафларига чақирилгунга қадар Тошкент шаҳрида яшаб, меҳнат қилған.

15-кавалерия полки командири А.А.Смирновнинг полки Москвадан Эльбагача бўлган шиддатли жангларда қатнашган. У кўплаб кавалерия хужумлари, душман худудида мардонавор рейдларни амалга оширган. Бир неча бор душман мудофаасини ёриб кирган, рақиби кузатиб бориша фаол иштирок этган ботир жангчилардан эди.

Смирновнинг полки яшин тезлигига ҳаракат қиласди. Душман стратегияси учун уларнинг ҳаракатланиши кутилмаган ва ноодатий эди.

1945 йилнинг 18 январь куни полк Лович шаҳрига кириб боради ҳамда йирик темир йўл ва катта автомобиль йўлларини, душманнинг саросимада ташлаб қочган техникалари – тўплар, пулемётлар, миномётлар, озиқ овқатлар, ўқ-дорилар, автомашиналар ва бошқа ўлжалар сақланадиган омборини эгаллади. Душман ўзига келиб, каршисида атиги битта кавалерия полки борлигини англаганида эса қўшимча кучлар етиб келади. А.А.Смирновнинг бундай тадбиркорлик билан қилган самарали ҳаракатлари натижасида отлик жангчилар кўплаб муваффакиятларга эришган.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1952 йилдан захирага бўшатилган.

1959 йил 18 ноябрда Латвиянинг Рига шаҳрида вафот этган.



## АБРАМ ЕФИМОВИЧ СМОЛЯКОВ

1908 йилнинг 29 майида Могилёв вилоятининг (Белоруссия) Шербиновка қишлоғида туғилган.

Ишчилар факультетини, сўнгра Тошкент шаҳрида олий партия мактабини тамомлаган.

1941 йилда армия хизматига Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган. Ҳарбий хизматни Белоруссиядан бошлаган. Уруш бошланганида жанг билан Днепрга чекинган. Гомель мудофаасида, сўнгра қарши ҳужум операцияларида, 1942 йил Воронеж, Курск жангларида, Белгород ва Харьков шаҳарларини озод қилишда иштирок этган.

1943 йил 30 сентябрда Канев шимолидаги худудда ўқчи бўлинмалари Днепрни кечиб ўтиб, плацдармни эгаллаган. Ушбу тенгсиз жангда Смоляков қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

Черкасск вилояти Канев тумани Лепляво қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонига дағн этилган.

1943 йил 24 декабрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.



## АЛЕКСАНДР ИВАНОВИЧ СОЛОМАТИН



1922 йил 29 августда Қозогистоннинг Семипалатинск шаҳрида тугилган.

Тошкент шаҳрида яшаб, меҳнат қилган.

1941 йил июль ойида Тошкент шаҳар Фрунзе туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йилда Тошкент ҳарбий пиёдалар билим юртининг тезлаштирилган курсини тамомлаган.

1941 йил сентябрь ойидан бошлаб уруши қатнашчиси. 1942 йилда К.Е.Ворошилов номидаги Рязань пиёдалар билим юртини тутатган.

Катта лейтенант А.И.Соломатин 1-Украина фронти 4-танк армияси 6-механизациялашган корпуси 17-механизациялашган бригадаси ўқчи ротаси командири лавозимида хизмат қилган.

1945 йил 25 январга ўтар кечаси Кебен (Хобеня) қароргохидаги Одер дарёсини кечиб ўтишда жонбозлик кўрсатган. Рота қарама-қарши қирғоқдаги плацдармни кўлга олиб, 17-бригада асосий кучлари келгунига қадар ушлаб турган. Бу жангда десантчилар томонидан 60 га яқин душман аскар ва офицерлари йўқ қилиниб, 20 нафар маҳбус ва 16 дона пулемётни кўлга киритган.

1945 йилнинг 26 январида А.И.Соломатин бошчилигида рота 8 та душман қарши ҳужумини қайтарган.

1945 йил 10 апрелда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилнинг 18 марта жангда ҳалок бўлган. Польшанинг Ниса шаҳрига яқин жойлашган Радиковице қишлоғида дағн этилган.



## ГЕМЕЛ МИХАЙЛОВИЧ СТАНКЕВИЧ

1925 йил 8 марта Белоруссиянинг Могилёв вилояти Бихов тумани Вьюновская Селиба қишлоғида туғилган.

1943 йилда армияга чақирилиб, Чирчик шаҳрига эвакуация қилинган Харъков танк билим юртига юборилган. 1944 йили ўқиши муваффақиятли тамомлаб, кичик лейтенант унвонида фронтга жўнатилган. 25-танк корпуси таркибида 111-танк бригадасининг танк взводига командирлик қилган. Польшани озод қилишдаги жангларда қатнашган. Германиянинг Губен шаҳри (хозирги Губин, Польша) учун жангларда жасорат кўрсатган.

Ўз бригадаси билан Гемел Станкевич жанглар қилиб Берлингача етиб борган, Берлин-Прага танк юришида қатнашган. Урушдан сўнг армияда хизматни давом эттирган.

1945 йил 27 июня “Совет Иттифоқи Қахрамони” унвони берилган.

1951 йилда захирага бўшатилгач, Тошкент шаҳрида яшаган.

1955 йилда Тошкент юридик институтини тамомлаб, терговчи бўлиб ишлаган.

1962 йил 5 январда вафот этган.



## ЕЛЕНА КОНСТАНТИНОВНА СТЕМПКОВСКАЯ

1921 йилда Белоруссиянинг Минск вилояти Колигорск туманидаги Мазурчина қишлоғида туғилган.

Тошкент педагогика институтида таҳсил олган. Сирдарё вилояти Боёвут туманидаги Боёвут қишлоғида яшаган.

1941 йил июнь ойидан армияда хизмат қилган. Радиотелеграфчилар курсини тамомлаган.

1942 йил январидан харакатдаги армия сафида хизмат қилган.

1942 йил июнь ойида Жануби-Гарбий фронт 21-армияси 76-ўқчи дивизияси 216-ўқчи полки ўқчи батальонининг радиисти, кичик сержант Е.К.Стемпковская батальони Белгород вилояти Шебекин тумани Зимовенъка қишлоғи яқинида душман қуршовидан чиқаётганида полк штаби билан алоқани таъминлаб турган.

1942 йил 16 июнда ҳалок бўлган мувофиқлаштирувчи ўрнини босиб, душман ўқини ўзига йўналтирган. Сўнг взвод таркибида батальоннинг чекинини таъминлаган ва ўша жангда ҳалок бўлган. Зимовенъка қишлоғида дафн этилган.

1946 йил 15 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Боёвут тумани Боёвут қишлоғи Истиқлол маҳалласидаги Марказий қўргон боғида Елена Стемпковскаянинг ҳайкали ўрнатилган.



## ВЛАДИМИР ФЁДОРОВИЧ СТРЕЛЬЦОВ

1909 йил 24 июнда Самарқанд шаҳрида туғилган.

Москвада ишчилар факультетининг 4 курсини тамомлагач, армияга хизматга чақирилган.

1935 йилда Ворошилов шаҳар ҳарбий авиация учувчилари билим юртини, 1941 йилда қўймондонлик таркибини такомиллаштириш курсларини тамомланган. Ўша йилнинг декабрь оидан урушда қатнаша бошлаган.

1944 йилнинг июлига келиб, подполковник В.Ф.Стрельцов 3-Белоруссия фронти 1-ҳаво армияси 1-штурмчи авиадивизияси 75-штурмчи авиаполкининг штурмани бўлган. Ўша пайтгacha у душманинг жанговар техникаси ва тирик кучлари тўплangan жойларга ҳужум қилиб, 202 та жанговар парвоз амалга ошириб, душманга катта йўқотишлар келтирган.

1945 йил 23 февралда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан кейин Стрельцов армияда хизматни давом эттирган.

1954 йилда полковник унвонида захирага бўшатилгач, Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида яшаган.

1978 йил 19 июляда вафот этган.



## ПРОКОФИЙ АВЕРЬЯНОВИЧ СТРЕНАКОВ

1917 йил 6 июнда Белоруссиянинг Гомель вилояти Рогачёв тумани Гречуҳи қишлоғида туғилган.

1938 йилда Тошкент шаҳар Куйбишев туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1942 йилда кичик лейтенантлар курсини тамомлаган.

1942 йил июль ойидан Иккинчи жаҳон урушида жанг қилган. Днепрдаги жангларда жонбозлик кўрсатган.

1943 йил 12 октябрда лейтенант П.А.Стренаков разведкачилар гурӯҳи бошчилигига душман ўқи остида Днепр дарёсидан ўтди. Олди қирғоқка ўтиб, душманинг ўт воситалари разведкасини ташкил этган. Кузатув натижасида катта калибрли замбараклар жойлашган жойларни аниқлаб, уларни йўқ қилган. Кейинчалик Гомель вилояти Лоев туманидаги плацдармда душманинг кўплаб қарши хужумларини қайтаришда қатнашган.

1943 йил 24 декабрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Тошкент шаҳрида яшаб, “Тошкенткабель” заводида ишлабган.

1961 йил 12 октябрда вафот этган.



## БОРИС НИКОЛАЕВИЧ СУРОВЦЕВ

1902 йил 6 апрелда Россиянинг Киров вилояти Малмиж шаҳрида туғилган.

1935 йилдан бошлаб Самарқанд шаҳрида яшаган, у ерда 45-мактабнинг ўкув бўлими мудири бўлиб ишлаган.

1924–1927 йилларда ва 1941 йил декабридан армияда хизмат қилган, 1942 йил апрелидан ҳаракатдаги армия таркибида жанг қилган.

1945 йил 15 октябрда 99-алоҳида сапёрлар батальонида бўлинма командири, катта лейтенант Б.Н.Суровцев Украина нинг Чернигов вилояти Репкин туманидаги шаҳар туридаги Радуль посёлкаси худудида Днепр дарёсидан кешиб ўтишда қайик ёрдамида ўқчи ротасини Днепрнинг ўнг қирғогига ўтказган. Сўнгра душман дзотини йўқ қилган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йил 27 апрелда жангда ҳалок бўлган. Белоруссиянинг Гомель вилояти Калинковичи шаҳрида дафн этилган.



## ҚУДРАТ СУЮНОВ



1919 йил 6 февралда Самарқанд вилояти Нарпай тумани Ингичка кишлоғида туғилған.

1939 йилда армияга хизматта чақирилған. Уруш бошланғач фронтта жүннатылған.

1943 йил сентябридә сержант Қ.Суюнов Марказий фронтнинг 13-армияси 74-үкчи дивизияси 109-үкчи полки бўлинмаси командири бўлган. Десна дарёсидан кечиб ўтишда мардлик кўрсатган.

1943 йил 12 сентябрда Суюновнинг бўлинмаси Украянанинг Чернигов вилояти Короп тумани Оболонье кишлоғи худудида Деснанинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни кенгайтириш учун олиб борилған жангларда қатнашган. Жангнинг кескин палласида Суюнов шахсан олға ҳаракатланишга ҳалал берсаётган душманнинг ўқ отилаётган нуқтасини йўқ қилған, бирок ўзи ҳалок бўлган.

1943 йил 16 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.



## КЕНИЛБАЙ ТАСҚУЛОВ

1922 йил 15 августда Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Оқсоқ ота қишлоғида туғилган.

1942 йил январида армия хизматига сафарбар қилинган. Шу йилнинг апрель ойидан урушда қатнашган.

1943 йил октябрига келиб, Марказий фронтнинг 65-армияси 69-ўқчи дивизияси 120-ўқчи полки разведкачиси бўлган. Днепр учун бўлган жангларда жасорат кўрсатган.

1943 йил 15 октябрда Тасқулов биринчилар қаторида Украинанинг Чернигов вилояти Репкин туманидаги шаҳар типидаги Радуль посёлкаси ҳудудида Днепр дарёсидан кечиб ўтган ва унинг ғарбий қирғоғидаги плацдармни сақлаб қолиш учун олиб борилган жангларда фаол қатнашиб, душман хужумини қайтарган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йилда Тасқулов кичик лейтенантлар курсини ўқиб тамомлаган. Уруш тугагач, лейтенант унвонида захирага бўшатилган. Бўстонлиқ туманининг Чахчам қишлоғида яшаб, ишлаган.

1989 йил 15 июлда вафот этган. Бўстонлиқ туманининг Думалоқ посёлкаси қабристонида дағн этилган.



## ВАСИЛИЙ ФЁДОРОВИЧ ТИТОВ

1911 йил 23 марта Башкирдистоннинг (Россия) Покровка қишлоғида туғилган.

Күқон шахри электростанциясида электромонтёр бўлиб ишлаган.

1941 йили Фарғона вилояти Кўқон шаҳар харбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йил априлидан ҳаракатдаги армияда хизмат қилган.

1943 йил 15 октябрда Марказий фронт 65-армия 69-ўқчи дивизия 120-ўқчи полки взвод командири ўринбосари катта лейтенант В.Ф.Титов Радуль қишлоғи ёнида (Чернигов вилояти, Репкин тумани) Днепр дарёсидан ўтиш пайтидаги жангларда жонбозлик қўрсатган.

1943 йил 15 октябрда катта лейтенант В.Ф.Титов десантлар гурӯҳи тарқибида Радуль қишлоғи ёнида Днепр дарёсидан кечиб ўтган, душман траншеясига бостириб кирган ва қўл жангига бир неча фашистларни йўқ қилган. Сафдан чиқкан рота командирининг ўрнини босиб, душманинг бир неча қарши хужумини қайтарган ва полкнинг бошқа бўлинмаларининг дарёдан кечиб ўтишига ёрдамлашган.

1943 йил 30 октября “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони берилган.

Урушдан сўнг захирага бўшатилган. Қишлоқ хўжалиги энергетика бошқармасида, Черниговци шаҳар (Украина) ижроия қўмитасида ижтимоий таъминот бўлими мудири бўлиб ишлаган.

2000 йил 10 ноябрда вафот этган. Черниговци шахри қабристонида дағн этилган.



## БОРИС ЕРМИЛОВИЧ ТИХОМОЛОВ

1913 йил 28 июнда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида туғилган. 1918 йилда оиласи Тошкент шаҳрига кўчиб келган.

1933 йилда Б.Е.Тихомолов Балашовда Фуқаролар ҳаво флотининг 3-Учувчилар ва авиатехниклар бирлашган билим юртини тамомлаган. Тошкентда авиакорхона учувчиси бўлиб ишлаган.

1942 йилдан ҳаракатдаги армия сафларида жанг қилган.

1942 йил декабрида “Совет Иттифоки Каҳрамони” унвони берилган.

1943 йил ноябрь-декабрь ойларида майор Б.Е.Тихомолов Техрон конференциясида (1943 йил 28 ноябрдан 1 декабргача) учувчи сифатида хизмат вазифасини бажарган.

1945 йил 16 апрелда Берлин операциясида қатнашган. Уруш йиллари 212 та жанговар парвозни амалга оширган.

1945 йилда майор Б.Е.Тихомолов захирага бўшатилган. Геодезия ва картография бўйича Бош бошқармада ишлаган.

Собиқ Иттифоқ Ёзувчилар уюшмаси аъзоси бўлган. Бир қанча бадиий асарлари нашр қилинган.

Урушдан сўнг Б.Е.Тихомолов Тошкент шаҳрида яшаган.

1991 йил 17 декабря вафот этган. Тошкент шаҳридаги “Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## КОНСТАНТИН АНДРЕЕВИЧ ТИХОНОВ

1908 йилда Россиянинг Саратов вилояти Елена Воробевка қишлоғида туғилган.

Бухородаги нон заводида меҳнат қилган. 1942 йилда Бухоро тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йил 15 октябрда Тихонов командирлик қилган 69-ўқчи дивизиясинг 120-ўқчи полки ўқчи взводининг жанговар гурухи Гомель вилоятининг Лоев туманида Днепр дарёсидан кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатган. Тихонов биринчилардан бўлиб, душман траншеясига кириб бориб, қўл жангига душман пулемётини эгаллаб олди ҳамда душман аскарларини ўқса тутди.

Ўз взводи билан эгалланган плацдармда мустаҳкамланиб, душманнинг уч қарши ҳужумини қайтаришга муваффак бўлди, бу билан полкнинг қолган бўлинмаларини дарёни кечиб ўтишига имконият яратди.

1943 йил 30 декабрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг К.А.Тихонов Бухоро нон заводида директор ўринбосари лавозимида меҳнат қилган.

1953 йилда вафот этган.



## ГЕОРГИЙ СЕРГЕЕВИЧ ТОМИЛОВСКИЙ

1913 йилда туғилган.

Урушгача Ўзбекистонда яшаган ва меҳнат қилган.

Марказий фронтнинг 13-армия 8-ўқчи дивизияси 151-ўқчи полкининг командири бўлган. 1943 йил 23 июлдан 27 сентябргача бўлган жангларда унинг полки биринчилар қаторида Десна, Припять, Днепр дарёларини жанг билан кечиб ўтган. Польша, Германия, Чехословакияни озод қилишда иштирок этган. Уч марта яраланган, икки марта контузия бўлган.

1943 йил 16 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил 24 июнда бўлиб ўтган Фалаба паради иштирокчиси бўлган. “Выстрел” ўқчилар курсини тамомлаган (1948–1949 йиллар). 1942 йилда Ўзбекистонга эвакуация қилинган М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академиянинг Олий академик курсларини тамомлаган (1953–1954 йиллар). 1955 йилдан 1959 йилгacha Ижевск қишлоқ хўжалиги институти қошидаги ҳарбий кафедра бошлиғи бўлган. 1959 йилдан захирага бўшатилган.

1959 йилдан 1990 йилгacha касб-хунар билим юрти директори вазифасида ишлаган.

1990 йилда вафот этган. Ижевск шаҳрининг (Удмуртия Республикаси) “Хоҳряков” кабристонига дафн этилган.



## МАМАДАЛИ ТОПИВОЛДИЕВ



1919 йил 20 сентябрда Фарғона вилояти Риштон тумани Пандигон қишлоғида туғилган.

1938 йил сентябрь ойида ҳарбий хизматта чақирилиб, Белоруссиянинг Ломжа шаҳридаги 130-полкда ҳайдовчилик вазифасида хизмат килган.

Фарбий фронт таркибида Белоруссия худудида мудофаа жангларида қатнашган. Урушнинг дастлабки кунларида жангларда душман қуршовига тушиб қолади ва кичик гурух таркибида қуршовдан чиқишига муваффақ бўлиб, П.А.Карпич бошчилигидаги партизанлар отрядига қўшилган. 1942 йил май ойининг охирига келиб, отряд партизанлар бригадасига айлантирилган. Бригада Белоруссиянинг Витебск вилояти Толочинск тумани ва Могилёв вилоятининг Круглянск тумани чегарасида Рацевск ўрмонларида ҳаракатланган. М.Топиволдиев ушбу бригаданинг 5-партизанлар отрядига командирлик қилган. М.Топиволдиев барча операцияларда иштирок этиб, жасорат кўрсатган. Бевосита қўл жангларида М.Топиволдиев шахсан 76 нафар фашистни яксон қилиб, битта душман генералини асирга олган.

1944 йил 15 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йил август ойида хизматдан қайтиб, туманнинг турли ташкилотларида раҳбарлик вазифаларида ишлаган. 1954 йилда Зоҳидон ва Амиробод қишлоқларида бир нечта майда хўжаликларни бирлаштириб тузилган “Коммунизм” колхозига раис этиб сайланган.

1969 йил 7 майда вафот этган. Риштон тумани Дашт-Пандигон қишлоғидағи “Оқмозор” қабристонига дағн этилган.



## ПЁТР АФАНАСЬЕВИЧ ТРАЙНИН

1910 йилда Россиянинг Воронеж вилояти Таловск тумани Александровка шахрида туғилган.

1926 йилдан бошлаб, Ўзбекистонда истиқомат қилган. 1941 йилда ҳарбий хизматга чакирилган.

1943 йил 3 октябрь куни Киев вилояти Чернобиль тумани Страхолесье қишлоғи учун бўлган жангда старшина Пётр Трайнин ўзининг T-34 танкида манёвр қилган ҳолда 3 та танкка қарши тўп, 4 та миномёт, 5 та пулемётни йўқ қилди, 1 ротага яқин гитлерчилар бўлинмасини тарқатиб юборган. 5 октябрь кунги қизғин жанг мобайнида бутун экипажи орасида битта ўзи тирик қолган, шунга қарамай душманга қаратса ўқ узишни тўхтатмаган. Душманнинг қарши хужуми қайтарилган.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йил захирага бўшатилган. Самарқанд вилояти Фаллаорол туманидаги “Ғаллаорол” совхозида катта механик бўлиб меҳнат қилди. Кейинроқ Россиянинг Белгород шахрига кўчиб ўтди.

1978 йилнинг 9 августида вафот этган. Белгород шаҳрининг “Марказий” қабристонида дағн этилган.



## АЛЕКСАНДР ДАНИЛОВИЧ ТРОШКОВ

1909 йилда Қорақалпоғистон Республикасида туғилған.

1943 йилда ҳарбий хизматга чақирилған. 99-үкчи дивизиясининг 1-үкчи полки 2-үкчи батальони 2-үкчи ротаси пулемётчиси бўлиб хизмат қилган.

Александр Трошков Венгрияни озод қилишда қаҳрамонлик кўрсатган. 1944 йил 5 декабрда Дунай дарёсини кечиб ўтишда биринчилардан бўлиб ўнг қирғоққа ўтди ва вақтни бой бермай, ўзининг станокли пулемёти ёрдамида ротаси кириб бориши учун йўл очди. Рота ҳам унинг кетидан кириб борди. Сўнгра позициясини ўзгартириб, душманнинг учта ўт очиш пунктини йўқ қилди, бу билан пиёдаларнинг жангдаги муваффакиятини ва уларнинг олдинга силжишини таъминлади. Александр Трошков ҳаракати натижасида плацдарм кенгайтирилиб, мустаҳкамланди.

Душман эртаси куни эрталаб кучларини тўплаб, олтига танк ва бир батальон пиёда аскарлари билан хужум бошлади. А.Трошков танкларни ўзига яқин келишини кутиб, қайта хужумга ўтган пиёда аскарларга қаратса бирин-кетин ўқ узади. Гитлерчилар ортга чекинди. Бу жангда А.Д.Трошков қаттиқ ярангган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

А.Д.Трошков жангларда олган жароҳатлари туфайли 1946 йили вафот этган.



## МИХАИЛ ТИМОФЕЕВИЧ ТУМАКШИН

1918 йил 19 ноябрда Россиянинг Ульяновск вилояти Кузоватовск туманидаги Томилово қишлоғида туғилган.

1936 йилда Тошкент паровозсозлик техникумини тамомлаб, Тошкент темир йўлининг Ховос станциясида паровоз машинистининг ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

1939 йилда армия сафига чақирилган. 1941 йилда Иркутск ҳарбий-муҳандислик билим юртини тамомлаган. Урушни илк кунларидан жангларда иштирок этган. 182-алоҳида моторлаштирилган муҳандислик батальони рота командири катта лейтенант М.Тумакшин Днепр дарёсини кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йил сентябрь ойининг охири – октябрь ойининг бошида Сваромье аҳоли пункти ҳудудида Днепр дарёсидан кечиб ўтишда катта лейтенант М.Тумакшин кўшинларнинг плацдармга ўтишини моҳирона ташкил қилган. Сўнгра дарё устидан кўприк қурилишига бошчилик қилган, кўприк муддатидан аввал – 11 кун ичida фойдаланишга топширилган.

Душман авиациясининг ҳужумларидан бирида М.Тумакшин бошидан оғир яраланган. 1943 йил 5 октябрда тиббий-санитар батальонида вафот этган.

Козлици қишлоғида дафн этилган. Урушдан сўнг Киев вилоятининг “Переяславл-Хмельницкий” шаҳар боғига қайта дафн этилган.

1944 йил 3 июля “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ҚҰЧҚОР ТУРДИЕВ



1917 йил 1 сентябрда Андижон вилоятининг Кўрғонтепа тумани Дардақ қишлоғида туғилган.

1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йил сентябрдан уруш катнашчиси бўлган.

1941 йил 15 октябрда Кўчқор Турдиев хизмат қилган рота Украянанинг Харьков вилояти Краснокутинск тумани Трудолюбовка аҳоли яшаш пунктида хужум жанги олиб борган. Ротанинг йўналишида душман дзоти жойлашган бўлиб, ундан отилаётган пулемёт ўқлари ротанинг олдинга юришига имкон бермаган. Ўқчи бўлинмага душманнинг дзотини йўқ қилиш вазифаси кўйилган. Кўчқор Турдиев дзотнинг ортки томонидан ўтиб, душман офицерининг бошига милтиқ билан урган, сўнgra иккита душман жангчиси билан кўл жангига киришиб, уларни асирга олиб ўз ротасига кўшилган. Кўчқор Турдиевнинг қаҳрамонлиги натижасида бўлинма жанговар топшириқни муваффақиятли бажарган.

1942 йил 27 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1942 йилда кичик лейтенантлар курсини тамомлаган.

Урушдан сўнг лейтенант Қ.Турдиев Андижон вилоятининг Жалақудук тумани Ойим қишлоғида яшаган.

1989 йил 4 августда вафот этган.



## АЛЕКСЕЙ НИКОЛАЕВИЧ ТЮЛЬГА

1922 йил 12 майда Белоруссиянинг ҳозирги Могилёв вилояти Краснопольский туманидаги Клясино қишлоғида туғилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошларида душман ишғол қилган худудларда партизан отряди таркибида душманга қарши жанг қилган.

1943 йилдан эса ҳаракатдаги армия сафидаги хизмат қилган. Ўша йилнинг май ойидан Белоруссия ва 1-Украина фронтларида 197-ўқчи дивизиянинг 889-ўқчи полкида разведкачи сифатида жанг қилган.

1944 йил 29 июль куни 3 нафар жангчилар таркибида Доротка қишлоғи яқинидаги Висла дарёсини кечаси кечиб ўтган, душман мудофаасини ўрганган ва душман аскарларини асирга олиб қайтган. Душманнинг қарши ҳужумларини қайтаришда қатнашган.

1944 йилнинг 23 сентябрида “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1945 йилда Тошкент танк билим юртига ўқишига юборилган.

1949 йилда “кичик лейтенант” унвони билан армия сафидан бўшатилган. Тошкент вилояти Чирчик шаҳрида яшаган ва “Электрокимё” комбинатида ишлаган.

1953 йил 17 ноябрда вафот этган. Болград шаҳри марказидаги қабристонга дағн этилган.



## ЖҮРАҚУЛ ТҮРӘЕВ

1922 йил 20 марта Жиззах вилояты Жиззах тумани Қалия қишлоғыда туғилған.

1941 йилда ҳарбий хизматта чақирилған. Шу йилдан бошлаб урушда қатнаша бошлаган.

1943 йил декабрда кичик сержант Ж.Тұраев 46-енгил артиллерия бригадасы 1007-енгил артиллерия полки орудия мүлжалға олувчиси бўлган (Белоруссия фронти 65-армияси 4-зарбдор артиллерия корпусининг 12-зарбдор артиллерия дивизияси).

Белоруссиянинг Гомель вилоятини озод қилишда қаҳрамонлик кўрсатган. 1943 йил 21 декабрда Ж.Тұраев расчёти Гороховшина қишлоғи олдидағи жангларда қатнашган ва 5 та танкни яксон қилган. Шу жангларда Ж.Тұраев яраланған бўлсада, ўт очишни давом эттирган.

1944 йил 29 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Уруш тугаганидан сўнг Ж.Тұраев хизматни давом эттириб, Подольск артиллерия билим юртини тамомлаган.

1953 йилда майор унвонида захирага бўшатилған. Хизматидан кейинги даврда Жиззах шаҳрида яшаган.

1998 йилда вафот этган. Жиззах шаҳридаги “Қалия” қабристонига дағн этилған.



## ОБЛАҚУЛ ЎРОЗБОЕВИЧ УЗОҚОВ

1922 йил 10 апрелда Самарқанд вилояти Ургут тумани Қоратепа қишлоғида туғилган.

Ҳарбий хизматга 1941 йил чақирилган. 62-гвардия отлиқ полки 1-эскадрон гурух командири (Марказий фронт 61-армия 7-гвардиячи отлиқ корпуси) гвардиячи сержант О.Узоков Чернигов учун бўлган жангларда ва Днепр дарёсини кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатган.

1943 йилнинг 19 сентябрида Украина нинг Чернигов вилояти Клочков қишлоғи учун бўлган жангларда 1-эскадронни олдинга ҳаракатланишига фашист автоматчилари тўскинлик қилган. О.Узоков душман позициясига яширинча бориб, душман аскарларига граната улоқтирган ва автоматдан ўқ узиб, 16 нафар душман автоматчиларини яксон қилиб, 3 нафарини асир олган.

1943 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган жангда ҳам О.Узоков душман пулемёттига яширинча бориб, гранаталар улоқтирган ҳолда пулемёт расчётини яксон қилган. Шу куни Черниш қишлоғи учун бўлган кўча жангларида О.Узоков душман автоматчиларини яқин масофага келишини кутиб, 35 нафарини яксон қилган. 1943 йилнинг 28 сентябрига ўтар кечаси 1-эскадрон Днепр дарёсини кечиб ўтиб, кечувга тўскинлик қилган душман пулемёт расчётини яксон қилган.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилда захирага чиқарилган. Урушдан кейин турли раҳбарлик лавозимларда ишлаган.

1955 йил 26 июлда вафот этган. Қоратепа қишлоғи қабристонида дағн этилган.



## СОЛИХ ҲУСАНОВИЧ УМАРОВ



1921 йил 2 майда Тошкент шаҳрида туғилган.

1940 йилдан армия сафида хизмат қилган. 1941 йилда Ашхобод кичик офицерлар курсини туттаган.

1942 йилдан фронтда бўлган. 1-Белоруссия фронти 47-армияси 76-ўқчи дивизияси 80-артиллерия полкининг 1-батареяси командири Солих Умаров Берлин операциясида қаҳрамонлик кўрсатган.

1945 йил 2 майда С.Умаров батареяси Вильгельмштадт-Деберинц шоссе йўлини эгаллаш ва душманни шоссе йўлига чиқишига йўл қўймаслик вазифасини олган. С.Умаров батареяни шоссе йўлига олиб чиқиб, душман йўлини тўсиб, батарея тўпларини ўзаро ҳаракатини моҳирона ташкиллаштирган. 4 мингга яқин душман аскарларидан иборат колоннаси кичик гуруҳларга бўлиниб, кун давомида 11 марта қилган ҳужуми артиллериячилар томонидан муваффақиятли қайтарилган. Кун давомида душманнинг 200 нафар аскар ва офицерлари, 1 та танк, 4 та бронетранспортёр, 6 та ўқ-дори ортилган автомашиналар яксон қилинган. Жангчилар душманнинг 175 нафар аскар ва офицерларини асирга олган.

1945 йил 31 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1947 йилдан захирага бўшатилган. Тошкент шаҳрида яшаган. Ишлаб чиқариш комбинати директори лавозимида ишлаган.

1995 йил 22 декабрда вафот этган. Тошкент шаҳрининг “Шайх Зайнiddин” (Кўкча) қабристонига дағн қилинган.



## ШОДМОН УМАРОВИЧ УМАРОВ

1918 йил 27 октябрда Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани Урус қишлоғида туғилган.

1938 йилда Китоб ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилда Тбилиси ҳарбий пиёдалар билим юртини тамомлаган. 1942 йил июнидан уруш қатнашчиси бўлган. 1944 йили “Выстрел” ўқчилар курсини тамомлаган.

Душман кўшинлари билан урушда бўлинмаларни бошқаришда лаёқатини ва мардлигини намойиш этган. Мушкул пайтларда биринчилар қаторида туриб, жангчиларни ўз намунаси билан рухлантирган. 1944 йил ёзига келиб капитан Ш.Умаров 266-ўқчи полки 3-ўқчи батальони командири эди. Украина ва Польшани озод қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатган.

Январь ойининг ўрталарида капитан Ш.Умаровнинг батальони Цебиловка худудида душман мудофаасини ёриб ўтган. 25 январда Вайсенбург аҳоли пункти худудида Варта дарёсини кечиб ўтган. Чап қирғоқда плацдармни эгаллаб, 9 соат давомида душманинг 7 та хужумини қайтарган ва позицияни эгаллаб турган. Шу плацдармдан дивизия хужумга кириб, Вайсенбургни озод килган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1949 йилда М.В.Фрунзе номидаги Ҳарбий академияни тамомлаган. Ҳарбий комиссариатлар тизимида хизматини давом эттирган. 1953–1961 йилларда Тошкент жисмоний тарбия институтида ўқитувчилик қилган. 1975 йилдан истеъфога чиқарилган.

Тошкент шаҳрида истиқомат қилган.

1984 йил 2 февралда вафот этган. Тошкент шаҳрида дағн этилган.



## АБДУЛҲАҚ САГИТОВИЧ УМЕРКИН

1917 йил 18 январда Россиянинг Ульяновск вилояти Старотимошкино қишлоғида (ҳозирги Баришскин тумани) туғилган.

Қорақалпоғистоннинг Чимбай шаҳридаги педагогика билим юртида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

1940 йилда ҳарбий хизматга чакирилган. 1941 йил июнидан уруш қатнашчиси бўлган. 134-гаубица артиллерия полки батареяси командири (Шимолий Кавказ фронти, Приморье армияси, 172-ўқчи дивизияси), кичик лейтенант Абдулҳақ Умеркин 1942 йил майида Севастополь шаҳри учун бўлган жангда жасорат кўрсатган.

1942 йил 20 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилдан катта лейтенант унвонида захирага бўшатилиб, Қозон шаҳрида яшаган. Карийб 40 йил давомида мактабда ўқитувчи бўлган. Татаристонда хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонига сазовор бўлган.

1982 йилнинг 16 февраляда вафот этган. Қозон шаҳридаги (Россия) “Ново-Татарское” қабристонида дағн этилган.



## МУХИТДИН УМУРДИНОВ

1912 йил 10 апрелда Фарғона вилояти Куба туманидаги Богистон қишлоғида туғилган.

1942 йил январидан урушда қатнашишни бошлаган.

1922-ўқчи полки взвод командирининг ёрдамчиси (Брянск фронти 3-армия 269-ўқчи дивизия) М.Умурдинов Орлов хужум операциясида мардлик ва жасорат кўрсатган. 1943 йил 4 августда Орёл шаҳри остонасида взводни биринчи бўлиб хужумга чорлаган. Жангда 20 нафар гитлерчини йўқ қилган.

1944 йил 4 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йил январида у оғир яраланган ва ҳарбий касалхонада узок вақт даволангач, ногиронлиги туфайли захирага бўшатилган. Урушда қатнашган икки йил давомида у шахсан 200 нафар гитлерчини йўқ қилган ва 6 нафарини асирга олган.

Ватанига қайтгач, Фарғона вилояти Куба туманидаги “Коммунизм” колхози раиси, сўнгра ушбу колхознинг тафтиш комиссияси раиси бўлиб ишлаган.

1981 йил 21 майда вафот этган.



## КОНСТАНТИН ИСААКОВИЧ УРЖУНЦЕВ



1908 йил 24 декабрда Тошкент шаҳрида туғилган.

1930 йилда армия сафига Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган. Кичик авиация мутахассислари мактабини тугатган.

1936 йилда Одесса учувчилар ҳарбий билим юртини тамомлаган. Совет-фин урушида, 1941 йилнинг августидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган.

1945 йил майига келиб, Уржунцев 208 та жанговар парвозни амалга оширган ва душманнинг тирик кучи ва техникаларига жуда катта зарар етказган.

1948 йил 23 февралда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Киевда яшаган. 1977 йил 4 марта вафот этган.



## ЖҮРАХОН УСМОНОВ

1923 йил 12 февраль куни Сирдарё вилояти Ховос тумани Сават қишлоғида туғилған.

1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилған. 1942 йил март ойида ҳаракатдаги армияға юборилған. 237-үқчи полкінинг взвод командири ёрдамчиси лавозимда хизмат қылған.

Ж. Усмонов Белоруссиянинг Гомель вилояти Лоев тумани Карповка қишлоғида бўлиб ўтган жангларда қаҳрамонлик кўрсатған.

1944 йил 15 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

1944 йил охирларида лейтенант Ж.Усмонов оғир ярадор бўлиб, Тошкент шахридаги 1264-рақамили эвакуация ҳарбий касалхонасига юборилған ва жароҳатлари оғирлашгани сабабли 1945 йил 14 февраль куни вафот этган.

Туғилиб ўйсан қишлоғида дағн этилған.



## ИСЛОМ УСМОНОВ



1922 йили Сирдарё вилояти Қатортол қишлоғида туғилған.

1942 йилда ҳарбий хизматта чақирилған. Шу йили март ойидан бошлаб уруш қатнашчиси бўлган.

1943 йил ноябрь ойига келиб кичик сержант И.Усмонов 3-Украина фронти 6-армия 333-ўқчи дивизияси 1118-ўқчи полкининг бўлинмасига командирлик қилган. Днепр учун бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган. 1943 йил 25 ноябрдан 26 ноябрга ўтар кечаси И.Усмоновнинг бўлинмаси Украинанинг Запорожье вилояти Запорожье туманидаги Каневское қишлоғи яқинида Днепр дарёсидан ўтиш чоғида унинг ғарбий соҳилини забт этиш ва плацдармни ушлаб қолиш жангидаги иштирок этган ва бўлиб ўтган жангларда И.Усмонов шахсан ўзи душманнинг пулемёт расчётини, 8 нафар аскарларини йўқ қилиб, бир нафар унтер-офицерини асирга олган. Каневское учун бўлган жангда у душманнинг ўқ отиш нуктасига гранаталар отиб, ўз биродарларини хужумга чорлаган. Кейинги тунда эса И.Усмонов бошчилигидаги бўлинма душманларнинг 5 та хужумини қайтаришга муваффақ бўлган. И.Усмоновнинг ўзи эса душманнинг 15 нафар аскар офицерларини йўқ килган.

1944 йили 13 январь кунги жангда вафот этган. Запорожъеда дафн этилган.

1944 йил 22 февралда “Совет Иттифоқи Каҳрамони” унвони берилган.



## ЕВГЕНИЙ ДМИТРИЕВИЧ УТКИН

1924 йили Қозогистоннинг Жамбул вилояти Андреевка қишлоғи (хозир Жуалин тумани)да туғилган.

1942 йилда Қуйи Чирчик тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Е.Д.Уткин Тошкентда жойлашган Харьков танк билим юртига юборилган.

Илк жанг 1943 йили 26 декабрь куни Житомир учун бўлди. Лейтенант Е.Уткин бошчилигидаги 1-Украина фронти 4-танк корпуси 93-танк бригадасининг танк ротаси Зофиенталь (хозирги Здеславице) аҳоли пункти яқинидаги Одер плацдармида душманнинг қарши хужумини қайтариб турди. Хужум бошлангандан бери танкчилар 600 километрдан узоқ масофани жанг билан босиб ўтишган. Шу йўл давомида рота командири ўз қўл остидагиларга аниқ вазифалар бериб, тезлик билан ҳаракат қилиб келган, ўз жасорати билан намуна кўрсатган.

1945 йил 16 февраль куни душман ротага қарши сон жиҳатдан ортиқ бўлган кучлари билан шиддатли қарши хужумга ўтган. Е.Уткин ўз танкларини дадиллик билан хужумга ўйналитирган. Гитлерчилар чекина бошлагандан Е.Уткиннинг ротаси қанотида душман танки пайдо бўлган ва у рота командири танкига зарба етказган. Лейтенант Е.Уткин вафот этган, қолган экипаж аъзолари ярадор бўлишган. Польшанинг Сицув шаҳрида дафн этилган.

1945 йил 10 апрелда “Совет Иттифоки Каҳрамони” унвони берилган.



## АНДРЕЙ ЕФРЕМОВИЧ ФАТЬЯНОВ



1906 йилда туғилған. 1928 йилда Тошкент шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилған. Андрей Фатьянов катта лейтенант, 5-максус бомбардимончи авиаполк эскадрильяси командири ўринбосари, совет-фин уруши қатнашчиси бўлган.

1940 йил 4 февралда душман қўшинларига ва базаларига бомба ёғдириш пайтида катта лейтенант Андрей Фатьяновга ҳамроҳлик қилган самолёт уриб туширилади ва у душман худудида қўнишга мажбур бўлади. А.Фатьянов ҳаритада жойни белгилаб қўяди. А.Фатьянов уриб туширилган самолёт экипажини топиб, имкон қадар уни қутқариш кераклиги тўғрисидаги топширикни олади.

Душман худудига тайёргарликсиз қўниш жуда хавфли эди, бироқ жангчилар ўз биродарларини топишлари керак ва шу боис А.Фатьянов топшириқнинг қийин бўлишига қарамай, парвоз қилишга қарор қиласди. У муваффиқиятли қўнади, экипажни топиб, уриб туширилган самолётни ёқиб юборади ва ўзи яна қайтиб учиди кетади.

1940 йил 7 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1942 йил 24 сентябрда синов парвози вақтида ҳалок бўлган. Тошкент шаҳрида дафн этилган.



## МИХАИЛ ГИЯСОВИЧ ФАЯЗОВ

1925 йили 25 июнь куни Қозогистон Республикаси Авлиё Ота қўргонида туғилган.

Ҳарбий хизматга 1943 йилда Қозогистоннинг Жамбул тумани ҳарбий комиссариати томонидан чакирилган. 1943 йил август ойидан урушда катнашган. 1944 йилда Тошкент пиёда аскарлар билим юртининг кичик лейтенантларни тайёрлаш тезлаширилган курсларини тамомлаган.

175-ўқчи полки взводининг командири М.Фаязов 1945 йил 23 январь куни Одер дарёсини кечиб ўтишдаги жангларда жонбозлик кўрсатди. Рота командирлигини қабул қилиб, Опал воеводалиги (Польша) Дёберн аҳоли пункти яқинида дарёнинг сўл соҳилига биринчилардан бўлиб ўтди. М.Фаязов бошлигидаги рота плацдармни эгаллаб олиб, душманнинг бир неча ҳужумини қайтариб, иккита аҳоли пунктларини босиб олишда иштирок этди, душман кўшилмаси штабини тор-мор қилди.

1945 йил 27 июня “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони берилган.

1990 йил 30 октябрь куни Чуст шаҳрида вафот этган. Чуст шаҳар “Биродарлик” қабристонига дафн этилган.



## МИЛЯ ЛАЗАРЕВИЧ ФЕЛЬЗЕНШТЕЙН

1924 йили Украинанинг Харьков шаҳрида туғилган.

1942 йилда Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Тошкент пулемётчилар билим юртини тамомлаган. 1943 йил баҳорида кичик лейтенант унвонида фронтга келди ва 318-ўқчи дивизия 1339-ўқчи полкининг Кубанда шаклланган пулемёт взводига командир этиб тайинланган.

1943 йили ёз ойларида Краснодар шаҳрини озод қилинишида илк жангда қатнашди. Керчъ жануброғида жойлашган Эльтиген посёлкаси яқинида, Крим яриморолида плацдармни эгаллаш бўйича ўтказилган операцияда жонбозлик кўрсатди.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

2006 йил 14 октябрда вафот этган.



## ВИЛЬДАН САИДОВИЧ ХАБИЕВ

1924 йил 10 сентябрь куни Россиянинг Ульянов вилояти Старокулаткин туманидаги Средняя Телешка қишлоғида туғилган.

1936 йили оиласи Ўзбекистонга кўчиб келган. Етти синфи битириб, уруш бошлангунга қадар Андижон вилояти Шаҳрихон шаҳридаги пойабзал фабрикасида ишлаган.

Армия сафига 1942 йилдан чақирилган. 1943 йил апрель ойидан жанговар харакатларда қатнаша бошлади. Сержант Вильдан Хабиев Марказий фронт 65-армия 193-ўқчи дивизия 685-ўқчи полкнинг миномёт бўлинмаси командири бўлган.

1943 йил октябрь ойида Украина нинг Чернигов вилояти Репкин тумани Каменка қишлоғи яқинида Днепр дарёсини кечиб ўтишда қаҳрамонлик кўрсатган. Днепрнинг ўнг соҳилидаги плацдармни эгаллаб, душманнинг барча хужумларини қайтарган бўлинма таркибида бўлган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил 11 марта вафот этган.



## САПАР ХУШНАЗАРОВ



1906 йилда Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳри Ингичка қўрғонида туғилган.

1942 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. Марказий фронтдаги жангларда катнашган.

1943 йил 3 октябрь куни Белоруссия Республикаси Гомель вилояти Loев тумани Глушец қишлоғи яқинида рота таркибида Днепр дарёсидан ўтди. Батальон дарёдан ўтишини таъминлади. Душманнинг еттита ҳужумини қайтарди ва оғир ярадор бўлди. 7 октябрда вафот этди. Семаки қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонида дағн этилган.

1944 йил 15 январь куни “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ЭРНАФАС ХҮЖАЕВ

1916 йил 15 май куни Бухоро вилояти Ромитан тумани Ромитан қишлоғида туғилган.

1938 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йилдан урушга кирган. 1-Белоруссия фронти 48-армияси 42-ўқчи корпуси 170-ўқчи дивизияси 717-ўқчи полки взвод командирининг ёрдамчиси Э.Хўжаев 1944 йилнинг ёзида Польшани озод этишда бўлган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 18 июль куни Польшанинг Хайнавка шаҳрига яқин бўлган Семеновка қишлоғи яқинида сафдан чиққан взвод командирининг ўрнига ўтиб, жангчиларни ҳужумга кўтарди. Взвод қишлоқни озод этди. Ушбу жангда Э.Хўжаевнинг ўзи шахсан 15 тадан ортиқ душманни йўқ қилди. 1944 йил 26 октябрь куни Э.Хўжаев кўқрагидан оғир жароҳат олди. Бир неча кундан сўнг, 30 октябрь куни 1252-харбий касалхонада вафот этди. Польшанинг Малая Турка қишлоғида дағн етилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## МИХАИЛ ПАВЛОВИЧ ЧАРИКОВ

1919 йил 22 декабрь куни Россиянинг Рязань вилояти Ермишин тумани Мухина Поляна қишлоғида туғилган.

1939 йилдан Тошкент вилояти Янгийўл шаҳрида яшаган.

1939 йилда Янгийўл тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. Полк мактабини тамомлагач, мамлакатнинг Ғарбий Украинадаги чегарасида жойлашган 15-механизациялашган корпуси дивизиясининг КВ танкига ҳайдовчи-механик этиб тайинланган.

Урушнинг биринчи куниданоқ жангда қатнашган. Адам ва Буск аҳоли пунктлари – Львов шаҳри яқинида биринчи бўлиб ўтган жангларда М.Чариков ҳайдовчи-механик бўлган экипаж танк ўқи ва занжирлари билан душманнинг тўртта оғир қуроллари, учта танкка қарши тўпи ва 40 нафарга яқин аскарларни йўқ қилди. Бўлиб ўтган жанг пайтида машинанинг юриш қисмига зарар етказилган эди, аммо ҳайдовчи-механик уни тез бартараф этди. Жангга қайтиб, танкчилар душманнинг от торадиган артиллерия батареясини, иккита кузатув пункти ва 50 нафаргacha аскарларини йўқ қилди.

1941 йил сентябрь ойидан 8- ва 10-танк дивизиялари негизида шаклланган 131-танк бригадаси таркибида жангларда қатнашган. Жанубий фронтда Украинанинг Донецк вилояти худудида мудофаа жангларида иштирок этган.

1942 йил 19 февралда қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Донецк вилояти Очеретино қишлоғида дағн этилган.

1943 йил 22 февралда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АЛЕКСЕЙ ТИХОНОВИЧ ЧЕРЕВАТЕНКО

1914 йили 31 март куни Селиванов слободаси (Россиянинг ҳозирги Ростов вилояти, Милютин тумани)да туғилган.

Уруш бошлангунга қадар Фарғонада яшаб, меҳнат қилган.

1935 йилдан армия сафида ҳарбий хизматни бошлаган. 1941 йил сентябрь ойига келиб катта лейтенант А.Череватенко 69-кирувчи-авиация полки 4-эскадрильяси таркибида 187 та жанговар парвозни амалга оширди. 1942 йил баҳор ва ёз ойларида Харьков ва Сталинград остоналарида 46 ҳаво жангларида шахсан ўзи душманнинг 3 та ва гурух таркибида 2 та самолётини уриб туширди. Душман томонидан уриб туширилганда, парашютда сакраб, самолётнинг орқа томонига урилиб, оғир жароҳат олиб ҳарбий касалхонага тушган.

1942 йил 10 февралда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1943 йил февраль ойида ҳарбий касалхонадан чикиб, Туркистон ҳарбий округи XXK ҳарбий ўқув юртларига инспектор лавозимига тайинланди.

У ерда фронт учун учувчи кадрларни тайёrlашда иштирок этди.

1994 йил 19 ноябрь куни Ростов-Дон шаҳрида вафот этган.



## ЯКОВ ДМИТРИЕВИЧ ЧЕРЕМНОВ

1919 йил 2 август куни Россиянинг Тюмень вилояти Гагаре қишлоғида туғилган.

1940 йилда Тошкент шаҳар Фрунзе тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йил август ойидан уруш харакатларида иштирок эта бошлаган. Ғарбий ва Марказий фронтларда жанг қилган.

1943 йил 16 октябрь куни 479-ўқчи полкининг ўқчи аскари Д.Черемнов Гомель вилояти Лоев тумани Шитци қишлоғи яқинида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсидан ўтган. Душманнинг бир неча ҳужумларини қайтарган ва ўша жангда оғир ярадор бўлган.

1943 йил 21 октябрь куни аскар Яков Дмитриевич Черемнов вафот этган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Йиттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.



## СЕРГЕЙ ФЁДОРОВИЧ ЧЕРНИКОВ

1914 йилда Тошкентда туғилган.

1941 йилда Тошкент шаҳар Ленин тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Ҳарбий хизматни 1941 йил сентябрь ойида 951-артиллерия полкида взвод командири лавозимидан бошлаган.

1942 йил 27 сентябрда Кулаков қишлоғи останасида бўлиб ўтган оғир жангларда полк қуршаб олинади. Шунда С.Черников батареяни тўлик таркибда – яраланганларни ҳам, жангда ҳалок бўлганларни ҳам қамалдан олиб чиқади.

1944 йил 18 январда Великие Луки останасида бўлиб ўтган жангларда майор С. Черников фашист босқинчиларининг олтига қарши хужумини катта маҳорат ва қатъийлик билан қайтаради. Майор С.Черниковнинг дивизиони душманнинг мустаҳкам мудофаасини ёриб киради ва унга катта зарар етказади.

1944 йил 26 июлда Латвиянинг Резекне шаҳрида бўлиб ўтган жангларда С.Черников 7 та пулемёт, икки нафар снайпер ва 60 нафар фашист аскарлари ва офицерларини йўқ қилди. Жасур артиллериачи кейинги жангларнинг бирида оғир яраланди ва ҳалок бўлди.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ВАЛЬДЕМАР СЕРГЕЕВИЧ ШАЛАНДИН



1924 йил 12 декабрда Россиянинг Москва шаҳрида туғилган.

1942 йилда Тошкент шаҳридаги ўрта мактабни тугатгандан сўнг армияга чақирилган ва Тошкентдаги танк билим юртига ўқишга юборилган.

1943 йил февралда ўқишни тугатгандан сўнг Воронеж фронтининг 1-армиясига юборилган ва 1-гвардия танкчилар бригадасининг танк вズоди командири этиб тайинланган.

1943 йил 6 июлда Курск жангларида экипажи билан Яковлево (хозирги Белгород вилояти) яқинидаги жангга кирган. Пистирмадан туриб, танкчилар душманнинг 2 та “Тигр” ва 1 та ўрта вазнадаги танкини яксон қилган. Шу билан бирга ўзининг танкига ҳам снаряд теккан, бироқ ёнаётган танкни “Тигр” томон тӯғри тўқнашувга йўллаган. Фашистлар танки ёниб кетган. Совет танкчилари ҳам бутун экипажи билан ҳалок бўлган.

1944 йил 10 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Белгород вилояти Яковлево шаҳар типидаги қўргонидаги “Биродарлик” қабристонига дағн этилган.



## АКРОМ БЕЛЯЕВИЧ ШАМКАЕВ

1916 йил 22 октябрь куни Россиянинг Оренбург вилояти Староаширово қишлоғида туғилган.

1941 йил июлда ҳарбий хизматга чақирилган. Акаси билан битта танкда душманга қарши жанг қилди. Ярадор бўлгандан сўнг хизматни сапёрлар қисмларида давом эттириди. Кейинчалик эса моторлаштирилган 135-алоҳида понтон-кўприк батальонига ўтказилди.

Ушбу бўлинма таркибида қўшинларни дарёлардан ўтказишда қаҳрамонлик кўрсатган.

1944 йил 10 январда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилди.

Урушдан сўнг А.Шамкаев захирага чиқиб, Ўзбекистонга келган ва колхозда механик бўлиб ишлаган. Шўрчи қўргонида яшаган.

1981 йил 12 август куни вафот этган. Шўрчи туманидаги “Хожибобо” қабристонида дағн этилган.



## МИХАИЛ ФИРСОВИЧ ШАПОЧКИН



1921 йил 8 ноябрь куни Россиянинг Олтой ўлкаси Харитоново қишлоғида туғилган.

Ўзбекистонда яшаган ва меҳнат қилган.

Ҳарбий хизматга 1942 йил ноябрь ойида Тошкент шаҳар Киров тумани ҳарбий комиссариати томонидан жўнатилган.

1943 йили 15 октябрь куни десантчилар гуруҳи таркибида Украянанинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль кўрғони яқинида Днепр дарёсидан ўтиб, душман траншеяларига бостириб кирди. Десант гуруҳи эгалланган ҳудудда жойлашиб олиб, душман ҳужумларини қайтариб, плацдармни сақлаб қолишида жасорат намунасини кўрсатди.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1993 йил 20 январь куни вафот этган.



## НИКОЛАЙ АЛЕКСАНДРОВИЧ ШАРАБАРИН

1907 йили 10 март куни Шарқий Қозоғистон вилояти Уст-Каменогорск шахрида туғилған.

1942 йил июль ойида Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чақирилған. 529-үкчи полкининг ўқчи аскари Николай Шара-барин 1943 йили 1 октябрь куни разведкачилар гурухы билан биринчилардан бўлиб Украина пойтахти жануброғида жойлашган Жуковка ороли яқинида Днепр дарёсидан ўтиб, душман аскарини асирга олган. Плацдарм учун бўлган жангларда аскар Н.Шара-барин сафдан чиқсан бўлим командири вазифасини ўз зиммасига олиб, бўлинмага раҳбарлик қилган ва душман хужумларини қай-таришда мардлик қўрсатган.

1943 йил 29 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

2002 йил 12 март куни вафот этган. Шарқий Қозоғистон вилоятининг Кўкпектиң тумани Палатци қўрғонида дағн этилган.



## ИВАН КОНСТАНТИНОВИЧ ШАУМЯН

1914 йилда Тоғли Қорабоғнинг Барабатумб қишлоғида туғилган.

Тошкент вилоятининг ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йил 15 октябрда совет қўшинларининг Белоруссиянинг Гомель вилояти Лоев туманида Днепр дарёсидан кечиб ўтишида қаҳрамонлик намуналари ни кўрсатган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1992 йил 25 октябрда вафот этган. Россиянинг Москва шаҳрида дафн этилган.



## НИКОЛАЙ ПРОКОФЬЕВИЧ ШЕЛУХИН

1922 йил 11 декабрь куни Россиянинг Саратов вилояти Львовка қишлоғида туғилган.

Уруш бошлангунча Фарғонада яшаган ва ўқиган.

1939 йилда Астрахань дарё техникумiga ўқишига кирди, 2 курсини тўлиқ тутатиб, 1942 йил январь ойидан ҳарбий хизматга чақирилган. Қисқа дастур бўйича Астрахань ҳарбий пиёда аскарлар билим юртини тамомлаган.

1942 йил октябрь ойидан уруш охиригача 1-Украина фронти қўшинлари таркибида ўқчи взвод ва рота командири вазифаларида жанг қилди. Острогож–Россошан ҳужум операцияси, Курск жанги, Украина ўнг соҳили, Польша, Чехословакияни озод этилиши ва душманни ўз худудида тор-мор қилища қатнашган. Жангларда икки марта ярадор бўлган. 1943 йил 15 январь куни Острогож ёнида ва 1943 йил 22 октябрь куни Киев шахри яқинида Днепр дарёсидан ўтиш чоғида қаҳрамонлик кўрсатган.

1944 йил 3 июня “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” увони берилган.

1946 йилда соғлиги туфайли захирага бўшатилган. 1952 йилда Тошкент темир йўл транспорти мұҳандислари институтини тамомлаб, Орск локомотив депо станциясида (Россия) мұҳандис бўлиб ишлаган.

1969 йил 14 октябрь куни вафот этган. Орск шаҳрида дағн этилган.



## МИХАИЛ ВАСИЛЬЕВИЧ ШЕНИКОВ

1913 йилда Россиянинг Владимир вилояти Чернаж қишлоғида туғилган.

1934 йилда Суздалъ туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Мотоўқчилар батальони командири, гвардия майори Михаил Шеников Германия пойтахти Берлин остоналарида жангларда қаҳрамонлик кўрсатганд. 1945 йил 20 апрелда М.Шениковнинг батальони Германиянинг кўплаб аҳоли пунктларини эгаллашда фаол иштирок этган. Майор Михаил Шеников жангни ташкиллаштиришда ҳамиша батальоннинг жанговар тартибида ўзининг ўрнини аник белгилар эди. Шу боис, батальон баҳамжихатликда харакат қилас ва муваффақият қозонарди.

1945 йил 27 июнда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Куролли Кучлар сафида ўз хизматини давом эттирган. 1954 йилдан подполковник М.Шеников захирага бўшатилган. Тошкентда яшаган.

1994 йил 4 ноябрда вафот этган.



## МИХАИЛ ПЕТРОВИЧ ШИБАЕВ

1916 йил 1 ноябрь куни Россиянинг Пенза вилояти Чернозерье қишлоғида туғилган.

Ҳарбий хизматга Тошкент шаҳар Фрунзе тумани ҳарбий комиссариати томонидан 1942 йил январь ойида чакирилган. 1942 йил апрель ойидан ҳаралдаги армияда бўлган.

120-ўқчи полки пиёда разведка взводининг командири, катта сержант Михаил Шибаев 1943 йил 15 октябрь куни Украина нинг Чернигов вилояти Репкин тумани Радуль қўрғони яқинида Днепр дарёсидан биринчилардан бўлиб ўтди. Ярадор ва кўп қон йўқотганига қарамай, у траншея бутунлай тозалангунча жангни давом эттириди. Катта сержант М.Шибаев ўз мардона ҳаракатлари билан десант гуруҳи забт этилган ерда мустаҳкам ўрнашиб олиши ва полкнинг қолган бўлинмаси кечувдан ўтиб олишида жонбозлик кўрсатди.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1985 йил 23 октябрь куни вафот этган. Тошкентдаги “Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## ГЕННАДИЙ ФАДЕЕВИЧ ШЛЯПИН



1912 йили Қозогистоннинг Кизил Ўрда вилоятидаги Казалинск шаҳрида туғилган.

Қишлоқ хўжалик саноат техникумини тамомлаган.

1934—1936 йилларда ва 1939—1940 йилларда армия сафида хизмат қилган.

1941 йилда Тошкент ҳарбий пиёдалар мактабини тамомлаган.

Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки кунларида бир гурӯҳ кўнгилли командирлар билан фронтга жўнаган. Урушни кичик лейтенант унвонида бошлаб, гвардия полковниги унвонида тутатган.

196-гвардия ўқчи полки командири (1-Болтиқбўйи фронти 6-гвардия армияси 67-гвардия ўқчи дивизияси) операция давомида жонбозлик кўрсатган.

1944 йилнинг 23—24 июнь кунлари унинг полки Заборе қишлоғида (Витебск вилоятининг Сиротинский тумани) жойлашган кучли мустаҳкамланган душман мудофаасини ёриб кирган ва Витебск-Полоцк темир йўлини тўсиб қўйган. Қўлбола тайёрланган воситалардан фойдаланиб, Узрече қишлоғи (Бешенкович тумани) яқинида Фарбий Двинани кечиб ўтган ва плацдармдан душманни тақиб қилишга киришган.

1944 йил 22 июлда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Казалинск ва Тошкентда яшаб, меҳнат қилган.

1970 йил 13 августда вафот этган.



## ШОДИ ШОИМОВ

1925 йили Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманининг Арабон қишлоғида туғилган.

1943 йил сентябрь ойида Шаҳрисабз тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1944 йилдан уруш фронтларида 2-Белоруссия фронти 50-армия 385-ўқчи дивизия 1266-ўқчи полки 2-батальони таркибида жанг қилган. Белоруссияни озод этишдаги жангларда қаҳрамонлик кўрсатган.

1944 йили 27 июнь куни душманни таъқиб қилиб келаётган батальон Днепр дарёсини Белоруссиянинг Могилёв вилояти Могилёв тумани Дашковка қишлоғи яқинидан кечиб ўтиб, кечувни асосий кучлар етиб келгунча ушлаб туриш вазифасини олган. Ш.Шоимов жанг қилган батальон кун давомида душман хужумларини мардона қайтариб турган. Ш.Шоимов хужумга ўтиб, кўл жангига ўз қурули ва гранаталари билан душманнинг 13 нафар аскарларини йўқ қилган. Плацдармни кенгайтириш чоғида бўлиб ўтган кўл жангига Ш.Шоимов оғир яраланган ва 1944 йил 28 июнь куни вафот этган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йил май ойида Могилёв вилояти Дашковка қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонига қайтадан дағн этилган.



## ОСТОНАҚУЛ ШОКИРОВ

1922 йил 1 апрель куни Андижон шаҳрида туғилган.

1941 йили декабрь ойида Андижон ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йил июль ойидан уруш ҳаракатларида қатнашган. 1944 йил ёз ойларига келиб, 26-ўқчи дивизияси 75-ўқчи полкининг разведка полки таркибида жанг қилган. Неман дарёсини кечиб ўтиш чоғидаги жангларда жонбозлик кўрсатди.

Дарёни кечиб ўтиш олдидан О.Шокиров қарши соҳилдаги душман позицияларини текшириб чиқди ва ўт очиш нуқталарини белгилаб, яшириниб олган мерганни топиб, автомат ўқи билан йўқ қилди.

1944 йили 15 июль тунда Остонақул Шокиров разведкачилар гурухи таркибида биринчилардан бўлиб Алитус шаҳридан жануброқда Неман дарёсидан ўтиб, жангга киришган.

1945 йил 11 январь куни Шарқий Пруссия ҳудудида бўлиб ўтган жангда ҳалок бўлган. Калининград вилояти Калинин қўргони “Биродарлик” қабристонида дафн этилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АЛЕКСАНДР ИОСИФОВИЧ ШУВАЕВ

1917 йил 8 июнь куни Тошкентда туғилган.

1942 йил март ойида Туркманистоннинг Қизил Арват шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йилда Харьков ҳарбий-сиёсий билим юртини тугатганидан сўнг фронтга жўнатилган.

1943 йил сентябрь ойида 2-ўқчи батальони командирининг ўринбосари капитан А.Шубаев Днепрдан ўтишда жасорат кўрсатган. Плацдармни кенгайтириши учун бўлган жангларда А.Шубаев сафдан чиккан батальон командири ўрнига ўтиб, душман хужумларини қайтаришни ташкиллаштириди, бу эса нафақат дарёдан муваффакиятли ўтишни таъминлади, балки бригаданинг барча бўлинмаларига мустаҳкам ўрнашиб олиш ва мудофаани ушлаб туриш имконини берди.

1943 йил 17 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1946 йилда захирага чиқарилган. Москвада яшаб келган.

1975 йил 10 июль куни вафот этган. Москвадаги “Перов” қабристонида дафн этилган.



## АНДРЕЙ ФЕДОТОВИЧ ШУКИН



1918 йилда Россиянинг Красноярск ўлкаси Курганчики қишлоғида туғилған.

1938 йилда Красноярск ўлкасининг туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Душманнинг кучли ўт-олови остида Днепр дарёсини кечиб ўтган. Оғир яраланганига қарамасдан полк штаби билан алоқани ўрнатиб, узлуксиз бошқарувни ҳамда Днепрнинг ғарбий қирғогида плацдармни муваффақиятли эгаллашишини таъминлаб берган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1963 йилдан Янгиер шаҳрида яшаган.

1987 йил 1 декабрда вафот этган. Янгиер шаҳрида дағн этилган.



## АҲМАДЖОН ШУКУРОВ

1909 йил 5 июнь куни Фарғона вилояти Бешариқ тумани Шоберди қишлоғида туғилган.

1942 йил сентябрь ойида Бешариқ тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Орлов дивизиясининг 336-ўқчи полки 6-батальони таркибидаги 5-пулемётчилар ротаси командири лавозимида хизмат қилган.

Орлов вилояти Новосельск тумани Душа дарёси бўйидаги жангда 14 душман офицери ва аскарини якка ўзи асир олиб штабга ҳайдаб келган.

“Золотарёвка” қишлоғига фашистлар мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Қишлоқни душмандан озод этишда ўзи командирлик қилаётган ротаси шахсий таркиби билан юзлаб фашистларни йўқ қилган ва 50 нафардан ортиқ фашистларни асир олган.

1943 йил 27 августда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан қайтгач, Бешариқ тумани Шоберди қишлоғи атрофидаги даштликларни боғларга айлантирди. Кейинги йилларда Аҳмаджон Шукурев Бешариқ совхозида бўлим бошқарувчиси ва туман колхоз бозори раиси лавозимида ишлаган.

1990 йил 14 май куни 81 ёшида вафот этган. Бешариқ тумани Шоберди қишлоғида дафн этилган.



## КАЛМАНИС МАУШОВИЧ ШУРАС (КАЛМАН МАУШОВИЧ ШУР)

1917 йилда Литванинг Kovno вилояти Новоалександровский тумани Анталепте қишлоғида туғилган.

Уруш бошланиши билан Бухоро вилоятига эвакуация қилинган.

1942 йилдан бошлаб Бухоро вилояти Кармана тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматта чакирилган. Ўша йили декабрь ойидан бошлаб харакатдаги армияда хизмат қилган.

249-ўқчи полки тўп командири (1-Болтиқбўйи фронти 2-армия 15-ўқчи дивизияси) ефрейтор Калманис Шурас 1944 йил 12 октябрда Литванинг Пагегай шаҳридаги Неман дарёсининг ўнг қирғоғида душманинг қарши хужумини қайтариш мақсадида танкни снаряд билан шикастлаган. Қолган аскарлар душманларнинг ўт очиши туфайли сафдан чиққанида К.Шурас яраланган холатда, бир ўзи душманга қарши ўт очища давом этган ва душманинг қарийб 20 нафардан зиёд аскарларини йўқ қилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1945 йилда у ҳарбий хизматдан бўшаб, Вильнюсдаги (Литва) “Қизил юлдуз” кўнчилик-атторлик комбинатида кўнчи цехида бичувчи бўлиб ишлаган. 1979 йилда Исройлга кўчиб кетган.

2003 йил 15 марта вафот этган.



## ВАСИЛИЙ ФИЛИППОВИЧ ШЧАДИН

1912 йил 28 январда Рудня қишлоғида (Россиянинг ҳозирги Волгоград вилояти Руднянский тумани) туғилган.

1938 йилда Саратов педагогика институтини тамомлаган.

1941 йилда Тошкент шаҳридан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йилда Тошкент ҳарбий пиёдалар мактабини тамомлаган.

1941–1944 йилларда армия сафида хизмат қилган.

1943 йил февраляидан 1944 йил августигача танкка қарши куроллар взводи, ўқчи взводи ва батальони командири вазифаларида Воронеж, Степной ва 2-Украина фронтларида жанг қилган. Курск жангига ва Украянани озод қилишда қатнашган. Икки маротаба жиддий яраланган.

1943 йилнинг 26 октябрида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

1944 йилда соғлиги туфайли армия сафидан бўшатилган. Саратов вилояти Балашов шаҳрида яшаган.

1979 йил 5 ноябрда вафот этган.



## БОИС ҲАМИДОВИЧ ЭРГАШЕВ



1921 йил 5 майда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1942 йилнинг январь ойида ҳарбий хизматга чақирилган ва шу йилдан бошлаб урушда қатнашган. Жануби-Ғарбий, Сталинград, Дон, З-Украина фронтларида жангларда қатнашган. 1942 йилда Харьков ва Сталинград шаҳарлари учун бўлган жангларда ҳамда Ворошиловград, Изюм-Барбенков, Донбасс ва Запорожъедаги жанговар операцияларда иштирок этган.

1943 йилнинг октябрь ойига келиб, Боис Эргашев З-Украина фронти 12-армия 60-ўқчи дивизияси 132-артиллерия полкининг разведкачиси бўлган.

1943 йил 25 октябрдан 26 октябрга ўтар кечаси Иргашев десант гурухи таркибида Запорожье яқинидаги Днепр дарёсидан кечиб ўтган. Хортица оролчасига ўтиб олиб, плацдармни ишғол қилишда фаол қатнашган. У алоқа линиясини дарёдан ўтказиб, пиёдалар позициясидан полк қўмондонлигигача тортиб етказган ва зарар етказилган кабелларни қайта тиклаб, узлуксиз алоқани таъминлаган. Душманлар хужумини қайтариб туришда қатнашган.

1944 йилнинг 22 февралида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган ва Ўзбекистонга қайтиб келган. Самарқанд обком комсомоли секретари, газета мухарририятида бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1947 йилда Олий партия мактабини, 1952 йилда Тошкент юридик институтини тамомлаган. 1952–1956 йилларда Ўзбекистон КП МК йўриқчиси бўлиб ишлаган. 1956–1968 йилларда Ўзбекистон Ижтимоий таъминот вазирлигига кадрлар ва касбий таълим бўлими мудири, 1968 йилдан бошлаб эса Давлат хавфсизлиги қўмитасида ишлаган.

1986 йилда полковник унвонида истеъфога чиққан.

2000 йил 21 июнда Тошкент шаҳрида вафот этган.



## ШАРИФ ЭРГАШЕВ

1915 йил 19 декабрда Бухоро вилояти Пешку тумани Денов қишлоғида туғилған.

1943 йилда Бухоро вилояти Вобкент тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған. Шу йилнинг февралида Марказий фронтининг 65-армияси 1936-полк 1-ўқчи батальони ўқчиси сифатида фронтга жўна-тилган.

Хужумчи гурӯҳи таркибида 1943 йил 15 октябрда биринчилар қаторида Украянанинг Чернигов вилояти Репкин тумани Каменка қишлоғи ёнида Днепр дарёсидан кечиб ўтган ва душманнинг траншеясига бостириб кирган. Шу жангда у яраланган, аммо жанговар топшириқ бажарилмагунча сафда қолган.

1943 йил 30 октябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилған.

Уруш тугаганидан сўнг Янгибозорда қишлоқ совети раиси лавозимида фаолият юритган.

1978 йил 5 декабрда вафот этган. Денов қишлоғи “Хўжа Чоршанба” қабристонига дағн этилган.



## АБДУСАТТОР ЭШОНҚУЛОВ



1917 йилнинг 29 ноябрида Тошкент шаҳрида туғилган.

1934 йилда Ўрта Осиё давлат университети ишчи факультетининг 3 курсини тутатган. Тошкент тўқимачилик комбинатида тўқимачилик иши бўйича мастер ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

Армия сафида 1937 йил август ойидан хизматни бошлаган. 1939 йилда Вольск ҳарбий авиация-техник билим юртини тамомлаган. 1941 йилгача Липецк олий авиация малака ошириш курсларининг авиатехники бўлиб ишлаган. 1942 йилда Воронеж шаҳридаги учувчиларнинг бошлангич таълими ҳарбий авиация мактабини, 1943 йилда Балашов шаҳридаги учувчилар ҳарбий авиация мактабини тамомлаган. Захирадаги 5-авиация полкида хизмат қилган.

1944 йилнинг январидан 1945 йил июль ойигача учувчи, катта учувчи, 233-хужумчи авиация дивизияси 62-хужумчи авиация полкининг звено командири бўлган. Гарбий ва 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Ил-2 хужумчи самолётида 100 дан ортиқ жанговар парвозларни амалга ошириб, 10 та танк, 69 та автомашина, 2 та паровозни йўқ қилган ва душманнинг жонли кучига етарлича зиён етказган.

1945 йилнинг 18 августида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг Ҳарбий ҳаво кучларининг сафдаги қисмларида (Туркистон ҳарбий округи) хизматни давом эттирган. 1949 йилдан ҳарбий транспорт авиациясида хизмат қилган. 1960 йил май ойидан майор А.Эшонқулов захирага чиққан.

Москва вилоятининг Люберци шаҳрида яшаган, кейинчалик қадрдон Тошкентга қайтган.

1997 йил 2 декабрда вафот этган.



## ИВАН СТЕПАНОВИЧ ЮФИМОВ

1922 йилда туғилған.

1941 йилда Россиянинг Куйбишев вилояти Сурск тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған.

Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1941 йил сентябрдан иштирок этган. 1943 йилнинг кузига келиб катта сержант Иван Юфимов 350-алоҳида танкка қарши артиллерия дивизионининг орудия командири бўлган.

Катта сержант Юфимов Яssi-Кишинёв операциясида мардонавор ҳаракат қилиб, қаҳрамонлик кўрсатган.

1944 йил 13 сентябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилған.

Урушдан сўнг И.С.Юфимов Тошкентга келган ва шу ерда яшаган.

1984 йил 25 июняда вафот этган. Тошкент шаҳридаги “Биродарлик қабристони”га дағн этилған.



## ИЗРАИЛЬ СЕМЁНОВИЧ ЯКУБОВСКИЙ



1924 йил 26 октябрда Черкаси шаҳрида (Украина) туғилган.

1942 йилда Самарқанд туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йилда Тошкент пулемётчилар билим юртини тутатган.

1943 йил 2 ноябрда 6-гвардия ўқчи полки Керчъ яриморолининг душман эгаллаган қирғоғига жойлашишга тайёргарлик кўрди. Жойлашиш мобайнида кичик лейтенант И.С.Якубовский взводи ва иккита автоматчилар взводи душманнинг иккита ўқ отиш ўчогини йўқ қилишлари керак эди. Душман хужумга ўтди, ушбу хужум қайтарилди. Душман навбатдаги хужумга ўтганда узлуксиз бир неча соатлаб жанг қилган аскарлар чекина бошлигани. Шунда И.Якубовский “Олға!” дея, қўлида пистолет билан душманга қарши борган. Командирнинг ушбу кўрсатган намунаси жангчиларни рухлантирган ва улар унинг ортидан хужумга ўтган. Душман хужуми бартараф этилган.

1944 йил 10 апрелда И.С.Якубовский Могилёв вилоятининг Биховский тумани Смолица қишлоғи остонасидаги жангда ҳалок бўлган ва шу ерда дағн этилган.

1944 йил 16 майда “Совет Иттифоқи Каҳрамони” унвони берилган.



## ИЛЁС ҮРОЗОВ

1922 йил 15 октябрада Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги Калинин колхозида туғилган.

1941 йил декабрида Янгийўл ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йил май ойидан харакатдаги армия сафида бўлган. 1944 йил ноябринга келиб лейтенант И.Ўрозов 233-ўқчи дивизиясининг 572-ўқчи полки 7-ўқчи ротасига командирлик қилган. Юgosлавия худудида бўлиб ўтган жангларда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 12 ноябрда лейтенант И.Ўрозов ўз взводи билан биринчилар қаторида Батина аҳоли пункти худудида Дунай дарёсини кечиб ўтган. Душманни сиқиб қўйиб, кичик плацдарм очган ва кун давомида душманинг бир неча хужумини қайтарган, асосий кучлар етиб келгунча позицияни сақлаб турган. Эртаси куни оғир жангда яралangan рота командирининг ўрнини эгаллаб, бўлинмани моҳирона бошқарган.

1945 йил 11 февралда Венгрия худудидаги Фальшторноц қишлоғи учун олиб борилган жангда лейтенант И.Ўрозов қаҳрамонларча ҳалок бўлган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## ҚҰЧҚОР ҚАРШИЕВ

1923 йилда Самарқанд вилояты Иштихон тумани Тангитепа қишлоғида туғилған.

1942 йилда ҳарбий хизматта чақирилған. 1945 йил январь ойига келиб сержант Қ.Қаршиев 2-Украина фронтининг 27-армияси 407-алоҳида қиравчи-танкларга қарши дивизиони командири бўлган. Украина ва Венгрияни озод этишда қаҳрамонлик кўрсатган.

Жанглардан бирида бутун шахсий таркибга талафот етса-да, Қаршиев якка ўзи жангни давом эттирган ва душманнинг бир неча танки ва зирҳли машинасини тор-мор келтирган. Қаршиевнинг жанговар гурухи Сопотвино шаҳри учун бўлган жангларда 1 та танк, 1 та бронетранспортёр ва ўн нафардан ортиқ душман аскар ва офицерларини қириб ташлаган.

1945 йил 5 февраль куни Қаршиев Будапешт шаҳри учун жонбозлик кўрсатиб кураш олиб бораётган вақтда қаҳрамонларча ҳалок бўлган ва Будапешт шаҳрида дағн этилган.

1945 йилнинг 29 июня "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилган.



## ОЧИЛ ҚОДИРОВ

1910 йилда Самарқанд вилоятининг ҳозирги Қўшработ туманида туғилган.

1941 йилда ҳарбий хизматга чақирилган.

1944 йил сентябрь ойида 1-Белоруссия фронтининг 48-армияси 42-ўқчи корпуси 399-ўқчи дивизияси 1348-ўқчи полкининг пулемётчиси бўлган. Польшани озод этишда жонбозлик кўрсатган.

1944 йил 3 сентябрь куни Қодиров танк десантчилари таркибида ўқчи ротаси хужумини пулемёт ўти билан кўллаб турган.

Польшанинг Ружан шаҳри жанубидаги Дроздово қишлоғи яқинида Нарев дарёсини кечиб ўтишда асосий кучларни пулемёти ёрдамида ҳимоялаб турган.

1945 йилда туғилган юртига қайтиб, шу йилнинг 13 марта вафот этган. Қўшработ тумани Себистон қишлоғида дафн этилган.

1945 йил 24 марта “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.



## ЭЛБОЙ ҚОРАБОЕВ

1917 йил 15 майда Самарқанд вилояти Иштихон тумани Баҳрин қишлоғида туғилган.

Харбий хизматга 1941 йил июль ойида Самарқанд вилояти Митан тумани ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган.

1943 йил 25 сентябрда 722-ўқчи полки автоматчилар ротаси бўлинма командири сержант Э.Қорабоев Черкасск вилояти Канев тумани Пекари қишлоғи яқинида биринчилардан бўлиб Днепр дарёсидан кечиб ўтган. 7 октябрь куни ушбу туманнинг Студенец қишлоғида кўл жангиди душман офицерини ўлдирган ва унинг ёнида бўлган қимматли ҳужжатларни кўлга киритиб, граната ёрдамида пулемётни эгаллаб, унинг шиддатли ўти билан ротасини дарёдан ўтишини таъминлаган.

1944 йилнинг 3 июнида “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг ҳарбий хизматдан бўшатилган, қадрдон Баҳрин қишлоғида яшаган.

1948–1961 йилларда колхоз раиси, 1959–1962 йилларда Ўзбекистон Олий Совети депутати бўлган.

1989 йилнинг 23 август куни вафот этган. Баҳрин қишлоғида дафн этилган.



## ЖУМАН ҚОРАҚУЛОВ

1921 йил 11 июнда Қорақалпоғистоннинг Қораўзак тумани Охунбобоев колхозида туғилган.

1942 йил 7 февраль куни ҳарбий хизматга чақирилган. 1942 йил 27 февралдан Туркистон 83-тоғли-ўқчи дивизияси (кейинчалик 128-тоғли-ўқчи) таркибиға қабул қилинганды. Шимолий Кавказ, Кубань, Крим жангларида иштирок этган. 1944 йил 14 январь куни биринчилардан бўлиб душман траншеясига бостириб кирган душманинг 5 нафар аскарини ер тишлатган.

1944 йил октябрь ойида дивизия Карпат-Дуклин операцияси чоғида Карпат тоғларидан ўтиб, хужумни Словакия худудида давом эттириди. 1944 йилнинг 17 октябрь куни Звала аҳоли пункти яқинидаги 762-мустаҳкамланган тепалик учун жанг бошланди. Шу куни Қоракулов хизматдоши Романовский билан бирга бўлинма хужумидан илгарилаб, траншеяга бостириб киришди ва уни уч соат давомида ушлаб туришди. 18 октябрда эса полкнинг 2-батальони ва автоматчилар ротаси билан хужумга ўтишди. Душман пулемёти ишга тушгач, Қоракулов танаси билан туйнукни ёпиб, қўлидаги гранатаси билан ўтли нуктани портлатиб юборди.

Звала аҳоли пунктининг шимоли-гарбий қисмида дафн этилган.

1945 йилнинг 24 марта "Совет Иттифоқи Қаҳрамони" унвони берилган.



## САЙДУСМОН ҚОСИМХҮЖАЕВ



1915 йил 2 май куни Тошкент вилояти Юқори Чирчик тумани Кавардан қишлоғида туғилған.

1938 йилда ҳарбий хизматга чақирилған. 1941 йил август ойидан бошлаб уруш қатнашчиси бўлган. Марказий фронтнинг 13-армияси 8-ўқчи дивизияси 229-ўқчи полкининг взвод командири ёрдамчisi С.Қосимхўжаев 1943 йил сентябрь ойида Десна, Припяти ва Днепр дарёларидан кечиб ўтишдаги жангларда жасорат кўрсатган.

1943 йил 11 сентябрь куни Қосимхўжаев ўз взводи билан биринчилардан бўлиб Украянанинг Чернигов вилояти Коропск тумани Оболонье қишлоғи яқинида Десна дарёсидан ўтган ва душман траншеясига бостириб кириб, шахсан ўзи душманинг қарийб 20 та аскар ва офицерларини йўқ қилган. Шу йилнинг 25 сентябрь куни Припяти остонасида ўз жангчилари билан душман ортига ўтиб, Киев вилояти Чернобиль тумани Кошевка қишлоғидаги душман гарнизонига хужум қилган ва натижада душман кутилмаган зарбадан чекинишга мажбур бўлган.

1943 йил 16 октябрда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

Уруш тугагач Юқори Чирчик туманининг Оқ овул қишлоғида яшаган ва Янгибозор қўргони кенгашида раис муовини бўлиб ишлаган.

1994 йил 24 март куни вафот этган.



## АЛЕКСЕЙ (АБДУЛЛА) АБДУРАҲМОНОВИЧ ҚУРБОНОВ

1925 йил 23 февраль куни Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани Ниёзбоши қўрғонида туғилган.

1943 йил март ойида ҳарбий хизматга чақирилган ва ўша йилнинг сентябрь ойидан урушга кирган.

1943 йил сентябрь ойига келиб аскар А.Курбонов Степной фронтининг 37-армияси 92-ўқчи дивизияси 282-ўқчи полкининг мергани бўлган. Днепр учун бўлган жангларда жасорат кўрсатган.

1943 йилнинг 30 сентябридан 17 октябригача бўлган даврда Украянанинг Кировоград вилояти Онуфриев тумани Дериёвка қишлоғи яқинида Днепрнинг гарбий соҳилида плацдармни ишғол қилиш учун жангларда иштирок этиб, душманнинг 150 нафардан ортиқ аскар ва офицерини қириб ташлаган.

1944 йилнинг 22 февраляда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1944 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1944–1947 йиллар Тошкент юридик институтида таҳсил олган.

1947–1957 йилларда Тошкент шаҳри Фрунзе тумани прокурори ёрдамчи-си лавозимида фаолият юритган.

1958–1986 йиллар Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғидаги 14-ўрта мактабда директор лавозимида фаолият юритган.

1986 йили нафақага чиққан.

2004 йилнинг 28 июлида 79 ёшида вафот этган. Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғидаги “Имом Султон” қабристонига дағн қилинган.



## АҲМАДЖОН ҚУРБОНОВ



1921 йил 10 октябрь куни Самарқанд вилоятининг Жомбой тумани Шеркўргон кўргонида туғилган.

1930 йилдан Ярославлда яшаб келган ва шина заводида ишлаган.

1940 йил октябрь ойида ҳарбий хизматга чақирилган. Тамбов пиёда аскарлар билим юрти ва “Выстрел” курсларини тугатган.

1943 йил бошидан урушга кирган ва ўша йилнинг февраль ойида яраланган.

1944 йил июнь ойига келиб, майор А.Курбонов 1-Белоруссия фронтининг 65-армияси 44-ўқчи дивизияси 128-ўқчи полкининг батальонига командирлик килган ва Белоруссияни озод этишда қаҳрамонлик кўрсатган. Хусусан, Бобруйск остонасидаги Гухлино қишлоғида А.Курбонов душманни чалғитиб, Нарев дарёсидан муваффақиятли ўтган ва ғарбий соҳилида плацдармни эгаллаб олган. Душманлар томонидан кўрсатилган қаршиликларга қарамай батальон Сивешено қишлоғининг шимоли-шарқидаги шоссени тўсисб қўйган ва позицияни ушлаб қолган. Ҳужумларни қайтариш чоғида А.Курбоновнинг жангчилари душманнинг 6 та танки, 4 та бронетранспортёри, 12 та пулемёти, 185 нафар аскар ва офицерини йўқ қилганлар.

1945 йил 6 февраль куни А.Курбонов Польша худудидаги жангларнинг бирида ҳалок бўлган. Польшанинг Кувавск-Помор воеводалигида жойлашган Шиних қишлоғидаги “Биродарлик” қабристонида дағн этилган.

1945 йилнинг 24 марта “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## АЛИМ ҲАКИМОВИЧ ҲАКИМОВ

1919 йил 12 май куни Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Бурчмулла қишлоғида туғилган.

1939 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йилда Ленинград ҳарбий-сиёсий билим юртини, 1942 йилда “Выстрел” курсларини тутатган.

1945 йил январь ойига келиб, 1-Белоруссия фронти 47-армия 143-ўқчи дивизия 487-ўқчи полкининг батальонига командирлик қилган. Польшани озод этишда жонбозлик кўрсатган. 1945 йил 16 январь куни А.Ҳакимов батальони Хотомув шаҳрининг жануби-гарбидан 8 километр ўтиб, Ломина аҳоли пункти яқинида Висла дарёсидан ўтди ва унинг ғарбий соҳилида плацдармни эгаллаб, душманинг 15 та хужумини қайтариб, асосий кучлар ўтиб олгунга қадар плацдармни ушлаб турган.

1945 йил 27 февралда “Совет Иттифоки Қаҳрамони” унвони берилган.

1950 йилда А.Ҳакимов захирага чиқарилган.

2003 йилда вафот этган.



## НЕЪМАТЖОН ҲАКИМОВ



1924 йил Андижон шаҳрида туғилган.

1943 йил август ойида Андижон шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил сентябрь ойидан фронтда бўлган. 8-отлиқ дивизиянинг 115-отлиқ полки таркибида жанг қилган. Украинани озод этилишидаги жангларда қатнашган.

Ушбу жангларда пулемётчилар Ҳакимов ва Ершов расчётлари ўзини кўрсатди. Мураккаб вазиятда аскар Ершов ўз танасига гранаталарни боғлаб, бостириб келаётган “Тигр” танки занжир тасмаси остига ўзини ташлаган. Ҳакимов ҳам унинг ортидан иккинчи танк остига ўзини ташлади. Колган танклар ортга қайтишга мажбур бўлди. Улар ўзларини қурбон қилиш эвазига ўз сафдошларини кутқариб, эгалланган плацдармни ушлаб қолишга имкон яратдилар.

Украинанинг Волин вилояти Козлиничи қишлоғида дағн этилди. Кейинчалик Волин вилояти Маневич тумани Старий Чарторийск қишлоғидаги “Бирордлик” қабристонига қайта дағн этилган.

1965 йил 6 майда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.



## МҮЙДИН ЮНУСОВИЧ ҲАСАНОВ

1917 йил 28 сентябрь куни Фарғона вилояти Кува тумани Бобомирзо қишлоғида туғилган.

1939 йили Андижон вилояти ҳозирги Асака шаҳридан ҳарбий хизматга чакирилган. 1941 йил июль ойидан уруш ҳаракатларида қатнашган.

1943 йил 1 ноябрь куни 195-тоғ-миномёт полки батареясининг миномётчиси сержант М.Ҳасанов биринчилардан бўлиб Эльциген қўргони яқинида Керчъ яриморолига ўтган. Ҳалок бўлган танкка қарши қуролнинг мўлжалга оловчиси ўрнини босди. Биринчи жангдаёқ душманнинг иккита танкига зарба етказиб, автомат ўқи билан пиёда аскарларини йўқ қилди. Кейинги ҳужумларда гранаталар билан яна бир танкни ишдан чиқарди.

Бўлиб ўтган жангларнинг биринчи беш кунидаёқ сержант М.Ҳасанов иккита дзот ва учта танкни ишдан чиқарган, 80 нафардан ортиқ душман аскарларини йўқ қилган.

1943 йил 17 ноябрда “Совет Иттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

Урушдан сўнг захирага бўшатилиб, Кува туманидаги колхозда ишлаган.

1947 йил 4 октябрь куни Тошкентда вафот этган. Фарғона вилояти Кува тумани "Энгельс" колхози боғида дафн этилган.



## ЗИЁМАТ УСМОНОВИЧ ХУСАНОВ



1921 йилда Қозогистоннинг Чимкент вилояти Сайрам қишлоғида туғилған.

Тошкентда шаҳрида вояга етган ва Низомий номидаги педагогика институтини тутатган. 1940 йилда ҳарбий хизматта чақирилган, 78-үкчи дивизиясинг 228-үкчи полки пулемётчisi бўлган.

Сталинград, Белгород остоналарида жангларда иштирок этган.

Мина ва снарядлар портлашида яраланган Зиёмат Хусанов бутун полкнинг кўз ўнгидан ўрнидан туриб, душман томон яқинлашиб боради. Буни кўрган фашистлар унга ташланиб, жангчини тутиб оладилар. Зиёмат Хусанов шу вақт гранатани портлатиб юборади.

1944 йил 22 февралда “Совет Йиттифоқи Қаҳрамони” унвони берилган.

1943 йил кузда Зиёматнинг ота-онаси уларнинг ўғиллари мардларча ҳалок бўлгани ҳақида хабарни олади. Бироқ довюрак пулемётчи омон қолган эди.

Ўшанда оғир яраланган сержант З.Хусановни фашистлар асирга олган эдилар. Бир йиллик асирикдан сўнг З.Хусанов бир гурух ҳарбийлар билан лагердан қочишига муваффақ бўлди. Фашистлар лагеридан қочиб чиққан барча 28 нафар аскарлар партизанлар отрядига кўшилди.

З.Хусанов болгар интернационал партизан бригадаси таркибида кўрсатган мардлиги ва қаҳрамонлиги учун Фахрий ёрлиқ ва “Халқ озодлиги учун” кўкрак нишони билан мукофотланган.

З.Хусанов қадрдан қишлоғига қайтгач, узоқ йиллар давомида ўқитувчиклик қилган.

1986 йил 18 январда вафот этган.



**ЎЗБЕКИСТОНЛИК  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ  
«СЛАВА» («ШУҲРАТ»)  
ОРДЕНИ ТЎЛИҚ  
СОҲИБЛАРИ**





## САИДНАБИ АБДУРАҲМОНОВ

1914 йил 15 февралда Кримнинг Боғчасарой тумани Бююк-Қоралез қишлоғида (хозирги Красний Мак) туғилган.

1941 йил июнидан бошлаб Жануби-Ғарбий фронт таркибида жанговар операцияларда иштирок этган. Новоград-Волинск шаҳри атрофларида душманнинг ҳужуми совет қўшинларининг уюшган қаршилигига учради. Бу жангларда С.Абдураҳмоновнинг тўп расчёти 3 та танкни йўқ қилди.

Кейинроқ Курск ёйида (Курская дуга) 370-ўқчи дивизиясининг 1232-ўқчи полки 5-ўқчи ротасининг бўлинма командири лавозимида иштироқ этган.

1944 йил 20 октябрда Пулава шаҳридан (Польша) 8 км жануброқда Абдураҳмонов бўлинманинг биринчи қаторида душман траншеясига отилиб кирди ва ҳарбий асири (“тилни”) кўлга олди. Кўлга олинган асири қимматли маълумотлар берди. 1944 йил 28 декабрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14 январь куни дивизия Пулава плацдармидан ҳужумга ўтди. Висла-Одер операцияси бошланди. 29 январь куни сержант Абдураҳмонов 8 та разведкачи билан душман окопларига бостириб кириб, 7 та душманни йўқ қилди ва 3 та душман аскарини асрга олди. Ҳужум вақтида Абдураҳмонов ва унинг разведкачилари бир взвод автоматчиларини йўқ қилди ва 8 нафар фашистни асирга олди. 1945 йил 21 февралда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

26 апрель куни Зельхоф (Германия) аҳоли пункти атрофидаги 430,0-тепалик учун бўлган жангда яралangan взвод командирининг ўрнини эгаллаб, аскарларни баландликни ишғол қилишга унади. Баландлик учун жангда фақат унинг взводи 18 нафар фашистни йўқ қилди. 28 апрелда Абдураҳмонов бошчилигидаги гурӯҳ Липпе аҳоли пунктига ёриб кириб, ўз батальони олдига қўйилган жанговар вазифани муваффакиятли бажаришга шароит яратиб берди.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945–1987 йилларда Андижон ва Наманган шаҳарларида яшаган. Андижондаги “Узремприбор” заводида чилангар бўлиб ишлаган.

1987 йил 15 декабрь куни вафот этган. Наманган шаҳридаги “От бозори” қабристонига дағн этилган.



## РАҲИМ АВЕЗМУРАТОВ

1924 йил 9 майда Хоразм вилояти Шовот туманида туғилган.

1943 йил июлида кичик сержант Авезмуратов фронтта келган.

Курск останасидаги жангларда пулемёт расчёти билан иштирок этган.

1945 йил январь ойининг бошида жанг билан разведка қилиш пайтида Гурна (Польша) аҳоли пункти атрофидаги номсиз тепалик олдида сержант Авезмуратов бўлинмаси душман траншеясига яширинча кириб келиб, ўн беш нафар фашистни йўқ килган.

1945 йил 20 январда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 23 февралда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Одер дарёсининг ўнг қирғоғида Франкфурт шаҳри (Германия) останаларидағи плацдармни кенгайтириш жангидаги пулемёт расчётининг барчаси сафдан чиқди. Пулемёт ёнида бир ўзи қолган, Авезмуратов қарши хужумга ўтган душманга қаратса ўқ узди. Қарши хужумни қайтариш вақтида у йигирматача фашистни асирга олган. Апрель ойида Берлин хужум операцияси ўтказилишида мард пулемётчи ўз полки таркибида Эльба дарёсигача борган. 1945 йил 31 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда Ўзбекистонга қайтган.

1983 йил 16 декабрда вафот этган. Шовот туманидаги “Фих Макка бобо” қабристонига дағн этилган.



## АХМЕТ АЛЛАБЕРДИЕВ

1925 йил 5 майда Туркманистоннинг Мари вилояти Тахтабозор туманидаги Байрач қишлоғида туғилган.

Хоразм вилояти Актурган совхозида яшаган.

1943 йилда Хоразм вилоят ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1943 йилнинг январь ойида фронтга келди. У Сталинград ва Курск муҳорабаларида ҳамда Днепр дарёсини кечиб ўтища иштирок этди.

1944 йил 21 февралда 73-ўқчи дивизияси 471-ўқчи полкининг пулемёт ротаси Почанций қишлоғи яқинида (Белоруссиянинг Гомель вилояти Светлогор тумани) душман қарши ҳужумини қайтарар эди.

Аллабердиев пулемётгага 5 та патронли кути етказиб берди. Кейинроқ ҳужум килаётган душманларга пулемётдан ўт очиб, 20 нафардан ортиқ фашист аскари ва офицерини йўқ қилди. 1944 йил 7 марта 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 27 июлда Ляхи (Польша) аҳоли пункти яқинида душманнинг қарши ҳужумини қайтаришда алоҳида жасорат ва жанговар маҳорат кўрсатди. Душманни қанотига ўтиб, пулемётдан ўқ ўза бошлади ва душман пиёдаларини танклардан узуб кўйди, 50 нафарга яқин гитлерчини ва 2 та ўқ отиш нуқтасини йўқ қилди. Пиёдалардан узилиб колган танклар артиллерия зарбасига учради. 1944 йил 18 августда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Висла дарёсидан кечувда яна ўзини кўрсатди – биринчилардан бўлиб ғарбий соҳилга ўтди ва қўлга киртилган плацдармни мардонавор мудофаа қилди.

15 октябрь кунида Варшава вилояти Натюрки-Бутне аҳоли пунктида душман 8 маротаба совет қўшинларига қарши ҳужум қилишга ҳаракат қилди, лекин ҳар сафар катта талофат кўрган ҳолда орқага чекинишга мажбур бўлди. Пулемёт расчёти командири катта сержант Аллабердиев бу жангда қирққа яқин гитлерчини йўқ қилди.


1945 йил 10 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди ва орденнинг тўлиқ соҳибига айланди.

Жасур пулемётчи ўз жанговар йўлини Кенигсберг шаҳри останаларида якунлади. 1945 йил охирида у захирага бўшатилди ва Ўзбекистонга қайтди.

Туркманистоннинг Тахтабозор тумани Тахтабозор посёлкасида яшаган.



## АЛИМБАЙ АМАНБАЕВ



1922 йил 23 октябрда Туркманистаннинг Ташовуз вилояти Кўхна-Урганч туманидаги Кўхна-Урганч қишлоғида туғилган.

Қорақалпоғистонда колхозда ишлаган.

1941 йили ҳарбий хизматни бошлаган. 1942 йил апрелидан фронтда. 101-гвардиячи танка қарши-кирувчи артиллерија полкининг (2-Белоруссия фронти 48-армияси 15-алоҳида танкка қарши артиллерија бригадаси таркибидаги) гвардиячи сержант А.Аманбаев 1944 йил 10–15 октябрда Макув шахаридан жануби-шарқкроқдаги Лесьне-Хилини аҳоли пунктни атрофида душманинг қарши ҳужумини қайтаришда 2 та танк ва 2 та пулемётни йўқ қилди.

1944 йил 23 ноябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Гвардиячи сержант А.Аманбаев 1945 йил 26 январь куни Шарқий Пруссиядаги Вартенбург шаҳри яқинида (ҳозирда Польшанинг Барчево шаҳри) душманинг қарши ҳужумини қайтаришда 1 та танкни яксон қилди ва 6 та пулемёт нуқтасини йўқ қилди, шахсий қуролидан бир қанча гитлерчиларни яксон қилди.

1945 йил 2 февраль танкни яксон этиб, мудофаасини ёриб ўтишига йўл қўймади. 1945 йил 16 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди.


1945 йил 20 апрелда Германиянинг Грайфенхаген шаҳри (ҳозирда Польшанинг Грифино шаҳари) яқинида гвардиячи катта сержант А.Аманбаев бўйсунувидағи тўп расчёти душманинг 2 та пулемёти ва 15 та аскарини йўқ қилди, бу билан ўқчи бўлинмаларнинг Одер дарёсини кечиб ўтишини таъминлади.

1945 йил 21 апрель куни плацдармни кенгайтиришда 3 та пулемёт ва бир взвод душман аскари яксон қилинди. 1945 йил 24 апрелдаги жангда А.Аманбаев қўл остидаги тўп расчёти 2 та пулемёт расчёти ва 10 дан ортиқ душман аскарини йўқ қилди.

1945 йил 2 июня 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан иккинчи маротаба тақдирланган.

1968 йил 7 июня 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланниб, орденнинг тўлиқ соҳибига айланди.

1946 йилда А.Аманбаев захирага бўшатилган ва ватанига қайтган. Нукус шаҳрида яшаган. Нафақага чиққунга қадар чилангар бўлиб ишлаган.



## ЕФИМ ПЕТРОВИЧ БЕСПАЛОВ

1910 йил 14 октябрда Россиянинг Саратов вилояти Екатерининск тумани Андреевка қишлоғида туғилган.

Тўрткўл шаҳридаги корхонада хўжалик бошқарувчиси, шаҳар коммунал хўжалигининг коммунал бўлим мудири бўлиб ишлаган. 1942 йил июнида Тўрткўл тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йил август ойидан жангларда иштирок этган. 1943 йилнинг охирига келиб, Е.Беспалов 139-ўқчи дивизиянинг 364-ўқчи полки 45 мм ли тўп расчёти таркибида жанг қилган. 1943 йил ноябрда мураккаб вазиятда яраланган мўлжалга оловчи ўрнини эгаллади ва пулемётдан 10 нафар гитлерчини яксон қилди.

1944 йил 7 сентябрда 3-даражали, 1944 йил 26 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) орденлари билан тақдирланган.

1945 йил 19 январда Польшанинг Черех шаҳри атрофидаги жангда катта сержант Беспалов пиёда аскарларнинг жанговар сафида бўла туриб, артиллерия ўти билан 4 та пулемёт нуқтасини яксон қилди. 1945 йил февралида Данциг шаҳри якинида душман қарши хужумни қайтаришда бутун расчёти сафдан чикди, сержант Беспалов ёлгиз ўзи душманнинг барча зарбаларини қайтарди. Шу жангда оғир яраланди. Даволангач, ғалабадан сўнг ўз полига қайтди.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

Саратов шаҳрида яшаган. Таъминотчи (экспедитор), вилоят касалхонасида хўжалик мудири бўлиб ишлаган.

1996 йил 31 январда вафот этган. Саратов шаҳрининг “Увекск” қабристонида дағн этилган.



## ҒАНИ ВАЛИЕВИЧ ВАЛИЕВ

1924 йил 15 июлда Наманган вилояти Наманган тумани Курмак қишлоғида туғилған.

1942 йил июнида Наманган вилояти ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған. 1942 йил декабридан Сталинград ва Жанубий фронтлари таркибида жанг қилған, Сталинград мұхорабаси иштирокчиси бўлған. 1943 йил 12 августда Донбассни озод қилиш жангларида ва 1944 йил 11 августда Польшада икки марта яраланған. 1943 йилдан 4-Украина фронти 28-армиясининг 66-ўқчи полкида, 1944 йил июнидан 1-Белоруссия фронтида, 1944 йил июнидан эса 1-Украина фронти таркибида жанг қилған. Никопольск-Криворожск (1944 йил январь-февраль), Березенговато-Снигирев (1944 йил, март), Одесса (1944 йил, март-апрель), Белоруссия (1944 йил, июль-август), Гумбинген-Гольдан (1944 йил, октябрь), Шарқий Пруссия (1945 йил, январь-март) ва Берлин (1945 йил, апрель-май) хужум операциялари қатнашчиси. Фани Валиев Нарев дарёси бўйидаги Сероцк (Польша) плацдарми учун бўлған жангларда намуна кўрсатди. 1944 йил 27 сентябрда у 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди.

Жасур жангчи 1944 йил 18 декабрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) орденига муносиб кўрилди. 1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йил апрелида сержант Фани Валиев ҳарбий хизматдан бўшатилған. Наманган шаҳрида истиқомат қилған. Ички ишлар органларида хизмат килған, полковник, 1975 йилдан захирага бўшатилған.

2000 йил 2 июнда вафот этган. Наманган шаҳридаги “От бозори” қабристонига дағн этилган.



## АЛЕКСАНДР ИВАНОВИЧ ВЕЛИЧКО

1925 йил 12 сентябрда Қозогистоннинг Ўрдоба тумани Бодом станциясида туғилган.

1943 йил февралида Жанубий Қозогистоннинг Арис ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва Чирчиқдаги Тошкент пулемёт-мимомёт билим юртига ўқишига юборилган.

1943 йил августидан жангларга киришган. 1944 йил 17 апрелида Днестр дарёсидан кечиб ўтишда ва унинг ўнг кирғогида Варници қишлоғи ҳудудидаги (Новоаненский тумани, Молдавия) жангда мўлжалга оловччи А.И.Величко душман ўқ ёмғири остида миномёт расчётига ўқ-дори етказиб берган.

18 апрелда 85 мм ли миномётдан ўт очиб, душманнинг иирик калибрли пулемёти ва 20 нафар аскарини йўқ қилди.

15-ўқчи дивизияси командирининг 1944 йил 15 апрелдаги буйруғи билан Величко Александр Иванович 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 2 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 27 июнда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1950 йилда захирага бўшатилгач, А.И.Величко Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга кирди. 1955 йилда Тошкент авиация техникумини тамомлади ва компрессор установкаси машинисти бўлиб ишлади.

2019 йил 2 октябрда вафот этган. Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги “Дўмбробод” қабристонида дағн этилган.



## АНАТОЛИЙ АНИСИМОВИЧ ВОЛОСАТОВ



1924 йил 8 сентябрда Россиянинг Урал вилояти Курган округи Лебяжевск тумани Нижнеглубокий қишлоғида туғилган.

Нальчик шаҳрига қўчиб ўтган. Ўрта мактабни 8-синфини тамомлаб, Боку денгиз техникумига ўқишга кирган.

1942 йил май ойида армия сафига чақирилган. Шу йилнинг 1 июлидан фронтга юборилган. 13 июлдаёқ биринчи бор яраланган. Кейинчалик Кавказ ва Кубань учун бўлган жангларда қатнашган.

1943 йил 26 июнда Крим станцияси олдидаги жангда 2 маротаба яраланди. Соғайиб қайтганидан сўнг уруш тугагунига қадар 168-Гумбиннен гвардијачи полкида миномётчи бўлиб хизмат қилган. Ушбу полк таркибида Новороссийск–Тамандаги хужум операциясида, Керч–Элтиген десант операциясида, Белоруссиядаги, Шарқий Пруссиядаги ва Берлиндаги хужум операцияларида қатнашган.

1943 йил 3 сентябрда Керч шахрининг шарқидаги жангда Волосатовнинг расчёти душманнинг танки ва 20 нафарга яқин аскарини йўқ қилди. 1944 йил 19 февралда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 13 январда Гумбиннен ва Шарқий Пруссия яқинидаги ўз расчёти билан душманнинг 2 нафар аскарини ер тишлатди, 1 та кўл пулемёти ва 2 та станокли пулемётининг ўтини учирди. 6 кундан сўнг Гумбиннендаги жангда 9 нафар душман аскарини йўқ қилди ва қисмларимизнинг хужумига шароит яратиб берди. 1945 йил 7 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди.

1945 йил 24 март куни Кенигсбергнинг жануби-гарбий қисмидаги душманнинг икки қарши хужумини қайтариб, 70 га яқин аскарлари ва 5 та станокли пулемёти расчётини йўқ қилган. 1945 йил 16 июнь куни у тақроран 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1992 йил 3 ноябрда 1945 йилда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) орденига алмаштирилган.

1946 йилда армия сафидан бўшатилган.

1948 йил Дауджикай тоғ-металлургия техникумини тамомлаган ва Нальчик шаҳрида яшаган. Кейинчалик Фарғонадаги нефтни қайта ишлаш заводида ишлаган. 1985 йилда нафақага чиқкан. Краснодарга кўчиб ўтган ва умрининг сўнгги йилларини шу ерда ўтказган. 2012 йил 25 марта вафот этган.



## ИГОРЬ ГЕОРГИЕВИЧ ГОЛИКОВ

1913 йил 12 ноябрда Россиянинг Ульяновск вилояти Дмитровоград шахрида туғилган. 1921 йилдан Тверь шаҳрида яшаган.

1938 йилдан Самарқанд вилояти Нарпай тумани Зирабулук станциясида яшаган. Шу ердан 1942 йил 9 февралда ҳарбий хизматга чакирилган. 1942 йил 20 мартаудан ҳаракатдаги армияда хизмат ўтаган.

Шимолий Кавказ фронтида Алоҳида Приморье армияси таркибида, кейинроқ 4-Украина фронтида жанг қилган. Кавказ учун жангларда, Крим, Карпат-Ужгород, Фарбий Карпат, Моравск-Островской ва Прага ҳужум операцияларида қатнашган. 1944 йил 13 февралда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.


1944 йил 11 апрелда И.Г.Голиков расчёти Керчь худудида (Крим Республикаси) душман мудофаасини ёриб ўтишда ўт очиш нуктасини яксон қилди ва 20 нафар фашистни отиб ташлади. Бу билан ўз худудида душманнинг биринчи траншеяси эгалланишини таъминлади. 1944 йил 30 майда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Чехиянинг Острова Моравскосилезского ўлкаси Моравско Острова шаҳри атрофида Моравск-Островской ҳужум операциясида 1945 йил 27 апрелдан 30 апрелгача И.А.Голиков расчёти душманнинг 10 та қарши ҳужумини қайтаришда қатнашган, бунда 1 та артиллерија тўпи, 3 та пулемёт ва 20 та фашист ўйқ қилинган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил октябрида И.Г.Голиков захирага бўшатилди. Украинанинг Луганск вилояти Лутугино шаҳрида истиқомат қилган. Геология разведкаси экспедициясида бурғилаш курилмаси устаси бўлиб, сўнгра шахтада ишлаган.

1981 йил 12 майда вафот этган. Лутугино шаҳрида дафн этилган.



## НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ ГОЛУБНИЧИЙ

1914 йил 8 июлда Украинанинг Харъков вилояти Близнюково туманида туғилган. 1936 йилдан Тошкент вилояти Ўрта Чирчик туманидаги Киров номли қишлоқ хўжалиги артелида ишлаган. 1942 йил январида Ўрта Чирчик туман ҳарбий комисариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Шу йилнинг февралидан бошлаб жангларда иштирок этган. 1943 йил март ойидан Голубничий 69-ўқчи дивизиянинг 303-ўқчи полки 9-ўқчи ротаси ўқчиси бўлган.

1944 йил 30 июлда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 11 февралда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 31 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган. 1945 йил 24 июнда Москвада бўлиб ўтган Ғалаба парадида иштирок этган.

1945 йилда захирага бўшатилган. Ўзбекистонга қайтиб келган, 1964 йилдан бошлаб “Металлконструкциялари” заводи ишчиси бўлиб ишлаган. Тўйтепа шахри қабристонида дафн этилган.

1977 йил 24 декабрда вафот этган. Тўйтепа шахри қабристонида дафн этилган.



## ГРИГОРИЙ АВАНЕСОВИЧ ГРИГОРЬЯН

1923 йил 16 майда Туркманистаннинг Мари вилояти Мари қишлоғида туғилган.

8-синфни тамомлаган. Самарқанд шаҳрида яшаган. Авиация заводида ишлаган.

1943 йил августдан армия сафига чақирилган. 1944 йил 20 августда 204-үқчи полкидаги ротада миномёт бўлинмаси командири бўлиб Ясси шаҳридаги жангда 2 та пулемёт нуқтасини йўқ қилган. Пиёдаларнинг ҳужум жангидаги миномётдан ўт очиб, 10 нафарга яқин душман аскарларини, ўзининг шахсий куроли билан эса 4 нафарини ер тишлатган. Душман эгаллаган жойга кириб борган ва пулемётни кўлга киритган.

1944 йил 18 сентябрда жангдаги мардонавор ҳаракатлари учун 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 5 декабрда Комаром шаҳрининг жанубий 38-километридаги Хироз-Батр аҳоли пунктида кутилмаганда бошланган ҳужумда 9 нафар душман аскарини асирга олган.

1944 йил 28 декабрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 8 майда Брандштадт аҳоли пунктида душман ҳужумга ўтган вақтда гвардия сержанти Григорьян миномётдан ўт очиб, 7 нафар душман аскарини кириб ташлаган ва 23 нафарини асирга олган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган ва орденнинг тўлиқ соҳибига айланган.

1947 йилда армия сафидан бўшатилган. Самарқандда яшаган. Сўнг Сталинободга кўчиб ўтган. “Гидромонтаж” бошқармасида бўлим бошлиги бўлиб ишлаган. Кейинчалик эса Воронежга (Россия) кўчиб кетган.

1999 йил 16 июлда вафот этган. “Коминтерн” қабристонига дафн этилган.



## АЛЕКСЕЙ ТРОФИМОВИЧ ГРИЦЕНКО

1923 йил 3 апрелда Украинанинг Днепропетровск вилояти Межевский тумани Владимировка қишлоғида туғилған.

1941 йилда Тошкент шаҳрига кўчиб келган, паровоз таъмирлаш заводида ишлаган. 1942 йил февралида ҳарбий хизматга чакирилған ва Тошкент пулемёт-миномёт билим юртига ўқишига юборилған. 1942 йил августидаги ўқишини тутатмаган курсантлар харакатдаги армияга юборилған.

А.Т.Гриценко Сталинград, Дон, Гарбий, Брянск, Белорусь (1944 йил февралидан 1-Белоруссия), 2- ва 3-Белоруссия фронтларида жанг қилған. Сталинград жангида, Берлин хужум операциялари иштирокчиси бўлған.

Бобруйск хужум операцияси бошланиши билан артиллериячилар таркибида душман мудофаасининг ёриб ўтилишини таъминлаган. 1944 йил 19 июлда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 18 январда унинг расчёти Печиск аҳоли пункти ҳудудидаги жангда (хозирда Гмина Ступск воеводалиги) душманинг танкка қарши тўпини ва 4 та ўқотиш нуқтасини яксон қилди. 1945 йил 3 майда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1947 йилда захирага бўшатилған. Запорожье шаҳрида яшаган.

1992 йил 30 июнда вафот этган.



## ЮРИЙ МИХАЙЛОВИЧ ГРИШИН

1925 йил 25 декабрда Россиянинг Ростов-Дон шаҳрида туғилган.  
Уруш бошланганда Ўзбекистонга кўчиб келган.

1943 йил январида Самарқанд ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1943 йил мартаидан жангларда қатнаша бошлаган. Жанговар йўлни 20-моторлаштирилган штурмчи муҳандислик-сапёрлик бригадаси таркибида босиб ўтган. Сапёр бўлган, разведка взводида жанг қилган. Бригада таркибида Ка-релия фронтининг Свирск-Петрозаводск ва Петсамо-Киркенесс операцияла-рида қатнашган. 1944 йил июнида Лодейное Поле шаҳридан (Ленинград ви-лояти) шимолга ҳужумдан аввал Гришин душман тўсиқларидан ўтиб, 14 та танкка қарши ва 8 та пиёдаларга қарши миналарни заарсизлантириди. 23 июн-да сапёрлар гурухи таркибида Финляндия куролли кучлари сапёрини асирга олди. Асирдан қимматли маълумотлар олинди. 1944 йил 3 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

14-алоҳида армиянинг қўшинлари таркибида жангларда қатнашган. 1944 йил 27 ноябрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил ноябрида бригада фронт ортига ўtkазилди. Олий Бош Кўмондон-лик Ставрасининг захирасида қолдирилди ва 1945 йил майида Узок Шарққа кўчирилди.

1945 йил 23 сентябрда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақ-дирланган.

1948 йилда захирага бўшатилди. Ростов-Дон шаҳрида яшаган.

2008 йил 3 майда вафот этган. Ростов-Дондаги “Северное” қабристонида дафн этилган.



## АХАТ ГАБДУЛХАЕВИЧ ДАУТОВ

1923 йил 15 майда Россиянинг Пермь вилояти Октябрь туманидаги Ишимово қишлоғида туғилган.

1942 йил март ойди ҳарбий хизматган чақирилган. 1943 йил июнь ойида Калинин фронти таркибидаги 7-ўқчи дивизиясининг 30-ўқчи полкида ўқчи ла-возимида жанговар фаолиятини бошлаган. Жангларда яраланди. Даволанишдан кейин танк қўшинларига жўнатилди. 25 захирадаги танк полкида мўлжалга олувчи мутахассислигини эгаллади.

T-34 танк экипажи таркибида Белоруссияни озод қилиш жангларида қатнашган. 1944 йил август ойида 57-алоҳида гвардиячи оғир танк полкида ИС-2 танки командири лавозимига тайинланди.

1944 йилнинг 13 августида “Голомб” станциясида (Польшанинг Пулава шаҳридан шимолроқда) душманнинг қарши ҳамласини қайтаришда душман танкини яксон қилди, 10 га яқин гитлерчини йўқ қилди. 1944 йил 27 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил бошида госпиталда даволаниб полкига қайди ва дарҳол жангларга киришди. 20 февраль куни у душман танки ва тўпини йўқ қилиб, пиёдалар олға силжишини осонлаштириди. 1945 йил 10 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 22 апрелда Германиянинг Рангсдорф аҳоли пункти учун жангда 10 га яқин гитлерчи ва душман танкини, кузатув постини яксон қилди. 1945 йил май ойи бошида ўз полки сафида Прагани озод қилишда иштирок этди ва урушни Эльба дарёсида якунлади. 1945 йил 27 июня 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1947 йилда захирага бўшатилди. 1948–1989 йилларда Кўқон шаҳрида яшаб, “Курилиш материаллари” заводида чилангар бўлиб ишлаган.

1989 йил 10 июлда вафот этган. Кўқон шаҳрида дафн этилган.



## АЛЕКСЕЙ АНДРЕЕВИЧ ДАШКОВ

1910 йил 10 апрелда Россиянинг Рязань вилояти Спасский тумани Нефедово қишлоғида туғилган.

Урушдан олдин Ўзбекистонга кўчиб келган.

У 1941 йилда Тошкент вилояти Оржоникидзе тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Жангларга 1942 йил февралдан киришган.

1944 йил 28 январдан 436-ўқчи полкининг (1-Украина фронтининг 38-армияси 155-ўқчи дивизияси) бўлинма командири, кичик сержант А.А.Дашков Романов хутори (Украинанинг Винница вилояти Липовец туман) атрофида ёрдам кучлари етиб келгунча пулемётдан 10 га яқин гитлерчини йўқ қилди, бу билан душманнинг худуддаги харакатини тўхтатди.

1944 йил 3 марта 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 14 март Сипачки (Украинанинг Винница шахри жануби-шарқида) аҳоли яшаш пункти учун бўлган жангда бўлинмага командирлик қилгани ҳолда душманнинг 4 та аскарини йўқ қилди, бир офицер ва 3 та аскарини қўлга олди. Ярадор бўлишига қарамай жанг майдонини тарқ этмади.

1944 йил 15 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 22 июлда 436-ўқчи полкининг А.Дашков командирлигидаги пулемёт взводи жангчилари (1-Украина фронтининг 1-гвардиячи армияси 155-ўқчи дивизияси) Злота Липа (Украинанинг Тернополь шахри жануби-тарбига) дарёсини кечиб ўтди ва душман қанотига хужум орқали фронтдан хужум қилаётган ўқчи батальонга душманни позициясидан суреб ташлашда самарали ёрдам берди.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Захирага бўшатилгандан кейин Минск шахрида яшаган. Белоруссия политехника институтида ишлаган.

1997 йил 25 июня вафот этган. Минскдаги “Шарқий” (“Москва”) қабристонига дағн этилган.



## АНДРЕЙ ЯКОВЛЕВИЧ ДИРОВ

1903 йилнинг 15 сентябрь куни Россиянинг Пенза вилояти Белинский туманида туғилган.

Уруш арафасида Фарғона шаҳрида сотувчи бўлиб ишлаган.

1942 йил август ойидан Шимолий Кавказ ва 1-Украина фронти таркибида жангларда қатнашган. 1944 йил бошларига келиб катта сержант Диров 389-йўқчи дивизия 1279-йўқчи полки 45 мм ли тўп расчётига командирлик қилган. 1944 йил 16 январда Зозово қишлоғи яқинида (Винница шаҳридан 40 км шимоли-гарбда) катта сержант Диров душманнинг қарши хужумини қайтариб, 4 та пулемёти, тирик кучи ва битта автомашинасини яксон қилди.

1944 йилнинг 11 фервалида 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йилнинг 13 июль куни Луцк-Горохов шаҳарлари (Украинанинг Волин вилояти) маррасидаги душман мудофаасини ёриб ўтишда катта сержант Диров душманнинг 3 та пулемётини, танкка қарши тўпини яксон қилди. 14 июлда Порванче аҳоли пункти яқинида куролдошлари билан биргаликда душманнинг 2 та БТРини ва 10 нафар аскарини йўқ қилди.

1944 йилнинг 10 ноябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14 январда А.Диров Домашевич (Польша) аҳоли пункти учун бўлган жангда душманнинг тирик кучи тўпланган жойини аниқлади ва артиллерия олови билан 10 аскар ва офицерини йўқ қилди. Польшанинг Слопец-Шляхеци аҳоли пунктига яқинлашиш жангиди, кейинроқ шаҳар кўчаларида жангларда 3 та ўт очиш нуқтаси ва душманнинг қўп сонли тирик кучи йўқ қилинди. Тўп расчётидагиларнинг барчаси ҳалок бўлгандан сўнг бир ўзи тўпдан ўт очиб, 10 дан ортиқ душманни йўқ қилган.

1945 йил 27 июнда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил сентябрда захирага бўшатилган. Фарғона шаҳрида яшаган, нафакага чиккунча дурадгор бўлиб меҳнат қилган.

1977 йилнинг 5 сентябрда вафот этган.



## ИВАН ТИМОФЕЕВИЧ ЕГОРОВ

1925 йил 5 январь куни Россиянинг Нижний Новгород вилояти Сосновский туманидаги Лушниково қишлоғида туғилган.

1943 йил август ойидан пулемётчи бўлиб жангларда қатнашган.

1944 йил 18 июлда 282-миномёт полки миномёт батареясининг разведка бўлими командири сержант И. Егоров Годовиче қишлоғи атрофида душман мудофаасини ёриб ўтишда артиллерия оловини бошқарди. 1944 йил 1 августда Варк шаҳри учун бўлган жангда Висла дарёсини биринчилар қаторида кечиб ўтиб, батареянинг оловини усталик билан бошқарган. 1944 йил 12 декабря 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 6–7 март кунлари Массов шаҳри учун бўлган жангда 8 та пулемёт нуқтаси, 2 та кузатув пункти ва душманинг 81 миллиметрли миномёт батареяси координаталарини аниқлади ва қўмондонликка етказди. Аниқланган нишонлар йўқ қилинди. Алтдам шаҳрини ишғол қилиш пайтида кўча жангларида 6 нафар душман аскарини, пулемёт расчётини йўқ қилган ва пулемётчини асир олган. 1945 йил 16 майда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 15–21 апрель кунлари Кюстрин шаҳри учун бўлган жангларда бўлинма таркибида душманинг муҳандислик иншоотлари, 40 та турли ўт очиш позицияларини аниқлади. Ўқчи ротанинг жанговар таркибида харакатланиб, шахсан ўзи душманинг 3 аскарини йўқ қилган, 4 нафар ярадор қуролдошига ёрдам кўрсатган. 1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Галабадан сўнг Капустин Яр шаҳридаги ўқув юртида ҳарбий хизматни давом эттириди. 1950 йил май ойида захирага бўшатилди.

1955 йилда Ленинград зоология ва фитопатология институтини имтиёзли диплом билан тутатди. 1955–2004 йилларда Қарши шаҳрида яшаган. Вилоят қишлоқ хўжалик бошқармаси дон маҳсулотлари бўлимида агроном-уругчи бўлиб ишлаган. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ўсимликлари карантини бўйича давлат инспекцияси бошлиғи лавозимида меҳнат қилган.

2004–2013 йилларда Қозоғистоннинг Актюбинск шаҳрида, 2013–2019 йилларда Самара вилояти Кинелск тумани Алексеевка қишлоғида яшаган.

2019 йил 7 май куни вафот этган.



## МИХАИЛ АКИМОВИЧ ЕДРЁНКИН

1923 йил 21 ноябрда Башкирдистоннинг (Россия) Уфа шаҳрида туғилган. Маълумоти тўлиқсиз ўрта.

1942 йилдан армия сафида хизмат қилган. 1942 йил март ойидан фронтга жўнатилган.

35-штурм муҳандис-сапёр батальони (1-Украина фронти 13-армия 7-штурм муҳандис-сапёр бригадаси) сапёри сифатида хизмат қилган.

1944 йил май ойида душман ортига ўтиб, бир гуруҳ сафдошлари билан Гута–Пеняцк–Майдан (Украинанинг Львов вилояти Золочев шаҳридан 17 км шимолда) ўйлини миналаштирган. Иккита машина ва битта аравани портлатиб юборган.

1944 йил 15 июнда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 16 июлда сафдошлари билан Козатин аҳоли пункти яқинида (Украина, Волин вилояти Горохов шаҳридан шимоли-ғарбда) душманинг ўт очиш жойларини разведка қилган, 100 дан ортиқ миналарни заарсизлантирган (шу жумладан, 19 та мина-“сюрприз”).

1944 йил 7 августда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 29 январда Цюхен аҳоли пункти яқинида (Хобеня шаҳридан 3 км шимоли-шарқда) Одер дарёсидан кечиб ўтишда бўлинма командири ўринбосари кичик сержант Едрёнкин 8 маротаба қатнаб, 100 нафардан ортиқ аскар ва офицерларни дарёдан ўтказган.

1945 йил 10 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган ва ушбу орденнинг тўлиқ соҳибига айланган.

1947 йилда армия сафидан бўшатилган. Бухоро шаҳрида яшаган. “Восток-нефтепроводстрой” трестининг Бухоро–Урал газ қувури қурилишида дурадгор бўлиб фаолият юритган.

Кейинчалик Уфа шаҳрига кўчиб кетган. 1970 йил 31 октябрда Уфа шаҳрида вафот этган. Шаҳар қабристонига дафн этилган.



## АЛЕКСАНДР ДМИТРИЕВИЧ ЕМЕЛЬЯНОВ

1923 йил 4 апрелда Россиянинг Самара вилояти Борск тумани Соковнинка қишлоғида дунёга келган.

1941 йилда Тошкент техникумларининг бири қошидаги техник тадқиқотчилар курсларини тамомлади. Қашқадарё вилояти Косон тумани Сув хўжалиги бўлимида катта техник-топограф, диспетчер бўлиб ишлаган. 1941 йилнинг декабрида Косон тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилди ва Чоржўй (Туркманистон) шаҳрига кўчирилган Орлов ҳарбий пиёдалар билим юртига ўқишига жўнатилди.

1942 йилнинг август ойида билим юртидан Оренбург вилоятида шакллантирилаётган 333-ўқчи дивизияга юборилди. Жануби-Фарбий, Фарбий ва 1-Белоруссия фронтлари таркибида жанг қилди.

1944 йил 20 сентябрда 76-ўқчи дивизия командирининг буйруғига асосан 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланди.

1945 йил 9 февралда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланди.

1945 йил 31 майда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланди.

Урушдан кейин ҳарбий хизматни Волгабўйи ҳарбий округи, Венгриядаги (Марказий қўшинлар грухси) ва Австриядаги ҳарбий қисмларда давом эттириди.

1955 йил октябрда капитан А.Д.Емельянов захирага бўшатилди. Самара шаҳрида яшади. 1955 йилнинг декабридан электр жихозлари ва карбюраторлар чиқарувчи автотрактор заводида (КАТЭКда) чилангар бўлиб меҳнат қилди. 1960 йилда Челябинск шаҳрига кўчиб ўтди (1991 йилдан – Снежинск). 1986 йили нафақага чиқди.

1992 йилнинг 8 август куни вафот этган.



## ХОЛМАТ ЖАЛОЛОВ



1921 йил 20 апрелда Фарғона вилояти Наманган уезди Хонобод қишлоғида (хозирги Наманган тумани Нўғайқўргон маҳалла фуқаролар йиғини) туғилған.

1941 йил 20 декабрида Наманган шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йилнинг бошидан жангларда иштирок эта бошлаган. Жангларда уч марта яраланган. 1944 йил март ойининг бошида ўнг кирғоқ Украина учун бўлган жангларда катта сержант Жалолов шахсан ўзи 20 нафар гитлерчини йўқ қилган. Каменц-Подольск вилояти Староконстантиновка шаҳрини озод қилиш учун олиб борилган жангларда 7 нафар фашистни йўқ қилган.

1944 йил 13 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 9 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 27 июнда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Урушдан кейинги даврда Наманган туманидаги “Хонобод” қишлоғининг Нўғайқўргон маҳалласида яшаган ва “Фридрих Энгельс” колхозида бригада бошлиғи бўлиб ишлаган.

1998 йил 4 июнь куни вафот этган. Наманган туманидаги “Нўғайқўргон” қабристонига дафн этилган.



## АБДУЛҲАМИД ЖАМОЛОВ

1924 йил 15 июнда Фарғона вилояти Фарғона тумани Аввал қишлоғида туғилган.

1943 йилдан жангларда қатнашган. 86-танкка қарши-қирувчи дивизионнинг 45 мм ли тўп ўқловчиси (1-Белоруссия фронтининг 8-гвардиячи армияси 82-ўқчи дивизия) кичик сержант Жамолов 1944 йил 20 августда Польшадаги Варка шаҳри атрофидаги жангларда мўлжалга олувчи билан душманинг 22 та ўрта танкини яксон қилган, сўнг батарея таркибида душманинг зирҳли машиналари хужумини қайтаришда иштирок этган.

1944 йил 23 августда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14–19 январь кунлари Польшанинг Радом шаҳри шимолида душманинг чукур эшелонлаштирилган мудофаасини ёриб ўтишда ва Лодзъ шаҳрини озод қилишда учта пулемёт, 3 та танкка қарши орудияни яксон қилган ва 10 дан ортиқ душман аскарини йўқ қилган.

1945 йил 4 марта 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 29 апрель – 1 май кунлари Берлин шаҳридаги кўча жангларида 107-танкка қарши қирувчи артиллерия полкининг тўп командири (1-Белоруссия фронтининг 8-гвардиячи армияси, 82-ўқчи дивизияси) кичик сержант Жамолов ўт очиб, 2 та тўп, 22 та пулемёт нуқталарини яксон қилган, 22 та пиёдалар взводини саросимага солган ва батарея таркибида душманинг иккита қарши хужумини қайтарган.

1945 йил 8 июнда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақроран тақдирланган.

1968 йил 7 июнда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени 1-даражалига ўзгартирилган.

1947 йили захирага бўшатилган. “Фарғона” совхозида агроном бўлиб ишлаган.

1997 йилда вафот этган. Фарғона тумани Дамкўл қишлоғи қабристонига дағн этилган.



## АЛЕКСАНДР МИХАЙЛОВИЧ ЗАИКА

1917 йил 10 июнда Қозогистоннинг Тўргай вилояти Кустанай уезди Ко-  
стряковка қишлоғида туғилган.

1930 йилда Мўйноқ шаҳарига кўчиб келган. 1942 йилда Мўйноқ шаҳар  
харбий комиссариати томонидан харбий хизматга чақирилган.

1945 йил 6 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдир-  
ланган.

1945 йил 20 майда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдир-  
ланган.

1945 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдир-  
ланган (мукофот топширилгани ҳақида маълумотлар йўқ).

Мўйноқ посёлкасида, кейин Фарғона шаҳрида яшаган. “Узхладторгмон-  
таж” бирлашмасида омбор бошлиғи бўлиб ишлаган.

1967 йил 11 август куни вафот этган. Фарғона шаҳридаги қабристонга  
дағн этилган.



## ВИКТОР ВАСИЛЬЕВИЧ ЗИМИН

1925 йил Самарқанд шаҳрида туғилган.

1943 йил февралялида Самарқанд шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Жангларда 1944 йил июлидан бошлаб 1-Украина фронти таркибида иштирок этган.

1944 йил 12 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 20 февралда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди (мукофот топширилмай қолди).

1945 йил 15 марта жанг билан амалга оширилган разведка чоғида В.Зиминнинг танки талофат олди. Душман оловни бошқа танкларга кўчиргандан В.Зимин тўхтаб қолган ўз танкидан ўт очиб, “Тигр” танкини яксон қилган. В.Зиминнинг танкига яна снарядлар тегди. Куролдоши ёрдамида танкни тарк этган, аммо олган жароҳатлари туфайли шу ерда вафот этган. Жанг бўлган ерда дафн этилган. Кейинроқ Ключборк шаҳридаги ҳарбий қабристонга қайта дафн этилди (Польшанинг Опольск воеводалиги).

1945 йил 27 июня 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.



## МСТИСЛАВ БОРИСОВИЧ ИВАНОВ

1924 йил 3 январда Россиянинг Кострома шаҳрида туғилган.

Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳрига кўчиб келган.

1942 йил сентябрь ойида Каттақўрғон тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилди ва Тошкент миномётчилар билим юртига жўнатилган. 1943 йилнинг август ойидан жангларда иштирок этган. Воронеж, Степной ва 2-Украина фронтлари таркибида жанг қилган. Жангдан жангга разведкачи Ивановнинг маҳорати ортиб борган ва тез орада тажрибали “изқуварга” айланган. Аввал взвод командирининг ёрдамчиси, кейин взвод командири бўлган. Корсунь-Шевченко операциясидан кейин ўнг қирғоқ Украинани, Молдавияни озод қилиш жангларида ва Венгрия худудидаги жангларда иштирок этган.

1944 йил 21 ноябрда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 27 февралда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йили захирага бўшатилган ва Самарқандга қайтган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган ва орденнинг тўлиқ кавалери бўлган.

1950 йилда Самарқанд университетининг геология факультетини тугаллаган.

2014 йил 25 апрелда вафот этган.



## АЛЕКСАНДР ЯКОВЛЕВИЧ ИЛЬИН

1907 йил 14 августда Россиянинг Пенза вилояти Беков туманидаги Пяша қишлоғида туғилган.

1941 йил февралда Андижон шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1942 йилнинг ноябрیدан жангларга кирган. Жанговар йўлини Сталинград шаҳри яқинида кавалерия полкиминг 45 миллиметрли тўп расчёти командири лавозимида бошлаган. Сталинградда, Белоруссияда ва 1-Белоруссия фронтлари таркибида жанг қилган. 1944 йилнинг баҳорига келиб, катта сержант Ильин 492-танкка қарши киравчи артиллерия полкиминг разведка бўлинмаси командири бўлган.

1944 йил 30 апрелда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 18 июлда ҳужум жангларида катта сержант Ильин душман кузатув пункти жойини аниқлаган. Фарбий Буг дарёсидан (Владимир-Волинский шаҳридан 30 км шимоли-ғарбда) 3 марта кечиб ўтган ва артиллериининг оловини бошқариб турган.

1944 йил 25 августда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг 26–30 апрель кунлари Берлин учун жангларда катта сержант Ильин нишонларни аник мўлжалга олиб, пиёдаларнинг олға юришлари учун шароит яратган. Бу жангларда оғир яраланган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда захирага бўшатилган ва Пенза шаҳрида яшаган.

1990 йил 30 июнда вафот этган.



## ЮРИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ КАЛАШНИКОВ

1924 йилда Оренбург вилоятининг (Россия) Бугуруслан шаҳрида туғилган. 9-синфи тутатган.

Тошкентда яшаган ва ўқиган.

1942 йил август ойидан урушга кирган. 1944 йилнинг ёзида 100-гвардиячи ўқчи дивизиясининг 114-алоҳида гвардиячи сапёрлар батальони сапёри гвардиячи оддий аскар Ю.В.Калашников штурмчилар гурухи билан Свири дерёсини кечиб ўтишда мина майдонидан йўл очган, икки марта ўтишда икки бўлинмани ўтказишга муваффақ бўлган. Кайву-Сельга атрофидаги душман томонидан портлатишга тайёрлаб кўйилган кўприкни минадан тозалаган. Раведкада оғир яраланган жангчини олиб келган. Германия худудида (Мёдлит шаҳридан жануброқ) 6 та кўприкни минадан тозалаган, 110 танкка қарши миҳани ва 15 та “мина-сюрприз”ни заарасизлантирган.

1944 йил 31 июлда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 18 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 30 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан иккичи маротаба тақдирланган.

1945 йил армия сафидан бўшатилган.

1955 йил 19 августа 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени 1-даражалисига ўзгартирилиб, орденнинг тўлиқ соҳибига айланган.

Фаргона шаҳрида яшаб, Нефтни қайта ишлаш заводи ва азотли ўғитлар комбинати қурилишида ишлаган. Бухоро-Урал газ қувури ва Бойқўнир космодроми қурилишида қатнашган.

1980 йилларда Россиянинг Владивосток, Калуга шаҳарларида яшаган. Кейинчалик Москва шаҳрига кўчиб ўтган.

1992 йилда Москва шаҳрида вафот этган.



## МИХАИЛ МИХАЙЛОВИЧ КАПИТОНОВ

1926 йил 13 сентябрда Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида туғилган.

Токарь касбини эгаллагач, Россиянинг Самара шаҳрида “Красний двигатель” заводида ишлаган. Завод билан Самарқанд шаҳрига эвакуация қилинган ва 1943 йил июнда ҳарбий хизматга чақирилган.

Ўша йилнинг августидан жангларда иштирок этган. Урушни 9-ўқчи дивизиянинг 193-ўқчи полки разведкачиси вазифасида ўтаган.

1944 йил 14 июнда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 28 январда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган (такроран). Яраланган, госпиталда даволангач, 1945 йил 14 апрелда яна 193-ўқчи полкнинг разведвзводига қайтган. Разведкачиларнинг кундузги жангларида ўқчи сифатида қатнашиб, тунда душман позицияларига разведкага борган.

1945 йил 24 июндаги буйруқка асосан Капитонов Михайл Михайлович 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган (учинчи марта). Урушдан кейин ҳарбий хизматни давом эттирган.

1963 йил 23 марта 2- ва 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) орденлари билан тақдирланган.

1995 йил 20 февралда вафот этди. Рязань шаҳридаги “Скорбященский” қабристонида дафн қилинган.



## АЛИ КАРИМОВИЧ КАРИМОВ

1914 йил 14 апрелда Озарбайжоннинг Шамахи туманидаги Шихлар қишлоғида туғилган.

1936–1939 йилларда ҳарбий хизматни Ўрта Осиё ҳарбий округи таркибида ўтаган. 1939–1941 йиллар оралиғида Ўзбекистонда яшаган. 1941 йили Оқдарё тумани ҳарбий комиссариати тамонидан ҳарбий хизматга сафарбар қилинган. 1941 йил июлидан жангларда иштирок этган.

22-гвардиячи ўқчи полкining мергани (2-Украина фронтининг 7-гвардиячи армияси 72-гвардиячи ўқчи дивизияси) гвардия капитани А.Каримов 1944 йил 22 августда Руминиянинг Когелтияму қишлоғи яқинида душман мудофаасини ёриб ўтища душман дотига бостириб кирган ва 4 гитлерчини йўқ қилган ҳамда 2 нафар душманни асирга олган.

1944 йил 10 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 21 сентябрда Руминиянинг Регин шаҳри атрофида жойлашган Олаҳ Телек қишлоғи яқинидаги жангда у биринчилардан бўлиб душман мудофаа маррасини ёриб ўтган. Душманнинг тўп расчёти ва 2 та пулемёт нуқтасини йўқ қилган. Жангда контузия олган, лекин сафда қолган.

1944 йил 26 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 6 ноябрда у бир гурӯҳ жангчилар билан яширинча Венгриянинг Солнок шаҳри шимоли-гарбидаги мудофааланаётган душманга фронт ортидан хужум қилган, битта офицер ва 5 та аскарни йўқ қилган, душманнинг хариталари, жанговар ҳужжатлари ва артиллерия асбобларини кўлга олиб, кўмон-донликка топширган. Душманнинг қарши ҳужумини қайтаришда шахсан ўзи 6 нафар душман пиёда аскарини йўқ қилган.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда захирага бўшатилган. Озарбайжоннинг Боку шаҳри атрофида Гобустан қишлоғида яшаган. “Абшеронбурнефт” трестида бурғилаш устаси бўлиб ишлаган.

1985 йили вафот этган.



## МҮМИН КАРИМОВ

1920 йил 13 февралда Тошкент вилоятининг Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғида туғилган.

1940 йилда ҳарбий хизматга чақирилган. Уруш бошланиши билан Сухиничи шахри яқинида жангларга кирган.

1944 йил 29 августда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг 15 январь куни Пилица дарёсидан ўтишда оддий аскар Каримов разведкачилар взводини эргаштириб, биринчи бўлиб сувдан кечиб ўтган. Плацдарм учун жангда шахсан ўзи душманнинг 30 аскари ва бир офицерини йўқ қилган. 16 январда Каримов мислсиз жасорат кўрсатиб, Радомско шахридаги кўча жангларида 37 та гитлерчини йўқ қилган ва граната билан душман автомашинасини яксон қилган.

1945 йил 10 марта 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг 17 апрелида Германиянинг Луккенвальде шахридан 22 км жануби-шарқдаги Барут аҳоли пункти остоналарида оддий аскар Каримов разведкачилар групхи таркибида душман штабига ҳужумда иштирок этган, 10 дан ортиқ гитлерчини яксон қилган, асиrlар олган ва қимматли жанговар ҳужжатларни кўлга киритган. 20 апрелда биринчилардан бўлиб шаҳарга кирган, душманнинг ўт очиш нуқталарини аниқлаган, кўча жангларида ярадор бўлган, аммо қўйилган топшириқни бажаришда давом этган. 4 кунлик жангларда Каримов шахсан 87 нафар гитлерчини яксон қилган.

1945 йил 27 июнда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йили захирага бўшатилган. Ўз қишлоғига қайтиб келган, колхозда меҳнат қилган, 1957–1978 йиллари ўрта мактабда жисмоний тарбия ўқитувчи-си бўлиб ишлаган.

1978 йилнинг 5 майда Янгийўл тумани Ниёзбоши қишлоғида вафот этган. Ниёзбоши қишлоғи “Имом Султон” қабристонида дафн қилинган.



## ПЁТР ТИМОФЕЕВИЧ КОСЕНКО

1924 йил 23 февралда Россиянинг Оренбург вилояти Кувандик тумани Сара кишлоғида туғилган.

1930 йилда унинг оиласи Тожикистоннинг Ўратепа шаҳрига (хозирда Сўғд вилоятининг Истаравшон шаҳри) кўчиб келган.

1936 йили оиласи билан Чирчиқ шаҳрига кўчиб ўтган. 1941 йил октябрда ҳарбий хизматга чақирилган ва Каспий олий ҳарбий-денгизчилар билим юртига жўнатилган.

1944 йил 15 июнда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 2 июляда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йил январида сержант Косенко захираға бўшатилган. Россиянинг Краснодар шаҳрида яшаган. 1948 йили Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш техникумини битирган. 1948 йилдан бошлаб Краснодар авторемонт заводида цех бошлиғи лавозимида меҳнат қилган. 1952 йили Давлат хавфсизлиги министрлигининг (1954 йилдан Давлат хавфсизлиги қўмитаси) Краснодар вилояти бўйича бошқармасига ишга юборилган. 1978 йили майор П.Т.Косенко захираға чиқкан. 1974 йилдан Новороссийск шаҳри Уруш ветеранлари шаҳар қўмитаси Президиуми аъзоси, 1982 йилдан Президиум раиси лавозимларида меҳнат қилган.

1990 йилдан Новороссийск уруш, меҳнат, қуролли кучлар ва хуқуқни муҳофаза қилиш органлари фахрийлари Советининг раиси лавозимида фаолият юритган.

1999 йилда вафот этган. Новороссийскда дафн этилган.



## АНАТОЛИЙ ПЕТРОВИЧ КОСТИН

1923 йил Россиянинг Екатеринбург вилояти Киштим шахрида туғилган.

Тўлиқсиз мактабни тамомлаган. 1938 йилдан Киштим механика заводида чилангар бўлиб фаолият юритган. 1941 йил февралидан механика йигиш цехида темирга ишлов берувчи бўлиб ишлаган.

1942 йил мартаидан Киштим тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафига чақирилган.

1942 йил май ойидан бошлаб уруш қатнашчиси бўлган.

1943 йил 22 марта жангда яраланган. Госпиталдан сўнг 1943 йил 50-армиянинг 49-ўқчи дивизияси 15-ўқчи полкининг разведкачилар взводида жанг олиб борган.

1943 йил 10 июнь кунги жангда у яна яраланган ва контузияни бошдан ўтказган. Госпиталдан сўнг 413-ўқчи дивизиясига жўнатилган.

1943 йил Брянскда, 1943 йил октябрь ойидан Белоруссияда, 1944 йил февраль ойидан 1-Белоруссия ва 1944 йил ноябрь ойидан 2-Белоруссия фронтларида жанг қилган.

1944 йил 6 январда фронтдаги жангларда кўрсатган мардонавор ҳаракатлари учун 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 10 июлда фашист босқинчиларига қарши жангларда кўрсатган жасорати учун 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) орденига муносиб топилган.

1944 йил 29 август куни разведка гурухи Радзимин яқинидаги Дибув кишилогига (Польша) яширинча кириб, душман танк экипажини йўқ қилган. Танкни эса қўлга олган. Кейинги жангда у яна 7 нафар душман аскарини йўқ қилган.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йили ногиронлиги сабабли армия сафидан бўшатилган. 1945 йил май ойидан Киштим механика заводида ишлов берувчи бўлиб ишлаган.

1948 йил сентябрь оида Тошкент шахрига кўчиб келган ва шу ерда меҳнат фаолиятини давом эттирган.



## ИВАН СЕМЁНОВИЧ КРАСИКОВ



1923 йил 9 август куни Россиянинг Самара вилояти Челно-Вершинск тумани Таяба қишлоғида туғилган.

1940 йилдан Тошкент шаҳрида яшаган ва шаҳардаги заводларнинг бирида чилангар бўлиб ишлаган. 1942 йил мартда Тошкент шаҳрининг Куйбишев туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Жанговар йўлини Сталинград остоналарида ўқчи полкнинг пулемётчилар бўлинмаси командирлигидан бошлаган.

1944 йил 1 марта 383-ўқчи дивизия командирининг буйруғи бўйича 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган, лекин мукофот унга топширилмаган, бунга сабаб 128-тоғ-ўқчи дивизияси 323-тоғ-ўқчи полки таркибида жанг қила бошлагани эҳтимол қилинади. Мазкур дивизия таркибида урушнинг охиригача жанг қилган. Крим учун жангларда, Севастополни озод қилишда иштирок этган.

1944 йил 9 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган (такроран).

1944 йил 20 декабря 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 23 майда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

Жанговар йўлини 1945 йил 8 майда Чехославакиянинг Оломуц шаҳрида яқунлаган. 1946 йил июнда Красиков захирага бўшатилган ва ватанига қайтган.

Куйбишев шаҳрида (Самара) яшаган. 1957 йили қишлоқ ҳўжалик техникиумини тутатган.

2000 йил 24 июнь куни вафот этган. Унинг номи Самара шаҳридаги “Шон-шараф” монументи ёнидаги "Қаҳрамонлар тахтаси"да ёзилган.



## АЛЕКСАНДР ВАСИЛЬЕВИЧ КУРИШЕВ

1925 йил 7 январда Россиянинг Саратов вилояти Ртишчево шаҳрида туғилган.

Тошкент шаҳридаги электромеханика техникумини тамомлаган. Автобазада ишлаган.

1943 йил сентябрда армия сафларига чақирилган. 110-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 307-гвардиячи ўқчи полкида (2-Украина фронти) 76 миллиметрли тўп ўқловчиси бўлиб хизмат қилган.

1943 йил 7 декабрда Кировоград вилояти Знамянс туманида бўлган жангда ўз расчёти билан душман танкини ва зирхланган машинасини яксон қилган ва ўқчи бўлинмаларнинг қулай позиция эгаллашига шароит яратиб берган.

1944 йил 15 январда жангдаги мардонавор ҳаракатлари учун 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 18 октябрда Сент-Маргита аҳоли пунктидаги жангда 110-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 313-гвардиячи ўқчи полкида 45 миллиметрли тўп командири этиб тайинланган Куришев ўз расчёти билан бир взводга яқин пиёдаларни, зирхланган машина ва танкнинг кулини кўкка совурган.

1944 йил 30 октябряда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 25 мартадан 13 октябргача Врабле, Нитра шаҳарлари учун бўлган жангларда, Грон, Нитра, Ваг (Словакия) дарёларини кечиб ўтишда Куришев расчёти пиёда қўшинларимиз хужумини кўллаб-қувватлаб турган.

1945 йил 13 апрелда Годонин шаҳрида Морова дарёсини кечиб ўтиб, полкнинг хужумини кўллаб турган ва 2 та душман ўт очиш нуқтасини, 10 нафар аскарини йўқ қилган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1948 йил армия сафларидан бўшатилган. Ўратепа шаҳрида яшаган ва автобазада диспетчер бўлиб ишлаган.

1970 йил 2 октябряда вафот этган.



## ВИКТОР ФЁДОРОВИЧ ЛАНДИЧЕНКО



1922 йил 12 февралда Михайлово кишлоғида (Белоруссия Республикаси-  
нинг Витебск вилоятидаги Лиозно тумани) туғилган.

Тошкентдаги темирйўл станциясида бўёқчи бўлиб ишлаган. 1942 йил  
12 августидаги Тошкент шаҳар Ленин райони ҳарбий комиссариати томонидан  
ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йил февралда Тошкент пиёдалар ҳарбий  
билим юртини тугатган ва ҳаракатдаги армияга жўнатилган.

Ғарбий, Воронеж, Брянск ва 1-Болтиқбўйи фронtlари таркибида жанг  
қилган. Курск жангига ва Белоруссияни озод қилишдаги жангларда жонбозлик  
кўрсатган.

1944 йил 28 августда 90-ўқчи дивизия командири буйруғига асосан  
3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 24 сентябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақ-  
дирланган.


1944 йил 18 сентябрга ўтар кечаси 92-алоҳида разведка ротасининг  
(1-Болтиқбўйи фронтининг 4-зарбдор армияси 90-ўқчи дивизияси) бўлинма  
командири сержант В.Ландиченко бошқа разведкачилар билан бирга Вецмуй-  
жга ахоли пунктига (Латвиянинг Огре шаҳридан 25 км жануби-ғарбда) бости-  
риб кирган ва қуролдошлари билан совет ўқчи аскарларининг ҳаракатланиши-  
га ҳалақит берадиган пулемётчилар бўлинмасини йўқ қилган.

1944 йил 10 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан  
такроран тақдирланган.

1945 йили захирага бўшатилган ва Витебск шаҳрида яшаган. 1947–1966  
йилларда Ички ишлар вазирлиги органларида хизмат қилган.

1965 йил 27 марта В.Ф.Ландиченко 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ор-  
дени билан тақдирланган ва орденнинг тўлиқ соҳибига айланган.

1980 йил 31 март куни вафот этган. Витебскдаги “Мазуринск” қабристо-  
нига дағн этилган.



## НИКОЛАЙ СТЕПАНОВИЧ ЛОБАНОВ

1908 йил 24 январда Россиянинг Саратов вилояти Ширококарамишев тумани Невежкино қишлоғида туғилган.

1941 йилда Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган ва шу вақтдан жангларга киришган.

Жанговар йўлини 9-дивизиянинг 9-артиллерия полкида бошлиган.

1944 йил 26 июнда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 27 июлда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 15 октябрга ўтар кечаси Литвадаги Кибарти аҳоли пунктидан 17 км жануби-шарқда мудофаа гурухи таркибида харакатланаётган Н.Лобанов шахсан ўзи 9 та танкка карши ва 6 та пиёдаларга қарши миналарни заарисизлантирган, тиканли симтўсиқдан ўтиш жойини барпо этган. Бўлинмаси позицияларига қайтиша ярадор дўстини олиб чиқкан.

1945 йил хужум жангларida кичик сержант Н.Лобанов муҳандислик разведкаси таркибида харакатланиб, дивизия хужум полосасидаги йўллар, кўпприклар ва кечув йўллари тўғрисида кимматли ва аниқ маълумотлар етказиб турган.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1954 йил 27 майда фожиали ҳалок бўлган. Украинанинг Николаев вилояти Грейгово-Жовтнев тумани қишлоғидаги қабристонга дафн этилган.



## АЛЕКСАНДР ВЛАДИМИРОВИЧ ЛЮБИМОВ

1919 йил 14 майды Украина нинг Киев шаҳрида туғилган.

1941 йил ёзда Тошкентга кўчирилган ва мудофаа саноати корхонасида меҳнат қилган. 1943 йил марта Ташкент шаҳрининг Сталин тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Жанговар йўлини 82-ўқчилар дивизияси сафида ўтаган. Аввал зирхтешар қурол отувчиси бўлган, бироқ тез орада зукко ва қўрқмас жангчи полк разведкасига ўтказилган. 3-Украина фронти, 1944 йил июнь ойидан эса 1-Белоруссия фронти таркибида жанг қилган. Мелипотоль (1943 йил сентябрь-ноябрь), Нижнеднепровск (1943 йил ноябрь-декабрь), Никополь-Кривой Рог (1944 йил январь-февраль), Березнеговатий-Снигирёв (1944 йил март), Одесса (1944 йил апрель-май), Белоруссия (1944 йил июнь-август), Висла-Одер (1945 йил январь), Берлин (1945 йил апрель-май) хужум операцияларида иштирок этган.

1944 йил 3 апрелда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 12 ноябряда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 25 марта 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Ғалабадан сўнг Германия ҳудудида ўз полкининг разведка взводи командири ёрдамчиси лавозимида хизматни давом эттирган. Калининград (Россия) шаҳрида яшаган.

1999 йил 17 июля вафот этган. Калининград шаҳар қабристонида дағн этилган.



## МИНУР ИСА ЎГЛИ МАМЕДОВ

1924 йил 12 марта Мохе қишлоғида (Грузиянинг Самтсхе-Жавахети вилояти Адиген тумани) туғилган.

Армияда 1942 йил сентябрдан хизматни бошлаган. 1943 йил январдан бошлаб ҳаракатдаги армияда хизмат қилган. У Шимолий Кавказда, Воронежда (1943 йил 20 октябрдан 1-Украина) ва 4-Украина фронтларида жанг қилган. Кавказ учун жангларда, Украинанинг чап қирғонини озод қилишда, Киевнинг хужум ва мудофаа операцияларида, Житомир-Бердичив, Корсун-Шевченко, Проскуров-Черновиц, Львов-Сандомир, Шарқий Карпат, Гарбий Карпат, Моравия-Острав хужум операцияларида қатнашган. Жангларда уч марта яраланган.

1944 йил 26 октября хужум жангиди М.И.Мамедов расчёти пулемётдан ўт очиб, ўқчилар жанговар ҳаракатига ёрдам берган. Жасло шаҳри яқинида (Польша) 536,0-сонли баландликни ишғол қилишда душманнинг отиш нуқталари ва тирик кучини йўқ қилиб, аскарлар жасорат билан олдинга интилишган. Унинг расчёти 3 та пулемёт пункти ва 16 нафар душман аскарини йўқ қилган. 1944 йил 12 ноябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Гарбий Карпат операцияси пайтида 340-ўқчи дивизия Krakow йўналиши бўйича оғир жангларни олиб борган. 1945 йил 21 январда Мисление шаҳри туманида (Польша) М.И.Мамедовнинг расчёти 3 та қўл ва бир станокли пулемётнинг ўт очишини тўхтатиб, 13 нафар душман аскарини йўқ қилиб, ўқчи батальонининг хужумини таъминлаб берган. Станокли пулемёт 2 нафар пулемётчи билан асирга олинган. 1945 йил 8 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 3 февралдан 12 февралгача Биелска-Биала (Польша) яқинида М.И.Мамедовнинг бўлинмаси душман тирик кучларининг катта қисмини йўқ қилиб, душманларнинг кўплаб хужумларини кайтарган ва батальоннинг жанговар топширигини бажарилишини таъминлаган. 1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган. 1945 йил 24 июндаги Галаба парадининг иштирокчисига айланган.

У 1947 йил май ойида ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1947–1958 йилларда Тошкент вилоятининг Бўка туманидаги пахта йиғиши пунктида товарга масъул бўлиб ишлаган.

2012 йил 1 августда вафот этган. Нартқалъя шаҳрида дафн этилган.



## ШОКИР ФОТИХОВИЧ МАННОНОВ

1917 йил 1 октябрда ҳозирги Бошқирдистоннинг (Россия) Ишимбой туманинадаги Кияуков қишлоғида туғилган.

Армияга 1941 йилда Бухоро вилояти Шофиркон тумани ҳарбий комиссариати томонидан чақирилган. 1942 йил февраль ойидан бошлаб фронтда жанг қилган.

1943 йил 6 декабрда 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

1944 йил июль ойи бошида Украинанинг Волин вилояти Ковел шаҳри учун бўлган жангда сержант Ш.Ф.Маннонов бошчилигига 1030-ўқчи полкнинг (260-ўқчи дивизияси, 47-армия, 1-Белоруссия фронти) тўп расчёти душман дзотини яксон этди, 2 та пулемёт пункти бостирилди ва душманнинг кўп аскарини яксон қилди.

1944 йил 5 сентябрда 2-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

1944 йил 21 сентябрда Польшанинг Шамоин аҳоли пункти учун жангда артиллерия батареяси таркибида бўлган сержант Шокир Маннонов иккита пулемёт, дзот ва ўн бешга яқин фашист аскарини йўқ қилган. Куроли ишдан чиқарилганда, ботир артиллерия аскари пиёдалар сафида автоматидан ўтиб, ўнлаб гитлерчиларни йўқ қилган.

1945 йил 22 февралда 1-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

Урушдан сўнг ҳарбий хизматдан бўшатилган ва у ўзининг қадрдон қишлоғига қайтган. 1954 йил Манноновлар оиласи Бошқирдистоннинг Стерлитамак тумани Стерлитамак совхозига кўчиб ўтган. Бу ерда Ш.Ф.Маннонов 1972 йил пенсияга чиққунча киномеханик-ҳайдовчи, почта бўлимида навбатчи-радист бўлиб ишлаган.

1973 йил 23 апрелда вафот этган. Северная қишлоғида дағн этилган.



## ЗУБАЙДУЛЛО МАРУПОВ

1914 йилда Самарқанд шаҳрида туғилган.

1939 йилда Самарқанд вилояти Ургут тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1941 йилдан бошлаб урушда жанг қилган.

1943 йил 5 декарбда 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 21 ноябрда 2- даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 15 январда Смикув ахоли пункті атрофіда күп сонли аскарлари билан устунлик қилған душман қарши хужумга ўтган, айрим участкаларда бизнинг жангчиларимизни сиқуvgа ҳам олган. Марупов ҳимоя қилаётгандай үқчилар взводи томон станокли ва құл пулемётлари билан ҳимояланған душман автоматчилари ротаси яқынлашиб келганды қарши хужумни қайташида жасур артиллериячи 4 та пулемёт ва 10 нафардан ортиқ душман аскарларини йўқ қилған. Тўртинчи қарши хужумни қайташида взвод командири ва барча бўлинма командирлари сафдан чиқкан. Тирик қолган пиёда аскарлар Маруповнинг атрофига бирлашганлар. Сержант Марупов гурухга бошчилик килишни ўз зиммасига олган, мудофаани ташкиллаштириб, қўшимча мадад кучлар етиб келгунга қадар улар эгаллаган позицияни ушлаб туришга муваффақ бўлган.

1945 йил 27 июнда 1-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўштилгандан сўнг ўзининг қадрдон Самарқандига қайтган. Савдо дўкони мудири бўлиб ишлаган.

1964 йил 6 ноября вафот этган.



## ИСРОИЛ МУРЗАЕВ



1919 йил 20 декабрда Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Бошқудук кишлоғида туғилған.

1939 йил сентябрда Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ҳарбий комиссариати томонидан армия сафларига хизматга чақирилған.

1941 йил июнь ойидан бошлаб, Иккинчи жаҳон уруши фронтларида жанг қилған. 275-қиравчы-танкка қарши артилерия полкининг (қиравчы-танкка қарши бригада 4-бўлинмаси, 1-Белоруссия фронтида 5-армия) мўлжалга олувчи аскари кичик сержант Мурзаев 1945 йил 20–22 март куни Кюстринск плацдармида кечган жангларда душманларнинг кузатув пунктини, 2 та пулемёт ва 10 нафардан ортиқ аскарларни йўқ қилған ва бу билан Геншмар (Германия) аҳоли пунктини эгаллашга ёрдам берган. 1945 йил 19 апрелда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 27 марта ўша худудда Кюстрин шахридан шимоли-гарбидага бўлған (Костшин, Польша) плацдармда кечган жангларда душманнинг 6 та қарши хужумини қайтарган, танкни ишдан чиқарган, пулемётлар ва 5 нафар фашист аскарлари йўқ қилинган. 1945 йил 7 майда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил апрель ойида Берлинда кечган жангда 2 та тўпни сафдан чиқаришга муваффақ бўлған, 3 та пулемёт, 10 нафардан ортиқ душман аскарларини, 2 та дзотни йўқ қилған ва бу билан пиёдаларнинг муваффакиятли ҳарачатланишларини таъминлаб берган. 1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йил май ойида ҳарбий хизматдан бўшатилгандан сўнг Самарқанд вилояти Нуробод туманида фуқаро мудофааси бошлиги лавозимида ишлаган.



## ТИМУР ГАРАФУТДИНОВИЧ НАЗМУТДИНОВ

1924 йил 27 декабрда Татаристоннинг (Россия) Кайбицк туманидаги Шушерма қишлоғида туғилган.

1932 йил оиласи билан Фарғона вилоятига кўчиб ўтган. 1942 йил августда Фарғона вилояти ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

Ғарбий, 1-Болтиқбўйи ва 3-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Ржев остонасидағи жангларда иштирок этган, Смоленск ва Белоруссияни озод қилишда қатнашган. 1944 йил ёзда тўп командири сифатида хизмат қилган. 1944 йил 13 июля Дундари қишлоғи (Минск вилоятининг Вилейск тумани)ни эгаллаш учун кечган жангларда 45 мм ли тўп командири сержант Назмутдинов душманинг пулемёт расчётини, пиёдалар бўлинмасини сафдан чиқарган ва ўз ўқчиларининг қишлоқни эгаллашга бўлган олға ҳаракатланишларини таъминлаб берган. 1944 йил 21 июля 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 1 ноябрда Бета (Латвия) аҳоли пунктини эгаллаш учун кечган жанглarda сержант Назмутдиновнинг расчёти душманинг 2 та пулемёт-расчётини ўйқ қилган. Сержант Назмутдинов қарши ҳужумни қайтаришда яранланган, бироқ жангни давом эттирган. 1945 йил 16 январда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 1 февралда Зандляк аҳоли пунктида (Бартенштайн шаҳри – ҳозирги Барторише, Польшадан 2,5 км жануби-шарқда) сержант Назмутдинов душманинг қарши ҳужумига жавоб қайтарган ҳолда, танкни отиб шикастлаган. 9 февралда Коббельбуда аҳоли пунктини (Бартенштайн шаҳридан 12 км шимоли-гарбда) эгаллаш учун кечган жангда душманинг 2 та пулемёт нуктасини ўйқ қилди ва бу билан ўқчилар батальонининг олға ҳаракатланишларига ёрдам берди.

1945 йил 19 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилгандан сўнг Андижон вилоятининг Марҳамат тумани Полвонтош посёлкасида яшаган. Нефть қудукларини таъмирлаш бўлимида меҳнат қилган.

1977 йил 26 октябрда вафот этган.



## АЛЕКСАНДР ТРОФИМОВИЧ НЕРОБОВ

1903 йил 23 октябрда Россиянинг Вологда вилояти Кадуиский туманинг Демшино қишлоғида туғилган.

1925–1930 йилларда армияда хизмат қилган. 1931 йилдан колхоз табелчиси, 1933 йилдан раис бўлган. 1941–1942 йилларда Самарқанд вилоятидаги яшаган. 1942 йил декабрда Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туман мудофаа ишлари бўлинмаси томонидан армияга чақирилган.

1944 йил 26 июлда Крекен (Литва) аҳоли пункти учун жангда душманнинг қарши хужумини қайтаришда у ярадор бўлган, лекин вазифани бажармасдан жанг майдонини тарк этмаган. 1944 йил 20 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 10 октябрда Нове Место (Литва) аҳоли пункти атрофидаги жангда у биринчи бўлиб душманнинг ўти очиш позициясига етиб келиб, граната билан пулемёт нуктасини ва 5 нафар гитлерчиларни қириб ташлаган. Батальон хужумга ўтган ва аҳоли пунктига ёриб кирган. 1944 йил 12 декабря 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 29 январда Несселбек аҳоли пункти (Пруссия шарқида) яқинидаги жангларда у жангчиларни орқасидан эргаштириб, биринчилардан бўлиб душман траншеяларига қириб борган, 10 нафардан ортиқ пиёда аскарларини автомат билан яксон қилган ва 1 та пулемётни қўлга киритган. 1945 йил 19 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил августда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1947–1961 йилларда дала ишлари бригадири сифатида меҳнат қилган. Сўнгги йилларда у Череповец (Россия) шаҳрида яшаган.

1992 йилда вафот этган.



## САИД НИЁЗОВ

1922 йил 22 ноябрда Қашқадарё вилояти Китоб тумани Матмон қишлоғида туғилған.

1941 йилнинг май ойида Китоб тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1942 йилнинг май ойидан Иккинчи жаҳон урушида қатнашган. Калинин фронтида 2-алоҳида мотоўқчи дивизияси 4-мотоўқчи полкида ўқчи бўлиб жанг қилган. 1942 йил 22 декабрь кунида Ржев жангига қатнашиб, жанг давомида Калинин вилояти Ржев тумани Знаменское қишлоғи олдида қорнидан ярадор бўлган. Оғир қонли жанглардаги чалкашликлар туфайли С.Ниёзов ҳалок бўлганлар рўйхатига киритилган ва оиласига у ҳалоқ бўлганлиги ҳакида хабар юборилган. Тез орада, 1942 йил 22 декабрдан 1943 йил 16 январгача даволанган ва фронтга қайтиб, урушни давом эттирган.

1943 йилнинг октябрь ойидан механизациялашган корпус таркибида Украина фронтида уруш олиб борган. Куйи Днепр хужум операциясида (1943 йил октябрь-декабрь) қатнашган. 1944 йилнинг бошида артиллерияга ўтказилиб, урушнинг охиригача 1-Белоруссия фронти 275-танкка қарши киравчи артиллерија полклининг орудия расчётида нишонга олувчининг ўринбосари, нишонга олувчиси бўлиб жанг қилган.

1944 йил 30 июляда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 18 августда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 31 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Ғалабани Берлинда қарши олган. 1945 йил декабрь ойида С.Ниёзов ҳарбий хизматдан бўшатилган. Қашқадарё вилояти Китоб тумани Ошкан қишлоғида яшаган. 1980 йилда нафақага чиққан.

2006 йил 1 май куни вафот этган. Ошкан қишлоғи қабристонида дағн этилган.



## БУЛТУР ОМОНОВ

1920 йил 20 июня Андижон вилояти Андижон туманининг Найман қишлоғида туғилган.

1941 йил июнидан уруш харакатларида қатнашган.

18-гаубица артиллериya бригадасининг 511-гаубица артиллериya полки (1-Белоруссия фронти 47-армияси 6-штурм артиллериya дивизияси) разведка-чиси Омонов Польшанинг Варшава шахридан шимолроқдаги Ремжелицизина аҳоли пунктида 1944 йил 10 октябрдаги жангда пиёда аскарларнинг сафларида бўлгани холда, душманнинг ўқ узиш воситалари жойлашуви ҳакида аниқ маълумотларни кўлга киритди.

1944 йил 13 ноябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди.

1945 йил 1 февралда Германиянинг Шнейдемюль шаҳри (ҳозирда Польшанинг Пила шаҳри) учун бўлиб ўтган жангларда сафдан чиққан тўп расчёти ўрнини босди ва жангчилар билан бирга 2 та пулемётни йўқ қилди, ўқ-дори омборини портлатди, душманнинг йигирмага яқин жангчисини ер тишлатди, 3 та ўқ отиши нуқтасини портлатди, тўрут маротаба қарши ҳужумни қайтарди.

1945 йил 7 майда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланди.

1946 йили захирага бўшатилди. 1989 йилдан Андижон вилоятидаги Бобоғози қишлоғида яшаган.



## ВЛАДИМИР МИХАЙЛОВИЧ ОРЕШНИКОВ

1924 йил 1 сентябрда Киргизистоннинг Ўш вилояти Ўзган тумани Куршаб қишлоғида туғилган.

Душанбе шаҳридаги рассомлик-педагогика билим юртининг 2- курсини тамомлаган.

Бухоро вилояти Сариосиё машина-техник станцияси ҳисобчиси бўлиб ишлаган. 1942 йилнинг август ойида Сариосиё тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1943 йилнинг февраль ойидан Иккинчи жаҳон уруши жангларида катнашган. 1944 йил 15 август куни Скайсткалне ахоли пункти (Латвиянинг Бауска шаҳридан 28 километр шарқда) олдидаги жангда катта сержант Орешников сафдан чиқсан нишонга олувчининг ўрнини босиб, аниқ ўқ билан 2 та ўт очиш нуқтасини, душманнинг 10 дан ортиқ аскарини йўқ килди. 1944 йил 5 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 25 ноябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган. 1944 йил 27 декабрь куни Яунземъи ахоли пункти (Латвиянинг Приекуле шаҳридан 49 километр шимоли-шарқда) олдидаги жангда катта сержант Орешников тўўп билан тўғри нишонга олиб, душманнинг 4 та ўт очиш нуқтаси ва бир гуруҳ аскарларини тор-мор қилган. Ярадор бўлганига қарамасдан расчётнинг харакатларини бошқаришни давом эттирган. 1945 йилда Орешников ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланиб, орденнинг тўлиқ соҳибига айланган.

Россиянинг Владивосток шаҳрида яшаган. “Спартак” бассейнида дурадгор бўлиб ишлаган.

2008 йил 18 январда Владивосток шаҳрида вафот этган.



## АБДУРАШИД ПАРПИЕВ



1914 йил 14 январда Қирғизистоннинг Ўш вилояти Шарқ қишлоғида, ҳозирги Қорасув туманида туғилган.

Үш тумани Молотов номидаги колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлаган.

1941 йилда армияга чақирилган. Тошкентга артиллерия билим юртига юборилган. Тайёргарликдан ўтиб, 1942 йил октябрда ҳарбий хизматга юборилган.

1944 йил 1 февраль куни Красное қишлоғи яқинида (Днепропетровск вилоятининг Никопол тумани) хужумкор жангда очик позициядан ўт очиб, душманнинг 3 ўт очиш нуқтасини ва пиёда кўшин бўлинмасидан кўпроғини йўқ қилган. 1944 йил 6 марта 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 18 июлда Матсеев темир йўл станцияси яқинида душман мудофаасини ёриб ўтиш пайтида (Волин вилояти Туриан тумани) душман тўпини аниқлаган ва бутун расчётни учта снаряд билан сафдан чиқарган. Душманни ўқ отиш билан таъқиб қилиб, иккита арава ва бир нечта гитлерчини йўқ қилган. 1944 йил 6 октября 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 16 апрелда Зелов (Германия) шаҳрининг жануби-шарқий баландлигига ҳужум пайтида Парпиевнинг расчёти 2 та дот, 3 та пулемёт нуқтасини йўқ қилган. Берлиндаги кўча жангларида у аниқ ўт очиб, сим тўсиқлардан йўл очиб, кўплаб гитлерчиларни қириб ташлаган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Урушдан кейин у Қорасув туманининг “Калинин” колхозида бош ҳисобчи, раис бўлиб ишлаган ва Қирғизистон Олий Кенгашига депутат бўлиб сайланган.

1974 йил 2 ноябрда вафот этган.



## ИГОРЬ ПЕТРОВИЧ ПЭН

1924 йил 18 январь куни Россиянинг Омск шаҳрида туғилган.

Бухоро шаҳрида яшаб, вино заводида ишлаган. 1942 йилда Бухоро шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. 1943 йилнинг ноябридан фронтда қатнашган.

Ўз ҳарбий хизматини пиёда аскарлар сафида бошлаб, Мелитополь, Кримни озод қилиш учун жангларда қатнашган.

1944 йил 21 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 16 январда Млава (Польша) ахоли пункти худудида душман мудофаасини ёриб ўтишда катта сержант Пэн экипаж таркибида “Пантера” танкини ва танкка қарши тўпни яксон қилган. Рота командирининг танки ёнаётганда оловни ўчириб, жанговар машинани сақлаб қолган.

1945 йил 14 февралда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

Сўнгги жанглардан бирида оғир ярадор бўлиб, шифокорлар унинг оёғини ампутация қилган. Ғалаба кунини госпиталда қаршилаган, госпиталларда деярли икки йил даволанган.

1945 йил 29 июнда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1947 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. Омск шаҳрига келган.

Тошкентдаги зилзила оқибатларини бартараф этишда Умумиттифоқ талабалар қурилиши отрядининг бош муҳандиси бўлган. Умрининг охирги йилларида Ростов-Дон шаҳрида яшаб, “Ростов-гражданпроект” бирлашмасида катта муҳандис бўлиб ишлаган.

1998 йил 5 сентябр куни вафот этган. Ростов-Дондаги “Шимолий” қабристонида дағн этилган.



## САНГИН ПОЧЕУМАРОВ



1924 йил 16 январь куни Тожикистоннинг Нов тумани Оқтепа қишлоғида туғилган.

1942 йилнинг август ойидан уруш қатнашчисига айланган.

1-Белоруссия фронти 2-отлик корпуси 4-отлик дивизияси 16-отлик полки миномётининг нишонга олувчиси гвардия оддий аскари Почекумаров 1944 йил 18 июль куни кўчма отлик гуруҳи таркибида Лосице ахоли пункти (Польша) яқинида душманнинг ортга чекинаётган механизациялашган колоннаси билан жангга киришган. Ушбу жангда миномёт ўти билан БТРни ёқиб юборган. Душманнинг ўзиорар қуролини ишдан чиқарган ва 10 нафардан ортиқ гитлерчиларни йўқ қилган. 1944 йил 16 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 21 январь куни кичик сержант Почекумаров Бидгош шахри учун жангда 10 нафардан ортиқ гитлерчилар, 2 та пулемёт нуқтасини йўқ қилган. 1945 йил 23 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 25 апрель куни Берлин шахри учун жангларда Почекумаров 10 нафардан ортиқ душман аскарларини асирга олган ва бино ичидаги беркингандаги снайперларни йўқ қилган. 1946 йил 15 май куни 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1947 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. Тошкент вилояти Бекобод тумани “Дзержинский” колхози қўрғонида яшаган. Ҳисобчи бўлиб ишлаган.

1973 йил 26 апрелда вафот этган.



## БАҲРОМ РАВШАНОВ

1922 йил 15 сентябрь куни Навоий вилояти Хатирчи туманининг Бакчакалон қишлоғида туғилган.

1940 йилнинг ноябрида Самарқанд шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Пиёда аскарлар сафида хизмат қилган, ҳарбий тайёргарлик аълочиси сифатида Харьков ҳарбий пиёдалар билим юртига ўқишига юборилган. 1941 йилнинг июнида билим юрти билан бирга Наманган шаҳрига кўчирилган. 1942 йилнинг ёзидагина сафарбар этилган рота билан бирга ўқишини тутатмай, амалдаги армияга жўнатилган.

1944 йил 2–3 февраль кунлари Лог аҳоли пункти (Ленинград вилояти) учун жангларда сержант Равшанов биринчи бўлиб уйга бостириб кириб, 9 та гитлерчини йўқ қилган. 1944 йил 19 февралда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 18 сентябрь куни Волди аҳоли пункти (Эстония) яқинида бўлиб ўтган жангда сержант Равшанов бўлинмани бошқариб, душман аскарларининг деярли бутун взводини йўқ қилган ва учтасини асирга олган. 1944 йил 2 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. Навоий шаҳрида яшаб, “Югпроммонтаж” трестида слесарь-монтажчи бўлиб ишлаган.

1988 йил 31 январь куни вафот этган.



## ТОЖИБОЙ РЕЖАПОВ



1924 йил 18 март куни Андижон вилояти Қўргонтепа тумани Хўжамшукур қишлоғида туғилган.

1942 йилнинг ноябридан армия сафида хизмат қилган. Пулемётчилар курсларини тамомлаб, 1943 йилнинг январь ойида фронтга жўнатилган. Сталинград, 3-Украина ва 1-Белоруссия фронтларида уруш олиб борган. Жанглардан бирида қизил аскар Режапов пулемётдан душманнинг паст учётган самолётини уриб туширган, бироқ ўзи ҳам оғир ярадор бўлган. Госпиталда даволаниб, 3-Украина фронти ичини ҳимоялаш бўйича НКВД қўшинлари 127-чегара полкининг 13-чизиқли заставаси таркибиға киритилган ва ўша ерда снайперлар мактабида ўқиган. 13-чизиқли застава снайпери Режапов 1944 йил 7 январдан 13 январгача бўлган вақт давомида 333-ўқчи дивизияси 1118-ўқчи полкида бир гурух снайперлар билан бирга ҳарбий стажировкада бўлган даврда душманнинг 16 та аскар ва офицерларини қириб ташлаган.

1944 йил 25 январда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1-Белоруссия фронти 17-отлик дивизияси чизигида чегара полки снайперлар гурухи таркибида ҳаракатланиб, Режапов Магнушев плацдармида 1944 йил сентябрдан октябргача бўлган даврда 24 та гитлерчи, шу жумладан, бир қанча снайперлар, йўналтирувчиларни йўқ қилган. 1945 йил 27 январда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Берлин учун жангларда Режапов 22 та душман аскари ва офицерларини, уруш давомида эса жами 102 та гитлерчини йўқ қилган. 1946 йил 15 майдага 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1949 йила ҳарбий хизматдан бўшатилган. Кукенчак шахри милициясида инспектор бўлиб ишлаган.

Нафақага чиққач, Андижон шаҳрида яшаган.



## АЛЕКСЕЙ СЕМЁНОВИЧ РЯБОШЛИК

1925 йили 20 февралда Воронеж вилоятининг (Россия) Россож шаҳрида туғилган.

7-синфни тамомлагандан сўнг Россож шаҳридаги темир йўл станциясида чилангар бўлиб ишлаган.

1943 йил 27 январдан уруш қатнашчиси бўлган. Харьков шаҳри яқинида бўлган жангда жароҳат олган. Тузалгандан сўнг жанговар ҳаракатларини 116-йўқчи дивизияси таркибида давом эттирган. Курск ёйида ва Украинани озодлиги учун бўлган жангларда қатнашган.

1944 йил 17 апрелда Карлигул аҳоли пунктидаги ҳужум жангига биринчилардан бўлиб душман эгаллаган жойга граната билан кириб борган ва 3 та пулемёт ўт очиш нуқтасини яксон қилган. 16 апрелдан 28 апрелгача Ясси шаҳри яқинидаги жангда 10 нафар душман аскарини ер тишлатган.

1944 йил 12 июнь куни 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 20 августда Зохорна аҳоли пунктидаги жангда ўзига қулай позицияни эгаллаган ва ўт очиб, душманинг ўнлаб тирик кучларини йўқ қилган ва ротанинг ҳужумига шароит яратиб берган.

1944 йил 27 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14 февралда Хейлекензе ўрмонида жойлашган қишлоқдаги жангда қарши ҳужумга ўтган душманга танк пулемётидан ўт очиб, чекинишга мажбур қилган ва пулемёт ўт очиш нуқтасини йўқ қилган.

1945 йил 10 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Уруш тугаганидан сўнг армияда хизматни давом эттирган ва 1947 йилда Тошкент пиёдалар ҳарбий билим юрти (кейинчалик Тошкент олий умумкўшин кўмондонлик билим юрти)ни тутатган. Кейинги йилларда офицер сифатида Туркистон ҳарбий округи тасарруфидаги ва собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳарбий кисмларида хизматни давом эттирган.

1959 йили армия сафидан бўшатилган. Россож шаҳрида яшаган. Электр станциясида оператор бўлиб фАОлият юритган.

1994 йил 6 март куни вафот этган.



## РАЙМО КОШАНОВИЧ САИПНАЗАРОВ



1923 йил 5 июнь куни Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида туғилған.

1940 йилнинг январида Хўжайли туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. 1942 йилнинг августидан Воронеж фронтида фашист босқинчиларга қарши жангларда қатнашган. Ҳарбий хизматни 206-ўқчи дивизияси 748-ўқчи полки миномёт расчёти командири сифатида бошлаган.

1944 йил 12 июлда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 4 августга ўтар кечаси Милевск аҳоли пункти (Польшанинг Белосток шаҳридан 25 км шимоли-ғарбда) яқинида душман қўшинлари орқасида қидирув давомида катта сержант Саипназаров қўлга олиш гуруҳи таркибида биринчи бўлиб душман хандакига кириб, автомат ўқи билан пулемёт расчётини йўқ қилган ва бир гитлерчини асирга олди. 1944 йил 14 сентябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14 февралда каҳрамонларча ҳалок бўлган. Грёнек хуторида дафн этилган, кейинчалик ҳарбий қабристонлардан бирига қайта кўмилган.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.



## ГАРАФУТДИН САЛАХУТДИНОВИЧ САЛАХУТДИНОВ

1920 йил 1 февралда ҳозирги Татаристоннинг (Россия) Алметевск туманидаги Тайсуган қишлоғида туғилган.

Армия сафларида 1942 йил март ойидан хизматни бошлаган. Фронтда 1942 йил апрелдан бошлаб қатнашган.

54-гвардия танклар бригадаси (7-гвардия танк корпуси, 3-гвардия танк армияси, 1-Украина фронти) зенит-пулемёт ротаси йўналтирувчиси Салахутдинов 1944 йил 20 августда Сандомир шахрининг (Польша) гарб томонида ҳаво ҳужуми пайтида “Юнкерс-87” бомбардимончисини нишонга олиб, уриб туширган. Рейд пайтида у ярадор бўлган, аммо тиббий ёрдам кўрсатилгандан кейин яна сафга қайтган ва душман самолётларининг ҳужумларини қайтарган ҳолда пулемётдан ўт очишни давом эттирган. 1944 йил 25 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 16 январда Цесточова (Польша) туманида бригаданинг жанговар тузилмаларига душман авиацияси ҳужум қилганда “Фокке-Вулф-190” русумли самолётни уриб туширган. Цесточова шахрига ўтиш жараёнида 10 га яқин гитлерчиларни зенит пулемётидан ўт очиб йўқ қилган. 1945 йил 1 февралда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 20 апрелда 54-гвардиячи танклар бригадаси Дрезден шахри (Германия) томон йўл олган. Тўсатдан ҳаракатланаётган бригаданинг танклар колоннасида душман авиацияси ёппасига ҳужум уюштирган. Зенит қуроллари фашист бомбардимончиларига қаратса ўт очган. 3 та самолёт уриб туширилган, аммо 1 та “Фокке-Вулф-190” колоннага етиб борган. Салахутдинов уни пулемётдан ўт очиб ёқиб юборган. 1945 йил 22 апрелда Уитшток (Дрезден шахрининг гарбий томони) аҳоли яшаш пунктини озод қилиш пайтида у 10 дан ортиқ душман пиёда аскарларини пулемётдан йўқ қилган ва расчёти билан бирга кўплаб душман аскарларини асир олган. 1945 йил 27 июнда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тадирланган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1947–1975 йилларда у “Ўзгариш” қишлоғида (Тошкент вилояти) яшаб, колхозда ишлаган.

1975 йил 19 декабрда вафот этган.



## МҮМИН ЗОКИРОВИЧ САЛОМОВ

1923 йил 10 январь Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Хондайлик қишлоғида туғилган.

1941 йилда Тошкент педагогика техникумини тамомлаган. 1942 йилнинг марта мадда Бўстонлиқ туман ҳарбий комиссариати орқали фронтга жўнаб кетган.

1943 йилнинг август ойи охирларида Брянск остонасида бўлиб ўтган жангларда учинчи марта ярадор бўлган. Тузалиб, 185-ўқчи дивизиясининг 280-ўқчи полкига киритилган ва пулемётчи бўлган. Урушнинг охиригача унинг таркибида хизмат қилган.

1944 йил 9–10 август кунлари хужум жангларида Парчев (Польша) шаҳрининг жанубида кичик сержант Саломов душманнинг 3 та ўқ отиш нуқтасини яксон қилган ва ўқчи бўлинмаларини олдинга ҳаракатини таъминлаган. 1944 йил 21 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 26 августда Грабе-Нове аҳоли пункти (Польшанинг Варшава шаҳридан шимоли-шарқда) учун жангда кичик сержант Саломов душманнинг 3 та ўқ отиш нуқтасини ва қарши хужумни қайтариш давомида 10 тагача гитлерчини йўқ қилган. 1 сентябрь куни иккита қарши хужумни қайтариш чоғида душманнинг 20 га яқин аскарларини тор-мор қилиб, эгалланган маррадан бир қадам ҳам ортга чекинмаган. 1944 йил 27 сентябрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 1 март куни Пиритц шаҳри (Польшанинг Пижице шаҳри) қўрғонига хужум давомида сержант Саломов девордаги тешик орқали душман жойлашган қалъага кириб бориб, у ерда пулемёт ўрнатиб, уйларга ўрнашиб олган душман томон ўт очган. Ўз ҳаракатлари билан бўлинмаси кириб боришини таъминлаган. 1945 йил 31 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1947 йилнинг март ойида ҳарбий хизматдан бўшатилган. Уйга қайтгач, қишлоғидаги мактабда бошлангич синфларга дарс берган. Бир вақтнинг ўзида Тошкент педагогика институтида ўқиган, бирор факат 4-курсгача тугаллаган.

1954 йилда Чирчик электрокимё комбинатига ишга кирган. 1974 йилнинг май ойида нафақага чиққан. Бўстонлиқ туманидаги Товоқсой қишлоғида яшаган.



## НИКОЛАЙ ИВАНОВИЧ СЕСНЕВ

1919 йилда Россиянинг Александровка қишлоғида, ҳозирги Пенза вилояти Наровчатский туманида туғилган.

У Приморск худудининг Сучан (Партизанск) шаҳрида яшаган.

1939 йилда армияга чакирилган. 1942 йил февраль ойидан бери фронтда, 109-алоҳида ўқчи бригадасида (Брянск фронти) хизмат қилган.

1944 йилнинг ёзида 210-гвардия ўқчи полкининг 71-гвардия ўқчи дивизиясининг станокли пулемёт бўлинмаси командири, 1- ва 2-Болтиқбўйи фронтида жанг қилган. У Белоруссия ва Болтиқбўйи давлатларини озод қилиш учун жангларда қатнашган.

1944 йил 23 июнда у ўз гурухи билан Сиротино темир йўл станцияси (Витебск вилоятидаги Шумилинский туман) яқинида душманнинг қочиш йўлларини тўсиб кўйган ва 20 нафаргача гитлерчини қириб ташлаган. 1944 йил 1 августда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 13 августда Анес-Мемеле (Латвия) аҳоли яшаш пункти яқинида душман хужумларини қайтаришда, қанотга пулемёт билан олдинга силжиш пайтида душман пиёдаларини танклардан ажратиб ташлаган ва 15 нафаргача гитлерчиларни йўқ қилган. 1944 йил 3 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 1 ноябрда Мутсениеки (Латвия) аҳоли яшаш пункти остонасида 10 дан ортиқ душманни пулемётдан яксон қилган. Хужум пайтида у пулемёт билан душманнинг қанотида олдинга ўтиб, 4 та ўт очиш нуқтасини йўқ қилган ва ўқчи бўлинмаларини харакатланишини таъминлаб берган. 1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1945–1979 йилларда Янгийўлда, кейин Тошкент вилоятининг Оҳангарон шаҳрида яшаган. Юк ташувчи бўлиб ишлаган.

1979 йил 17 декабрда вафот этди.



## АБДУХОЛ ТАНГМАТОВ



1922 йил 10 октябрь куни Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани Жом кишилөгіда туғилған.

1941 йилнинг декабрида Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған, 1942 йилнинг декабрь ойидан Йккинчи жағон уруши жангларида қатнашған. 1944 йил 22 июль куни пулемётчи А.Тангматов ўз расчёти таркибида харакатланиб, Львов вилояти Золочёв шахри олдидаги жангда ўқы ротаси харакатланишига ёрдам бериш чоғида душманинг күплаб тирик кучларини йўқ қилған.

1944 йил 4 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланған.

1945 йил 30 март куни Ратибот шахри (хозирги Польша, Рацибуж) учун жангда А.Тангматов пулемётдан аниқ ўқ билан душманинг 15 дан зиёд, шу жумладан, 2 фаустпатрон билан қуролланған аскарларини йўқ қилған.

1945 йил 4 майда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланған.

1945 йил 31 марта Ратибор шахрида бўлиб ўтган кўча жангларида А.Тангматов душманинг ўқ отиш нуктасини бостириб, бир нечта автоматчиларни йўқ қилған.

1945 йил 27 майда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан иккинчи бор тақдирланған.

1945 йил 27 марта 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени 1-даражалисига ўзгартирилған.

1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилгандан сўнг А.Тангматов ўз она юритига қайтиб, курилиш ташкилотларида фаолият юритган.



## НЕСТЕР МАКСИМОВИЧ ТВЕРДОХЛЕБ

1911 йил 23 февралда Қозогистоннинг Кустанай вилояти Фёдоров туманида туғилган.

1942 йилнинг февралида Тошкент вилояти Қуий Чирчик тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган. 1942 йил май ойидан босқинчиларга қарши жангларда қатнашган, Брянск, 1- ва 3-Белоруссия фронтларида жанг олиб борган.

1944 йил 28 февраль куни Могилёв вилояти (Белоруссия) Биховский тумани Селец қишлоғида оддий аскар Твердохлеб душманнинг 37 та минасини заарасизлантирган. 1944 йил 10 март куни 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 4 июнда 2-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланган.


1944 йил 28 июнь куни Затишие (Могилёв вилояти) яқинида Днепр дарёсидан кечиши чоғида 1289-ўкчи полкининг ўтишини таъминлаган. Ҳужум давомида 26 июндан 20 июля кадар душманнинг 275 минасини тозалаган ва хавфсизлантирган.

Красний Богатиръ ахоли пункти яқинидаги жангда шахсан 17 гитлерчини ўйқ қылган ва түрттасини асирга олган. 1944 йил 19 августдан 7 сентябрға кадар Польша ҳудудидаги ҳужумкор жанглар давомида доим ҳужумчи бўлинмаларнинг олди қаторида ҳаракатланиб, 200 дан ортиқ миналарни ечган ва 4 симли тўсиқларни портлатиб юборган. 8 сентябрь куни душманни ўти остида Рузъ дарёсини кўприк қуриш учун миналардан тозалаган, 10 та гитлерчига қарши жангга кириб, ўз бўлинмаси етиб келгунинга кадар бардош берган. Урушнинг яқуний босқичида Шарқий Пруссия операциясида, Кенигсберг (Калининград) шаҳрига ҳужумда қатнашган. Ушбу жангларда кичик сержант Твердохлеб сапёрлар бўлинмасига командирлик қылган.

1945 йил 29 июнда 1-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг ноябрида ҳарбий хизматдан бўшатилгач, Солдатский қўрғонида (хозирги Тошкент вилояти Қуий Чирчик тумани Дўстобод шаҳри) яшаган. Тракторчи бўлиб ишлаган.

1981 йил 25 сентябрь куни вафот этган.



## ИВАН ФЁДОРОВИЧ ТИТОВ

1922 йили Россиянинг Москва вилояти Солнечногорск тумани Коськово қишлоғида туғилган.

1943 йилнинг марта Тошкент шаҳар Киров тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

Ўша йилнинг апрель ойидан Воронеж (1943 йил 14 апрель – 27 июль), Калинин (1943 йил 10 август – 20 октябрь), 1- ва 2-Болтиқбўйи фронтларида фашист босқинчиларга қарши жангларда қатнашган. 1944 йилнинг январь ойига келиб, 270-ўқчи дивизияси таркибида аввал дивизия разведкасида, кейин эса 977-ўқчи полкида жанг олиб борган. Бутун ҳарбий йўлини мазкур полк таркибида босиб ўтган.

1944 йил 10 июлда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 12–18 июль кунлари Дрисса шаҳри (ҳозирги Витебск вилояти Верхнедвинск шаҳри) олдидағи Ғарбий Двина дарёси кўприги учун жангда кичик сержант Титов ўз бўлинмаси билан душманнинг хандақига бостириб кирган ва автоматдан 7 та гитлерчини отиб ташлаган.

1944 йил 15 сентябрда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 19 марта бўлиб ўтган жангда душман қарши ҳужумини қайташиш чоғида 18 та гитлерчини йўқ қилган. Душман саросимага тушиб қолганини кўриб, ўз взводини ҳужумга кўтарган, лекин ўқ нишонига тутилган. Жанг майдонида дағн этилган, кейинчалик Приекуле шахридаги (Латвия, Приекуль ўлкаси) “8-Биродарлик” қабристонида қайта дағн этилган.

1945 йил 24 марта 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.



## АЛЕКСАНДР ИЛЛАРИОНОВИЧ ТКАЧЁВ

1907 йил 19 август куни Россиянинг Оренбург вилояти Новотроицкая қишлоғида туғилган. Болалар уйида вояга етган.

1929–1932 йилларда муддатли ҳарбий хизматни ўтаган. Кейин республикамизда яшаб, ишлаган. 1938 йилда Тошкент шаҳрида бош ҳисобчилар курсини тамомлаган. Сурхондарё вилоятидаги Термиз шаҳри дарё портида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган.

1944 йил февраль ойида Нижнетагиль райони томонидан армияга чақирилди. 1944 йилнинг ёзида 368-алоҳида армия жарималангандар ротаси таркибида аввал капитенарнус котиби, кейин эса бўлинма командири сифатида жанг қилди. Жарималангандар ротасида уруш охиригача бўлди.

1944 йил 15 сентябрь куни сержант Ткачёв 10 кишидан иборат гурух таркибида Украина аҳоли пункти (Польша, Свентокши воеводалигидан 4 км жануби-шарқда) яқинида жанг билан разведкада иштирок этди.

1944 йил 19 октябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 7 июнда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг октябрида Ткачёв армия сафидан бўшатилиб, Ўзбекистонга қайтган.

Сурхондарё вилояти Денов шаҳрида яшаган. “Сельхозхимия” туман бирлашмаси қишлоқ хўжалик ўсимликларини ҳимоя қилиш бўлимида бош ҳисобчи бўлиб ишлаган.

1976 йил 10 март куни вафот этган.



## АНАТОЛИЙ АКИМОВИЧ ТКАЧЕНКО



1924 йил 24 майда Каменоватка қишлоғида, хозирги Кировоград вилояты (Украина) Златопольский туманида туғилған.

1943 йил мартда у армияга чақирилған. Ўша йилнинг август ойидан бошлаб, 1379-ўқчи полкининг 87-ўқчи дивизияси йўналтирувчиси, кейин 76 мм ли тўп командири сифатида фронтда хизмат қилған. 4-Украина ва 1-Болтикбўйи фронтларида жанг қилған.

1944 йил 16 апрелда Севастополь шаҳри четидаги жангларда тўғридан-тўғри ўт очиб, 2 та дзотни йўқ қилған, хужум тўпини яксон қилған, 10 дан ортиқ гитлерчиларни ўлдирган. 1944 йил апрель-май ойларида Перекоп туманида душман мудофаасини ёриб ўтиш жангидаги Севастополни озод қилишда ўт очиб, душманга жиддий талафот етказган, пиёда аскарларимизнинг эгаллаган мэррани мустаҳкамлашини ва олдинга силжишини таъминлаб берган. Фақатгина 16 апрель куни Севастополь остонасидаги Белбек туманидаги жангда душманинг 2 та пулемётни йўқ қилған, 2 та дзотни вайрон қилған, 20 нафарча душман аскарини қириб ташлаган. 1944 йил 13 майда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

Биринчи Болтикбўйи фронтининг 51-армияси таркибида Латвия ва Литвани озод қилишда, Оурланд ярим оролида бир гурӯх фашист қўшинларни йўқ қилинишида қатнашган. 1944 йил 16–20 августда Круопиаи (Литва) аҳоли яшаш пунктидаги бўлиб ўтган жангларда у 15 тача гитлерчини ўлдирган, 3 та пулемёт пунктини яксон қилған ва 2 та зирҳли транспортёри ёқиб юборган. У ярадор бўлған, аммо тез орада бўлинмага қайтиб келган. 1944 йил 23 августда тақроран 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 23–26 январь кунлари Рунги-Озолграикши (Латвия) аҳоли яшаш пункти атрофидаги жангларда у расчётни бошқариб, 2 истехкомни яксон этган, пулемётни ва 10 тача гитлерчини йўқ қилған. 1945 йил 10 февралда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда армия сафидан бўшатилған. 1949 йилда Малинский ўрмон хўжалиги техникумини (Житомир вилояти) тамомлаган.

1969 йил 22 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1954–1975 йилларда Тошкентда яшаган. Коммунал хўжалик вазирлигига ишлаган. 1975 йил 22 апрелда Тошкентда вафот этган.



## АЛЕКСЕЙ ПАВЛОВИЧ ТОКАРЕВ

1919 йил 16 марта Россиянинг Саратов вилояти Красавский туманидаги Снежковка қишлоғида туғилган.

Кейинчалик Учқўрғон туманидаги 9-пахта заводида ҳайдовчи бўлиб меҳнат қилган. 1941 йилда Учқўрғон тумани ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган. Ўша йилнинг ноябридан фронтда бўлган.

1944 йилнинг баҳорига келиб, сержант Токарев 128-Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси 99-махсус зенит-артиллерия дивизияси 37 мм ли зенит қуороли расчётига командирлик қилган.

1944 йил 16 майда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил сентябрь охиrlарида 128-Туркистон тоғ-ўқчи дивизияси кескин жанглар қилиб, Карпат тизмасининг сув айригичига етиб кела бошлаган. Айрим чўққилар бир неча бор қўлдан-қўлга ўтган. 1944 йил 14 декабря 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1-даражали “Слава” (“Шухрат”) орденига сержант Токарев 1945 йилнинг апрелида Чехословакияни озод қилишдаги жангларда кўрсатган жасорати учун тавсия этилган. Душманнинг қарши хужумини қайтариш чоғида оғир ярадор бўлган. Ушбу жангда у 20 та гитлерчини йўқ қилган. Ғалаба кунини госпиталда қарши олган. Соғайиб, ғалаба қозонилган йили ҳарбий хизматдан бўшатилган.

1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган. 1947 йилда Москва шаҳрига кўчиб ўтган.

1977 йил 20 январда вафот этган. Москвадаги “Хованский” марказий қабристонида дағн этилган.



## РИФКАТ ГАЛИМЗЯНОВИЧ ТҮҚАЕВ

1923 йил 10 октябрь куни Башкирдистон Республикаси (Россия) Балтачев тумани Нижний Кариш қышлоғыда туғилған.

1929 йилдан Андижонда яшаган, Бухоро ўқитувчилар институтида таҳсил олған.

Сурхондарё вилояты Денов туманинде 13-тұлғасыз ўрта мактабда рус тилидан дарс берған. 1942 йилнинг июнида Денов тумани ҳарбий комиссариати томонидан хизматта чақырған ва ҳарбий билим юртига жүнатылған.

1943 йилнинг февралыгача Москва пиёда-пулемётчилар билим юртида ўқыған, фронтта сержант унвонида юборилған. Ҳаракатдагы армияда 1943 йилнинг февралыдан жаңгларда қатнаша бошлаган.

1944 йил 18 марта 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

1944 йил 22 августа 2-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

1944 йилнинг октябридә дивизия Рига операциясыда, кейин эса Курляндия ярим оролида душманнинг гурухланишини қамал қилишда қатнашған. 1944 йил 5 декабря 2-даржали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақроран тақдирланған.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилғандан сўнг ўқитувчи касбида меҳнат қилған.

Андижон шаҳрида яшаган. 1995 йил 19 июнь куни вафот этган.



## АЛКАР ДЖАНГЕЛОВИЧ УНГАРОВ

1922 йил Тошкент вилояти Қуи Чирчик туманидаги Хўжақўрғон қишлоғида туғилган.

1941 йил июнда туман ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чакирилган.

1941 йилдан фронтдаги жанговар ҳаракатларда қатнаша бошлаган. Бир жангда катта сержант Унгаров командирлигидаги ўқчи взводи жангчилари ўнга яқин гитлерчини йўқ қилган ва ўн еттитасини асирга олган. 1944 йил 24 августда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

67-ўқчи полки ўқчи взводи (3-Белоруссия фронти 28-армия 20-ўқчи дивизияси) командирининг ёрдамчиси катта сержант А.Унгаров 1945 йил 20 январь куни Шарқий Пруссияда Гумбиннен шахри (ҳозирги Калининград вилояти Гусев шахри) яқинида жангнинг масъулиятли пайтида яна взводга бошчилик қилиб, жангчиларни хужумга чорлаган. Ушбу жанг давомида А.Д.Унгаров шахсан ўндан ортиқ гитлерчиларни йўқ қилган. Жасоратли кичик командир ярадор бўлганига қармасдан, сафда қолиб, взводни бошқариши давом эттирган. 1945 йил 2 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

67-ўқчи полки ўқчи ротасининг партия ташкилотчиси катта сержант А.Унгаров Августавелде аҳоли пункти (ҳозир Вельгово, Польша) яқинидаги жангда ўқчи взводи жангчилари билан биргаликда душманга жиддий заар етказган: ўнга яқин гитлерчи йўқ қилинган, ўн учтаси асирга олинган, ўт очиш нуқтаси яксон қилинган. 1945 йил 17 июнда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

А.Унгаров 1945 йил 26 апрель куни Берлин шаҳридан жануби-ғарбда бўлиб ўтган жангда ҳалок бўлган.

Берлиннинг жануби-ғарбий чеккасидаги “Целендроф” станцияси яқинида дафн этилган. Сўнг Берлиннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган “Трептов” боғида қайта дафн этилган.



## ТЛЕУМУРАТ УТЕМУРАТОВ

1925 йилда Қоракалпогистон Республикаси Тахтакўпир туманидаги Тахтакўпир овулида туғилған.

1943 йилнинг марта Тахтакўпир туман ҳарбий комисариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилған. Ўз ҳарбий йўлини Фарбий фронтда бошлаган, ўша йилнинг декабрь ойида оғир ярадор бўлған. Фронтга уч ойдан сўнг қайтган. 1944 йилнинг ёзига келиб, аскар Утемуратов 97-ўқчи дивизияси 136-ўқчи полкининг сапёри бўлиб жанг қилған. Белоруссия худудидаги хужумкор жангларда ўзини кўрсатган. 1944 йил 22 июнь куни Суходровка дарёсини (Витебск вилояти, Белоруссия) жанг билан ўтишда аскар Утемуратов тирик кучлар ва артиллерияни эгалланган плацдармга тезкор равишда кўчириш учун хужумкор ва транспорт кўприклиари курилишида иштирок этган.

1945 йил 26 февралда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 16 март куни Прауссен ахоли пункти яқинида катта сержант Утемуратов биринчи бўлиб автотрассадаги уйга бостириб кириб, автомат ўқи ва гранаталар билан 10 нафар гитлерчини йўқ қилған ва 2 нафарини асирга олган.

1945 йил 26 апрелда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1950 йилда катта сержант Утемуратов захирага бўшатилған ва юртига қайтган. “Москва” колхозида ишлаган.

1982 йил 22 январда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

2005 йил 16 октябрь куни вафот этган.



## МИХАИЛ ВАСИЛЬЕВИЧ УТКИН

1923 йил 14 марта Россиянинг Костити қишлоғида, хозирги Самара вилояти Сизрань шаҳри Октябрь туманида туғилган.

Фронтда 1942 йил ноябрдан бошлаб қатнашган. У дастлаб Сталинград яқинидаги жангда қатнашган ва яраланган.

1943 йил 3–6 июлда Приволже хуторида (Краснодар ўлкаси) бўлган жангларда душманнинг 7 аскар ва 2 снайперини йўқ қилган. Жануби-Гарбий, 4- ва 1-Украина фронтларида бўлган жангларда у кўп маротаба жонбозлик кўрсатган.

243-ўқчи дивизиянинг 303-танкка қарши қирувчи дивизиони таркибида 1943 йил 27 августдан 1944 йил 2 январгача ҳаммаси бўлиб душманнинг 29 аскарини ер тишлатган. 1944 йил 22 январда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 30–31 январь кунлари Никополь шаҳри яқинидаги хужум жангларида 4 нафар гитлерчи автоматдан йўқ қилинган. 25 майдан 15 июнгача мудофаада бўлганида душманнинг 13 аскари ва офицерини снайпер милтифи билан ўлдирган. 1944 йил 25 октябрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 12–19 январь кунлари Польша ҳудудидаги жангларда оддий аскар Уткин 253-ўқчи дивизиянинг 963-ўқчи полки таркибида биринчилар қаторида сафдошларини олдинга бошлиди. Кўкрагидан жароҳатланганига қарамай, у олдинга харакатни ва ўт очишини давом этган. 5 нафар гитлерчини йўқ қилиб, 3 кишини асир олган. Бу жасорати учун у 1945 йил 10 апрелда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

Михаил Васильевич Уткин 1946 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1946 йилдан 1991 йилгacha Тошкент шаҳрида яшаган. “Тоштекстилмаш” уюшмасида чилангар бўлиб ишлаган.

1991 йил 10 майда вафот этган. Тошкент шаҳридаги “Биродарлик қабристони”га дафн этилган.



## ЖОЛДАСБАЙ ХАЛИМБЕТОВ



1924 йил 9 августда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманиндағи Бахитли құрғонидә туғилған.

1942 йилда Чимбой туман ҳарбий комиссариаты томонидан ҳарбий хизматта чақырилған.

1943 йилнинг июнидан фронтда босқинчиларга қарши жангларда қатнашған. 1944 йил 2 марта 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

Белоруссия операциясида дивизия 1-Белоруссия фронти қүшинлари таркибида Бобруйскдан шимоли-шарққа душманнинг чуқур эшелонлашған мудофаасини ёриб үтишда, шаҳар яқинида унинг катта гурухини құршаб олишда ва Волковиск, Новогрудок йұналишида ҳужумни кучайтиришда қатнашған. 1944 йил 24 июнь куни Гвардейское қишлоғи (Гомель вилояти Рогачёв тумани) яқинида душман мудофаасини ёриб үтиш өткіза кичик сержант Халимбетов бириңчилардан бўлиб душман хандақига бостириб кириб, 45 та гитлерчини йўқ қилған. 1944 йил 22 августда 2-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

1945 йил 27 марта Гдиня шаҳри (Польша) учун жангларда кичик сержант Халимбетов бириңчи бўлиб ҳужумга отланди. Бўлинма билан шаҳарга бостириб, 2 та уйни душманлардан тозалаб, 12 та фашист аскарларини йўқ қилған. 1945 йил 14 апрелда 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

1945 йилда катта сержант Халимбетов ҳарбий хизматдан бўшатилған.

1983 йил 13 апрелда 1945 йил 14 апрелда берилған 3-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени бекор қилиниб, 1-даражали “Слава” (“Шұхрат”) ордени билан тақдирланған.

Нукус туманинда яшаган.



## НУЙМОНЖОН САДУЛЛАЕВИЧ ШАРИПОВ



1925 йил 4 апрель куни Бухоро шаҳрида туғилган.

1943 йилнинг марта Бухоро шаҳар ҳарбий комиссариати томонидан ҳарбий хизматга чақирилган.

1944 йилдан ҳаракатдаги армияда хизмат қилган. Биринчи жангни Ленинград фронтида Пулково остонасида ўтказган. 1944 йил 20 июнда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йилнинг кузида дивизия Эстонияни озод қилишдаги жангларда, сўнг Тарту ҳужум операциясида қатнашган. Кейин 2-Белоруссия фронтига юборирилган. 1945 йилнинг январида 2-зарбор армияси таркибида Млав-Эльбинг операциясида қатнашган.

1945 йил 15 январь куни Пайево-Швелице аҳоли пунктлари учун жангларда (Польша, Щеханув шаҳридан жануби-шарқда) сержант Шарипов пулемёт ўтидан душманнинг станокли пулемётини ва 15 та гитлерчини йўқ қилган. 16 январь куни Конажево-Скуже қишлоғи учун жангда 2 та станокли пулемёт ва 20 душман аскарларини тор-мор қилган. 1945 йил 7 февралда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

17 февраль куни ўша жойда душманнинг қарши ҳужумини қайтаришда 15 дан зиёд гитлерчини ўлдириб, учта пулемёт ўтини ўчирган. 1945 йил 29 июнда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг октябрида ҳарбий хизматдан бўшатилган. Туғилиб ўсган шаҳрига қайтган.

1974 йилда Бухоро кооператив техникумни тамомлаган. Гўшт комбинатида ишлаган.

1986 йил 23 марта вафот этган. Бухоро шаҳридаги “Хожатбарор” қабристонида дағн этилган.



## ЙҮЛДОШ ЭРГАШЕВ

1925 йил 5 сентябрда Андижон вилояти Олтинкўл тумани Сафаробод қишлоғида туғилган.

1943 йил февраль ойидан бошлаб жанговар уруш харакатларида қатнаша бошлиған. 327-тоғ-ўқчи полки ўқчи ротаси (Алоҳида Приморье армияси, 128-тоғ-ўқчи дивизияси) ўқчиси Йўлдош Эргашев 1944 йил 12 апрелда Алушта шахри (Крим) остонасида бўлиб ўтган жангда биринчи бўлиб душманнинг хандакларига етиб бориб, пулемёт расчёtlарига гранаталар улоқтириб, еттига душман аскарларини йўқ қилган. 1944 йил 6 июнда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1944 йил 14 декабрда 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилнинг май ойида Оломоуц шахри (Чехословакия) учун жангда 4-Украина фронти 60-армия 128-тоғ-ўқчи дивизияси 327-тоғ-ўқчи полки бўлинмасининг командири сержант Эргашев 8 нафар гитлерчини йўқ қилиб, биттасини асирга олган. 1945 йил 24 августда иккинчи бор 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан мукофотланган.

1971 йил 24 декабря 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йилда ҳарбий хизматдан бўшатилиб, Ватанига қайтган. 1961 йилда Фарғона давлат педагогика институтини тамомлаган. Сафаробод қишлоғида кўп йил мактабда фаолият юритган.



## НАСИМ ҲАСАНОВ

1924 йил 9 апрелда Самарқанд вилояти Ургут туманидаги Ўзбек қишлоғида туғилган.

Душанбе шаҳрида, Нурек қишлоғида, Ваҳдат шаҳрида яшаган. Ошпаз бўлиб ишлаган.

1942 йил август ойидан армияга чақирилган. Ҳаракатдаги армияда 1942 йилнинг октябрдан хизмат қилган. Сталинград, Жануби-Фарбий (1943 йил 20 октябрдан – 3-Украина) ва 1-Белоруссия фронтларида жанг олиб борган. Сталинград жангига, Барвенково-Лозовский хужум операцияси, Днепр учун жанг, Никополь-Криворож, Березнеговато-Снигирев, Одесса, Люблин-Брест, Варшава-Познань ва Берлин хужум операцияларида қатнашган.

1945 йил 10 апрелда 3-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

Душманнинг қарши хужумларини қайтариб, кўмак келишига қадар эгалланган плацдармни ушлаб турган. 1945 йил 7 июнда 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 29 апрелда Н.Ҳасанов разведкачилар гурӯҳи таркибида Берлин шаҳри чегарасидаги Темпельхоф богини оралаб чиқиш бўйича топширикни бажараётганда душманнинг пиёда аскарлари гурӯҳи билан тўқнашиб қолиб, разведкачилар жанг бошлаб, Н.Ҳасанов автомат ўти билан иккита фашист аскарини отиб ташлаган. Тирик қолган гитлерчиларни асир туширган. 1945 йил 11 июнда иккинчи бор 2-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

Тожикистоннинг Ваҳдат тумани Чиртоқ қишлоғида яшаб, колхозда ишлаган.

1976 йил 4 майда 1-даражали “Слава” (“Шуҳрат”) ордени билан тақдирланган.

1977 йил 9 апрель куни вафот этган.



## ХУРМАТ ҲАМЗЕЕВИЧ ҲУСАИНОВ

1920 йил 10 мартда Башкирдистоннинг (Россия) Куургазин туманидаги Ялчикаево қишлоғида туғилган.

Армия сафига 1940 йил 23 октябридә чақирилган. Ўқув батальонига юборилган. Ўқиши тамомлагандан сүнг у пулемётчи бўлиб хизмат килган.

1942 йил октябрдан бери давом этган урушларда 300-ўқчи дивизиясининг 53-ўқчи полки бўлинма командири бўлиб Сталинград остонасидаги жангларда қатнашган. Таганрог шаҳри яқинидаги жангларда яраланган. У фронтга қайтиб, Донецк, Макеевка, Мелитополь шаҳарларини озод қилиш учун курашган. Жанг билан Перекопни ортда қолдирган, Сивашни кечиб ўтган. 1-Белоруссия фронти таркибида Польшанинг Варшава, Люблин, Познань шаҳарларини озод қилишда қатнашган. Берлинни ишғол қилган.

435-танкка қарши қиравчи артиллерия полкининг тўп командири (8-алоҳида танкка қарши артиллерия бригадаси, 69-армия, 1-Белоруссия фронти) катта сержант Ҳ.Хусайнов 1944 йил 20 августда Висланинг чап қирғоғидаги плацдармни кенгайтириш жангларида душман тўпини яксон қилди, пулемёт овозини ўчирди ва бўлинмаларимизнинг дарёдан муваффакиятли ўтишини таъминлади. Бу жасорати учун 1944 йил 22 сентябрда 3-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 14 январда Пулави шаҳри (Польша) яқинидаги Лавеко Нове аҳоли яшаш пунктида душман кузатув пункти ва 10 дан ортиқ фашист аскарлари ни йўқ қилди. Польшанинг Познань шаҳри остонасидаги жангларда миномёт оловини ўчирган. 1945 йил 8 марта 2-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1945 йил 17 апрелда Лебус шаҳри гарбий чеккасидаги жангларда у душманнинг танкка қарши тўпи, 2 та пулемёт ва 10 та гитлерчини яксон қилган. 1946 йил 15 майда 1-даражали “Слава” (“Шухрат”) ордени билан тақдирланган.

1946 йил июнь ойида ҳарбий хизматдан бўшатилган. 1948–53-йилларда Тоҷикистонда, 1953 йилдан Самарқандда яшаган. Ҳ.Хусайнов пенсияга чиққунга қадар, яъни 1980 йилгача 3-сонли Самарқанд автомобилларни таъмирлаш заводида механик бўлиб ишлаган.

2002 йил 10 марта вафот этган.



## МУНДАРИЖА

Халқимизнинг буюк матонати ..... 3

### ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ГЕНЕРАЛЛАРИ

Собир Умарович РАХИМОВ .....	6
Алексей Иванович БАКСОВ .....	7
Иван Иванович БАТЛЯЕВ .....	8
Григорий Андреевич БЕЛОВ .....	9
Ибрагим Паскаевич БИЖАНОВ .....	10
Александр Константинович БОГОРОДЕЦКИЙ .....	11
Никита Григорьевич БРИЛЕВ .....	12
Александр Александрович ВАШКЕВИЧ .....	13
Юрий Всеволодович ВОТИНЦЕВ .....	14
Махмут Ахметович ГАРЕЕВ .....	15
Никита Степанович ДЕМИН .....	16
Дмитрий Феоктистович ДРЁМИН .....	17
Сергей Владимирович ЗАВАЦКИЙ .....	18
Владимир Николаевич ИВАНОВ .....	19
Станислав Антонович ИВАНОВСКИЙ .....	20
Виктор Павлович КАНАРЁВ .....	21
Карим Каримович КАРИМОВ .....	22
Георгий Спиридонович КАРИОФИЛЛИ .....	23
Дмитрий Степанович КОВЕШНИКОВ .....	24
Георгий Никитович КОВТУНОВ .....	25
Николай Михайлович КОЗЛОВ .....	26
Геннадий Львович КОСТИН .....	27
Анатолий Андреевич КРАСНОВ .....	28
Иван Андреевич КУЛИЧЕВ .....	29
Павел Семёнович КУРБАТКИН .....	30
Иван Фёдорович КУЦ .....	31
Василий Александрович ЛЕБЕДЕВ .....	32
Александр Александрович ЛУЧИНСКИЙ .....	33
Николай Григорьевич ЛЯШЧЕНКО .....	34
Файзулла Хўжаевич НОРХЎЖАЕВ .....	35
Шоҳ Муродович ОЛИМХОНОВ .....	36
Собир Собирович ОХУНЖОНОВ .....	37
Аркадий Тимофеевич ПАВЛУШКО .....	38
Иван Ефимович ПЕТРОВ .....	39
Виктор Генрихович ПОЗНЯК .....	40
Михаил Григорьевич САПОЖНИКОВ .....	41
Бурхон Ҳасанович СИРОЖДИНОВ .....	42
Василий Иванович СИРОТИНКИН .....	43
Михаил Александрович СИЯЗОВ .....	44
Сергей Георгиевич ТРОФИМЕНКО .....	45

Сагит Хайбрахманович УЛЯМАЕВ .....	46
Муллажон Каримович УЗОҚОВ .....	47
Валентин Илларионович ФАДЕЕВ .....	48
Аҳмаджон Муҳамаджонович ХОЖИБОЕВ .....	49
Павел Фёдорович ЧУПИКОВ .....	50
Пётр Дмитриевич ЧУРКИН .....	51
Павел Фёдорович ШЕВЕЛЁВ .....	52
Афанасий Дмитриевич ШЕМЕНКОВ .....	53
Махмуд Тожикулович ҚОСИМОВ .....	54

**ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ  
“СОВЕТ ИТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ” УНВОНИ СОҲИБЛАРИ**


Ахсарбек Магометович АБАЕВ .....	56
Рамиль Хайрулаевич АБДРШИН .....	57
Самиғ Файзуллович АБДУЛЛАЕВ .....	58
Ўринбой АБДУЛЛАЕВ .....	59
Мансур Идиатович АБДУЛЛИН .....	60
Узеир Абдураманович АБДУРАМАНОВ .....	61
Рем Абзолович АБЗАЛОВ .....	62
Солихон АДАШЕВ .....	63
Рўзи Азимович АЗИМОВ .....	64
Армен Теванович АЙРИЕВ .....	65
Фёдор Филиппович АКИМОВ .....	66
Михаил Павлович АКИМОВ .....	67
Абилай АЛИМБЕТОВ .....	68
Вениамин Валеевич АЛЬБЕТКОВ .....	69
Халлак (Халлок) АМИНОВ .....	70
Пётр Алексеевич АРЕФЬЕВ .....	71
Гурген Мирзоевич АРЗУМАНОВ .....	72
Михаил Агателович АРУТЮНОВ .....	73
Касим Шабанович АХМИРОВ .....	74
Турғун АҲМЕДОВ .....	75
Тўхтасин АҲМЕДОВ .....	76
Леонид Георгиевич БАБУШКИН .....	77
Махаш БАЛМАГАМБЕТОВ .....	78
Афанасий Семёнович БАРАБАШ .....	79
Николай Андреевич БАРАНОВ .....	80
Василий Тимофеевич БЕЛОВ .....	81
Иван Дементьевич БЕЛЯКОВ .....	82
Дмитрий Васильевич БЕРНАЦКИЙ .....	83
Кондратий Васильевич БИЛЮТИН .....	84
Ботир Давронович БОБОЕВ .....	85
Тожиали Бобоевич БОБОЕВ .....	86
Тўхтасин Бобоевич БОБОЕВ .....	87
Анатолий Сергеевич БОГДАНОВ .....	88
Юрий Михайлович БИКОВ .....	89
Виктор Иванович БИКОВСКИЙ .....	90
Михаил Алексеевич БУЛАТОВ .....	91
Исаак Фёдорович ВАКСМАН .....	92
Агзам Зиганшевич ВАЛЕЕВ .....	93
Дмитрий Павлович ВАСИЛЬЕВ .....	94

Григорий Иванович ВАХОНИН .....	95
Вольфас Лейбович ВИЛЕНСКИС .....	96
Ефим Андреевич ВОИНШИН .....	97
Александр Иванович ВОЛКОВ .....	98
Николай Фёдорович ВОЛКОВ .....	99
Семён Григорьевич ГЕЛЬФЕРГ .....	100
Иван Андреевич ГНИЛОМЁДОВ .....	101
Алексей Александрович ГОЛУБЕНКО .....	102
Никита Артёмович ГРЕЧИХИН .....	103
Дмитрий Фёдорович ГРЕЧУШКИН .....	104
Иван Алексеевич ГРИГОРОВ .....	105
Иван Устинович ГРИНЬКО .....	106
Григорий Максимович ГУБАРЬКОВ .....	107
Юрий Иванович ГУЛИН .....	108
Василий Васильевич ГУСЕВ .....	109
Абдусалим ДЕҲҚОНБОЕВ .....	110
Иван Андреевич ДОБРИКОВ .....	111
Юрий Моисеевич ДОЛЖАНСКИЙ .....	112
Игорь Павлович ДОЛЖЕНКОВ .....	113
Алексей Семёнович ЕГОРОВ .....	114
Василий Борисович ЕМЕЛЬЯНЕНКО .....	115
Григорий Романович ЕФИМЕНКО .....	116
Василий Васильевич ЕФРЕМОВ .....	117
Гуломжон ЁҚУБОВ .....	118
Қосим Бешимович ЁҚУБОВ .....	119
Усмон ЁҚУБОВ .....	120
Камол Давлатович ЖАМОЛОВ .....	121
Владимир Васильевич ЖЕНЧЕНКО .....	122
Иван Егорович ЖУДОВ .....	123
Ўрзобой ЖУМАНИЁЗОВ .....	124
Николай Фёдорович ЗАБРОДИН .....	125
Николай Николаевич ЗАВРАЖНОВ .....	126
Александр Павлович ЗЕЙБЕРЛИН .....	127
Мухаммад Султангирович ЗИАНГИРОВ .....	128
Абрам Моисеевич ЗИНДЕЛЬС .....	129
Иван Гордеевич ЗИНЕНКО .....	130
Иван Сидорович ЗУБКОВ .....	131
Егор Иванович ИВАНИН .....	132
Борис Андреевич ИВАНОВСКИЙ .....	133
Юрий Дмитриевич ИВЛИЕВ .....	134
Наги ИЛЁСОВ .....	135
Степан Петрович ИЛЬИН .....	136
Александр Иванович ИСИПИН .....	137
Эшонқул ИСМОИЛОВ .....	138
Абдулазиз Даминович ЙЎЛДОШЕВ .....	139
Файзулла ЙЎЛДОШЕВ .....	140
Константин Фёдорович КАЗАКОВ .....	141
Жумагали КАЛДИКАРАЕВ .....	142
Анвар Мадиевич КАЛИЕВ .....	143
Василий Иванович КАРАУЛОВ .....	144
Гулом КАРИМОВ .....	145
Владимир Васильевич КАРПОВ .....	146

Иван Петрович КАРПОВ .....	147
Сурен Акопович КАСПАРЯН .....	148
Тоганбай КАУМБАЕВ .....	149
Михаил Никифорович КЕЛЬЧИН .....	150
Василий Васильевич КИБАЛКО .....	151
Иван Платонович КИРПИЧЕНКО .....	152
Сергей Семёнович КИСЕЛЁВ .....	153
Дмитрий Иванович КОВАЛЬ .....	154
Павел Максимович КОВТУН .....	155
Иван Михайлович КОЛОДИЙ .....	156
Василий Алексеевич КОЛЯДА .....	157
Иван Яковлевич КОНДРАТЕЦ .....	158
Иван Павлович КОПИЛОВ .....	159
Василий Харитонович КОРНЕЙКО .....	160
Фёдор Михайлович КОСТИКОВ .....	161
Станислав Иванович КОСТРОВ .....	162
Михаил Тимофеевич КОШЕЛЕВ .....	163
Николай Иванович КОШЕЛЕВ .....	164
Иван Федотович КРАШЕНИННИКОВ .....	165
Сергей Васильевич КРИВЦОВ .....	166
Виктор Петрович КУЗНЕЦОВ .....	167
Анатолий Наумович КУЗЬМИН .....	168
Владимир Кузьмич КУЛЕШОВ .....	169
Иван Данилович КУРГАНСКИЙ .....	170
Василий Николаевич ЛАГУТИН .....	171
Семён Архипович ЛАРИОНОВ .....	172
Рафаил Фроимович ЛЕВ .....	173
Григорий Михайлович ЛЕВИН .....	174
Иван Михайлович ЛЕОНОВ .....	175
Иван Карпович ЛИПЧАНСКИЙ .....	176
Иван Михайлович ЛОБАНОВ .....	177
Евгений Александрович ЛОБАНОВ .....	178
Сулги ЛУТФУЛЛИН .....	179
Алексей Ильич ЛЮБИМОВ .....	180
Борис Александрович МАЙСТРЕНКО .....	181
Пётр Фёдорович МАКАРОВ .....	182
Василий Иванович МАКСИМЕНКО .....	183
Виктор Александрович МАЛЯСОВ .....	184
Константин Васильевич МАНОШИН .....	185
Лев Маркович МАРГУЛЯН .....	186
Фёдор Иванович МАТВЕЕВ .....	187
Николай Ефимович МАТВИЕНКО .....	188
Иван Фёдорович МАХОРИН .....	189
Григорий Зельманович МАЦ .....	190
Алексей Захарович МАШКОВ .....	191
Игорь Анатольевич МАШКОВ .....	192
Жёра МАХМУДОВ .....	193
Рожан (Равшан) МАХМУДОВ .....	194
Набијон МИНГБОЕВ .....	195
Тұхтасин МИРЗАЕВ .....	196
Михаил Андреевич МИХУТКИН .....	197
Михаил Яковлевич МНИШЕНКО .....	198

Александр Петрович МОИСЕЕВ .....	199
Сергей Анисимович МОРДВИНЦЕВ .....	200
Михаил Фёдорович МУРАШКИН .....	201
Газиз Габидуллович МУРЗАГАЛИМОВ .....	202
Ибрай (Иброхим) Хусаинович МУРЗИН .....	203
Бекир Дурсунович МУСТАФАЕВ .....	204
Григорий Никифорович МУХА .....	205
Александр Сергеевич МЯСНИКОВ .....	206
Вали Набиевич НАБИЕВ .....	207
Иноят НАВРҮЗБОЕВ .....	208
Түйчи НАЗАРОВ .....	209
Филипп Трофимович НИЖУРИН .....	210
Константин Степанович НИКИФОРОВ .....	211
Василий Корнеевич НОВИКОВ .....	212
Нажиб (Наджим) Нугманович НУГАЕВ .....	213
Пиримқұл НУРМАНОВ .....	214
Сатим НУРМЕТОВ .....	215
Плис Кольгельдиевич НУРПЕЙСОВ .....	216
Николай Игнатьевич ОРТИНСКИЙ .....	217
Константин Матвеевич ПАВЛОВ .....	218
Юрий Николаевич ПАВЛОВ .....	219
Михаил Михайлович ПАНФИЛОВ .....	220
Николай Трофимович ПАСОВ .....	221
Пётр Михайлович ПАХОМОВ .....	222
Александр Степанович ПЕШАКОВ .....	223
Василий Маркелович ПИМЕНОВ (ПИМОНОВ) .....	224
Тимофей Зиновьевич ПИНЧУК .....	225
Андиран Абрамович ПИШЧУЛИН .....	226
Александр Яковлевич ПЛЕШАКОВ .....	227
Николай Иванович ПОЛАГУШИН .....	228
Сергей Иванович ПОЛЕЖАЙКИН .....	229
Павел Сергеевич ПОНОМАРЁВ .....	230
Владимир Борисович ПРИГОВ .....	231
Герман Иванович ПУЧКОВ .....	232
Иван Максимович ПЯТКОВСКИЙ .....	233
Нарзи РАЖАБОВ .....	234
Абдусаттор РАҲИМОВ .....	235
Азим РАҲИМОВ .....	236
Василий Григорьевич РЕМИЗОВ .....	237
Павел Максимович РЖЕВСКИЙ .....	238
Денис Филипович РЗЯНИН .....	239
Василий Иванович РИБАЛКО .....	240
Павел Антонович РИНДИН .....	241
Константин Герасимович РОДЕНКО .....	242
Николай Иванович РОЗОВ .....	243
Николай Яковлевич РУДАКОВ .....	244
Амирали САЙДБЕКОВ .....	245
Гатаулла Салихович САЛИХОВ .....	246
Дмитрий Александрович САМОЙЛОВ .....	247
Ольга Александровна САНФИРОВА .....	248
Борис Петрович САПУНКОВ .....	249
Николай Андреевич САРАЕВ .....	250

Александр Григорьевич СВИДЕРСКИЙ .....	251
Николай Давидович СВИНАРЧУК .....	252
Александр Иванович СЕМИКОВ .....	253
Иосиф Ильич СЕРДЮКОВ .....	254
Лутфулла Сибаевич СИБАГАТУЛЛИН .....	255
Александр Васильевич СИДОРОВ .....	256
Пётр Иванович СИЗОВ .....	257
Александр Михайлович СИМАНОВ .....	258
Павел Алексеевич СКОПИН .....	259
Анатолий Маркович СКОРОБОГАТОВ .....	260
Аркадий Александрович СМИРНОВ .....	261
Абрам Ефимович СМОЛЯКОВ .....	262
Александр Иванович СОЛОМАТИН .....	263
Гемел Михайлович СТАНКЕВИЧ .....	264
Елена Константиновна СТЕМПКОВСКАЯ .....	265
Владимир Фёдорович СТРЕЛЬЦОВ .....	266
Прокофий Аверьянович СТРЕНАКОВ .....	267
Борис Николаевич СУРОВЦЕВ .....	268
Кудрат СУЮНОВ .....	269
Кенилбай ТАСҚУЛОВ .....	270
Василий Фёдорович ТИТОВ .....	271
Борис Ермилович ТИХОМОЛОВ .....	272
Константин Андреевич ТИХОНОВ .....	273
Георгий Сергеевич ТОМИЛОВСКИЙ .....	274
Мамадали ТОПИБОЛДИЕВ .....	275
Пётр Афанасьевич ТРАЙНИН .....	276
Александр Данилович ТРОШКОВ .....	277
Михаил Тимофеевич ТУМАКШИН .....	278
Күчкор ТУРДИЕВ .....	279
Алексей Николаевич ТЮЛЬГА .....	280
Жўракул ТЎРАЕВ .....	281
Облакул Ўрозбоевич УЗОҚОВ .....	282
Солих Хусанович УМАРОВ .....	283
Шодмон Умарович УМАРОВ .....	284
Абдулҳак Сагитович УМЕРКИН .....	285
Мухитдин УМУРДИНОВ .....	286
Константин Исаакович УРЖУНЦЕВ .....	287
Жўрахон УСМОНОВ .....	288
Ислом УСМОНОВ .....	289
Евгений Дмитриевич УТКИН .....	290
Андрей Ефремович ФАТЬЯНОВ .....	291
Михаил Гиясович ФАЯЗОВ .....	292
Миля Лазаревич ФЕЛЬЗЕНШТЕЙН .....	293
Вильдан Сайдович ХАБИЕВ .....	294
Сапар ХУШНАЗАРОВ .....	295
Эрнафас ХЎЖАЕВ .....	296
Михаил Павлович ЧАРИКОВ .....	297
Алексей Тихонович ЧЕРЕВАТЕНКО .....	298
Яков Дмитриевич ЧЕРЕМНОВ .....	299
Сергей Фёдорович ЧЕРНИКОВ .....	300
Вальдемар Сергеевич ШАЛАНДИН .....	301
Акром Беляевич ШАМКАЕВ .....	302



Михаил Фирсович ШАПОЧКИН .....	303
Николай Александрович ШАРАБАРИН .....	304
Иван Константинович ШАУМЯН .....	305
Николай Прокофьевич ШЕЛУХИН .....	306
Михаил Васильевич ШЕНИКОВ .....	307
Михаил Петрович ШИБАЕВ .....	308
Геннадий Фадеевич ШЛЯПИН .....	309
Шоди ШОИМОВ .....	310
Остонакул ШОКИРОВ .....	311
Александр Иосифович ШУВАЕВ .....	312
Андрей Федотович ШУКИН .....	313
Аҳмаджон ШУКУРОВ .....	314
Калманис Маушович ШУРАС (Калман Маушович ШУР) .....	315
Василий Филиппович ШЧАДИН .....	316
Боис Ҳамидович ЭРГАШЕВ .....	317
Шариф ЭРГАШЕВ .....	318
Абдусаттор ЭШОНҚУЛОВ .....	319
Иван Степанович ЮФИМОВ .....	320
Израиль Семёнович ЯКУБОВСКИЙ .....	321
Илёс ЎРОЗОВ .....	322
Қўчкор ҚАРШИЕВ .....	323
Очил ҚОДИРОВ .....	324
Элбой ҚОРАБОЕВ .....	325
Жуман ҚОРАҚУЛОВ .....	326
Сайдусмон ҚОСИМХЎЖАЕВ .....	327
Алексей (Абдулла) Абдурахмонович ҚУРБОНОВ .....	328
Аҳмаджон ҚУРБОНОВ .....	329
Алим Ҳакимович ҲАКИМОВ .....	330
Незматжон ҲАКИМОВ .....	331
Мўйдин Юнусович ҲАСАНОВ .....	332
Зиёмат Усмонович ҲУСАНОВ .....	333

**ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ  
“СЛАВА” (“ШУХРАТ”) ОРДЕНИ ТЎЛИҚ СОҲИБЛАРИ**

Сайднаби АБДУРАҲМОНОВ .....	336
Рахим АВЕЗМУРАТОВ .....	337
Ахмет АЛЛАБЕРДИЕВ .....	338
Алимбай АМАНБАЕВ .....	339
Ефим Петрович БЕСПАЛОВ .....	340
Фани Валиевич ВАЛИЕВ .....	341
Александр Иванович ВЕЛИЧКО .....	342
Анатолий Анисимович ВОЛОСАТОВ .....	343
Игорь Георгиевич ГОЛИКОВ .....	344
Николай Иванович ГОЛУБНИЧИЙ .....	345
Григорий Аванесович ГРИГОРЬЯН .....	346
Алексей Трофимович ГРИЦЕНКО .....	347
Юрий Михайлович ГРИШИН .....	348
Ахат Габдулхаевич Даутов .....	349
Алексей Андреевич Дашков .....	350
Андрей Яковлевич Диров .....	351
Иван Тимофеевич ЕГОРОВ .....	352

Михаил Акимович ЕДРЁНКИН .....	353
Александр Дмитриевич ЕМЕЛЬЯНОВ .....	354
Холмат ЖАЛОЛОВ .....	355
Абдулхамид ЖАМОЛОВ .....	356
Александр Михайлович ЗАИКА .....	357
Виктор Васильевич ЗИМИН .....	358
Мстислав Борисович ИВАНОВ .....	359
Александр Яковлевич ИЛЬИН .....	360
Юрий Васильевич КАЛАШНИКОВ .....	361
Михаил Михайлович КАПИТОНОВ .....	362
Али Каримович КАРИМОВ .....	363
Мүмин КАРИМОВ .....	364
Пётр Тимофеевич КОСЕНКО .....	365
Анатолий Петрович КОСТИН .....	366
Иван Семёнович КРАСИКОВ .....	367
Александр Васильевич КУРИШЕВ .....	368
Виктор Фёдорович ЛАНДИЧЕНКО .....	369
Николай Степанович ЛОБАНОВ .....	370
Александр Владимирович ЛЮБИМОВ .....	371
Минур Иса ўғли МАМЕДОВ .....	372
Шокир Фотиҳовиҷ МАННОНОВ .....	373
Зубайдулло МАРУПОВ .....	374
Исройл МУРЗАЕВ .....	375
Тимур Гарафутдинович НАЗМУТДИНОВ .....	376
Александр Трофимович НЕРОБОВ .....	377
Сайд НИЁЗОВ .....	378
Бултур ОМОНОВ .....	379
Владимир Михайлович ОРЕШНИКОВ .....	380
Абдурашид ПАРПИЕВ .....	381
Игорь Петрович ПЭН .....	382
Сангин ПОЧЕУМАРОВ .....	383
Бахром РАВШАНОВ .....	384
Тожибой РЕЖАПОВ .....	385
Алексей Семёнович РЯБОШЛИК .....	386
Раймо Кошанович САИПНАЗАРОВ .....	387
Гарафутдин Салахутдинович САЛАХУТДИНОВ .....	388
Мүмин Зокирович САЛОМОВ .....	389
Николай Иванович СЕСНЕВ .....	390
Абдухол ТАНГМАТОВ .....	391
Нестер Максимович ТВЕРДОХЛЕБ .....	392
Иван Фёдорович ТИТОВ .....	393
Александр Илларионович ТКАЧЁВ .....	394
Анатолий Акимович ТКАЧЕНКО .....	395
Алексей Павлович ТОКАРЕВ .....	396
Рифкат Галимзянович ТҮҚАЕВ .....	397
Алкар Джангелович УНГАРОВ .....	398
Тлеумурат УТЕМУРАТОВ .....	399
Михаил Васильевич УТКИН .....	400
Жолдасбай ХАЛИМБЕТОВ .....	401
Нуъмонжон Саъдуллаевич ШАРИПОВ .....	402
Йўлдош ЭРГАШЕВ .....	403
Насим ҲАСАНОВ .....	404
Хурмат Ҳамзеевич ҲУСАИНОВ .....	405



# **ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ**



«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2020

Муҳаррир Қодиржон Қаюмов  
Бадиий муҳаррир Баҳром Бобожонов  
Рассомлар: Ширин Абилхайирова,  
Нилуфар Тўйчихонова, Анвар Мусахўжаев  
Техник муҳаррир Ойгул Фозилова  
Саҳифаловчи Mastura Atxamova

**Нашриёт лицензияси: АI № 201, 28.08.2011 йил.**

Босишига рухсат этилди 29.04.2020. Қофоз бичими 70x100<sup>1/16</sup>.  
«Times New Roman» гарнитураси. Шартли босма табоғи 25,75.

Нашриёт-хисоб табоғи 33,0. Адади 2000 нусха.  
Буюртма № Келишилган нархда.

**«KOLOR PAK» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳар, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8.**